


МАКРОИҚТЫСОДИЁТ АМАЛИЙ ҚҰЛЛАНМА





Иқтисодий тадқиқотлар маркази

МАКРОИҚТЫСОДИЁТ

Макконнелл К.Р., Брю С.Л.
“Экономикс” дарслигига амалдай қўлланма

МАСАЛАЛАР

ТЕСТЛАР

ВАЗИЯТЛАР

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан
тегишли олий ўкув юрглари талабалари учун
“Макроиқтисодиёт” фани бўйича
ўкув қўлланма сифатида тавсия қилинган

65.012.2я7

М18

Ушбу амалий қўлланма
Иқтисодий тадқиқотлар маркази ва
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети
томонидан нашрга таёrlаниб
Ўзбекистон Очиқ Жамияти Институти
кўмагида чоп этилган

Таҳририй кенгаш: профессор Сайдова Г.К., Қосимова С.Х., Хўжаев Х.С..

М18 Макроиқтисодиёт: Амалий қўлланма/ Тарж. рус тилидан: Х.С. Хўжаев,
С.Х. Қосимова; Таҳририй кенгаш: Г.К. Сайдова, Х.С. Хўжаев, С.Х. Қосимова. - Т.:
«Иқти содиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2001.- 197 б. Сарлавҳада: Иқтисодий тадқиқотлар
маркази.

Ушбу амалий қўлланма иқтисод бўйича кенг тарқалган К. Макконнелл, С. Брю ва П.
Самуэльсон, Р. Нардхаузларнинг "Экономикс" дарслеклари асосида яратилган ва уларга ило-
ва ҳисобланади. У иқтисод фанларининг стакчи соҳаларидан бирни бўлган макроиқтисодиёт
назариясини ўрганаётган ва ўқитаётгандар учун мўлжалланган.

Амалий қўлланмадаги топшириқлар тизими талабаларга улар фанни қанчалик ўзлаш-
тирганиларини мустақил аниқлаш, ўқитувчига эса талабалар билминни тез ва объектив
баҳолаш имконини беради.

Қўлланма "Макроиқтисодиёт" фани бўйича олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари талаба-
лари учун мўлжалланган.

ББК 65.012.2я7

260 - 2001

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Республикасининг Давлат кутубхонаси

Нусха 520

Карт. нусхаси 1040

Сўзбоши

Ушбу китоб,—уни “амалий қўлланма” деб атадик,—иқтисодиёт назарияси асослари, яъни Economicsnинг ўрганаётган ва ўқитаётганлар учун мўлжалланган.

Китоб зеҳн ва ақлни машқ қилдиришга қаратилган бўлиб, унинг бош мақсади иқтисодиёт фанининг моҳияти, унга хос бўлган итама ва тушунчаларни ўзлаштиришни осонлаштиришдан иборат.

Кўйилган масалаларни ечиш ҳамда конкрет вазиятларга баҳо бериб бориш жараённида, сиз турли иқтисодий таҳлил услубларидан фойдаланиш, иқтисодий воқеликни мустақил таҳлил эта олишини ўрганиб борасиз.

Фарб мамлакатларида нашр этилган бундай қўлланмалар, одатда микро- ва макроиқтисодиёт бўйича маълум бир дарсликка бевосита боғланган бўлиб, унинг асосий услугбий йўналиши, таркиби, мураккаблик даражасини акс эттиради. Ўзбекистонда эса бозор иқтисодиётининг назарий асосларига бағишлиланган дарсликлар энди яратилаётгани туфайли, биз назарда тутаётган амалий-услубий қўлланмалар ҳам хозирча йўқ. Шунга кўра таклиф этилаётган китобнинг бундай “мустақил”лиги ўзининг салбий томонларига ҳам эга, албатта. Бироқ у макроиқтисодий муаммоларни таҳлил қилиш мантиқини бузмаган ҳолда, асосан Economicsnинг умумий кириш курсига киритилган мавзуларни танлаб олиш имконини беради.

Қўлланма таркиби

Ушбу китоб Economicsnинг макроиқтисодиёт масалаларига оид 16 мавзуни ўз ичига олади.

Ҳар бир мавзу кириш қисми билан бошланиб, унда асосий саволлар ва улар таҳлилиниң мантиқига алоҳида эътибор қаратилади. Бироқ у, юқорида айтиб ўтганимиздек, муаммо мазмунининг муфассал таҳлилини берган дарслик ёки бошқа ишларнинг ўрнини мутлақо босолмайди.

Барча мавзуларда топшириқларнинг тузилиши бир хил бўлганлиги учун уларни қандай бажариш кераклиги тўғрисидаги тавсиялар фақат биринчи мавзуда берилган.

Ўқув топшириқлари “Асосий атамалар ва тушунчалар” бўлимида бошланади. Бу бўлимнинг асосий мақсади ўқувчига назарий иқтисодиётининг кенг қўлланиладиган асосий атамалари ва тамойилларини қандай билиши ҳамда тушунишини текшириб кўриш имконини беришдан иборат.

Иккинчи бўлим “Машҳар” деб аталади. Машҳарни бажаришда иқтисодий таҳлил воситаларидан фойдалана билиш, оддий иқтисодий масалаларни еча олиш, аниқ саволларга жавоб беришда назарий билимларни қўллай олиш талаб этилади.

Учинчи ва тўртинчи бўлимларнинг (“Тестлар” ва “Тўғри/Нотўғри”) мақсади – икки хил йўл билан синовдан ўтказиш. Булардан биринчиси таклиф этилаётган бир неча жавоблардан ягона тўғрисини танлашни ва иккинчиси таклиф этилаётган жавобларнинг тўғри ёки нотўғрилигини баҳолашни талаб этади.

Бешинчи бўлим – “Муаммолар” – маълум вазиятни мустақил баҳолаш, иқтисодиётдаги мавжуд боғлиқларни тушуниш, иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблай олиш ва шу каби бошқа масалаларни ўз ичига олади. Агар бу масалаларни биринчи урининда ҳал эта олмасангиз, ноумид бўлманг, чунки баъзи масалаларнинг мураккаблик даражаси анча юқори. Балки уларни гуруҳларда муҳокама қилиш ва жамоа бўлиб қарор қабул қилиш лозим бўлар.

Ҳар бир мавзу сўнгидаги топшириқлардан кейин “Жавоблар ва шарҳлар” бўлими келтирилган.

Ушбу китоб билан ишлашда маълум қойдаларга риоя этиши лозим:

1. Амалий топшириқларга ўтишдан олдин, масаланинг назарий томонини тушуниб олинг.

2. Топшириқларни бажаришда изчилилк тамоилилита таянинг, чунки уларнинг кетма-кетлигигида ички мантиқ бор, шунга кўра мураккаблик ҳам аста-секин ўсиб боради.

3. Жавобларни аниқлашада ўзингизча “топқирлик” қўлманг ёки ўз ечимингизни тайёр жавобга “мослаштиририш”га уринманг. Чунки ҳар бир топшириқни бажариш масала ечимининг, таъланган жавобнинг, ҳисоб-китобнинг тўғрилигини исботловчи тизимни тақозо этади.

Биз ишнимизда АҚШ ва Буок Британияда нашр этилган микро- ва макроиктисодиёт асосларига оид турли дарсликлар учун тузилган қўлланма (Study Guide) дан фойдаландик.

Ушбу нашр бизнинг республикамизда биринчи бор амалга оширилаётганлигини ҳисобга олиб, биз ўзининг мулоҳазаларини билдирган, маслаҳат ва тавсияларини берган барча кишилардан миннатдор бўламиз.

МУНДАРИЖА

1-мавзу.	Миллий ишлаб чиқариш, миллий даромаднинг ҳажми ва нарх даражасини ҳисоблаш.....	6
2-мавзу.	Макроиктисодий нобарқарорлик: ищизлик ва инфляция.....	18
3-мавзу.	Жами талаб ва жами таклиф.....	29
4-мавзу.	Истемол ва инвестициялар.....	41
5-мавзу.	Классик ва Кейнс моделларида ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми.....	53
6-мавзу.	Бюджет-солиқ (фискал) сиёсати.....	68
7-мавзу.	Иқтисодиётнинг даврий тебранишлари.....	84
8-мавзу.	Пуллар ва банк тизими.....	94
9-мавзу.	Пул таклифида банкларнинг тутган ўрни.....	106
10-мавзу.	Кредит-пул сиёсати.....	118
11-мавзу.	Альтернатив қараашлар: монетаризм ва оқилона умидлар.....	131
12-мавзу.	Инфляция ва ищизлик ўртасидаги боғлиқлик: кейнсчилар, неоклассиклар ва таклиф иқтисоди назарияси тарафдорларининг нуқтаи назарлари.....	142
13-мавзу.	Бюджет тақчиллиги ва давлат қарзлари.....	153
14-мавзу.	Иқтисодий ўсиш.....	161
15-мавзу.	Халқаро савдо ва савдо сиёсати.....	172
16-мавзу.	Тўлов баланси ва валюта курслари.....	186

1 мавзу

МИЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, МИЛЛИЙ ДАРОМАДНИНГ ҲАЖМИ ВА НАРХЛАР ДАРАЖАСИНИ ҲИСОБЛАШ

Мамлакат иқтисодий ҳолатининг таҳлили маҳсулотнинг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми, миллий даромад, жамият даромадлари ва харажатлари таркибини акс эттирувчи миллий ҳисоблар тизимиға асосланади.

Миллий ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисоблашнинг асосий күрсаткичи бўлиб ялпи миллий маҳсулот ёки қисқача ЯММ хизмат қиласиди. У иқтисодиётда бир йилда ишлаб чиқарилган барча пировард товар ва хизматларнинг бозор қиймати йигиндиси сифатида аниқланиб, бунда барча ноишлаб чиқариш битимлари (молиявий ёки пировард маҳсулотни қайта сотиш билан боғлиқ битимлар) истисно қилинади. ЯММни ҳисоблаганди, кейинчалик қайта ишлашга ёки қайта сотишга мўлжалланган оралиқ маҳсулотлар ҳисобга олинмайди. Бу ишлаб чиқариш кўламини орттирувчи такрорий ҳисобдан қутулишига имкон беради. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқарishнинг бозор қиймати иқтисодиётдаги барча фирмалар томонидан яратилган қўшилган қийматлар йигиндишига тенг. ЯММни икки хил усул билан ҳисоблаш мумкин: 1) жорий йилда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни сотиб олиш учун жамият томонидан сарфланган барча харажатлар йигиндиси сифатида; 2) жорий йилда маҳсулотни ишлаб чиқариш натижасида олинган пул даромадларининг йигиндиси сифатида. ЯММни ҳисоблашда ҳисобга олинадиган жамият харажатларининг асосий таркибий қисмларига шахсий истеъмол харажатлари, ялпи ички инвестициялар, товар ва хизматларни харид қилиш учун сарфланган давлат харажатлари ва соф экспорт киради.

Жамият даромадига капитал истеъмолига ажратмалар (амортизация), билвосита солиқлар, ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи, ижара тўловлари, фойзлар, мулкдан келган даромад ва корпорациялар фойдаси киради. ЯММ фақат пировард товар ва хизматлар қийматини акс эттираса-да, такрорий ҳисобдан холи эмас, чунки у ялпи инвестицияларни ва, хусусан, амортизация ажратмаларини ўз ичига олади. Шунинг учун миллий ишлаб чиқаришни аниқроқ ҳисоблашда соф миллий маҳсулот (СММ) кўрсаткичи қўлланилади. У ЯММдан амортизация миқдори билан фарқ қиласиди, яъни фақат соф инвестицияларни ўз ичига олади.

Мамлакат миллий даромади йил давомида яратилган қўшилган қиймат асосида ҳисобланади. У барча ишлаб чиқариш омиллари нархларининг йигиндиси билан ўлчаниб, жамиятнинг соф даромадини ифодалайди. Шунинг учун миллий даромад миқдори СММдан билвосита солиқларнинг айирмасига тенгdir.

Ишлаб чиқариш омиллари эгаларининг нуқтаи назарига кўра миллий даромад бу ишлаб топилган даромаддир. Бироқ улар бу даромаддан, биринчидан, ижтимоий сугурта бадалларини, фойдадан олинадиган солиқларни тўлашлари ва даромаднинг маълум қисмини ишлаб чиқаришга йўналтиришлари лозим, иккинчидан, уларга тегишли ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишга алоқаси бўлмаган даромадлар (масалан, трансферт тўловлари)ни олишлари мумкин. Шу сабабларга кўра, шахсий (олинган)

даромад миллий даромадга тенг келмайди. Шахсий даромад миллий даромаддан ижтимоий сугурта бадалларини, корпорациялар фойдасидан солиқларни, тақсимланмаган фойдани чегириб ташлаб, трансферт тұловлари құшилған миқдорига тенг. Бироқ, шахсий даромад, үз навбатида, уй хұжалигининг якуний даромадидан күпроқдир. Шахсий даромад әгалари давлатга якка тартибдаги солиқларни тұлашлари лозим. Шундан кейингина уларда истемол ва жамғарышта йұналтириладиган даромад, яни үз ихтиеридаги даромад қолади.

Миллий ишлаб чиқарышнинг макроиқтисодий күрсаткичлари бозор нархларида ифодаланади. Улар жорий нархларда (жорий йыл нархларида) үлчанганда, уларнинг миқдори номинал ифодага зерттеуде болады. Агар доимий нархлар құлланилса, улар реал миқдорға зерттеуде болады. ЯММ, СММ ва миллий ҳисобларнинг бошқа күрсаткичларининг номинал ва реал миқдорлари ўртасида нархлар даражасининг үзгаришлари билан бөлік сезиларлы фарқлар бўлиши мумкин.

Миллий ишлаб чиқариш ҳажмидаги реал үзгаришларни аниқлаш учун (агар нархлар күтарилилса) инфляциялаш ва (агар нархлар пасайса) дефляциялаш усулларидан фойдаланиш зарур. ЯММни инфляциялаш ёки дефляциялашнинг энг содда усули бу номинал ЯММни нархлар индексига (ЯММ дефляторига) бўлишdir.

ЯММ, СММ, миллий даромад күрсаткичларининг мамлакат иқтисодий ҳолатининг таҳлилидаги аҳамиятини таъкидлаб, шунга ҳам эътиборни қараташ лозимки, улар жамият моддий фаровонлиги ҳақидағина маълумот беради, бироқ жамиятнинг реал фаровонлитини тўлиқ ифода этолмайди. Ҳатто, миллий ишлаб чиқариш ҳажмини тўлиқ ифодаловчи ЯММ күрсаткичи ҳам фаровонликка анча сезиларли таъсир күрсатувчи омилларни ҳисобга олмайди. Бундай омиллар бозордан ташқари операциялар, маҳсулотнинг сифат күрсаткичлари, ЯММни тақсимлашнинг ифодаси, атроф-муҳит ҳолати, яширип иқтисодиёт ва шу кабилардир. Бундай омилларни ҳисобга олиш учун соғ иқтисодий фаровонлик тушунчаси киритилади.

Ўқув мақсадлари

1. Макроиқтисодий таҳлилда миллий ҳисоблар тизимининг аҳамиятини аниқлаш.
2. ЯММ ва СММларнинг миллий ишлаб чиқарышнинг асосий күрсаткичлари сифатидаги моҳиятини тушунтириш.
3. Якуний ва оралиқ маҳсулотлар ўртасидаги фарқни тушунтириш ҳамда тақрорий ҳисоб муаммосини очиб бериш.
4. ЯММни ҳисоблашнинг икки усули ва жамият даромадлари ҳамда харажатлари таркибини күрсатиб бериш.
5. Жамият даромадларини ўлчовчи асосий күрсаткичларни тавсифлаш.
6. Умумий нарх даражасини ўлчаш йўлини тушунтириш ва номинал ҳамда реал ЯММ ўргасидаги фарқни күрсатиш.
7. Жамиятнинг соғ иқтисодий фаровонлиги тушунчаси нимани билдириши ва унинг СММдан фарқини тушунтириш.

АСОСИЙ АТАМА ВА ТУШУНЧАЛАР

Қуйида келтирілген ва рақамлар билан белгиланған ҳар бир қоиддани ифодаловчи мос атама ёки тушунчани топинг.

- а) соғ инвестициялар;
- б) ЯММни даромадлар оқими бўйича ҳисоблаш усули;
- в) давлат трансферлари;

- г) білвосита солиқтар;
- д) ижара ҳақи;
- е) ялпи милиций маңсулот ёки ЯММ;
- ж) шахсий даромад;
- з) тақрорий ҳисоб;
- и) күшилған қыймат;
- к) соғ милиций маңсулот ёки СММ;
- л) ялпи хусусий ички инвестициялар;
- м) шахсий истеъмол харажатлари;
- н) номинал ЯММ;
- о) амортизация;
- п) якуний маңсулот;
- р) нархлар индекси;
- с) соғ экспорт;
- т) иктиёрдаги даромад;
- у) ЯММни харажатлар оқими бўйича ҳисоблаш усули;
- ф) товар ва хизматларнинг давлат хариди;
- х) милиций даромад;
- ц) фоиз;
- ҷ) ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи;
- ш) ЯММни инфляциялаш ва дефляциялаш.

1. Мамлакатда бир йилда ишлаб чиқарилған барча якуний товар ва хизматларнинг умумий бозор қыймати.
2. Товар-моддий заҳираларини тўлдириш ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланған ишлаб чиқариш воситалари (машиналар, ускуналар, асбоблар, бинолар)га харажатлар.
3. Милиций ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисоблашда бир товар қийматининг оралиқ товарлар қиймати қўншилиши натижасида бир неча марта ҳисобга олинниши.
4. Шахсий даромаддан якка тартибдаги солиқларни чегириш.
5. Товар ва хизматлар экспортидан товар ва хизматлар импортини чегириш.
6. Якуний фойдаланиш учун сотиб олинган товар ва хизматлар (кейинчалик ишлаш, қайта ишлаш ёки қайта сотиш учун эмас).
7. Давлат томонидан алоҳида шахслар (оиласлар)га қайтариб олмаслик шарти билан бериладиган тўловлар.
8. Якуний маңсулотга кетган харажатларни жамлаш.
9. Ялпи инвестициялардан амортизацияни чегириш.
10. Якуний маңсулот ва хизматларга давлатнинг барча харажатлари (улар трансферт тўловларини ўз ичига олмайди).
11. Истеъмол буюмлари ва хизматларни сотиб олишга йўналтирилған уй хўжалиги харажатлари.
12. Жорий йилнинг жами мадсулотини ишлаб чиқаришдан олинган барча даромадларни жамлаш.
13. Ишлаб чиқарилған барча маңсулотнинг бозор нархидан уни ишлаб чиқаришда истеъмол қилинган хомащё ва материаллар қийматини чегириш.
14. Шу даврда истеъмол қилинган капитал қийматига тенг бўлган йиллик ажратмалар.
15. Фирма ўзининг ишлаб чиқариш харажатлари таркибига қўшадиган солиқлар: улар товар ва хизматлар нархини кўтариш йўли билан истеъмолчилар зиммасига юкланди.
16. Амортизация ажратмалари миқдорига камайтирилған ЯММ.

миллий шилаб чиқарни, миллий даромаднинг ҳажми

17. Мулкдорнинг кўчмас мулкдан оладиган даромади.
18. СММ дан билвосита солиқларни четириш.
19. Жорий йилдаги “бозор савати” ялпи баҳосининг асос қилиб олинган йилдаги “бозор савати” баҳосига нисбати.
20. Солиқ тўлангунча уй хўжалигига тушадиган даромад.
21. Иш ҳақи, хизмат ҳақи ва уларга устамалар.
22. ЯММ ҳажми. Жорий нархларда ифодаланган ЯММ ҳажми.
23. Реал ЯММ ҳажмини номинал ЯММни нархлар индексига бўлиш йўли билан аниқлаш йўллари.
24. Пулдан фойдаланганлик (ёки ссуда) учун тўлов.

МАШҚЛАР

1. АҚШнинг уч йил давомидаги номинал ЯММ миқдорини ифодаловчи маълумотлар 1.1-жадвалда кўрсатилган (млрд. доллар).

1.1-жадвал

Йиллар	Номинал ЯММ	Нархлар даражаси индекси (%)	Реал ЯММ
1929	104	121	-
1933	56	91	-
1939	91	100	-

- a) Берилган йиллардан қайси бири асос қилиб олинган йил ҳисобланади?
 - б) 1929 дан 1933 йилгача бўлган даврда нархлар даражаси қандай ўзгарди?
 - в) 1933 дан 1939 йилгача бўлган даврда нархлар даражаси қандай ўзгарди?
 - г) Ҳар бир йил учун ЯММни ҳисобланг ва қайси ҳолларда сиз ЯММ учун дефлятор ва инфляторни қўллаганингизни кўрсатинг.
2. 1.2-жадвал маълумотлари бўйича қўйидагиларни ҳисобланг.
- а) Даромадлар оқими бўйича ЯММ ҳажми.
 - б) Харажатлар оқими бўйича ЯММ ҳажми.
 - в) СММ ҳажми.
 - г) Миллий даромад ҳажми.

1.2-жадвал

ХИСОБ ВАРАК	млрд. доллар
Кредит учун фоиз	12
Ялпи хусусий инвестициялар	55
Иш ҳақи ва хизмат ҳақи	218
Корпорация фойдаси	113
Билвосита солиқлар, носолиқ мажбуриятлари ва хусусий тадбиркорлар тўлайдиган трансферт тўловлари	22
Ижарага олинган мулк эгаларига ижара тўловлари	20
Корпорация фойдасига солиқ	50
Товар ва хизматларнинг соф экспорти	9
Товар ва хизматларнинг давлат хариди	90
Соф хусусий инвестициялар	45
Мулкдан олинадиган даромад	21
Давлат корхоналарига соф субсидиялар	2
Аҳолига трансферт тўловлари	23
Истеъмол ҳаражатлари	260

3. Фараз қылайлык, милиций ишлаб чиқариш иккита товарни ўз ичига олади: X (истельмол товари) ва Y (ишлаб чиқариш воситалари). Жорий йилда 500 дона X (1 донасынинг баҳоси – 2 долл.) ва 20 дона Y (1 донасынинг баҳоси – 10 долл.) ишлаб чиқарылган. Жорий йилнинг охиригача фойдаланилаётган машиналарнинг 5 таси (товар Y) янгисига алмаштирилиши керак.

Хисобланг:

- а) ЯММ миқдорини;
- б) СММ миқдорини;
- в) Истельмол ва ялпи инвестициялар ҳажмини;
- г) Истельмол ва соф инвестициялар ҳажмини.

ТЕСТЛАР

Түғри жавобни топинг

1. Шахсий даромад бу:

- а) бир йилда ишлаб чиқарылган товар ва хизматлар қиймати;
- б) уй хўжалигининг бир йилда олган даромади;
- в) солиқ тўлангандан кейинги шахсий харажатлар учун мўлжалланган жами даромад;
- г) ушбу мамлакатда жойлашган хусусий манбалардан йигилган жамғарма миқдори;
- д) ЯММдан амортизацияни чегириш.

2. Куйида санаб ўтилганларнинг қайси бири ЯММ таркибига киради:

- а) уй бекасининг хизмати;
- б) қўшинисидан фойдаланилган автомобилни сотиб олиш;
- в) брокердан янги акцияларни сотиб олиш;
- г) маҳаллий китоб дўконидаги янги дарсликнинг қиймати;
- д) корпорациядан облигацияларни сотиб олиш.

3. Капитал истельмолига ажратмалар бу:

- а) соф инвестициялар;
- б) соф чет эл инвестициялари;
- в) амортизация;
- г) истельмол товарларини харид қилиш учун ишлатилиши мумкин бўлмаган жамғармалар;
- д) эгри йўллар билан шахсий эҳтиёжларни қондириш учун мўлжалланган маблағлар.

4. Агар миллий даромаддан корпорация фойдасига солиқни, тақсимланмайдиган фойдани ва ижтимоий суғуртага тўловларни чегирсак, сўнгра соф трансферт тўловларини қўйсак, ҳосил бўлган миқдор бу:

- а) шахсий даромад;
- б) амортизация;
- в) ялпи миллий маҳсулот;
- г) соф миллий маҳсулот;
- д) иҳтиёрдаги даромад.

5. Трансферт тўловлари бу:

- а) уй хўжаликларига тўланадиган ва улар томонидан эвазига товар ва хизматлар тақдим этиш кўзда тутилмаган тўловлар;
- б) фақат ҳукумат томонидан алоҳида шахсларга тўланадиган тўловлар;

- в) даромаднинг миллий даромадга кирмайдиган қисми;
- г) "а", "б", "в" нинг ҳаммаси түғри;
- д) ҳамма жавоблар нотўғри.

6. Ихтиёрдаги даромад бу:

- а) шахсий даромаддан якка тартибдаги солиқлар ва солиқдан ташқари тўловларни айриш;
- б) иш ҳақи, хизмат ҳақи, ижара ҳақи ва капиталга фоиз шаклидаги даромадни ўз ичига олувчи миқдор;
- в) иш ҳақи ва хизмат ҳақи, капиталга фоиз шаклидаги даромаддан шахсий даромадга солиқ миқдорининг айрмаси;
- г) "а", "б", "в"нинг ҳаммаси түғри;
- д) ҳамма жавоблар нотўғри.

7. ЯММ ва СММни аниқлашда такрорий ҳисоб қўйидагиларни қўшганда содир бўлади:

- а) пўлат эритиш ва қазиб олиш саноатида яратилган соф қўшилган қийматни;
- б) тегирмон ва нонвойлик саноатида заҳиралар ўсишини;
- в) темир рудаси ва пўлат ишлаб чиқариши;
- г) нонвойлик саноати ва унинг савдо шаҳобчасида яратилган қўшилган қийматни;
- д) сотиб олинган истеъмол товарлари ва ишлаб чиқариш воситаларининг умумий ҳажмини.

8. Миллий даромад ҳажмини аниқлашда санаб ўтилган кўрсаткичлардан қайсилари ишлатилмайди:

- а) корпорация фойдаси;
- б) давлат трансферт тўловлари;
- в) тадбиркорларнинг кредитта олган капитали учун тўлайдиган фоизлари;
- г) ижарадан олинган даромад;
- д) иш ҳақи ва хизмат ҳақи.

9. ЯММни ишлаб чиқаришда давлат секторининг ҳиссасини аниқлаш учун нима зарур?

- а) товар ва хизматларни сотиб олишга кетган давлат харажатлари ҳажмини ҳисоблаш;
- б) хизматлар жумласига кирмайдиган товарларга кетган давлат сарфлари миқдорини аниқлаш;
- в) оралиқ товарларга давлат сарфларини чиқариб ташлаган ҳолда, фақат якуний маҳсулот сотиб олиш билан боғлиқ давлат харажатларини ҳисобга олиш;
- г) давлатнинг фақат истеъмол товарларига харажатларини ҳисобга олиш;
- д) ҳамма жавоблар нотўғри.

10. ЯММ ва СММ миллий ҳисобларида "инвестиция" тушунчаси нимани билдиради?

- а) давлат корхонасида ишлаб чиқарилган ҳар қандай маҳсулот;
- б) ҳар қандай акцияни сотиб олиш;
- в) йил охирига заҳиралар ўсиши;
- г) истеъмолчи томонидан сотиб олинган, лекин йил охиригача тўлиқ истеъмол қилинмаган ҳар қандай товар;
- д) ҳамма жавоблар нотўғри.

11. Ишчилар яратган қўшилган қиймат йиғиндиси бўйича ҳисобланган яратилган ЯММдаги фирманинг ҳиссасини ҳисоблаш учун яратилган маҳсулотнинг бозор қийматидан нимани чегириб ташлаш зарур?

- а) давлатга тұланадиган барча билвосита солиқларни;
 б) тақсимланмаган фойдани;
 в) амортизацияни;
 г) башқа фирмаларға сотиш ҳажмини;
 д) ҳамма жавоблар нотүғри.
12. Нархлар индекси німа учун иштатилади:
 а) жорий ва үтгап йилдаги ишлаб чықарыш таркибидеги фарқни бақолаш учун;
 б) иккі түрли даврдаги "товар саваты"нинг бозор қийматидеги фарқини бақолаш учун;
 в) иккі түрли мамлакат нарх даражаларындағы фарқни бақолаш учун;
 г) улгуржи ва чакана нарх даражалары үртасидеги фарқни бақолаш учун;
 д) ҳамма жавоблар нотүғри.
13. Агар реал ЯММ 6% камайса, ақоли сони эса худди шу йили 3% қисқарса, унда:
 а) ақоли жон бошига реал ЯММ пасаяди;
 б) ақоли жон бошига реал ЯММ күпаяди;
 в) реал ЯММ ошади, номинал ЯММ эса пасаяди;
 г) номинал ЯММ үзгартылады;
 д) нархлар 3%га пасаяди.
14. Мислив даромад бу:
 а) C+I+G – трансферт түловлари + билвосита солиқлар;
 б) инвестициялар – жамғармалар;
 в) узок муддат фойдаланыладиган буюмлар ва хизматлар қиймати;
 г) шахсий даромад+якка тартибдеги солиқлар – давлат корхоналарига соф субсидиялар;
 д) ижара ҳақи, иш ҳақи, капиталга фоиз, мулқдан олинган даромад ва корпорация фойдаси.
15. Харажатлар йигиндеси бүйича ҳисобланған ЯММга қойылады күрсаткычлардан қайси бири кирилтілмайды?
 а) ялпы инвестициялар;
 б) C+I+G (C-истемол харажати, I-инвестициялар, G-давлат харажатлари);
 в) товар ва хизматларнинг соф экспорті;
 г) товар ва хизматларнинг давлат хариди;
 д) иш ҳақи ва хизмат ҳақи.
16. Ялпы хусусий инвестиациялар қойыладын ҳисоблашда ҳисобға олинади:
 а) даромадлар оқими усулы бүйича ЯММни;
 б) харажатлар оқими усулы бүйича ЯММни;
 в) харажатлар оқими усулы бүйича СММни;
 г) ўз ихтиёридеги даромадни;
 д) шахсий даромадни.
17. Иш ҳақи қойылады ҳолда ҳисобға олинади:
 а) даромадлар оқими усулы бүйича ЯММни ҳисоблашда;
 б) харажатлар оқими усулы бүйича ЯММни ҳисоблашда ;
 в) соф экспортни ҳисоблашда;
 г) давлат корхоналарига соф субсидияларни ҳисоблашда;
 д) ҳамма жавоблар нотүғри.

18. Фараз қиласиз, ЯММ 500 млрд. доллардан 600 млрд. долларгача, ЯММнинг дефлятори эса 125 дан 150 гача ошиди. Шундай шароитда реал ЯММ қуидагича бўлади:
- ўзгармайди;
 - кўпаяди;
 - камаяди;
 - мавжуд маълумотлар асосида ҳисоблаш мумкин эмас;
 - ҳамма жавоблар нотўғри.
19. Агар номинал ЯММ ва нархлар даражаси кўтарилса, унда:
- реал ЯММ ўзгармайди;
 - реал ЯММ нархлар даражасига нисбатан камроқ кўпаяди;
 - реал ЯММ қисқаради;
 - бу ахборот реал ЯММ ўзаришини аниқлашга имкон бермайди;
 - ҳамма жавоблар нотўғри.
20. Миллий даромад ва миллий маҳсулотни ҳисоблашда қуидатиларни қўшиш мумкин эмас:
- истеъмол харажатлари ва шахсий жамгарма;
 - соф инвестициялар ва истеъмол харажатлари;
 - корпорация фойдаси ва тадбиркорларнинг кредит учун фоиз тўловлари;
 - хукумат харидлари, иш ҳақи ва хизмат ҳақи;
 - истеъмол харажатлари ва ялпи инвестициялар.

ТЎГРИНОТЎҒРИ

Қуидаги таърифлар тўғри (Т) ёки нотўғри (Н) эканини аниқланг.

- Реал ЯММ – бу бир йилда ишлаб чиқарилган жорий нархларда ўлчангандан товар ва хизматлар қиймати.
- Истеъмол нархлари индекси “бозор савати”га киритилган товарлар нархи асосида ҳисобланади.
- Номинал ЯММнинг ҳам, реал ЯММнинг ҳам ҳажми фақат пул ифодасида ўлчаниши мумкин.
- Қўшилган қиймат ва якуний маҳсулот қиймати миқдорлари бир-бирига ўзаро тенг.
- Уй хўжалигининг янги уй қурилишига қилган харажати истеъмол харажатларига киради.
- Соф экспорт миқдори товар ва хизматлар экспортидан ушбу мамлакат импорти ҳажмининг айримасига тенг.
- Қўшилган қиймат ўз ичига иш ҳақини олади, лекин фойда миқдорини ҳисобга отмайди.
- Агар ушбу давр давомида нархлар ва даромад бир хил мутаносибликлла ўсса, реал даромад ўзгармайди.
- Миллий ишлаб чиқариш ҳажмини ўлчашда СММ ялпи маҳсулотга нисбатан афзалроқ, чунки уни ҳисоблаш осонроқ.
- ЯММнинг миқдори жамиятнинг соф иқтисодий фаровонлигини аниқ акс эттиради.
- Даромад оқими асосида ҳисобланган ЯММ харажатлар оқими асосида ҳисобланган ЯММга тенг.
- Қўшилган қиймат ҳисобланганда, фирманинг сотувдан тушган маблагидан сотиб олинган материаллар қийматини айриш керак, лекин иш ҳақи харажатларини айриш керак эмас.
- СММ миллий даромаддан амортизация миқдорига ортиқдир.

14. Шахсий ва ихтиёрдаги даромад миқдори тенгdir.
15. СММни ҳисоблашда уй бекасининг оиласа хизмат күрсатиш билан боғлиқ хизматлари ҳам ҳисобга олинади.
16. СММни ҳисоблашда соф инвестиция ҳисобга олинади.
17. Давлат хизматчиларининг маоши ЯММ ва СММни харажатлар оқими асосида ҳисоблашда ҳисобга олинади.
18. Трансферт тұловларини олаёттандар унинг эвазига давлатта бирор нима беришлири керак.
19. Агар нархлар 1989 йылдан 1993 йилгача бұлган даврда муттасил ошиб борган бұлса, у қолда 1989 ва 1993 йылдары СММ миқдорларини таққослаганда, 1993 йылда яратылған СММ номинал миқдорини инфляциялаш зарур.
20. Амортизация ажратмалари бұлмаганда, соф инвестиция миқдори мусбат (ёки 0 га тенг)dir.
21. СММни ва ЯММни харажат усули бүйіча ҳисоблашда шахсий жамғарма ҳисобга олинади.
22. Йиллар бүйіча СММ ўзгаришининг нисбий тақырыптарына солиширмаша нархлардан фойдаланып күзде тулади.
23. Товар заһираларини сотиш ятты ва соф инвестицияларнинг қысқаришига олиб келади.

МУАММОЛАР

1. Қуидаги маълумотлар берилған (млрд. долл.)

	Биринчи йыл	Иккинчи йыл
Яңғы қурилыш қиймати	5	5
Ишлаб чиқарылған асбоб-ускуналар қиймати	10	10
Ишлаб чиқарылған истеъмол товарлари қиймати	110	90
Истеъмол қилинған товарлар қиймати	90	110
Бинолар амортизацияси	10	10
Асбоб-ускуналар амортизацияси	10	10
Йил бошига истеъмол товарлари заһиралари	30	50
Йил охирига истеъмол товарлари заһиралари	50	30

а) Биринчи ва иккинчи йылдары ишлаб чиқарылған истеъмол товарлари ҳажми уларнинг истеъмол қилинған ҳажми билан тент әмас. Бу қар бир йил охиридаги заһиралар миқдорига қандай таъсир этади?

б) Юқорида берилған ахборот асосида қуидаги күрсаткышларни ҳисобланг:

2. ЯММ – 5000 долл. Истеъмол харажатлари – 3200 долл., давлат харажатлари – 900 долл., соф экспорт – 80 долл. Ҳисобланг:

а) Инвестиция миқдорини.

б) Экспорт 350 долл.га тенглигіда импорт миқдорини.

в) Амортизация 150 долл.га тенглигіда СММни.

г) Бу мисолда экспорт мусбат миқдор билан ифодаланған. У манфий ҳам бўлиши мумкинми? Қандай ҳолларда?

3. 1.3-жадвалда берилған маълумотлар бүйіча автомобилсозларнинг ЯММ яратишидағи ҳиссасини ҳисобланг.

1.3-жадвал

Ишлаб чықарыш	Сотувиниң якуни ўзбек тарифи (минг доллар.)	Ишлаб чықарини учурда тарур товарлар хардаги (минг доллар.)
Автомобиллар	1000	270
Ойна	100	12
Шина	120	30
Бўёқлар	20	0
Креслолар учун тилам қоплама	30	3

4. Қўйида берилган маълумотлар бўйича ҳисобланг:

- Ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи миқдорини.
- Соф экспорт миқдорини.
- Соф хусусий инвестициялар миқдорини.

	Биринчи йил	Иккиминги йил
ЯММ		
Истеъмол		
Ялпи инвестициялар		
СММ		
Истеъмол		
Соф инвестициялар		

	Млрд.долл.
Экспорт	367
Дивидендлар	60
Амортизация	307
Иш ҳақи ва хизмат ҳақи	1442
Товар ва хизматларнинг давлат хариди	577
Ижара ҳақи	33
Хусусий тадбиркорлар тўлайдиган билвосита солиқлар	255
Иш ҳақига ва хизмат ҳақига қўшимча тўловлар	280
Ялпи хусусий инвестициялар	437
Корпорация фойдасидан олинадиган солиқ	88
Трансферт тўловлари	320
Якка тартибдаги мулк эгаларининг даромади	132
Капитал учун фоизлар	201
Истеъмол харажатлари	1810
Импорт	338
Ижтимоий сүғуртага тўловлар	148
Тақсимланмайдиган фойда	55
Шахсий даромадга солиқ	372

ЖАВОБЛАР ВА ШАРХЛАР

Ассоий атамалар ва түшүнчалар

1. е; 2. л; 3. з; 4. т; 5. с; 6. п; 7. в; 8. у; 9. а; 10. ф; 11. м; 12. б; 13. и; 14. о; 15. г; 16. к; 17. д; 18. х; 19. р; 20. ж; 21. ч; 22. н; 23. ш; 24. ц.

Машқлар

1. а) 1939 йыл;
 - б) Нархлар 24,8% га пасайди.
 - в) Нархлар 9,9% га ошди.
 - г) 1929й. – 86 млрд. долл. дефлятор;
 - 1933й. – 62 млрд. долл. инфлятор;
 - 1939й – 91 млрд. долл. Бу базис йыл бўлгани учун, реал ЯММни аниқташда инфлятордан ҳам, дефлятордан ҳам фойдаланишинга талаб этмайди.

2. а) ЯММни даромадлар бўйича ҳисоблаши (млрд.долл.):
 - Иш ҳақи ва хизмат ҳақи (218)
 - + Мулкдан даромад (21)
 - + Ижара тўлови (20)
 - + Корпорациялар фойдаси (113)
 - + Кредит учун фоиз (12)
 - Давлат корхоналарига субсидиялар (2)
 - + Билвосита солиқлар, носолиқ мажбуриятлари ва хусусий тадбиркорлар тўлайдиган трансферт тўловлари (22)
 - + Капитал истеъмоли учун тўлов (ялпи инвестициялар – соф инвестиациялар) (10)

ЯММ = 414 млрд. долл.

б) Харажатлар бўйича ЯММни ҳисоблаш (млрд. долл.):

- Истеъмол харажатлари (260)
- + Ялпи хусусий инвестициялар (55)
- + Товар ва хизматларнинг давлат хариди (90)
- + Товар ва хизматларнинг соф экспорти (9)

ЯММ=414 млрд. долл.

в) СММ = ЯММ – капитал истеъмоли учун тўлов = $414 - 10 = 404$ млрд.долл.

Миллий даромад = СММ – билвосита солиқ, носолиқ мажбуриятлари ва тадбиркорлар тўлайдиган хусусий трансфертлар + давлат корхоналарига субсидиялар = $404 - 22 + 2 = 384$ млрд. долл.

3. а) 1200 долл.
- б) 1150 долл.
- в) 1000 долл.; 200 долл.
- г) 1000 долл.;150 долл.

Тестлар

1. б; 2. г; 3. в; 4. а; 5. а; 6. а; 7. в; 8. б; 9. а; 10. в; 11. д; 12. б; 13. а; 14. д; 15. д; 16. б; 17. а; 18. а; 19. г; 20. г.

Түғри/Нотұғри

1. Н; 2. Т; 3. Т; 4. Н; 5. Н; 6. Т; 7. Н; 8. Т; 9. Н; 10. Н; 11. Т; 12. Т; 13. Н; 14. Н; 15. Н; 16. Т; 17. Н; 18. Н; 19. Н; 20. Н; 21. Н; 22. Т; 23. Т.

Муаммолар

1. а) Биринчи йил охирига ўсиш; иккинчи йил охирига пасайиш.

Биринчи йил:

$\text{ЯММ} = 90 + 5 + 10 + (50 - 30) = 125$ [истемол+янги қурилиш+янги асбоб ускуналар +истемол товарлари заңыраларынан үзгаришлар].

Истемол=90. Ялпи инвестициялар =35.

$\text{СММ} = 125 - 10 - 10 = 105$ [ЯММ – (бино амортизацияси) – (асбоб-ускуналар амортизацияси)].

Истемол = 90. Соф инвестициялар = 15.

Иккинчи йил:

$\text{ЯММ} = 105$. Истемол = 110. Ялпи инвестициялар = -5.

$\text{СММ} = 85$. Истемол = 110. Соф инвестициялар = -25.

2. а) Инвестициялар = 820 долл. ($5000 - 3200 - 900 - 80$).

б) Импорт = 270 долл.

в) СММ=5000 -150=4850 долл.

г) Ҳа, агар импорт экспортдан күп бўлса.

3. 730 минг долл. ($1000 - 270$)

4. а) 1722 млрд. долл.

б) 29 млрд. долл.

в) 130 млрд. долл.

2 мавзу

МАКРОИҚТЫСОДИЙ НОБАРҚАРОРЛЫК: ИШСИЗЛИК ВА ИНФЛЯЦИЯ

Бозор тизимида иқтисодий нобарқарорлық мавжуд бўлиб, у иқтисодиетнинг даврий ривожланиши, ишсизлик, нархларнинг инфляцияга олиб келувчи ўсишида ифодаланади.

Иқтисодий давр асосан юксалиш, пасайиц, турғунык, жонланиш босқичларини ўз ичига олади, бироқ унинг интенсивиги, давомийлиги у ривожланаетган шароитларга боғлиқдир.

Фанда бозор иқтисодиети даврий ривожланишининг турли сабаблари илгари сурлади. Лекин, Кейнсан кейин, кўплаб иқтисодчилар ишлаб чиқариш ва бандлик динамикасини ялти харажатлар, улар миқдорининг ўзгаришига боғлиқ деб ҳисоблайдилар.

Ишсизлик даврий, фрикцион, таркибий (структуралы) кўринишларда ривожланади. Булардан сўнгти иккитаси амалдаги бозор тизими қоидалари нуқтаи назаридан “табиий”, одатдаги ишсизлик ҳисобланади. Шунинг учун тўла бандлик ишсизликнинг табиий даражаси билан бир вақтда мавжуд бўла олади. Ишсизликнинг табиий даражасини аниқлашда эса фрикцион ва таркибий ишсизлик ҳисобга олинади. Тўла бандлик шароитида эришиш мумкин бўлган ишлаб чиқариш ҳажми иқтисодиетнинг ишлаб чиқариш имкониятларини ифодалайди. Даврий кўринишдаги ишсизликнинг ривожланиши унинг ҳақиқий даражасининг табиий даражасидан ортиб кетишига олиб келади. Бу ортиқлик натижасида ЯММнинг ҳақиқий миқдори унинг потенциал миқдоридан орқада қолади. Унинг миқдори Оукен қонуни асосида ҳисобланади.

Ишсизликнинг ноиқтисодий оқибатлари банд бўлмаган ишчи кучининг ўз макасини йўқотишида, маънавий пойдеворлар ва аҳлоқнинг бузилишида, кескин ижтимоий ва сиесий қарама-қаршиликларнинг вужудга келишида намоен бўлади.

Инфляция нарх кўтарилиши билан белгиланади. Инфляция даражаси, унициг икки марта ошиш даври инфляция жараенлариининг асосий хусусиятларидир.

Инфляция сабабларини аниқлашда, баъзи иқтисодчилар уни аввало ортиқча талабнинг ўсиши (талаб инфляцияси) билан, бошқалари эса маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларнинг ўсиши (харажатлар инфляцияси) билан бўлайдилар.

Аввалидан кутилмаган инфляция даромадларнинг ўзбошимчалик билан қайта тақсимланишига олиб келади. Бунда кредит олганлар, жамғарма эгалари, қайд этилган даромад олувчилар зарар кўрадилар. Таҳмин қилинган инфляция алоҳида шахсларга, фирмаларга инфляциянинг даромадларга кўрсатадиган таъсирини юмшатишга имкон беради.

Иқтисодчилар инфляциянинг ишлаб чиқаришга таъсирини турлича баҳолайдилар. Талаб инфляцияси концепцияси тарафдорлари мўътадил инфляция иқтисодиетнинг ўсиш суръатини кўтаришга ва турғуныкни сенгизга ердам беради деб таъкидлайди.

лар. Ишлаб чиқариш харажатлари инфляцияси назарияси тарафдорлари эса, аксинча, инфляциянинг ўсиши ишлаб чиқаришнинг қисқаришига олиб келади, деб ҳисобладилар. Аммо, уларнинг ҳар иккиси ҳам гиперинфляция молиявий тизимни ва иқтисодигини инқирозга олиб келувчи омил эканини эътироф этадилар.

Ўқув мақсадлари

1. Иқтисодий давр нима эканлигини тушуниши ва унинг асосий босқичлари мазмунини очиб бериш.
2. Ишсизликнинг даврий, фрикцион ва таркибий кўринишлари ўргасидаги фарқни аниқлаш.
3. Ишсизлик ва унинг ўсиши натижасида келиб чиқадиган салбий оқибатларни очиш.
4. Иқтисодий таҳлилда Оукен қонунининг мазмуни ва ролини очиб бериш.
5. Инфляция моҳияти ва унинг даражасини ўлчаш усулларини англаш.
6. Талаб инфляцияси ва ишлаб чиқариш харажатлари инфляцияси, шунингдек аввалдан кутилмаган ва тахмин қилинган инфляция ўргасидаги фарқларни аниқлаш.
7. Инфляциянинг реал даромадларга, бандликка ва реал ЯММ ўзгаришига қандай таъсир этишини тушуниш.

АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

- а) иқтисодий давр;
- б) мавсумий тебранишлар;
- в) асрий тренд;
- г) фрикцион ишсизлик;
- д) таркибий (структурали) ишсизлик;
- е) даврий ишсизлик;
- ж) тўла бандлик;
- з) ишсизликнинг табиий даражаси;
- и) ишлаб чиқаришнинг потенциал миқдори;
- к) ишсизлик даражаси;
- л) ишчи кучи;
- м) ЯММ миқдорининг орқада қолиши;
- н) Оукен қонуни;
- о) инфляция;
- п) дефляция;
- р) “70 катталиги қоидаси”;
- с) талаб инфляцияси;
- т) ишлаб чиқарish харажатлари инфляцияси;
- у) кутилган инфляция;
- ф) кутилмаган инфляция;
- х) гиперинфляция;
- ш) реал даромад;
- ч) фоиз ставкасининг реал даражаси;

1. Ишсизликнинг жорий даврдаги даражасининг унинг тўла бандликдаги даражасидан 1% га ортиқлиги реал СММнинг потенциал СММдан 2,5% орқада қолишига олиб келади.
2. Даврий ишсизлик бўлмагандаги ишсизлик даражаси.
3. елланма ишчиларнинг иш жойини ихтиерий ўзгартариши еки уларни вақтинчалик бўшатиш даврлари билан боғлиқ ишсизлик.

4. Потенциал реал ЯММ миқдоридан ҳақиқий реал ЯММ миқдорининг айрмаси.
5. Инфляция ҳисобга олинган пул ифодасидаги фоиз ставкаси.
6. Ишлай оладиган ва ишлашни хоҳдайдиган ҳамма шахслар.
7. Пулдан “қочиш”ни вужудга келтирувчи нархларнинг жуда тез ўсиши.
8. Ишлаб чиқаришнинг даврий пасайиши натижасида юзага келган ишсизлик.
9. Ҳар бир муайян пайтда банд бўлмаган ишчи кучи ҳиссаси.
10. Нархлар умумий даражасининг кўтарилиши.
11. Нарх даражасининг 2 марта кўпайиши юз берадиган давр давомийлигини ҳисоблаш қоидаси.
12. Ишчи кучи касбий тайергарлигининг ишлаб чиқариш таркибиға мос келмаслиги сабабли юзага келган ишсизлик.
13. ЯММнинг реал ҳажоми ўзгармаган ҳолатда талаб ортиқчалиги туфайли нархларнинг ўсиши.
14. Номинал (пул) даромад ҳисобига сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори.
15. Умумий нарх даражасининг пасайиши.
16. Ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши туфайли нарх ўсиши.
17. Йқтисодий фаоллик даражасининг бир неча йиллар мобайнида бирин-кетин ўсиши ва пасайиши.
18. Ресурсларини тўла ишга солганда иқтисодиет ишлаб чиқара оладиган маҳсулотнинг реал ҳажми.
19. Иқтисодий вазиятнинг иқтисодий давр билан эмас, балки иқтисодий фаолликнинг мавсумий тебранишлари билан боғлиқ бўлган йил мобайнидаги ўзгаришлари.
20. Даромад олувчилар аввалдан таҳмин қилган нархлар кўтарилиши. Шунинг учун улар ўзларининг реал даромадларига инфляциянинг салбий оқибатларини камайтириш (еки йўқотиши) чораларини кўриши мумкин.
21. 25, 50, 100 йилни қамраб олувчи иқтисодиет ривожланишининг узоқ мuddатли йўналишлари.
22. Нақд ишчи кучининг 100%идан камини ташкил этувчи бандлик. Бунда фрикцион ва таркибий ишсизлик кўзда тутилади.
23. Даромад олувчи шахс еки давлат томонидан олдиндан кўрилган чора-тадбирларнинг йўқлиги туфайли, реал даромадга салбий таъсири сусайиши мумкин бўлмаган нархлар кўтарилиши.

МАШҚЛАР

1. Қўйида санаб ўтилган шахсларнинг иш билан бандлиги ва ишчи кучининг қайси гуруҳига мансублиги нуқтаи назаридан мақомини келтирилган гуруҳланиш асосида аниқланг.
 - бандлар (Б)
 - ишсизлар (И)
 - ишчи кучи таркибиға киритилмаганлар (М)
 - a) Ўз ҳоҳиши билан бўшаган ишчи.
 - б) Тўлиқсиз иш кунига ўтган ишчи.
 - в) Соғлиғи туфайли ортиқ ишлай олмайдиган ўқитувчи.
 - г) Узоқ вақт давомида иш топа олмаганилиги туфайли, иш қидиришни тўхтатган бўшатилган ишчи.
 - д) Ўқув юргининг кундузги бўлимнида ўқиеттан талаба.
 - е) Ўқув юргининг кечки бўлимнида ўқиеттан автомеханик.

- ж) Фақат ўз уйи ва оиласи билан машғул уй бекаси.
 з) Вақтининг бир қисмида кутубхоначи бўлиб ишлайдиган уй бекаси.

2. 2.1-жадвалда кўрилаётган даврнинг биринчи ва бешинчи йилларидағи меҳнат ресурслари ва бандлик ҳақидаги маълумотлар келтирилган (минг киши).

	Биринчи йил	Бешинчи йил	2.1-жадвал
Ишчи кучи	84889	95453	
Бандлар	80796	87524	
Ишсизлар	-	-	
Ишсизлик даражаси (%)	-	-	

- а) Кўрилаётган даврнинг биринчи ва бешинчи йилларидағи ишсизлар сони ва ишсизлик даражасини ҳисобланг.
 б) Бир вақтда бандлик ва ишсизлик ўсишини қандай тушунтириш мумкин.
 в) Кўрилаётган даврнинг бешинчи йилида тўлиқ бандлик бўлган дейиш мумкинми?

3. Қўйидаги ахборот мавжуд: иш билан банд аҳолининг сони 90 млн. киши, ишсизлар сони 10 млн.киши.

- а) Ишсизлик даражасини ҳисобланг.
 б) Бир ойдан сўнг иш билан банд бўлган 90 млн. кишидан 0,5 млн. киши бўшатилди. Ишсиз деб расмий рўйхатга олинганилардан 1 млн. киши иш қидиришни тўхтатди. Қўйидагиларни аниқланг: эндиликда (1) банд аҳоли сони қанча? (2) ишсизлар сони қанча? (3) ишсизлик даражаси қандай?

4. Реал даромад миқдори қандай ўзгаради, агар:

- а) Номинал даромад 10%га, нархлар даражаси эса 7%га ошса.
 б) Номинал даромад 30 минг долларга teng, нархлар индекси эса шу йили 106 ga teng бўлса.

5. а) Иқтисодиетда X ва Y товар ишлаб чиқарилмоқда. Истеъмолчилар ўз даромадининг ярмини X товарни сотиб олишга, қолган ярмини Y товарни сотиб олишга сарфлаялти. Бир йилда X товарнинг нархи 5% га, Y товарнинг нархи эса 15% ошди. Истеъмол товарлари нархлар индексини ҳисобланг (олдинги йилги нархлар индекси 100 га teng).

- б) Худди шу ишлаб чиқариш ва нархлар шароитида X товарни сотиб олиш учун истеъмолчилар даромадининг ярмидан кўпичарланмоқда. Истеъмол товарлари нархлар индексини ҳисобланг.

ТЕСТЛАР

1. Яқин орада яна ишга жойлашишга умид қилаётган одам:

- а) бандлар гуруҳига киради;
 б) ишсизлар гуруҳига киради;
 в) ишчи кучи таркибида ҳисобга олинмайди;
 г) тўла банд бўлмаган сифатида қаралади;
 д) иш топишдан умидини узган сифатида қаралади.

2. Агар кипи касал бўлса ва ишлай олмаса, 1-тестдаги қайси жавоб тўғри?

3. Мажбурий ишсизликнинг мавжудлiği:

- а) талаб ортиқчалығы шароитида меңнат бозорида иш ҳақи үсмаслығы ҳақындағи Кейнс таҳминлари билан тушунтирилади;
- б) меңнат бозорида талаб ортиқчалығы шароитида иш ҳақи пасаймаслығы ҳақындағи Кейнс таҳминлари билан тушунтирилади;
- в) ұттоки классик мактаб иқтисодчилари томонидан тан олинади;
- г) ишсизликнинг умумий даражасыда сезіларлы ақамиятта зерттеу эмес;
- д) ұмма жағоблар нотүгри.

4. Иқтисодиетдеги пасайиши туфайли ишини йүқтөтгандар ишсизликнинг қайси күринишінше мансуб:

- а) ишсизликнинг фрикцион күриниши;
- б) ишсизликнинг таркибий күриниши;
- в) ишсизликнинг даврий күриниши;
- г) узлуксиз ишсизликка;
- д) ұмма жағоблар нотүгри.

5. Ұз қоғиши билан ишдан бўшаган ишчи, агар у ишчи кучи таркибиға кирса-ю, лекин ҳали иш тополмаган бўлса, 4 - тестдеги қайси жавоб тўғри?**6. Дж. М. Кейнс фикрича:**

- а) ҳукumat ишсизликни пасайтириш учун давлат ҳариди ва солиқлардан фойдаланиши керак;
- б) бозор тизимида қисқа муддатда юқори бандлик даражасини мустақил таъминлашга қодир механизм мавжуд;
- в) иқтисодиет марказлаштырылған режалаштириш асосида ривожланиши керак;
- г) хусусий мулкчиликни йўқотиш зарур;
- д) ұмма жағоблар нотүгри.

7. Тўла бандлик шароитида фрикцион ишсизлик даражаси қандай бўлиши керак?

- а) 0 га тенг;
- б) 1% дан кам;
- в) ишсизликнинг даврий күриниши даражасидан кам;
- г) ұмма жағоблар тўғри;
- д) ұмма жағоблар нотүгри.

8. Етарли бўлмаган ялпи талаб нимага олиб келади?

- а) фрикцион ишсизликнинг ошиши;
- б) таркибий ишсизликнинг ошиши;
- в) даврий ишсизликнинг ошиши;
- г) яцирин ишсизликнинг ошиши;
- д) ұмма жағоблар нотүгри.

9. Оукен қонунига кўра, ишсизликнинг ҳақиқий даражасининг унинг табиий даражасидан иккى фоизга ортиқчиги ЯММ ҳақиқий даражасининг унинг потенциал даражасидан орқада қолганини билдиради. Бу орқада қолиш неча фоиз га тенг?

- а) 2%га; б) 3% га; в) 4% га; г) 5%га ; д) 5% дан анча ортиқ.

10. Кўпчилик иқтисодчиларнинг фикрига кўра, қисқа муддатли даврда бандлик даражаси ва милий ишлаб чиқарыш ҳажми нима билан белгиланади?

- а) нархлар даражаси;

- б) мавжуд ишчи күчининг сони;
- в) мылдый капитал захиралари;
- г) ялпи харажатлар даражаси;
- д) ҳамма жавоблар нотұғри.

11. Агар номинал даромад 8% га ошса, нархлар даражаси эса 10%га ошса, унда реал даромад:

- а) 2% ошади;
- б) 18% ошади;
- в) 2% пасаяди;
- г) 18% пасаяди;
- д) аввалғы ҳолища қолади.

12. Күтілмаган инфляциядан кимлар ҳаммадан ҳам кам озор чекади?

- а) қайд этилған номинал даромад олувчилар;
- б) кимнинг номинал даромади нархлар даражаси күтарилишига нисбатан секинроқ ўсса;
- в) пул жамғармасига эга бўлганлар;
- г) нархлар пастлигига қарздор бўлиб қолганлар;
- д) "б" ва "г" жавоблар тўғри.

13. Кўйидагиларнинг қайси бири ишлаб чиқариш харажатлари билан боғлиқ инфляцияга алоқадор эмас:

- а) бандлик ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши;
- б) маҳсулот берлигига харажатлар қийматининг ўсиши;
- в) иш ҳақининг ўсиши;
- г) таклифдаги фавқулодда ўзгаришлар;
- д) фоиз ставкасининг ўсиши.

14. Жами харажатларнинг ўсиши инфляцияга олиб келади, агар:

- а) иқтисодиет тўла бандлик шароитида ривожланса;
- б) ҳақиқий ва потенциал ЯММ ҳажми тенг бўлса;
- в) ишчи кучи сони ўсмаса;
- г) фақат "а" ва "б" жавоблар тўғри;
- д) ҳамма жавоблар нотұғри.

15. Жадаллашетган инфляция даврида фоиз ставкаси:

- а) пасаяди, чунки пул нархи пасаяди;
- б) пасаяди, чунки бандлик даражаси пасаяди;
- в) кўтарилади, чунки пул нархи пасаяди;
- г) кўтарилади, чунки бандлик даражаси пасаяди;
- д) ўзгармайди.

16. Инфляция боғлиқ бўлиши мумкин:

- а) фақат ЯММнинг ўсиши билан;
- б) унинг ривожланиш манбасига боғлиқ равишда ЯММнинг ўсиши еки пасайиши билан;
- в) фақат ЯММнинг пасайиши билан;
- г) ЯММнинг ўсиши билан, агар иқтисодиет тўла бандлик шароитида ривожланаётган бўлса;
- д) ҳамма жавоблар нотұғри.

17. Күтілмаган инфляциянинг орттан хавфига жағобан қойыдаги ҳаракаттар өзага келади:
- берилған қарзларнинг хавф-хатари үзүн банклар томонидан мұнисиғат белгілаш;
 - қаттый даромад оладиган шахсларга трансферт түловларининг индексациясими ҳукумат томонидан амалға оширишга уринишлар;
 - банклар томонидан күчмас мүлк харидорларға гаров хатларини ўзгарған фоиз ставкалари бүйіча сотишига уриниш;
 - жисмоний шахсларнинг ўз пулларини инфляция даврида қадрсизланмайдыган активларға қойыша уринишлар;
 - жамма жағоблар тұғри.
18. Күтілмаган инфляция оданда қойыдагилар билан биргаликда күзатылады:
- иқтисодий заараның жүйелігі билан;
 - иқтисодиетта самарадорликнинг пасайиши билан;
 - бойлық ва даромаднинг қайта тақсимланиши билан;
 - фақат "б" ва "в" жағоблар тұғри;
 - жамма жағоблар нотұғри.
19. Қойыдаги ҳаракатларнинг қайси бири шахс үзүн күтілмаган инфляция хавфидан үзини ұмоя қилиш воситаси бўла олади?
- мәҳнат шартномасига узоқ муддатли даврда иш ҳақини индексация қилишини кўзда тутувчи моддани киритиш;
 - гаров хатлар бүйіча инфляцияни оширувчи фоиз ставкалари миқдорини индексация қилиш;
 - дўстига банк фоиз ставкасидан паст ставкаларда қарз тақлиф қилиш;
 - банкдан олинган кредит асосида янги бизнесни очиш;
 - жамма жағоблар тұғри.
20. Қойыдаги тушунчалардан қайси бири ишчанлик даври босқичтарига кирмайды:
- инфляция; б) рецессия; в) пасайиш; г) юксалиш; д) жонланиш.

ТҮФРИ/НОТҮФРИ

- Ишлаб чиқариш ҳажми ва бандлик даражасининг ўзгариши иқтисодиет ривожланишидаги даврий тебранишилар туфайли юз бериши шарт эмас.
- Агар ҳақиқий ЯММ ҳажми потенциал ЯММ ҳажомига тенг бўлса, бу иқтисодиет тўла бандлик шароитида ривожланаётганligини билдиради.
- Рецессия даврида юқори даражада йириклишган ва монополлашган саноат тармоқларида ишлаб чиқаришнинг қисқариши нисбатан катта эмас, нархларнинг нисбий пасайиши эса сезиларли.
- Фрикцион ишсизлик жамият үчун нафакат зарур, балки мақбул ҳамдир.
- Агар ишсизлик даражаси табиий ишсизлик даражасига тенг бўлса, потенциал ва ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмлари тенгдир.
- Ишсизлик бўйича тўловларни кўпайтириш ишсизлик даражасининг ўсишига олиб келади.
- Кўпчалик иқтисодчиларнинг фикрича, қисқа муддатли даврда потенциал ЯММ ва ҳақиқий ЯММ ўргасидаги узилиш ет тўла бандлик шароитида, еки тўлиқ бўлмаган бандлик шароитида мавжуд бўлади.
- Даврий кўринишдаги ишсизлик билан боғлиқ бўлған иқтисодий заарлар ишлаб чиқарилмаган товар ва хизматлар миқдори билан ўлчанади.

9. Дж.М.Кейнс фикрича, бозор иқтисодиети қисқа муддатларда бандлик муаммосини нарх механизми ва рақобат асосида ҳал қила олмайди.
10. Ишсизлик даражаси умумий бандлар сони ва ишсизлар сонини солиштириш орқали топилади.
11. Янги кейнсчилар ҳам, анъанавий кейнс мактаби каби, иш ҳақи даражаси қатъий ифодага эга, деб ҳисоблайдилар.
12. Мўътадил ишсизлик даражасида жами ҳаражатларнинг ўсиши бир вақтда ҳам нархларнинг, ҳам ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига олиб келади.
13. Ишчи кучи таркибиға фаол иш қидирастган ишсизларни ҳам киритиш керак.
14. Ишлаб чиқариш, бандлик ва нархлар даражасидаги барча ўзгаришлар иқтисодиетдаги даврий тебранишлар туфайли юз беради.
15. Потенциал ва ҳақиқий ЯММ ҳажми тенг бўлган шароитда, жами ҳаражатларнинг ўсиши инфляцияга олиб келади, чунки ишлаб чиқаришнинг кейинги ўсиши мумкин эмас.
16. Агар нархлар ва иш ҳақи ўта қатъий бўлмаса, иқтисодиет кейинчалик рецессияни бошидан кечириш эҳтимоли кам.
17. Инфляция — бу ишлаб чиқаришнинг умумий ўсиши.
18. Кутилган ва кутилмаган инфляция даромаднинг қайта тақсимланишига бир хил таъсир кўрсатади.
19. Агар нархлар ҳар йили 5% пасайса, қатъий даромадга эга оиласларнинг реал даромади йилига 5% ошади.
20. Агар нархлар ҳар йили 10%га ошса, нархлар даражасининг иккиланиши (2 марта кўпайиши) ҳар 10 йилда юз беради.
21. Кутилмаган инфляция қарздор ва кредит берувчи ўртасида даромаднинг қайта тақсимланишини қарздор фойдасига ҳал қилинишига олиб келиши мумкин.
22. Дж.М.Кейнс давлат ҳаражатларидан ва солиқда тортиш тизимидан бандлик даражасини ошириш воситаси сифатида фойдаланишга танқидий қараган.
23. Ер, олтин, турли санъат асарлари инфляция даврида ўз молиявий активларининг қадрсизланиши хавфини пасайтириш истаги билан боғлиқ маблағ қўйишнинг анъанавий объектларидир.
24. Инфляция аҳолининг барча қатламларида реал даромадларнинг пасайишига олиб келади.

МУАММОЛАР

1. 2.1-расмда меҳнат бозоридаги талаб (DD ва D_1D_1') ва таклиф (SS) эгри чизиқлари кўрсатилган. LL кесмаси мавжуд ишчи кучининг миқдорини акс эттиради.

а) DD эгри чизиги меҳнат бозоридаги дастлабки талабни акс эттиради. Аниқланг:

- 1) Иш ҳақининг мувозанатли даражасини.
- 2) Бандлар сонини.
- 3) Ихтиерий равишда ишламаетганлар сонини.

4) Мажбурий ишсизлар сонини (бунда иш ҳақининг ушбу мувозанатли даражаси ишлашни хоҳловчилар сонини белгилаши керак).


б) Меҳнат бозорида талаб қисқарди: DD эгри чизиги чапта D_1D_1' ҳолатига ўтди. Иш ҳақи этилувчан ифодага эга бўлганда, қуйидагиларни аниқланг:

- 1) Меҳнатга бўлган талабнинг янги даражасига мос келувчи иш ҳақининг мувозанатли даражасини.
- 2) Бандлар сонини.
- 3) Мажбурий ишсизлар сонини.
- 4) Ихтиерий ишламаетганлар сонини.

в) Иш ҳақи қатъий ифодага эга бўлган шароитда (пасаймайди), қўйидагиларни ҳисобланг:

- 1) Бандлар сонини.
- 2) Мажбурий ишсизлар сонини.
- 3) Ихтиерий ишсизлар сонини.

2.2.2-жадвалда ҳақиқий ва потенциал ЯММ ҳажмини (млрд.долл.) ифодаловчи кўрсатичлар келтирилган. 1991 йилда иқтисодиет тўла бандлик шароитида 6% ишсизлик даражаси билан ривожланди.



2.1 - расм. Мехнат бозорида талаб ва таълиф

2.2.2-жадвалда ҳақиқий ва потенциал ЯММ ҳажмини (млрд.долл.) ифодаловчи кўрсатичлар келтирилган. Иқтисодиет 1991 йилда тўла бандлик шароитида 6% ишсизлик даражаси билан ривожланди.

Нил	Потенциал ЯММ	2.2-жадвал	
		Хадиҷий ЯММ	
1991	3000	3000	
1995	3800	3705	
1998	4125	3712,5	

- а) 1995 йил маълумотларига асосланиб:
— ҳақиқий ва потенциал ЯММ ҳажми ўртасидаги фарқни (абсолют ва фоиз ифода-сида) ҳисобланг;
— Оукен қонунини қўллаб, 1995 йилдаги ишсизлик даражасини аниқланг.
- б) 1998 йил маълумотларига асосланиб:
— ҳақиқий ва потенциал ЯММ ҳажми ўртасидаги фарқни (абсолют ва фоиз ифода-сида) ҳисобланг;
— Оукен қонунига асосланиб, 1998 йилдаги ишсизлик даражасини аниқланг.

3. 2.3-жадвалда йиллар бўйича нархлар индекслари берилган:

2.2-жадвал

Йил	Нархлар индекси	Инфляция даражаси
1	100,00	-
2	112,00	-
3	123,00	-
4	129,00	-

- а) Ҳар бир йил учун инфляция даражасини ҳисобланг.
б) “70 катталиги қоидаси”ни қўллаб, неча йилда нархлар даражаси 2 маротабага ўсишини аниқланг (махражда “а” банддаги ҳар бир йил учун ҳисобланган суръатларни кетма-кет қўлланг).
в) Агар номинал даромад иккинчи йили биринчи йилга нисбатан 15%, учинчи йили иккинчи йилга нисбатан 7% ошган бўлса, реал даромаднинг фоиздаги ўзгаришини аниқланг.
г) Агар номинал даромад иккинчи ва учинчи йиллари 25 минг долларга тенг бўлган бўлса, шу йиллардаги реал даромаднинг абсолют миқдори қандай бўлади?
д) Агар иккинчи йили кредит учун фоизнинг номинал даражаси 14% (биринчи ва иккинчи йиллар мобайнида қарз олувчилари учун), учинчи йили 18% (иккинчи ва учинчи йиллар мобайнида қарз олувчилар бўлган бўлса,) унда шу йиллари унинг реал дарожаси қандай бўлган?

ЖАВОБЛАР ВА ШАРҲЛАР

Асосий атамалар ва тушунчалар

1. н; 2. з; 3. г; 4. м; 5. ч; 6. л; 7. х; 8. е; 9. к; 10. о; 11. р; 12. д; 13. с; 14. ц; 15. п; 16. т; 17. а; 18. и; 19. б; 20. у; 21. в; 22. ж; 23. ф.

Машқлар

1. а) И; б) Б; в) М; г) М; д) М; е) Б; ж) М; з)Б.
2. а) Биринчи йили 4093 минг киши, 4,8%; бешинчи йили 7929 минг киши, 8,3%.
б) Ишчи кучи сони бандликка нисбатан тезроқ ўсиди.
в) Йўқ, чунки 8,3% га тенг бўлган ишсизлик даражаси, кўплаб иқтисодчиларнинг баҳоларига кўра, ишсизликнинг табиий даражасидан ортиқ бўтиб, тўла бандликка мос келмайди.

3. а) 10%.
б) 89,5 млн. киши; 9,5 млн. киши; 9,6%.
4. а) 3%га күпаяди.
б) 28 минг долларгача пасаяди.
5. а) 110.
б) Унинг миқдори 105-110 доирасыда аниқланади.

Тестлар

1. б; 2. в; 3. б; 4. в; 5. а; 6. а; 7. д; 8. в; 9. г; 10. г; 11. в; 12. г; 13. а; 14. г; 15. в; 16. б; 17. д; 18. г; 19. а; 20. а.

Тұғри/Ногұғри

1. Т; 2. Т; 3. Н; 4. Т; 5. Т; 6. Т; 7. Н; 8. Т; 9. Т; 10. Н; 11. Т; 12. Н; 13. Т; 14. Н; 15. Т; 16. Н; 17. Н; 18. Н; 19. Т; 20. Н; 21. Т; 22. Т; 23. Н; 24. Н.

Муаммолар

1. а) 10 долл.; 800 киши; 200 киши.
б) 8 долл.; 700 киши; 0; 300 киши.
в) 600 киши; 200 киши; 200 киши.
2. а) 95 млрд.долл; 2,5%; 7,5%.
б) 412,5 млрд.долл; 10%; 10%.
3. а) 12%; 10%; 5%.
б) 5,83; 7; 14.
в) +3%; -3%.
г) 22321 долл.; 20292 долл.
д) 2%; 3%.

3 мавзу

ЖАМИ ТАЛАБ ВА ЖАМИ ТАКЛИФ

Yумиқтисодий мувозанатнинг асосий модели жами талаб (AD) ва жами таклиф (AS) нинг тенглiği орқали ифодаланади.

Жами талаб бу иқтисодий кўрсаткич бўлиб, нархларнинг ҳар қандай мумкин бўлган даражасида истеъмолчилар сотиб олишга тайер бўлган миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмига тенгдир. Жами талаб моделининг график кўриниши пасаювчи эгри чизиқ билан акс эттирилиши мумкин ва у реал ЯММнинг сотиб олинадиган ҳажми ва нархлар даражаси ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди.

Истеъмол қилинадиган (сотиб олинадиган) ЯММ ўзгаришига нархларга боғлиқ ва нархларга боғлиқ бўлмаган омиллар таъсир этади. Нархларга боғлиқ омиллар таъсири товарлар ва хизматларга бўлган жами талаб ҳажмининг ўзгариши орқали амалга оширилади ҳамда график кўринишида AD эгри чизиги бўйлаб ҳаракатда ифодаланади. Нархларга боғлиқ бўлмаган омиллар AD эгри чизигини чапга ёки ўнгта силжитиб, жами талаб ўзгаришини келтириб чиқаради. AD ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи нархга боғлиқ омилларга (нархлар даражасидан ташқари): 1) фоиз ставкаси самараси; 2) бойлик ёки кассадаги қолдиқлар самараси; 3) импорт харидлари самараси киради. Нархларга боғлиқ бўлмаган омиллар турли-тумандир. Истеъмол харажатларидағи ўзгаришлар истеъмолчилар фаровонлик даражасидаги ўзгаришлар туфайли ҳам, истеъмолчилар умиди туфайли ҳам, истеъмолчилар қарзи миқдорининг ўзгариши туфайли ҳам, солиқлар ўзгариши туфайли ҳам юз бериши мумкин. Инвестиция харажатлариға фоиз ставкасининг ўзгариши, қўйилган капитал ҳисобига келажакда олиниши кутилаётган фойда, тадбиркорликка солиқлар даражаси, технологияларнинг ривожланиши ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси таъсир этади.

Давлат харажатларидағи ўзгаришлар асосан сиёсий қарорлар туфайли юз беради. Соғ экспортга харажатлар бошқа мамлакатларнинг даромад даражаси ва миллий пул бирлигининг валютадаги баҳоси ўзгаришига боғлиқдир.

Жами таклиф йириклаштирилган иқтисодий кўрсаткич бўлиб, у нархларнинг ҳар бир имкон даражасида ишлаб чиқаришнинг нақд реал ҳажмига тенг бўлади.

Жами таклиф модели график кўринишида нарх даражаси ва миллий ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги тўғри боғлиқликни ифода этувчи эгри чизиқ кўринишида бўлиши мумкин. Бироқ иқтисодиёт фанида бу эгри чизиқнинг табиати ва шакли билан боғлиқ баҳсларни ўтиборга олиш керак. Яна шуни ҳам англаш зарурки, жами таклиф эгри чизигининг шакли, миллий ишлаб чиқариш ҳажми ўзгараётган шароитда, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланаётган харажатларнинг ўзгаришини акс эттиради.

Ҳозирги иқтисодий адабиётларда AS эгри чизигининг учта кесими ажратилади. Доимий нархлар шароитида амалга ошириладиган миллий ишлаб чиқариш ҳажмидаги ўзгаришлар жами таклиф эгри чизигининг ётиқ (горизонтал) кесимида акс эттирилади.

Оралиқ (күтарилаётган) кесимда эса милий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг ўсиши нархлар ўсиши билан биргаликда юз берип акс эттирилади. Тик (вертикаль) кесимда фақат нархлар күтарилиши, реал ЯММ зса ўзгаришсиз қолиши ўз аксини топлади. Класик мактаб бу эгри чизиқнинг фақат тик кўринишидаги шаклини тан олади, кейинчилар эса бу эгри чизиқ ётиқ ва күтариувчи кесимларни ҳам ўз ичига олади, деган фикрни изчил ҳимоя қиласидар. Бу эса жами талабнинг силжиши фақат номинал ЯММ ўзгаришига эмас, балки реал ЯММнинг ҳам ўзгаришига олиб келади, ҳамда бу ҳолат ишлаб чиқарицга ҳам, бандликка ҳам таъсир кўрсатади.

Нархларга боғлиқ бўлмаган омилларнинг жами таклиф ўзгаришига таъсири AS эгри чизифининг силжишини кўрсатувчи график орқали намойиш этилади.

Нархларга боғлиқ бўлмаган омиллар самараси бу омилларнинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига сарфланадаётган харажатларга ҳамда нархларнинг ўзгармас даражаси шароитида, ушбу харажатлар динамикасига таъсири билан боғлиқ. Жами таклифнинг нархга боғлиқ бўлмаган омилларига қуийдагилар киради: 1) ишлаб чиқариш ресурслари (ички ва импорт)нинг нархлар даражаси; 2) бозор таркиби; 3) унумдорлик; 4) ҳукуқий меъёларнинг ўзгариши.

Нархларнинг мувозанатли даражаси ва ишлаб чиқаришининг мувозанатли ҳажми жами талаб ва жами таклифнинг тенглигини кўзда тутади. Бу тенглик график кўринишида AD ва AS эгри чизиқларининг кесишиш нуқтасида намоён бўлади. Бу эгри чизиқларнинг силжиши милий ишлаб чиқаришининг мувозанатли ҳажмита таъсир кўрсатади. Агар жами талаб AD эгри чизиғи AS эгри чизигининг ётиқ (горизонтал) кесмасида силжиса, ЯММнинг фақат реал ҳажми ўзгаради, унинг оралиқ кесмадаги силжиши эса ҳам номинал, ҳам реал ЯММ ўзгаришига олиб келади; тик (вертикаль) кесмада AD эгри чизифининг силжиши фақат нарх күтарилиши (талаб инфляцияси) билан бирга содир бўлади, реал ЯММ ўзгаришсиз қолади.

Жами талабнинг кўлайши нархларнинг ўсишига сабаб бўлади (AD эгри чизифини AS эгри чизигининг оралиқ ва тик кесмаларида силжишида), бироқ унинг пасайиши нархларнинг ҳам пасайишига олиб келиши учун, маълум муддат керак бўлади (храповик самараси). Жами талаб ўзгармас бўлганда, AS эгри чизифининг чапга силжиши нархнинг ўсишига олиб келади (ишлаб чиқариш харажатлари ўсиши туфайли юз берган инфляция). Агар у ўнгта силжиса, унда ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми кўпайди, бу эса иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш имкониятлари ўсаётганидан далолат беради.

Ўқув мақсадлари

1. Жами талаб моҳиятини тушунтириш.
2. Нархга боғлиқ ва нархга боғлиқ бўлмаган жами талаб ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш.
3. Жами таклиф моҳиятини тушунтириш.
4. Нархга боғлиқ ва нархга боғлиқ бўлмаган жами таклиф ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш.
5. “Макроиқтисодий мувозанат” тушунчасининг мазмунини очиб бериш ва милий ишлаб чиқариш мувозанатининг асосий модели билан танициши.
6. Жами талаб ва жами таклифиниг ўзгариши реал ЯММ ва нарх даражаси ўзгаришита қандай таъсир этишини аниқлаш.

АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР:

- а) йириклаштириш;
- б) жами талаб;

- в) жами таклиф;
- г) фоиз ставкаси самараси;
- д) бойлик самараси ёки реал касса қолдилари самараси;
- е) импорт харицлари самараси;
- ж) жами таклиф эгри чизигининг Кейнс кесими;
- з) жами таклиф эгри чизигининг оралық кесими;
- и) жами таклиф эгри чизигининг классик кесими;
- к) рецессия (дефляция) узилиши;
- л) инфляция узилиши;
- м) мувозанатли даромад (СММ).


1. Реал ЯММни унинг инфляциясиз даражасигача ва тўла бандликкача кўтариш учун, жами харажатлар ўсиши (график юқорига силжиши) керак бўлган миқдор.
2. Нархлар даражасининг кўтарилиши (пасайиши) ва у келтириб чиқарган пулга бўлган талабнинг ўсиши (пасайиши). Пулга бўлган талабнинг ўсиши эса фоиз ставкаси даражасини кўтаради (пасайтиради), ҳамда шу орқали мамлакатда жами харажатлар умумий даражасини ўзгартиради.
3. Ишлаб чиқарилган якуний товарлар ва хизматларнинг умумий ҳажми сотилган якуний товарлар ва хизматларнинг умумий ҳажмига тенг.
4. Нархларнинг ушбу даражасида ишлаб чиқарувчилар таклиф этиши мумкин бўлган товарлар ва хизматларнинг умумий миқдори.
5. Номинал ЯММ тўла бандлик шароитида ишлаб чиқарилган инфляциясиз ЯММ даражасига мос келиши учун, жами харажатлар эгри чизиги пастга силжиши лозим бўлган миқдор.
6. Алоҳида бирликларни ёки маълумотларни ягона кўрсаткичга бирлаштириш.
7. Реал ЯММ ҳажми ўзгарганда, нарх даражаси доимий бўлиб қоладиган жами таклиф эгри чизигининг ётиқ (горизонтал) кесими.
8. Нархнинг турли даражаларида талаб билдириладиган товарлар ва хизматларнинг умумий ҳажми.
9. Қайд этилган нархли молиявий активлар реал қийматининг ўзгариши билан белгланган харажатлар умумий ҳажмида нархларнинг ўсиши ёки пасайиши туфайли юз берган ўзгариш.
10. Жами таклиф эгри чизигининг кейнсча ва классик кесимлари оралығида жойлашган кўтарилаётган кесими.
11. Мамлакат экспортининг соф ҳажми ва мамлакатдаги мавжуд нархлар даражаси, шунингдек бошқа мамлакатлардаги нархлар даражаси ўртасидаги тескари боғлиқлик.
12. Тўла бандликдаги иқтисодиёт ҳолатига мос келувчи жами таклиф эгри чизигининг тик (вертикал) кесими.

МАШҚЛАР

1. З.1-жадвалга жами талаб таркибий қисмларининг ўзгаришига таъсир этувчи нархга боғлиқ бўлмаган омиллар киритилган. Жадвални тўлдиринг. Иккинчи устунда жами талабнинг тегишли таркибий қисмини, учинчидаги – унинг қандай ўзгаришини [ўсиши (+); пасайишини (-)] кўрсатинг.
2. З.1-расмда жами талаб ва жами таклиф эгри чизиқлари акс эттирилган. Жами талаб эгри чизиги чапга силжишинига таъсири қандай? Нархнинг умумий даражаси қандай ўзгараради?
 - а) Талаб эгри чизиги чапга силжишининг нархлар даражасига таъсири қандай? Нархнинг умумий даражаси қандай ўзгараради?

3.1-жадвал


Омиллар	Жами талаб таркийи қисми	Үзгарыши
	Истеъмол	(+)
а) Аҳоли ўсиши		
б) Пул таклифининг қисқариши		
в) Якка тартибдаги солиқларнинг кўтарилиши		
г) Бошқа мамлакатларда кутилаётган рецессия		
д) Уй-жойга нархларнинг кўтарилиши		
е) Иқтисодиётда кутилаётган рецессия		



3.1 - расм. Жами талаб ва жами таклиф эгри чизиқлари

- б) Талаб эгри чизиги чапга силишишининг реал ЯММ даражасига таъсири қандай?
Унинг ҳажми қандай ўзгаради?
- в) Агар иқтисодиётда унумдорлик 50%га камайса, бу жами таклиф эгри чизигида қандай акс этади?

3. 3.2-расмда жами талаб эгри чизиги акс эттирилган.



3.2 - расм. Талаб эгри чизиги.

- а) Реал ЯММ даражаси 140 млрд. долларга тенг бўлганда, жами таклиф эгри чизиги тик (вертикал) чизиқ билан берилса, нархнинг мувозанатли даражаси нимага тенг бўлади?
- б) Нархлар даражаси 120 га тенг бўлганда, жами таклиф эгри чизиги ётиқ (горизонтал) чизиқ билан берилса, ЯММнинг мувозанатли ҳажми нимага тенг бўлади?
- в) Агар жами таклиф функцияси $P = -40 + Q$ (бу ерда P – нархлар даражаси, Q эса – ЯММнинг реал ҳажми) кўринишига эга бўлса, маҳсулотнинг реал ҳажми ва нархлар даражаси нимага тенг?

ТЕСТЛАР

1. Жами талаб эгри чизигининг ўнгга силжиши қўйидагилардан қайси бири акс эттира олмайди:
 - а) нархлар даражаси ва ЯММ реал ҳажмининг бир вақтда ошишини;
 - б) ЯММ реал ҳажмида ўсиши йўқлигига нарх даражасининг кўтарилишини;
 - в) нарх ошиши йўқлигига ЯММ реал ҳажмининг ўсишини;
 - г) бир вақтда нархлар даражасининг ошиши ва ЯММ реал ҳажмининг пасайишини;
 - д) барча жавоблар нотўғри.
2. Жами талаб эгри чизигининг чапга ва ўнгга силжиши натижалари бир хил бўлади, агар:
 - а) бу силжиш жами таклиф эгри чизигининг ётиқ (горизонтал) кесимида юз берса;
 - б) бу силжиш жами таклиф эгри чизигининг тик (вертикал) кесимида юз берса;
 - в) бу силжиш жами таклиф эгри чизигининг оралиқ кесимида юз берса;
 - г) иқтисодиёт турғунликни бошидан кечираётган бўлса;
 - д) барча жавоблар нотўғри.
3. Агар нархлар даражаси ўсиб, ишлаб чиқариш эса пасайса, унда бунинг сабаблари қўйидагилардан бири билан белгиланади:
 - а) жами талаб эгри чизигининг ўнгга кўчиши билан;
 - б) жами талаб эгри чизигининг чапга кўчиши билан;
 - в) жами таклиф эгри чизигининг чапга кўчиши билан;
 - г) жами таклиф эгри чизигининг ўнгга кўчиши билан;
 - д) барча жавоблар нотўғри.
4. Агар жами талаб ҳажми тўла бандлик шароитида эришилган ЯММ даражасини кўпайтиrsa, бу иқтисодиётда қўйидагилардан бири мавжудлигини билдиради:
 - а) молиявий чеклашлар;
 - б) инфляция узилиши;
 - в) дефляция узилиши;
 - г) жами талаб ва жами таклиф ўртасида мувозанат;
 - д) бюджет тақчиллиги.
5. Агар мувозанатли ЯММ ҳажми унинг потенциал даражасидан кўпроқ бўлса, унда:
 - а) нархлар даражаси кўтарилади;
 - б) ишсизлик даражаси кўтарилади;
 - в) дефляция узилиши пайдо бўлади;
 - г) жами таклиф бехосдан кўпаяди;
 - д) жами талаб бехосдан кўпаяди.

6. Жами талаб әгри чизиги қуйидагилардан бири ўртасидаги муносабатни ифодалайди:
- нархлар даражаси билан товарлар ҳамда хизматлар сотиб олишга кетган жами ҳаражатлар;
 - нархлар даражаси билан реал ифодадаги ишлаб чиқарылған ЯММ;
 - харидорлар тан оладынан нарх даражаси билан сотувчиларни қониқтирувчи нарх даражаси;
 - реал ифодадаги ишлаб чиқарылған ва истемол қилингандай ЯММ ҳажмлари;
 - барча жавоблар нотүгри.
7. Жами таклиф әгри чизигининг кейіс кесими қандай күреништа етілді?
- ұсуви қиялык күренишига;
 - пасаювчи қиялык күренишига;
 - тик (вертикаль) чизик билан акс еттирилген;
 - етиқ (горизонтал) чизик билан берилген;
 - барча жавоблар нотүгри.
8. Жами таклиф әгри чизигіда оралық кесим қандай күреништа етілді?
- ұсуви қиялык күренишига;
 - пасаювчи қиялык күренишига;
 - тик (вертикаль) чизик билан берилген;
 - етиқ (горизонтал) чизик билан берилген;
 - барча жавоблар нотүгри.
9. Жами таклифнинг үсиши нимага олиб келади?
- нархлар даражаси ва ЯММ реал ҳажмининг пасайишига;
 - нархлар үсищининг секинлашувы ва ЯММ реал ҳажмининг күпайишига;
 - нархлар даражаси ва реал ифодадаги ЯММ ҳажмининг күтарилишига;
 - нархлар үсищининг секинлашувы ва ЯММ реал ҳажмининг камайишига;
 - барча жавоблар нотүгри.
10. Агар нархлар ўсса, унда:
- қайд этилген нархдаги қимматли қоғоз әгалари ўз ҳаражатларини күпайтирадилар;
 - пулга бўлган талаб ва фоиз ставкаси даражаси үсади;
 - фоиз ставкаси ўзгаришига таъсирчан ҳаражатлар кўпаяди;
 - қайд этилген нархдаги қимматли қоғоз әгаларининг харид қобилияти кўтарилади;
 - барча жавоблар тўғри.
11. Агар ишлаб чиқарылған ЯММнинг реал ҳажми мувозанатлидан кам бўлса, унда ишлаб чиқарувчилар:
- ишлаб чиқариш заҳираларини қисқартиради ва ишлаб чиқаришни кенгайтиради;
 - ишлаб чиқариш заҳираларини кўпайтиради ва ишлаб чиқаришни кенгайтиради;
 - ишлаб чиқариш заҳираларини ҳам, ишлаб чиқаришни ҳам қисқартиради;
 - ишлаб чиқариш заҳираларини кўпайтиради ва ишлаб чиқаришни қисқартиради;
 - барча жавоблар потүгри.
12. Иқтисодиётдаги вазият жами таклиф әгри чизигининг кейіс кесимига мос келганда, жами талабнинг үсиши нимага олиб келади?
- нархлар ошишига, бироқ реал ифодадаги ЯММ ўзгаришига таъсир кўрсатмайди;
 - реал ифодадаги ЯММ ҳажмининг кўпайишига, бироқ нархлар даражасига таъсир кўрсатмайди;

- в) ҳам нархлар даражаси, ҳам реал ифодадаги ЯММ ҳажмининг ошишига;
г) нархлар ошишига ва реал ифодадаги ЯММ ҳажмининг қисқаришига;
д) нархлар пасайишига ва реал ифодадаги ЯММ ҳажмининг ўсишига.
13. Жами талаб эгри чизиги кўтарилади, агар:
- нархлар даражаси пасайса;
 - нархлар даражаси ўсса;
 - ортиқча ишлаб чиқариш қувватлари кўпайса;
 - миллий пул бирлигининг валюта курси пасайса;
 - барча жавоблар тўғри.
14. Агар импорт товарлар нархлари кўтарилса, бу ҳолнинг эҳтимолга яқин сабаби:
- жами тақлифнинг қисқариши;
 - жами тақлифнинг ўсиши;
 - жами талабнинг ўсиши;
 - жами талабнинг пасайиши;
 - барча жавоблар нотўғри.
15. Агар тадбиркорлик солиқлари ўсса, унда:
- жами талаб қисқаради, жами тақлиф ҳажми эса ўзгармайди;
 - жами тақлиф қисқаради, жами талаб ҳажми эса ўзгармайди;
 - жами тақлиф ва жами талаб қисқаради;
 - жами тақлиф ва жами талаб ўсади;
 - барча жавоблар тўғри.
16. Жами талаб эгри чизигининг пасайиши :
- реал касса қолдиқлари самарасининг натижаси;
 - фоиз ставкаси самарасининг натижаси;
 - импорт харидлари самарасининг натижаси;
 - барча жавоблар тўғри;
 - барча жавоблар нотўғри.
17. Жами тақлиф эгри чизиги қуйидагилардан бири ўртасидаги муносабатни ифодайди:
- нархлар даражаси ва реал ифодадаги истеъмол қилинадиган ЯММ ҳажми;
 - нархлар даражаси ва реал ифодадаги ишлаб чиқарилган ЯММ ҳажми;
 - ишлаб чиқарувчилар сотишини, харидорлар эса товарни сотиб олишини хоҳлаган нархлар даражаси;
 - истеъмол қилинган ва ишлаб чиқарилган ЯММнинг ҳажми;
 - барча жавоблар нотўғри.
18. Акциялар реал қийматининг бошқа нархлар даражасидан қатъи назар кескин пасайиши нимага энг яхши мисол бўлиши мумкин?
- импорт харидларининг самарасига;
 - реал касса қолдиқларининг самарасига;
 - истеъмолчилар фаровонлигининг ўзгаришига;
 - истеъмолчи қарзларининг ўзгаришига;
 - барча жавоблар тўғри.
19. Агар давлат атроф-муҳитни сақлаш талабларини кучайтиrsa, бу нимага олиб келади?

- а) маңсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши ва жами таклиф эгри чизигининг ўнгта күчишига;
- б) маңсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши ва жами таклиф эгри чизигининг чапга күчишига;
- в) маңсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши ва жами талаб эгри чизигининг чапга күчишига;
- г) маңсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларининг пасайиши ва жами талаб эгри чизигининг чапга күчишига;
- д) маңсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларининг пасайиши ва жами талаб эгри чизигининг ўнгта күчишига.

ТҮФРИ/НОТҮФРИ

1. Жами талаб эгри чизиги пасаювчи қиялик күринишида бўлади.
2. Жами таклиф эгри чизиги унинг классик кесимида ётиқ (горизонтал) дир.
3. Классик мактаб ҳам, кейис мактаби ҳам узоқ даврда жами таклиф эгри чизиги тик (вертикал) бўлади, деб ҳисоблайдилар.
4. Нархлар даражасининг пасайиши пулга талабни қисқартиради ва фоиз ставкасини кўтаради.
5. Жами таклифнинг ўсиши ишлаб чиқаришнинг мувозанатли даражасини ва тўла бандликка мос келувчи ишлаб чиқариш даражасини оширади.
6. Ички нархлар даражасининг ошиши (жаҳондагига нисбатан) товарлар ҳамда хизматлар экспортининг ўсишига ва импортининг пасайишига олиб келади.
7. Истеъмол қарзларининг юқори даражаси истеъмол харажатлари ва жами истеъмол ўсишини рағбатлантиради.
8. Ортиқча ишлаб чиқариш қувватларининг қисқариши капиталга бўлган талаб ўсишини секинлаштиради ва шу асосда жами талабни камайтиради.
9. Ишлаб чиқариш омиллари бозорида якка ҳокимлик ғояларининг ўсиши ишлаб чиқариш харажатларига ва оқибатда жами таклиф ўзгаришига таъсир этиши мумкин.
10. Мувозанатли иқтисодиётда ҳамма вақт тўла бандлик мавжуддир.
11. Миллий валюта курсининг хорижий валюталарга нисбатан кўтарилиши экспортининг ўсиши учун шароит яратади ва оқибатда жами талабни кўпайтиради.
12. Классиклар фикрига мувофиқ, жами таклиф эгри чизиги барча шароитларда чапга ҳам, ўнгта ҳам силжий олмайди, у тик (вертикал) чизиқ билан берилган бўлади.
13. Жами таклиф эгри чизигининг оралиқ кесимида жами талаб кўпайганда, нархлар ҳам, ЯММнинг реал ҳажми ҳам ўсади.
14. Боиқа тенг шароитларда талабдаги ўзгаришлар нарх ўзгаришлари туфайли юз беради.
15. Бойлик самараси жами талаб ўзгаришини белгиловчи нарх омилидир.
16. Кейис мактаби иқтисодчиларининг фикрича, жами таклиф эгри чизиги фақат узоқ муддатли даврда мумкин бўлган (потенциал) маңсулот ишлаб чиқаришни ифодалайди.
17. Жами талаб ва жами таклиф эгри чизиқлари нарх билан боғлиқ омиллар ҳаракати таъсирида силжайди.
18. Инфляциянинг кутилиши жами талаб эгри чизигини ҳар доим ўнгга силжитади.
19. Жами ва якка тартибдаги талаб эгри чизиқларининг силжиш сабаблари бир хил.
20. Жами таклиф эгри чизигининг тик (вертикал) кесими ишлаб чиқаришнинг реал имкониятлари чегарасининг соддалаштирилган кўринишидир, чунки ҳар қандай иқтисодиёт бу кесимда ҳам ҳар доим ўсиш учун кичик резервларга эга бўлади.
21. Ишсизликни пасайтириш учун давлат кўпинча жами талабни кўпайтишга ҳаракат қиласиди.

22. Жами таклиф эгри чизигининг ётиқ (горизонтал) кесимида жами талаб эгри чизигининг ўнгга силжиши реал ЯММ ўзгаришига таъсир кўрсатмайди.
23. Жами таклиф эгри чизигининг тик (вертикал) кесимида жами талаб эгри чизигининг чапга силжиши нархлар даражасига таъсир кўрсатмайди.
24. Агар жами талаб эгри чизиги ўнгга силжиса, инфляция ўсиши тўхтайди.
25. Талаб эгри чизигининг ўнгга силжиши, жами таклиф эгри чизигининг шаклидан қатъи назар, ҳар доим инфляцияга олиб келади.

МУАММОЛАР

1. 3.2-жадвалда жами таклифни ифодаловчи маълумотлар берилган.

3.2-жадвал

Нархлар даражаси	Иншаб чиқарилган реал ЯММ
250	2000
225	2000
200	1900
175	1700
150	1400
125	1000
100	500
75	0

а) Аниқланг:


- 1) Жами таклиф эгри чизигининг кейис кесимида реал ЯММ ҳажми қандай ўзгаради?
 - 2) Жами таклиф эгри чизигининг классик кесимида нархлар даражаси ва реал ЯММ ҳажми қандай ўзгаради?
 - 3) Жами таклиф эгри чизигининг оралиқ кесимида реал ЯММ ҳажми қандай ўзгаради?
- б) 3.3-жадвалда жами талаб функциясининг 3 варианти берилган. Ушбу 3 вариантларга мос келувчи AD_1 , AD_2 ва AD_3 жами талаб эгри чизигларини чизинг. Вариантларнинг ҳар бири учун ЯММнинг мувозанатли ҳажмини ва пархнинг мувозанатли даражасини аниқланг.
2. 3.4-расмда олтига жами талаб эгри чизиклари ва жами таклиф эгри чизиги келтирилган.

3.3-жадвал

Нархлар даражаси	ЯММнинг реал ҳажми (даражатлар бўйича шебобланган)		
	(1)	(2)	(3)
250	1400	1900	400
225	1500	2000	500
200	1600	2100	600
175	1700	2200	700
150	1800	2300	800
125	1900	2400	900
100	2000	2500	1000


- а) Жами талаб әгри чизиги AD_1 , қолатдан AD_2 қолатта, AD_3 дан AD_4 га, AD_5 дан AD_6 га сілжигандаги жами талаб ўзгаришини анықланғ.
- б) Эгри чизиктің AD_1 дан AD_2 қолатта күчици реал ЯММ ва нархлар даражасы ўзгаришига қандай таъсир қиласы?
- в) Эгри чизиктің AD_1 дан AD_2 қолатта күчици реал ЯММ ва нархлар даражасы ўзгаришига қандай таъсир қиласы?
- г) Эгри чизиктің AD_1 дан AD_2 қолатта күчици реал ЯММ ва нархлар даражасы ўзгаришига қандай таъсир қиласы?
- д) Агар чизмада AD әгри чизиги чапта күчса, жами талаб қандай ўзгаради?
- е) Агар AD әгри чизиги чапта сілжиса, унда жами талаб ўзгариши ЯММ ва нархлар даражасы ўзгаришига қандай таъсир этады?

3. 3.5-расмда учта жами талаб әгри чизиги ва иккита жами тақлиф әгри чизиги акс эттирилған.



3.4-расм. Жами талаб ва жами тақлиф әгри чизиклари.

- а) Агар AS әгри чизиги ўнгта сілжиса (AS_1 қолатдан AS_2 қолатта), жами тақлиф қандай ўзгаради?
- б) Товарларнинг нархлари эгилувчан (күтарилиш томонға ҳам, пасайиш томонға ҳам). Жами тақлиф әгри чизигининг AS_1 қолатдан AS_2 қолатта сілжиши жами талабнинг ҳар бир даражасыда (AD_1, AD_2, AD_3) нархлар даражасыга ва ЯММнинг реал ҳажмуга қандай таъсир күрсатади?
- в) Товарлар нархлари пасаймайды. Жами тақлиф әгри чизигининг AS_1 дан AS_2 қолатта сілжиши жами талабнинг ҳар бир даражасыда (AD_1, AD_2, AD_3) нархлар даражасыга ва ЯММнинг реал ҳажмуга қандай таъсир күрсатади?



3.5 - расм. Жами талаб ва жами тақлиф өгри чизиклари.

т) Агар AS_2 өгри чизик AS_1 ҳолатга күчса, унда (1) жами тақлиф, (2) нархлар даражаси ва (3) ЯММнинг реал ҳажми жами талабнинг ҳар бир даражасида (AD_1 , AD_2 , AD_3) қандай ўзгаради?

ЖАВОБЛАР ВА ШАРҲЛАР

Асосий атамалар ва тушунчалар

1. К; 2. Г; 3. М; 4. В; 5. Л; 6. А; 7. Ж; 8. Б; 9. Д; 10. З; 11. Е; 12. И.

Машқулар

1. б) Инвестиция: (-) фоиз даражаси ошиши сабабли.
в) Истельмол: (-) ихтиёрдаги даромад қисқариши сабабли.
г) Инвестициялар: (-) экспорт бозорида фойда камайиши сабабли.
д) Истельмол: (+) бойлик (реал касса қолдиқлари) кўлайгани туфайти.
е) Инвестициялар: (-) мамлакат ичida фойданинг пасайиши сабабли.
2. а) Нархлар даражаси 80 дан 70 гача пасаяди.
б) Реал ЯММ ҳажми 200 дан 180 млрд. долларгача пасаяди.
в) Жами тақлиф өгри чизиги юқорига кўчади.

3. а) 100.
 б) 100 млрд. долл..
 в) Нархлар даражасы 100 тенг, реал ЯММ ұажми эса – 140 млрд.долл..

Тестлар

1. г; 2. в; 3. в; 4. б; 5. а; 6. а; 7. г; 8. а; 9. б; 10. б; 11. а; 12. б; 13. г; 14. а; 15. б; 16. г; 17. б; 18. б; 19. б.

Түғри/Нотүғри

1. Т; 2. Н; 3. Т; 4. Н; 5. Т; 6. Н; 7. Н; 8. Н; 9. Т; 10. Н; 11. Н; 12. Н; 13. Т; 14. Н; 15. Н; 16. Т; 17. Н; 18. Н; 19. Н; 20. Т; 21. Т; 22. Н; 23. Н; 24. Н; 25. Н.

Муаммолар

1. а): (1) 0-1000 (Кейнс кесиміда); (2); 225-250, 2000 (класик кесимда); (3) 1000 - 2000 (оралық кесимда).
 б) (1) -1700, 175; (2) -2000, 225; (3) -900, 125.
2. а) Ұсиш.
 б) ЯММ ұажми күпаяди, нархлар даражасы үзгармайды.
 в) ЯММ ұажми ва нархлар даражасы күтарилади.
 г) ЯММ ұажми үзгармайды, нархлар күтарилади.
 д) Пасаяди.
 е) Жами таклиф (AS) зәрі чизигінинг класик ва оралық кесимларыда нархлар даражасы пасаяди ва AS зәрі чизигінинг оралық ва Кейнс кесимларыда ЯММ ұажми пасаяди.
3. а) Күпаяди.
 б) Нархлар даражасы пасаяди, ЯММ ұажми күпаяди.
 в) Нархлар даражасы үзгармайды, ЯММ ұажми күпаяди.
 г) Қисқаради, үсади, пасаяди.

4 мавзу

ИСТЕЬМОЛ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Мувозанатли ишлаб чиқаришнинг кейинча макроиқтисодий моделида иқтисодий ўсишнинг асосий ҳаражатлантирувчи кучи бўлиб ўзининг содда кўринишида истеъмол ҳаражатлари (С) ва инвестициялар (Т) йигиндисига тенг бўлган жами (самарали) талаб ҳисобланади.

Истеъмол ҳаражатлари жорий ихтиёрдаги даромад ўзгаришига боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган ҳаражатларга бўлинади. Бу боғлиқлик истеъмол функциясида қайд этилади. Жамгарма ихтиёрдаги даромаддан истеъмол ҳаражатларининг айрмасига тенг бўлгани учун, жамгарма функцияси истеъмол функциясининг акс ифодаси ҳисобланади.

Истеъмол ва жамгарма эгри чизиқларининг силжиши (юқорига-пастга) истеъмолчиларнинг жамгарган бойликлари даражасидаги, нархлар ва солиқ тизимидағи, истеъмолчи қарзлари ҳажмидаги ўзгаришлар, шунингдек уй хўжаликларининг ўз даромалларида эҳтимолий ўзгаришларни кутишлари сабабли юзага келади.

Истеъмолга ва жамгармага бўлган ўртача ҳамда меъёрий мойиллик кўрсаткичлари истеъмол ва жамгарма функцияларининг ифодасини аниқлашга имкон беради: уларнинг ёрдамида ихтиёрдаги даромаднинг ҳар қандай ўзгариши билан боғлиқ истеъмол ҳаражатлари ва жамгармалар ўзгариши таҳлил қилинади.

Инвестиция ҳаражатлари жами ҳаражатларининг яна бир таркибий қисмиди. Боғланган (тобе) инвестициялар даромад ўзгариши билан боғлиқ бўлади. Боғланмаган (тобе бўлмаган) автоном инвестицияларга реал фоиз ставкаси даражаси ва соф фойданинг кутилаётган меъёри таъсир кўрсатади. Бу боғлиқлик инвестицияларга бўлган талаб эгри чизиги орқали қайд этилади. Режалаштирилган инвестициялар уларнинг ҳақиқий ҳажми билан бир хил бўлмаслиги мумкин. Уларни тенглаштириш йил охирида мавжуд бўлган ишлаб чиқариш заҳираларини ўзгартириш орқали амалга оширилади.

Инвестицияларга бўлган талаб эгри чизигининг силжиши (юқорига-пастга) ишлаб чиқариш ҳаражатларидаги, тадбиркорлик фаолиятига солиқ ставкалари даражасидаги, ишлаб чиқариш технологиясидаги, шунингдек бизнес ривожи истиқболига тадбиркорлар берган баҳолардаги ва шу кабилардаги ўзгаришлар сабабли юз беради. Бу омилларнинг инвестиция ҳаражатлари ўзгаришига таъсири уларнинг юқори даражадаги нобарқарорлигини белгилайди.

Ўқув мақсадлари

1. Даромад, истеъмол ва жамгарма ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушуниш.
2. Боғлиқ бўлмаган истеъмол ҳаражатлари боғлиқ бўлганидан нима билан фарқ қилишини аниқлаш.

3. “Истемол функцияси” ва “жамғарма функцияси” түшүнчаларини очиб берин ҳамда улар бир-бири билан қандай боғлиқтукда эканини анықлаш.
4. Қыйидаги түшүнчаларыннг иқтисодий маңыносини анықлаш:
 - истемолга бўлган ўртача ва меъёрий мойиллик;
 - жамғармага бўлган ўртача ва меъёрий мойиллик.
5. Истемол ва жамғарма эгри чизиқларининг силжишига сабаб бўлган омилларни аниқлаш.
6. Инвестиция харажатлари таркиби ва боғланган ҳамда боғланмаган инвестициялар ўзгаришини белтиловчи омилларни аниқлаш.
7. Инвестицияларга бўлган талаб функциясининг мазмунини очиб берин.
8. Режалаштирилган ва ҳақиқий инвестициялар миқдорини тенглаштиришда товар заҳираларининг аҳамиятини тушуниш.
9. Инвестицияларга бўлган талаб эгри чизигининг силжишига сабаб бўлувчи омилларни аниқлаш ва нима сабабдан инвестиция харажатларининг ўзгариши юқори даражадаги нобарқарорликка эга эканини тушуниш.

АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР:

- а) истемол функцияси;
- б) жамғарма функцияси;
- в) жамғармага бўлган ўртача мойиллик;
- г) истемолга бўлган ўртача мойиллик;
- д) истемолга бўлган меъёрий мойиллик;
- е) жамғармага бўлган меъёрий мойиллик;
- ж) боғлиқ бўлмаган истемол харажатлари;
- з) боғлиқ бўлмаган жами харажатлар;
- и) боғлиқ бўлган истемол харажатлари;
- к) даромад;
- л) режадаги инвестициялар;
- м) ҳақиқий инвестициялар;
- н) боғланмаган инвестициялар;
- о) фоиз ставкаси;
1. Истемолга йўналтириладиган (фоизларда ифодалаанган) ихтиёрдаги йиллик даромаднинг ҳар бир қўшимча бирлитининг улуси.
 2. Ҳажми истемол харажатлари миқдорига тенг даромад; 100 фоиз истемолга сарфланадиган даромад даражаси.
 3. Ҳар бир берилган вақтда ихтиёрдаги даромаднинг турли миқдорлари ва жами истемол харажатлари ўртасидаги боғлиқлик (бошқа тенг шартларда). Ихтиёрдаги даромаднинг турли эҳтимолий даражаларида маълум вақт мобайнида режалаштирилаётган истемол харажатлари.
 4. Йил охирида ишлаб чиқариш заҳираларида режалаштирилмаган ўзгаришлар миқдорига камайтирилган (оширилган) режадаги инвестициялар. Ҳусусий фирмалар инвестицияларининг реал ҳажми.
 5. Ҳар бир берилган вазиятда ҳажми ва ўзгариши ихтиёрдаги жорий даромадга боғлиқ бўлмаган жами харажатлар қисми.
 6. Истемолга йўналтириладиган фонзаларда ифодалаанган ихтиёрдаги йиллик даромад улуси.
 7. Ўзгариши ва ҳажми ихтиёрдаги даромадга боғлиқ бўлмаган истемол харажатларининг қисми.

8. Ихтиёрдаги йиллик даромаднинг жамғармага йўналтириладиган (фоизларда ифодаланган) ҳар бир қўшимча бирлигининг улуши.
9. Ихтиёрдаги йиллик даромад даражасига боғлиқ бўлмаган инвестиция харажатлари.
10. Берилган ушбу вазиятда, бошқа тенг шароитларда жамғарма ҳажми ва ихтиёрдаги даромаднинг турли миқдорлари ўргасидаги боғлиқлик.
11. Йиллик даромаднинг ҳар қандай имкониятли даражасила ишлаб чиқарувчилар амалга оширишни кўзлаган инвестиция харажатлари.
12. Ҳажми ва ўзгариши ихтиёрдаги жорий даромад ўзгаришига боғлиқ бўлган истеъмол ҳаражатлари қисми.
13. Пуллардан (қарзлардан) фойдаланганик учун тўлов.
14. Жамғармага йўналтириладиган фоизларда ифодаланган ихтиёрдаги йиллик даромад улуши.


МАШҚЛАР

1. Оиланинг ҳафталик истеъмол харажатлари 100 доллар ҳамда ҳафталик даромад ҳажмининг $1/2$ қисмининг йигиндисига тенг ($C=100\text{долл.} + 1/2 \text{DI}$).

а) 4.1-жадвал маълумотлари бўйича оиланинг истеъмол харажатлари ва даромаднинг ҳар бир даражасидаги жамғарма миқдорини (долларда) ҳисобланг.

			4.1-жадвал		
Ихтиёрдаги даромад (DI)	Истеъмол (C)	Жамғарма (S)	Ихтиёрдаги даромад (DI)	Истеъмол (C)	Жамғарма (S)
0			300		
100			400		
200			500		

б) 4.1-жадвал маълумотларига асосланиб, 4.1-расмда истеъмол функцияси графини чизинг. Бу расмда чап бурчақдан 45° га тенг диагонал (қия) чизиқ ўтказинг. Бу



4.1 - расм. Истеъмол функцияси

згри чизиқда жойлашган ұар бир нүктада истеъмол харажатлари ихтиёрдаги даромадтаңг. Ихтиёрдаги даромаднинг қандай даражаларда истеъмолга сарфлар ихтиёрдаги даромад ұажмуга тенг, ундан кам ва күп бўлишини ҳисобланг.

2. Фараз қилайлик, истеъмол функцияси, худди олдинги машқдаги каби, яъни $C=100\text{долл.} + 1/2 \cdot DI$. 4.2-жадвал маълумотлари бўйича қўйидагиларни ҳисобланг:

а) Ихтиёрдаги даромаднинг ұар бир ўзгаришига истеъмол харажатлари ұажмининг ўзгаришини.


б) Истеъмолга бўлган мөъёрий мойиллик миқдорини (MPC).

4.2-жадвал

Ихтиёрдаги даромаднинг ўзарини (DI)	Истеъмол харажатлариниң ўзарини (C)	Истеъмолга бўлган мөъёрий мойиллик (MPC)
0 дан 1 гача (+1)		
399 дан 400 гача (+1)		
400 дан 401 гача (+1)		
400 дан 410 гача (+10)		
410 дан 400 гача (-10)		
400 дан 399 гача (-1)		

3. 4.2-расмда СС згри чизиги миллий истеъмол функциясини акс эттиради.

Расмда ихтиёрдаги даромад ОА кесимга, унга мос келувчи истеъмол харажатлари эса ОД кесимга тенг.



4.2 - расм. Миллий истеъмол функцияси

а) Истемол харажатлари кўпайди ва ОЕ кесимга тенг бўлди.

Кўйида келтирилган сабаблардан қайси бири бу ўсиши келтириб чиқарганини аниқланг:

- ихтиёрдаги даромаднинг ОА дан ОВ гача кўпайиши;
- истемол эгри чизигини СС ҳолатдан С'С' ҳолатга силжишига одиб келган бошқа (ихтиёрдаги даромад ўзгариши билан боғлиқ бўлмаган) омилларнинг ўзгариши;
- ҳам биринчи, ҳам иккинчи сабаблар.

б) Нуфузли иқтисодий манба яқин келажакда иқтисодиётда пасайиш бўлишини тахмин қилмоқда. Келаётган машаққатли даврдан ўтиб олиш учун, жамиятда ҳали ихтиёрдаги даромад ўзгармаган бўлса-да, камроқ истемол қилиш ва кўпроқ жамғаришга интилиш кучаяди. Ушбу вазиятни график ёрдамида 4.2-расмда кўрсатинг.

4. Фараз қиласайлик, А мамлакатда 100 оила ҳисобга олинган. Оилаларнинг биринчи ярми 1/2 га тенг, қолган ярми эса 3/4 га тенг истемолга бўлган меъёрий мойилликка эга.

а) Агар ихтиёрдаги даромад 10000 долларга кўпайса ва унинг ўсиши оилаларнинг биринчи ярмига тўгри келса, у ҳолда жами истемол харажатлари қанчага ўсади?

б) Агар ихтиёрдаги даромаднинг барча ўсиши оилаларнинг иккинчи ярмига тўгри келса, унда жами истемол харажатлари қанчага ўсади?

ТЕСТЛАР

1. Истемолга бўлган меъёрий мойиллик – бу:

- а) жами истемолнинг жами даромадга нисбати;
- б) даромад ўзгариши оқибатида истемол харажатларидағи ўзгаришлар;
- в) даромаднинг берилган даражасида истемол харажатлари миқдорини ифодаловчи эгри чизик;
- г) истемол харажатлари ўсишининг ихтиёрдаги даромад ўсиши бирлигига нисбати;
- д) барча жавоблар нотўғри.

2. Истемолга ва жамғармага бўлган меъёрий мойиллик ўртасидаги боғлиқлик қўйдагида ўз ифодасини топади:

- а) уларнинг йигиндиси 1 га тенг;
- б) улар ўртасидаги нисбат истемолга бўлган ўртача мойилликни ифодалайди;
- в) уларнинг йигиндиси ихтиёрдаги даромадга тенг, чунки у истемол ва жамғармага бўлинади;
- г) улар тенг бўлган эгри чизиқдаги нуқта даромаднинг чегаравий (бошланғич) дарасига мос келади;
- д) уларнинг йигиндиси 0 га тенг.

3. Агар кишилар ўз даромадларининг барчасини истемолга сарфламай, ҳаражат қилинмаган қисмини банкка жойлаштируса, унда (даромад ва маҳсулотнинг миллий ҳисоби атамасини қўллаб) уларнинг бу ишлари ҳақида нима дейиш мумкин:

- а) жамғарадилар, бироқ инвестиция қилмайдилар;
- б) инвестиция қиладилар, бироқ жамғармайдилар;
- в) жамғармайдилар ва инвестиция қилмайдилар;
- г) ҳам жамғарадилар, ҳам инвестиция қиладилар;
- д) жамғарадилар, бироқ қимматли қофозлар сотиб олиш учун фойдаланиладиган жамғарма қисмини инвестиция қиладилар.

4. “Якка тартибдаги жамғармалар” милиций ҳисоблар тизимида құлланувчи атама сиғатида нимани англағади?
- оила барча активларининг умумий миқдори;
 - қандайдыр даврда олинган ва истеъмолга ишлатилмаган даромад;
 - оңданинг уннан мажбуриятлари чегириб ташланғандан кейин қолған барча активларининг умумий миқдори;
 - маълум даврда олинган ва фақат қимматли қофозлар сотиб олишга ишлатилған ёки банкка жойлаштирилған даромад;
 - қандайдыр даврда олинган, истеъмол учун ҳам, қимматли қофозлар сотиб олиш учун ҳам ишлатилмаган, шунингдек банкса ҳам жойлаштирилмаган даромад.
5. Якка тартибдаги истеъмол функциясининг “бошланғич даражасы” нүктасида:
- жамғарма даромадга teng;
 - даромад истеъмолга teng;
 - жамғарма истеъмолга teng;
 - истеъмол инвестицияларга teng;
 - истеъмолга бўлган меъёрий мойилик 1 ga teng.
6. Санаб ўтилгандардан қайси бири милиций ҳисоблар тизимидағи “инвестициялар” тушиунчасига тааллукли:
- ҳар қандай облигация сотиб олиш;
 - жамғармага йўналтирилмаган жамғарилған даромаднинг ҳар қандай миқдори;
 - ҳар қандай акция сотиб олиш;
 - барча жавоблар нотўғри;
 - "a", "b" ва "v" жавоблар тўғри.
7. Дж.Кейнс таъкидлашича, мамлакатдаги истеъмол харажатларининг ҳажми нимага боғлиқ?
- истеъмолчининг яшаш жойига;
 - оила аъзоларининг ёшлига;
 - пул тақлифининг ўсиш суръатига;
 - милиций даромад даражасига;
 - ихтиёрдаги даромад даражасига.
8. Қуйидаги боғлиқлардан қайси бири тескари боғлиқликни ифодалайди?
- истеъмол харажатлари ва ихтиёрдаги даромад ўртасидаги боғлиқлик;
 - инвестиция харажатлари ва фонд ставкаси даражаси ўртасидаги боғлиқлик;
 - жамғармалар ва истеъмол ставкаси даражаси ўртасидаги боғлиқлик;
 - инвестиция харажатлари ва милиций даромад ўртасидаги боғлиқлик;
 - барча жавоблар нотўғри.
9. Агар ихтиёрдаги даромад ҳажми камаяёттан бўлса, унда бошқа teng шартларда:
- истеъмол харажатлари ҳам, жамғармалар ҳам ўсади;
 - истеъмол харажатлари ўсади, жамғармалар эса қисқаради;
 - истеъмол харажатлари қисқаради, жамғармалар эса ўсади;
 - истеъмол харажатлари ҳам, жамғармалар ҳам қисқаради;
 - барча жавоблар нотўғри.
10. Агар ихтиёрдаги даромад ҳажми берилған мамлакатда кўпайса, унда:
- истеъмолга ва жамғармага бўлган ўргача мойилик ўсади;

- б) истеъмолга бўлган ўртacha мойиллик ўсади, жамғармага бўлгани эса пасаяди;
 в) истеъмолга бўлган ўртacha мойиллик пасаяди, жамғармага бўлгани эса ўсади;
 г) истеъмолга ва жамғармага бўлган ўртacha мойиллик пасаяди;
 д) барча жавоблар нотўғри.
11. Қуйидаги боғлиқликлардан қай бири тўғри боғлиқликни ифодалайди?
 а) истеъмол харажатлари ва ихтиёрдаги даромад ўртасидаги боғлиқлик;
 б) жамғармалар ва ихтиёрдаги даромад ўртасидаги боғлиқлик;
 в) жамғармалар ва фоиз ставкаси даражаси ўртасидаги боғлиқлик;
 г) истеъмол харажатлари ва аҳоли сони ўртасидаги боғлиқлик;
 д) барча жавоблар тўғри.
12. Инвестициялар ҳажмига қуйидагилардан қай бири таъсир кўрсатади:
 а) фоиз ставкаси даражаси;
 б) тадбиркорларнинг умид билан ёки умидсиз кутишлари;
 в) технологик ўзгаришлар даражаси;
 г) ишлаб чиқариш ускунасининг юкланганик даражаси;
 д) барча жавоблар тўғри.
13. Қуйидагилардан қай бири боғлиқ бўлмаган харажатлар ўсишини акс эттиради?
 а) истеъмол функцияси эгри чизигининг юқорига силжиши;
 б) СММ кўпайишига қараб инвестицияларнинг ўсиши;
 в) истеъмол функцияси эгри чизиги бўйлаб юқорига ҳаракат;
 г) истеъмол функцияси эгри чизиги бўйлаб пастга ҳаракат;
 д) барча жавоблар тўғри.
14. Ихтиёрдаги даромаднинг берилган даражасида жамғармага ва истеъмолга бўлган меъёрий мойиллик миқдорларининг йигиндиси:
 а) 0 га тент; б) 1 га тент; в) 100 га тент; г) 1000 га тент; д) 10000 га тент.
15. Агар реал фоиз ставкаси кўпайса, унда:
 а) инвестицияларга бўлган талаб эгри чизиги ўнгта силжийди;
 б) инвестицияларга бўлган талаб эгри чизиги чапга силжийди;
 в) инвестицияларга бўлган талаб эгри чизиги юқорига кўчади;
 г) инвестиция ҳаражатлари қисқаради;
 д) барча жавоблар нотўғри.

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ

- Жамғармалар ихтиёрдаги даромаддан истеъмол харажатларининг айрмасига тенг.
- Истеъмолга бўлган меъёрий мойиллик ҳар доим жамғармага бўлган меъёрий мойилликка тенг.
- Истеъмолга бўлган меъёрий мойиллик – бу истеъмол ўсишининг даромад ўсишига нисбати.
- Инсонларнинг иқтисодий хатти-ҳаракати қатъий индивидуаллашган, шунинг учун истеъмолчи хатти-ҳаракатининг умумий қоидаларини ифодалаб бўлмайди.
- Жамғармалар ва инвестицияларнинг ҳажми ҳамда ўзгариши бир хил омиллар таъсири билан аниқланади.
- Инвестиция ҳаражатлари истеъмол харажатларига қараганда нобарқарорроқ, чунки уларга фоиз ставкасининг ўзгариши ва тадбиркорларнинг кутишлари таъсир кўрсатади.

7. Агар кам даромадли оиласа истеъмол ҳажми унинг даромади даражасидан ортиқ бўлса, унда бу оиласа истеъмолга юқори мөъёрий мойиллик бўлиши хос бўлади.
8. Агар истеъмол функцияси маълум бўлса, жамғарма функцияси графигини ҳар доим чизиш мумкин.
9. Истеъмолга бўлган мөъёрий мойиллик, демак жамғармага бўлган мөъёрий мойиллик ҳам, айниқса узоқ муддатли даврда асосан нархлар даражасига боғлиқ.
10. Даромад ўсишига қараб, озиқ-овқат сотиб олишига сарфлар ҳиссаси пасаяди.
11. Инвестиция ҳаражатлари ўзгариши одатда барқарордир.
12. Кейинс фикрига мувофиқ, жамғарма даражаси, биринчи навбатда, ихтиёрдаги даромад ҳажмига боғлиқ.
13. Инновация жараёнлари ривожланишининг мунтазам эмаслиги ва фойда даражасидаги тебранишлар инвестиция ҳаражатлари ўзгариш суръатларининг барқарорлигини оширишда катта аҳамиятга эга.
14. Фоизнинг реал даражаси унинг номинал миқдоридан инфляция даражасининг айримасига тенг.
15. Нархларнинг ўсиши истеъмол эгри чизигини юқорига силжитади.
16. Якка тартибдаги даромадларга солиқларнинг ўсиши ҳам истеъмол ҳаражатларини, ҳам жамғармаларни камайтиради.
17. Даромаднинг ўсиши инвестициялар ошишини рағбатлантириши мумкин.
18. Агар истеъмолга бўлган мөъёрий мойиллик 0,9 га тенг бўлса, бу оила ҳар доим ўз даромаднинг 90 фоизини товарлар ва хизматларга сарфлашини билдиради.
19. Милий истеъмол функцияси жамиятда кўшимча даромадни тақсимлаш ифодасига боғлиқ эмас.
20. Истеъмолга ва жамғармага бўлган мөъёрий мойиллик миқдорларининг йигинидиси ҳар доим 1 га тенг.


МУАММОЛАР

1. 4.3-жадвалда А мамлакатда ихтиёрдаги даромад ҳажми ва истеъмол ҳаражатлари ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи маълумотлар келтирилган (млрд. долларда).

4.3-жадвал

Истеъмол ҳаражатлари	Ихтиёрдаги даромад	Истеъмол ҳаражатлари	Ихтиёрдаги даромад
120	100	330	400
200	200	380	500
270	300	420	600


- a) 4.3-расмда А мамлакатдаги истеъмол функциясини акс эттиринг.
- б) Ихтиёрдаги даромад (млрд.долларда) 100дан 200га, 300дан 400га, 500дан 600га ўстган шароитларда истеъмолга бўлган мөъёрий мойилликни ҳисобланг.
- в) Агар 4.3-жадвалдаги ихтиёрдаги даромаднинг ҳар бир даражасида истеъмол ҳаражатлари 5 млрд.долларга ўса, бу истеъмол функцияси эгри чизигида қандай акс этади? (4.3-расм)
- г) 4.3-жадвал маълумотларига асосланиб, жамғарма функциясини 4.4-расмдан фойдаланиб акс эттиринг.
- д) Ихтиёрдаги даромад (млрд.долларда) 100дан 200га, 300дан 400га, 500дан 600га ўстган шароитларда жамғармага бўлган мөъёрий мойилликни ҳисобланг.
- е) "б" ва "д" лардаги ҳисоблар цатижаларидан фойдаланиб, истеъмолга ва жамғармага бўлган мөъёрий мойилликлар йигинидисини ҳисобланг.



4.3 - расм. Истемол функцияси

ж) Ихтиёрдаги даромаднинг ҳар бир даражасида миллий истемолнинг 5 млрд.долларга ўсиши истемол функциясини юқорига силькитди. Жамгарма функцияси эгри чизитининг ҳолати қандай ўзгаришини аниқланғ (4.4-расмдан фойдаланинг).

2. Фараз қылайлық, фирма 7 та инвестицион лойиҳани кўриб чиқмоқда. Ҳар бир лойиҳа бўйича фойданинг кутилаётган меъёри ҳақидаги маълумотлар 4.4-жадвалда келтирилган.



4.4 - расм. Жамгарма функцияси

4.4-жадеал

Лойиҳалар	Фой таинни күтпілдегін мөнбәри (%)
А	12
Б	8
В	7
Г	15
Д	25
Е	11
Ж	9

а) Агар фирма йилигі 10% тұлаш ҳисобига кредит олса, унда бу лойиҳалардан қайсылари шаксиз даромад келтирмайды?

б) Агар кредиттә фоиз ставкаси 13%гача күтарилса, унда қайси лойиҳалар даромад келтирмайды?

3. Фараз қылайлық, истеъмолға бўлган месъерий мойиллиги 0,9 га тенг бўлган бир киши даромадининг 1 доллари ушбу кўрсаткич 0,8 га тенг бўлган бошқа кишига ўтади. Истеъмол харажатлари ва жамғармалар миқдори қандай ўзгаради?

ЖАВОБЛАР ВА ШАРҲЛАР

Асосий атамалар ва тушунчалар

1. д; 2. к; 3. а; 4. м; 5. з; 6. г; 7. ж; 8. е; 9. н; 10. б; 11. л; 12. и; 13. б; 14. в.

Машқлар


1. а) Истеъмол (C): 100, 150, 200, 250, 300, 350.
Жамгарма (S): -100, -50, 0, 50, 100, 150.
б) $DI=200$ да $C=DI$; $DI=$ Одан 200гачада $C < DI$; $DI=300$ дан 500гачада $C > DI$.
2. а) Истеъмол харажатларидаги ўзгаришлар +50 центта; +50 центта; +50 центта; +5 долларга; -5 долларга; -50 центта тенг.
б) Ҳамма ҳолларда $MPC = \frac{1}{2}$.
3. а) Ҳам бу, ҳам бошқа сабаблар.
б) Истеъмол эгри чизиги пастта сиљиган (масалан, $C^1 C^1$ ҳолатдан CC ҳолатта).
4. а) 5000 долларга.
б) 7500 долларга.

Тестлар

1. г; 2. а; 3. а; 4. б; 5. б; 6. г; 7. д; 8. б; 9. г; 10. в; 11. д; 12. д; 13. а; 14. Б; 15. г.

Тўғри/Нотўғри


1. Т; 2. Н; 3. Т; 4. Н; 5. Н; 6. Т; 7. Н; 8. Т; 9. Н; 10. Т; 11. Н; 12. Т; 13. Т; 14. Т; 15. Н; 16. Т; 17. Т; 18. Н; 19. Н; 20. Т.



4.5 - расм. Мамлакат истеъмол функцияси

Муаммолар

1. а) 4.5-расмга қаранг.
б) 0,8; 0,6; 0,4
в) Истеъмол харажатларининг эгри чизиги юқорига силжийди, чунки истеъмол харажатлари ихтиёрдаги даромаднинг ҳар бир даражасида ўсади (4.5-расмга қаранг).
г) 4.6-расмга қаранг.
д) 0,2; 0,4; 0,6.
е) Ҳамма ҳолларда уларнинг йифиндиси 1 га тенг.
ж) 4.6-расмга қаранг. Жамғарма функцияси эгри чизиги ўнгга пастга силжийди.
2. а) Б, В, Ж лойиҳалар.
б) А, Б, В, Е, Ж лойиҳалар.
3. Истеъмол харажатлари 10 центга пасаяди, жамғармалар эса 10 центга ўсади.
б) 0,8; 0,6; 0,4.
в) Истеъмол харажатларининг эгри чизиги юқорига силжийди, чунки истеъмол харажатлари ихтиёрдаги даромаднинг ҳар бир даражасида ўсади (4.5-расмга қаранг).
г) 4.6-расмга қаранг.
д) 0,2; 0,4; 0,6.
е) Ҳамма ҳолларда уларнинг йифиндиси 1 га тенг.
ж) 4.6-расмга қаранг. Жамғарма функцияси эгри чизиги ўнгга-пастга силжийди.



4.6 - расм. Жамғарма функциясы

5 мавзу

КЛАССИК ВА КЕЙНС МОДЕЛЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ МУВОЗАНАТЛИ ҲАЖМИ

Иқтисодий адабиётларда макроиқтисодий мувозанат "жами талаб - жами таклиф" (AD-AS) умумий моделининг турлича талқинлари мавжуд.

Бу модельнинг классик варианти Сэй қонунига асосланади ва қуидагиларни кўзда тутади:

1. Иш ҳақи ва нархлар мутлақ эгилувчан бўлади.
2. Жами таклиф иқтисодий ўсишнинг кучайтирувчи сифатида биринчи ўринга қўйилади.
3. Бозор механизми тўла бандлик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа омилларидан тўла фойдаланиш шароитида жами талаб ва жами таклиф мувозанатини таъминлаш қобилиятiga эга бўлади.
4. Жами таклиф ҳажми иқтисодиётнинг потенциал имкониятлари билан мослашувга муттасил интилади (шунинг учун жами таклиф эгри чизиги нархлар даражаси ўзгариши ва яратилувчи даромад ҳажмининг доимийлигини акс эттириб, тик чизик билан тасвирланади).

Сэй қонуни ва нарх ҳамда иш ҳақи миқдорининг мутлақ эгилувчанлиги ҳақидаги классик ғояларни танқид қилган Дж.Мейнард Кейнс, мувозанат умумий моделининг тамоман бошқача изоҳини берди. Бу ўринда Кейнс назариясининг қуидаги қоидалари мұхим аҳамиятта өгадир.

1. Қисқа муддатли даврда иш ҳақи ва нархлар миқдори қатъий бўлади. Шунинг учун бозор механизми давлат аралашувисиз бир вақтда тўла бандликни ва ишлаб чиқариш воситарадан тўла фойдаланишни таъминлаш, иқтисодиётни баланслаштиришга қодир эмас.
2. Самарали талаб иқтисодий ўсишнинг ҳаракатлантирувчи омилидир, чунки қисқа муддатли даврда жами таклиф миқдори белгиланган бўлиб, кўпинча кутилаётган жами талабга мослашади.
3. Инвестициялар ҳажми ва истеъмол функциясининг кўриниши даромад ва бандлик даражасини белгилайди. Мувозанатли даромаднинг ўсиши ҳар доим инвестициялар ўшидан ортиқ бўлиб, унинг миқдори оддий мультиплікатор ёрдамида аниқланади.
4. Мувозанатли даромад ўзгаришига (агар гап очиқ иқтисодиёт ҳақида борса) соф экспорт миқдори ва унинг ўзгариши таъсир кўрсатади.
5. Мувозанатли даромадни икки усул билан аниқлаш мумкин: жами харажатларни қўшиш ($Y = C + I$ ёки $Y = C + I + G + X_p$) ва "кирим-чиқим" йўли билан ($I=S$).
6. Мультиплікатор моделига мувофиқ иқтисодиётнинг жўшқин ўсиши истеъмол харажатларини кўпайтиришни кўзда тутади. Шунинг учун жамғармаларнинг ўсиши мувозанатли СММнинг камайишига олиб келиб, натижада келажакда жамғармаларни ўстириш имкониятларини пасайтириши мумкин ("тежамкорлик парадокси").

7. Иқтисодий мувозанат жами тақлиф әгри чизигининг түрли кесимларыда содир бўлиши мумкин.

Ўқув мақсадлари

1. Мувозанатли ишлаб чиқарилганинг классик ва Кейнс моделлари ўртасидаги асосий фарқларни аниқлаш.
2. Нима учун кейнчилар, классиклардан фарқли равишда (агар гап қисқа муддатли давр ҳакида борса), мувозанатли ишлаб чиқариц барча ишлаб чиқариц ресурсларидан фақат тўла фойдаланилганда эмас, балки тўла фойдаланилмаган ҳолларда ҳам содир бўлиши мумкин деб ҳисоблашларини тушуниш.
3. СММни ўлчашнинг икки усулини англаб олиш ва уларнинг функционал вазифасини аниқлаш.
4. Мультиликатор моделини ва унинг мувозанатли СММ ҳажмидаги ўзгаришларни аниқлашдаги аҳамиятини тушуниш.
5. Тежамкорлик парадоксининг моҳиятини очиш.
6. Ташиб савдонинг СММ мувозанатли ҳажмига таъсирини аниқлаш.
7. Икки мувозанатли модел: нархларнинг доимий даражасида жами харажатлар ва реал СММ ўртасидаги ўзаро боғлиқликни акс эттирувчи Кейнс модели ҳамда нархларнинг ўзгарувчанлик даражасида жами талаб ва жами тақлифнинг ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи "жами талаб - жами тақлиф" моделининг ўзаро боғлиқлигини тушуниш.

АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР:

- а) жами харажатлар ва ишлаб чиқариш ҳажмини солиштириш усули;
- б) бандликнинг классик назарияси;
- в) Сэй қонуни;
- г) самарали талаб;
- д) макроиқтисодий мувозанатнинг Кейнс модели;
- е) мультиликатор самараси;
- ж) мультиликатор;
- з) тежамкорлик парадокси;
- и) очиқ иқтисодиёт;
- к) ёпиқ иқтисодиёт;
- л) "кирим ва чиқим" усули.

1. Классик мактаб намоёндалари илгари сурган, хусусан, бозор механизми аҳолининг тўла бандлиги учун шароит яратади, деган макроиқтисодий фор.
2. Жамиятнинг кўпроқ жамғаришга интилиши жамғармаларнинг кўпайишига эмас, балки аввалги ҳажмда қолишига ва ҳатто камайишига олиб келади.
3. Жами харажатлар миллий маҳсулотга тенг бўлган СММнинг реал ҳажмини аниқлаш орқали мувозанатли СММни аниқлаш.
4. "Кирим"лар миқдори "чиқим"лар миқдорига тенг бўлган СММ ҳажмини аниқлаш йўли биён мувозанатли СММни аниқлаш.
5. Тадбиркорлар қўллаб-қувватлаш ниятида бўлган жами тақлиф әгри чизиги билан жами талаб әгри чизиги кесишган нуқтадаги жами талаб миқдори.
6. Мувозанатли СММ ўзгаришининг инвестициялар ҳажми ўзгаришига ёки жами харажатларнинг бошқа ҳар қандай қисмининг ўзгаришига нисбати.
7. Товарлар ва хизматлар экспорти ҳамда импортини амалга оширувчи мамлакат иқтисоди.

8. Нархларнинг доимий даражасида жами харажатлар ва реал ЯММ ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ифодаловчи модель.
9. Жами харажатлар ўзгаришининг мувозанатли СММ га кўрсатадиган таъсири.
10. Товарлар ва хизматларни импорт ҳам, экспорт ҳам қилмайдиган мамлакат иқтисоди.
11. Товарларнинг жами таклифи уларга тенг жами талабни яратади деган макроиқтисодий тамойил.


МАШҚЛАР

1. Қўйида келтирилган омилларнинг кейнсчилар ва классиклар талқинида (бошқа тенг шартларда) ЯММ ҳажми ва нархлар даражаси ўзгаришига таъсирини аниқланг (+), пасайиш (-), ўзгаришининг йўқлиги (0));
 - а) ЯММ потенциал ҳажмининг ўсиши.
 - б) Жами талаб ўсиши.
 - в) Фоиз ставасининг ўсиши ва жами талабнинг қисқариши.
 - г) Нефть нархининг ўсиши натижасида бошқа товар ва хизматларга талабнинг пасайиши.
 - д) Йирик фожиа туфайли ЯММ потенциал ҳажми 25%га пасаяди.
- Жавоблар асосида 5.1-жадвални тўлдиринг.

Омиллар	Кейнсча баҳоланинг		Классик баҳоланинг		<i>5.1-жадвал</i>
	Нархлар	Ишлаб чиқарниш	Нархлар	Ишлаб чиқарниш	
а					
б					
в					
г					
д					

2. 5.1-расмда (А ва Б графиклар) 1000 млрд. долларга тенг бўлган ишлаб чиқарышининг потенциал ҳажмидаги жами таклиф эгри чизиги акс эттирилган.


- а) Ушбу графиклардан қайсиниси жами таклиф эгри чизигининг классик нуқтаи назаридағи шаклини, қайсиниси кейнсча нуқтаи назардаги шаклини акс эттиришини аниқланг.
- б) Жами талаб қисқариши ЯММ ҳажмига таъсир этмайди, бироқ нархларнинг умумий даражасини шу заҳотиёқ ўзгартиради, деган фикр қайси иқтисодий мактаб тараффорларига тегишли? Классикларгами ёки кейнсчиларгами?




5.1-расм. Жами таклиф эгри чизиқлари

3. Агар мамлакатнинг жами ишлаб чиқариши 500000 бирликни, муомаладаги пуллар миқдори 1000000 долларни ташкил этса, пулларнинг айланиш тезлиги эса 4 га тенг бўлса, мувозанатли ишлаб чиқаришининг классик моделига мувофиқ ўртача нарх даржасини ҳисобланг.

4. 5.2- ва 5.3-расмлар автомобиллар бозоридаги ва меҳнат бозоридаги дастлабки мувозанатни акс эттираяти. Агар автомобилларга талаб ошса, классик назарияга мувофиқ автомобилсозлар учун автомобиллар бозорида ва меҳнат бозорида мувозанат қандай ўзгаришини кўрсатинг.



5.2 - Расм. Автомобиллар бозоридаги талаб ва таклиф эрги чизиқлари



5.3 - расм. Меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф эрги чизиқлари

5. Истеъмол функцияси $C = 100 + 0,9 DI$ (ихтиёрдаги даромад):

а) Ихтиёрдаги даромаднинг берилган миқдорларидағи истеъмол харажатлари ва жамғармаларни ҳисобланг (5.2-жадвалга қаранг).

5.2-жадвал

Ихтиёрдаги даромад (DI) (млрд. доллар)	Истеъмол харажатлари (C) (млрд. доллар)	Жамғармалар (S) (млрд. доллар)
600		
800		
1000		
1200		
1400		

б) Истеъмолга (MPC) ва жамғармага бўлган мөъёрий мойилликни (MPS) ҳисобланг.

в) Харажатлар мультипликаторини (M) ҳисобланг.

6. 5.3-жадвалда ёпиқ иқтисодиётдаги истеъмол харажатлари, жамғармалар ва СММ миқдорини ифодаловчи маълумотлар келтирилган (долларда).

а) Тўла бандлик шароитидаги СММ ҳажми 590 долларга тенг. Инвестициялар мультипликатори миқдорини ҳисобланг.

б) Соғ режалаштирилган инвестициялар 58 долларни ташкил этди. Номинал ва реал СММлар ҳажмидаги фарқни аниқланг. Улар ўртасидаги узилиш қандай кўринишга эга — инфляциялимиз ёки дефляциялимиз?

в) Соф режалаштирилган инвестициялар 38 долларга тенг. Тўла ва тўла бўлмаган бандлик шароитларида эришилган реал СММ ҳажмларидағи фарқни аниқланг. Бу узилиш қандай қўринишга эга — инфляциялимиси ёки дефляциялимиси?

5.3-жадвал

СММ ҳажми (NNP)	Нетемод (C)	Жамғарма (S)
550	520	30
560	526	34
570	532	38
580	538	42
590	544	46
600	550	50
610	556	54
620	562	58
630	568	62

ТЕСТЛАР

1. Кейнс назариясининг классик назариядан устун келишига имкон берган асосий сабаб:

- а) Кейнс назарияси иқтисодиётнинг узоқ даврдаги хатти-ҳаракатини изоҳлаб берганида;
- б) Кейнс назарияси иқтисодиётнинг қисқа даврдаги хатти-ҳаракатини изоҳлаб берганида;
- в) классик назария иқтисодиётнинг қисқа даврдаги хатти-ҳаракатини изоҳлаб бера олмаганида;
- г) Кейнс назарияси ўзининг асосий қоидаларини мамлакатда муомалада бўлган пуллар миқдори билан боғламаганида;
- д) "б" ва "в" жавоблар тўғри.

2. Сэй қонуни қўйидагилар ўртасидаги боғлиқликни қайд этади:

- а) қўёшдаги доғлар, об-ҳаво шароитлари ва аграр (қишлоқ хўжалиги) соҳадаги ишлаб чиқариш ҳажми;
- б) пулларга талаб ва уларнинг таклифи;
- в) жамғармалар, инвестициялар ва фоиз даражаси;
- г) кредит, ишлаб чиқариш ва меҳнат бозори;
- д) ишлаб чиқариш, даромад ва харажатлар.

3. Ўзини тартибга солувчи бозор тизими нимани кафолатлайди:

- а) товарлар тақчилиги йўқлигини;
- б) товарлар ортиқчалиги бўлиши мумкин эмаслигини;
- в) тез-тез пайдо бўладиган барқарор ва узоқ муддатли товарлар тақчилитиги мумкинлигини;
- г) нархлар механизми таъсири натижасида товарлар миқдорининг тез йўқолувчи тақчиликлари ва ортиқчалигини;
- д) "а" ва "б" жавоблар тўғри.

4. Меҳнатга талаб:

- а) иш ҳақи даражаси билан бевосита боғлиқ;
- б) ушбу меҳнат туфайли ишлаб чиқарилган маҳсулот таклифи билан бевосита боғлиқ;

- в) машиналар ва асбоб-ускуналарга талаб билан белгиланади;
 г) ушбу меҳнат туфайли ишлаб чиқарилган маҳсулотта бўлган талаб билан белгиланади;
 д) "а" ва "г" жавоблар тўғри.
5. Агар инсонлар камроқ тежамкор бўлиб борсалар, унда бошқа тенг шартларда:
 а) кредитга талаб ўсади;
 б) кредит нархи пасаяди;
 в) жамғармалар эрги чизиги чапга сурилади;
 г) жамғармалар миқдори фоиз ставкасининг ҳар бир берилган даражасила ўсиб боради;
 д) барча жавоблар тўғри.
6. Тўла бандлик шароитидаги ва барча ресурслардан тўла фойдаланилгандаги ишлаб чиқариш даражаси нақд тул миқдори ва нархлар даражасига боғлиқ эмас, деган гоя қайси назарияга таалуқли:
 а) Кейнс назариясига;
 б) Маркс назариясига;
 в) пулнинг миқдорий назариясига;
 г) Сэй қонунига;
 д) барча жавоблар тўғри.
7. Дж.М.Кейнс классик макроиқтисодий назариянинг қўйида санаб ўтилган концепцияларидан қайси бирини танқид қилган?
 а) Сэй қонуни;
 б) пулнинг миқдорий назарияси;
 в) иқтисодиётнинг бозор орқали ўзини тартибга солиш назарияси;
 г) барча жавоблар тўғри;
 д) фақат "а" ва "в" жавоблар тўғри.
8. Дж.М.Кейнс назариясига мувофиқ, жамғармалар инвестициялардан ортиқ бўлиши мумкин, агар:
 а) фоиз ставкаси даражаси ўssa;
 б) узоқ вақт давомида иқтисодиётда ортиқча қайта ишлаб чиқариш ва ишсизлик мавжуд бўлса;
 в) Сэй қонуни амал қилмаса;
 г) ушбу иқтисодиётда ортиқча қайта ишлаб чиқариш ва ишсизлик мумкин эмас;
 д) "б" ва "в" жавоблар тўғри.
9. Кейнснинг истеъмол харажатлари назариясига кўра:
 а) истеъмол харажатлари ихтиёрдаги даромадга бевосита боғлиқdir;
 б) агар ихтиёрдаги даромад ўssa, истеъмол харажатлари пасаяди;
 в) агар ихтиёрдаги даромад ўssa, унда унинг истеъмолга йўналтирилган улуши пасаяди;
 г) барча жавоблар тўғри;
 д) фақат "а" ва "в" жавоблар тўғри.
10. Ихтиёрдаги даромад миқдори ўзгариши билан истеъмол харажатлари ҳажми ҳам ўзгарили. лекин камроқ даражада, деган гоя қўйидагилардан бирининг муҳим таркибий қисмидир:

- а) Кейнснинг инвестициялар назарияси;
- б) Кейнснинг бандлик назарияси;
- в) классик макроиктисодий назария;
- г) пулнинг миқдорий назарияси;
- д) Кейнснинг истеъмол назарияси.

11. Кейнс назариясига кўра ишлаб чиқариш даражаси жами талаб ҳажми билан белгиланади. Бу қўйидагини англатади:

- а) даромадни ишлаб чиқариш бу даромадга талабни яратади;
- б) пулга бўлган талаб тадбиркорларни товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга мажбур қиласди;
- в) тадбиркорлар ишлаб чиқаришни тўла бандлик даражасигача кенгайтиришига уринадилар;
- г) тадбиркорлар ишлаб чиқаришга қарор қиласдиган маҳсулот ҳажми унга билдириладиган талаб билан аниқланади;
- д) фақат "а" ва "в" жавоблар тўғри.

12. Кейнс мувозанат моделига мувофиқ, иқтисодиёт мувозанатда бўлади, агар:

- а) истеъмол харажатлари йиғиндисидан жамғармаларнинг айрмаси инвестицияларга тенг бўлса;
- б) маълум давр давомида пул таклифи ўзгариши доимий бўлса;
- в) режалаштирилган истеъмол харажатлари билан инвестициялар йиғиндиси умумий "чиқимлар"га тенг бўлса;
- г) давлат бюджети баланслашган бўлса;
- д) жами таклиф жами талабга тенг бўлса.

13. "Тежамкорлик парадокси"га мувофиқ, даромаднинг ҳар бир даражасида жамғариш истаги қўйидагига сабаб бўлади:

- а) истеъмол эгри чизиги пастга силжийди;
- б) миллий даромад ва ишлаб чиқаришнинг мувозанатли даражаси пасайди;
- в) жамғарма эгри чизиги юқорига силжийди;
- г) жамғараётган кишилар сони ўсади;
- д) фақат "а", "б" ва "в" жавоблар тўғри.

14. Дж.М.Кейнснинг оддий моделида, агар жами таклиф жами талабга тенг бўлса, унда:

- а) заҳиралар қисқаради ва тадбиркорлар ишлаб чиқаришни кенгайтира бошлайдилар;
- б) заҳиралар ўзгармайди, бироқ тадбиркорлар ишлаб чиқаришни кенгайтирадилар;
- в) заҳиралар ўсади ва тадбиркорлар ишлаб чиқаришни қисқартира бошлайдилар;
- г) заҳиралар ҳажми ва ишлаб чиқариш даражаси ўзгармайди;
- д) заҳиралар ўзгармайди, бироқ тадбиркорлар ишлаб чиқаришни қисқартирадилар.

15. Агар иқтисодиётда ишлаб чиқарилган ва сотилган СММ тенг бўлса, унда:

- а) жами даромад жами таклифга тенг;
- б) "киримлар" "чиқимлар"га тенг;
- в) иқтисодиёт тўла бандлик ва барқарор нархларда амал қиласди;
- г) барча жавоблар тўғри;
- д) фақат "а" ва "б" жавоблар тўғри.

16. Ушбу мамлакат экспортининг ўсиши бошқа тенг шароитларда:
- жами талабни күпайтиради, бирок миллий даромадни камайтиради;
 - жами талабни камайтиради ва миллий даромадни күпайтиради;
 - соф экспортни күпайтиради;
 - жами талаб ва миллий даромадни күпайтиради;
 - фақат "в" ва "г" жавоблар түгри.
17. Қуйидагилардан қайси бири "киримлар" түшүнчесига киради?
- инвестициялар;
 - жамғармалар;
 - солиқдар;
 - импорт;
 - барча жавоблар нотүгри.
18. Агар жами талаб силжиши қуйидаги кесимлардан бирида юз берса, жами талаб-нинг күпайылды мувозанатли СММ ва нархлар даражасининг ўсишига олиб келади:
- AS эгри чизиқнинг Кейнс кесимида;
 - AS эгри чизиқнинг оралиқ кесимида;
 - AS эгри чизиқнинг Кейнс ва оралиқ кесимларида;
 - AS эгри чизиқнинг классик кесимида;
 - AS эгри чизиқнинг Кейнс, оралиқ ва классик кесимларида.
19. "Жами талаб - жами таклиф" моделида нархлар даражасининг ўсиши қуйидагилардан бирига олиб келади:
- истеъмолга бўлган меъёрий мойилликнинг ўсишига;
 - даромадга мультиликатор таъсирининг ўсишига;
 - даромадга мультиликатор таъсирининг пасайишига;
 - мультиликаторнинг даромадга бўлган таъсири даражасига таъсир кўрсатмайди;
 - барча жавоблар нотүгри.
20. Кейнс моделида жами харажатларнинг ўсиши жами талаб эгри чизигининг ҳандай силжишига олиб келади?
- ўнгта жами харажатлар ўсиши миқдорига;
 - ўнгга - жами харажатлар ўсиши миқдорининг мультиликаторга кўпайтирилган ҳажмига;
 - чапга - жами харажатлар ўсиши миқдорининг мультиликаторга кўпайтирилган ҳажмига;
 - барча жавоблар нотүгри.

ТҮГРИНӨТҮГРИ

- Кейнс назариясига мувофиқ, ишлаб чиқаришнинг мувозанатли даражасига фақат инвестициялар жамғармаларга тенг бўлиб, иқтисодиёт эса тўла бандлик шароитида амал қилиган вақтдагина өришиш мумкин.
- "Мажбурий ишсизлик барқарор" - бу макроиқтисодий мувозанатнинг классик моделидан келиб чиқадиган холосалардан бири.
- Ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ҳақиқий ёки режалаштирилган жамғармалар ҳақиқий ёки режалаштирилган инвестициялардан ортикроқ бўлган вазиятда юз беради.
- Макроиқтисодий мувозанатнинг классик моделида таъкидланишича, нархлар ва иш ҳақиқининг эгилувчанлиги, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот реал ҳажмини

ўзгартирмасдан туриб ҳам, иқтисодиётнинг бозор вазиятига тезда мослашишга имкон беради.

5. Ҳақиқий жамғармалар ва инвестициялар режадаги даражасы билан мос келмаган ҳолдагина ЯММнинг мувозанатли даражасига эришилади.

6. Макроиқтисодий мувозанатнинг кейнсча моделида иқтисодиётни барқарорлаштиришга жами ҳаражатларни ўзгартириш орқали эришилади.

7. Макроиқтисодий мувозанатнинг оддий Кейнс моделида мультиликатор бу инвестицияларнинг берилган ўсишида даромад неча марта ўсишини кўрсатувчи коэффициентдир.

8. Классик мактаб иқтисодчилари бозор иқтисодиёти бюджет-солиқ (фискал) сиёсати ёрдамида тартибга солинади, деб таъкидлайдилар.

9. Товар заҳираларининг кўпайиши фирмаларни бандликни ўстиришга мажбур қилади.

10. Агар истеъмолга бўлган меъёрий мойиллик 0,3 ни ташкил этса, унда мультиликатор 3 га тенг.

11. Макроиқтисодий мувозанатнинг Кейнс моделида нархлар ва иш ҳақи даражалари доимийдир.

12. Жамғармалар ва ҳақиқий инвестициялар ҳар доим тенг.

13. Агар реал СММ 50 долларга камайса, унда истеъмол ҳаражатлари 50 доллардан камроққа пасайди.

14. Истеъмолга бўлган меъёрий мойиллик қанчалик юқори бўлса, мультиликатор шунчалик каттадир.

15. Мамлакатнинг соф экспорти унинг экспортни ва импортининг йигиндисига тенг.

16. Жами таклиф эгри чизигининг Кейнс кесимида жами талабнинг ўсиши реал ифодадаги мувозанатли ЯММ даражасига таъсир кўрсатмайди, бироқ нарх ўсишига олиб келади.

17. Агар нарх даражаси ўзгараётган бўлса, жами талаб ўсишининг мувозанатли даромаднинг реал ҳажмига қандай таъсир этаётанини Кейнс макроиқтисодий модели доирасида олдиндан айтиш мумкин эмас.

18. Инфляция жами ҳаражатларнинг мультиликацион самарасига таъсир этмайди.

19. Мамлакат соф экспортининг ўсиши, бошқа тенг шароитларда, унинг ЯММ реал ҳажмини кўпайтиради.

20. Фоиз ставкасининг пасайтирилиши, бошқа тенг шароитларда, ЯММ реал ҳажмининг қисқаришига олиб келади.

21. Жамғармага бўлган меъёрий мойиллик қанчалик кам бўлса, инвестициялар ўзгаришининг даромад миқдори ўзгаришига таъсири шунчалик каттадир.

МУАММОЛАР

1. а) Куйидаги маълумотлар асосида тегишли ҳисоб-китобларни (млрд.долларда) қилиб, 5.4 - жадвални тўлдиринг: истеъмол ҳаражатлари = $200 + 0,15$ ихтиёрдаги даромад, инвестициялар = 200; экспорт = 125, импорт = 25, солиқлар = 200.

б) Даромаднинг қандай даражасида иқтисодиёт макроиқтисодий мувозанатга эришади?

в) Инвестициялар мультиликатори нимага тенг?

г) Агар инвестициялар ҳажми 150 млрд.долларгача пасайса, даромаднинг қандай даражасида иқтисодиёт янги мувозанатга эришади?

2. 5.5-жадвалда нархларнинг доимий даражасида ва давлат аралашуви бўлмаган шароитда амал қилаётган ёпиқ иқтисодиётни ифодаловчи маълумотлар (долларда) келтирилган.

5.4-жадвал

Жамт ишілб інвест орация = мілдік даражал (AS=Y)	Соғын дар (F)	Нұтеб дар маң заромас (Yd)	Несең мод (C)	Инвести циялар (I)	Даражат даражал лари (G)	Соғ жекспорт (X-M)	Жами тадаб (AD)
1800							
2000							
2200							
2400							
2600							

5.5-жадвал

Реал СММ (NNP)	Несең мод даражатлары (C)	Жамтармаш дар (S)	Режадаги инвестициялар (I)	Жами даражатлар (C+I)	Хақиқи инвестициялар дан реңек инвестициялар дан фарқы (S-I)
1300	1290	10	22	1312	-12
1310	1298	12	22	1320	-10
1320	1306	14			
1330	1314	16			
1340	1322	18			
1350	1330	20			
1360	1338	22			
1370	1346	24			
1380	1354	26			
1390	1362	28	22	1384	+6
1400	1370	30	22	1392	+8

а) Қүйидә режадаги соғ инвестиялар фоиз ставкасینың турли даражаларидаги ҳажми түгрысидеги маълумотлар көлтирилган.

Фоиз ставкаси (фоиз)	10	9	8	7	6	5	4	3
Режадаги инвестициялар (доллар)	0	7	13	18	22	25	27	28

Фарз қилайлық, фоиз ставкаси 6%га teng. Жами даражатлар (истемол даражатлари + инвестиациялар) ҳамда ҳақиқий инвестиацияларның режадаги инвестиациялардан фарқ құлуғы миқдорини ҳисоблаң, 5.5-жадвалың мос қаторларини етишмаган маълумотлар билан түлдириңг.

б) Фоиз ставкасинаң берилған даражасыда ва соғ инвестиациялар ҳажми 22 долларға teng бўлганда қўйидагиларни ҳисобланг:

- реал СММнинг мувозанатли даражасини;
- истемолга ва жамтармага бўлган мөйёрий мойилликни;
- инвестиациялар мультиплікаторини.

в) Агар фоиз ставкаси 6 фоиздан 5 фоизгача пасайса, режадаги инвестиациялар ва мувозанатли реал СММ ҳажмлари қандай ўзгаради?

г) Агар фоиз ставкаси 6 фоиздан 7 фоизгача кўтарилса, режадаги инвестиациялар ва мувозанатли реал СММ ҳажмлари қандай ўзгаради?

3. 5.6-жадвалда ёпиқ иқтисодиётда реал СММнинг аниқ ҳажмларига мос келувчи жами харажатлар (истеъмол ҳаражатлари + режадаги соф инвестициялар) ҳақидаги маълумотлар келтирилган (млрд.долларда).

5.6-жадвал					
Реал СММ ҳажми	Очиқ иқтисодиётгани жами харажатлар	Экспорт	Импорт	Соф экспорт	Очиқ иқтисодиётгани жами харажатлар
750	776	90	86		
800	816	90	86		
850	856	90	86		
900	896	90	86		
950	936	90	86		
1000	976	90	86		
1050	1016	90	86		

а) Очиқ иқтисодиёт шароитида мамлакат экспорти ва импортининг ҳажми доимий бўлиб, мос равишда 90 ва 86 млрд.долларга тенг.

СММнинг ҳар бир даражаси учун қуйидагиларни ҳисобланг:

- соф экспорт ҳажмини;
- очиқ иқтисодиётдаги жами харажатларни.

Олинган маълумотларни 5,6 жадвалга киритинг.

б) Очиқ иқтисодиётда мувозанатли СММ ҳажмини аниқланг.

в) Очиқ иқтисодиёт учун мультиликаторни ҳисобланг.

4. Мамлакат иқтисодиёти ҳақида қўйидаги маълумотлар маълум: тўла бандликда ЯММ ҳажми 100 млрд.долларга тенг; бу ЯММга мос келувчи кутилаётган истеъмол харажатлари 80 млрд.долларга этиши лозим; истеъмолга бўлган мөъёрий мойиллик 0,8 га тенг; режадаги инвестициялар миқдори, ЯММ миқдоридан қатъи назар, 10 млрд.долларни ташкил этади.

Куйидагиларни аниқланг:

- а) Давлат иқтисодиётга аралашмаган шароитдаги мувозанатли ЯММ ҳажмини.
- б) Мувозанатли ЯММ 100 млрд.долларга кўпайиши учун зарур бўлган қўшимча инвестициялар ҳажмини.

5. Келтирилган маълумотлар истеъмол функциясини ифодалайди (млрд.долларда):


Куйидагиларни аниқланг:

- а) Инвестициялар миқдори 60 млрд.долларга, ҳукumat ҳаражатлари эса 0 га тенг бўлганда, мувозанатли ЯММ ҳажми қандай бўлади?

ЯММ	130	150	170	190	210	230	50	270	290	310
Истеъмол ҳаражатлари	112	126	140	154	168	82	196	210	224	238

- б) Агар инвестициялар миқдори 30 млрд.долларга пасайса, мувозанатли ЯММ ҳажми қандай ўзгаради?

6. 5.4-расмда ишлаб чиқариш мувозанати графикда тасвирланган ҳолда келтирилган. А графиги “ҳаражатлар – ишлаб чиқариш”нинг Кейнс моделини, Б графикги эса “жами талаб – жами таклиф” моделини акс эттиради.



5.4 - расм Кейнс ва классик моделларда макроиқтисодий мувозанат

Аниқланғ:

— ЯММнинг мувозанатлы қажми қандай миқдорға үзгарди?

— Бу үзгариш нима сабабли юз берди? (тушунтириш учун Б графикадан фойдаланың).

ЖАВОБЛАР ВА ШАРХЛАР

Асосий атамалар ва түшүнчалар

1. б; 2. з; 3. а; 4. л; 5. г; 6. ж; 7. и; 8. д; 9. е; 10. к; 11. в.

Машқлар

1. "а", "б", "в", "г", "д" – 5.7-жадвалга қаранг.

2. а) А графиги Кейнс нұқтаи назарини акс эттиради. Б графиги классик нұқтаи назарни акс эттиради.

б) Классикларда

5.7-жадвал

Омислар	Кейнсча бағдарлама		Классик бағдарлама	
	Нархлар	Ишлаб чыгарынын	Нархлар	Ишлаб чыгарынын
а	0	0	-	+
б	+	+	+	0
в	-	-	-	0
г	-	-	-	0
д	0 ¹⁾	0 ²⁾	+	-

¹⁾ Агар потенциал ЯММ ҳажми ушбу вақтда жами талаб ҳажмидан кичик бўлса, (+) бўлиши мумкин.


²⁾ Агар потенциал ЯММ ҳажми ушбу вақтда аввали мувозанатли ҳажмидан паст бўлса, (-) бўлиши мумкин.

3. $MV=PY; P=MV/Y=(1000000 \text{ доллар} \times 4)/500000=8 \text{ доллар}$.


4. 5.5- ва 5.6-расмларга қаранг.

Автомобилларга талабнинг ўсиши талаб эгри чизигини ўнгта суралди (D_1 вазиятдан D_2 га кўчади). Нарх даражаси P_1 бўлганда, автомобиллар бозорида тақчилик мавжуд бўлади. Классик назарияга мувофиқ, автомобилларга талабнинг ўсиши ва автомашиналар бозоридаги тақчилик нархнинг P_2 даражагача кўтарилишига олиб келади. Нарх юқорироқ бўлганда, автомашиналар тақлифининг ҳажми ҳам ўсади, бу эса, ўз навбатида, ишчи кучига бўлган талабнинг ўсишига сабаб бўлади.

Ишчи кучига бўлган талаб эгри чизиги ўнгта D_{L1} ҳолатдан D_{L2} ҳолатга кўчади. Ишчи кучига талабнинг ўсиши меҳнатта ҳақ тўлашни W_1 дан W_2 гача кўпайишига олиб келади. Шундай қилиб, классик ғояга мувофиқ янги мувозанат шароитида автомобиллар нархи ошди, уларнинг ишлаб чықариши ўсади, ишчи кучига талаб кўпайди ва унга ҳақ тўлаш даражаси кўтарилиди.



5.5 -расм. Автомобиллар бозоридаги талаб ва тақлиф эгри чизиқлари



5.6 -расм. Меҳнат бозоридаги талаб ва тақлиф эгри чизиқлари

5. а) 5.8-жадвалга қаранг.

б) $MPC=0,9; MPS=0,1$.

в) $M=10$.

5.8-жадвал

Інвеститорларда (I)	Негізгі мемлекеттік тариф (G)	Жамғармада (M)
600	640	- 40
800	820	- 20
1000	1000	0
1200	1180	20
1400	1360	40

6. а) 2,5.

б) Мувозанатли СММның номинал ұажми 620 га теңг; узилиш 30 (620-590) га теңг; инфляцияли.

в) Тұла бандлық бўлмаганда реал СММ ұажми 570 га теңг; узилиш 20 (590-570) га теңг; дефляцияли.

Тестлар

1. д; 2. д; 3. г; 4. г; 5. в; 6. а; 7. г; 8. б; 9. д; 10. д; 11. г; 12. д; 13. д; 14. г; 15. д; 16. д; 17. а; 18. б; 19. в; 20. б.

Тұғри/Нотұғри

1. Н; 2. Н; 3. Н; 4. Т; 5. Н; 6. Т; 7. Т; 8. Н; 9. Н; 10. Н; 11. Т; 12. Т; 13. Т; 14. Т; 15. Н; 16. Н; 17. Т; 18. Н; 19. Т; 20. Н; 21. Т.

Муаммолар

1. а) 5.9-жадвалға қаранг.

б) $Y=2200$ млрд.доллар бўлганда $AS=AD$ бўлади.

в) Инвестициялар мультипликатори миқдори = $1:(1-MPC)$ ёки $1:(1 - 0,75) = 1:0,25 = 4$.

г) Миллий даромад ва ишлаб чиқарыш ўзғариши қуйидагича ҳисобланади: Даромад ўсиши (ΔY) инвестициялар ўсишининг (ΔI) мультипликаторга кўпайтmasига теңг;
 $\Delta Y=(150 - 200) \times 4 = -200$ млрд.доллар

Мувозанатли даромаднинг янги даражаси

$$Y_2 = Y_1 - 200$$

$$Y_2 = 2200 - 200 = 2000 \text{ млрд. доллар.}$$

5.9-жадвал

Инвестициялар (I)	Хукумат харажаллари (G)	Соф жеңори (X-M)	Жамғармада (AD)
200	200	100	1900
200	200	100	2050
200	200	100	2200
200	200	100	2350
200	200	100	2500

2. а) 5.10-жадвалға қаранг.

б) Мувозанатли СММ 1360 долларга теңг.

Истөмөлга бўлган меъёрий мойиллик 0,8 га теңг.

Жамғармага бўлган меъёрий мойиллик 0,2 га теңг.

5.10-жадвал

Режадаги инвестиациялар (I)	Жамғын хараждаттар ($C+I$)	Чиқашқый инвестиацияларниң режадаги инвестиациялардан фарзан ($S - I$)
22	1312	-12
22	1320	-10
22	1328	-8
22	1336	-6
22	1344	-4
22	1352	-2
22	1360	0
22	1368	+2
22	1376	+4
22	1384	+6
22	1392	+8

Мультипликатор 5 га теңг.

- б) Режадаги инвестиациялар ва мувозанатты СММ ұажмлари мөсравища 3 ва 15 долларга күпайды;
 г) Режадаги инвестиациялар ва мувозанатты СММ ұажмлари мөсравища 4 ва 20 долларга қисқаради.

3. а) 5.11-жадвалға қаранг.

5.11-жадвал

Соғын жетекшілер	Оннан инвеститорлардың жамғын хараждаттар
4	780
4	820
4	860
4	900
4	940
4	980
4	1020

- б) 900 млрд. доллар;
 в) 5.
4. а) Мувозанатты ЯММ ұажми 50 млрд. долларға теңг, чунки $C=0,8 GNP$, $GNP \approx C+I = 0,8GNP + 10 = 50$
 б) 10 млрд. доллар, чунки мультипликатор 1: $(1 - 0,8) = 5$ бүлгани учун, инвестиацияларнинг 10 млрд. долларға күпайышы ЯММ шының $5 \times 10 = 50$ млрд. долларға ўсишига, яғни 50 дан 100 млрд. долларгача ўсишига олиб келади.
5. а) Мувозанатты ЯММ 270 млрд. долларни ташкил этади.
 Ушбу даражада жамғармалар = ЯММ – истеъмол хараждатлари = 60 = инвестиациялар.
 б) Мувозанатты ЯММ 170 млрд. долларни ташкил этади (жамғармалар ұажми 30 млрд. долларға теңг бүлганды).
6. а) Мувозанатты ЯММ 30 долларға күпайды, мультипликатор 3 га теңг;
 б) Мувозанатты ЯММ номинал ифодада, яғни нарх ўсиши ұисобига 30 долларға (150 долларгача) күпайды. Б графикаларындағы AS әзгариш Е' нүктесінде Е" нүктеге қарастырылған.

6 мавзу

БЮДЖЕТ-СОЛИҚ (ФИСКАЛ) СИЁСАТИ

Бюджет-солиқ (фискал) сиёсати иқтисодий тараққиётни барқарорлаштириши маңса диди давлат бюджетини онгли равищда бошқариши күзде турады. Ж.М. Кейнс ва унинг издошлари давлатнинг, тадбиркорлар ва уй хўжаликларидан фарқли ўлароқ, хусусий манфаатларни эмас, балки ижтимоий манфаатларни ифода этишини уқтириб, бюджет-солиқ сиёсатига иқтисодий ўсиш, бандлик даражаси ва нарх ўзгаришига давлат томонидан таъсир этишининг энт самарали воситаси деб қарайдилар. Кейнснинг иқтисодий мувозанат моделида бюджет-солиқ сиёсатининг барқарорлаштирувчилик роли унинг мувозанатли СММга жами харажатларни, яъни жами талабни ўзгаришиш орқали таъсири билан белгиланади. Бу модельнинг соддалаштирилган вариантида фақат дискрецияли бюджет-солиқ сиёсати кўриб чиқлади, унинг иқтисодиётта таъсири нинг таҳлили эса кўплаб омиллар (нарх-наво барқарорлиги, барча солиқ тушумларини ягона ставкали солиққа жамлаш, инвестицияларнинг СММ миқдорига боғлиқ эмаслиги, экспортнинг йўқлиги ва ҳоказолар)га асосланганадир. Бюджет-солиқ сиёсатига бундай абстракт ёндошувга қарамай, у бу сиёсатининг Кейнснинг иқтисодий мувозанат моделидаги аҳамиятини англаб етиш ва унинг механизми ҳамда иқтисодиётдаги вазиятга таъсири ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш учун имкон яратади.

Дискреция бюджет-солиқ сиёсати товарлар ва хизматларнинг давлат томонидан сотиб олиниши, давлат харажатлари, давлат трансферлари ва солиқлар орқали амалга оширилади. Улар миқдорининг ўзгариши жами харажатларнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Шу тариқа жами талабга таъсир ўтказган бюджет-солиқ сиёсати мувозанатли СММ миқдорига ҳам таъсир кўрсатади. У ўз таъсирини кўпайтириш хусусиятига эга бўлиб, давлат харидлари, давлат трансферлари ва солиқлар мультиплікаторлари ҳамда давлат даромадлари ва харажатлари бир йўла ўзгаришининг жамтама самарасини ўлчовчи балансланган бюджет мультиплікатори ёрдамида ўлчанади.

Дискреция бюджет-солиқ сиёсатига иқтисодиётнинг ҳолати катта таъсир кўрсатади. Таназзул даврида, одатда, рағбатлантирувчи бюджет-солиқ сиёсати юритилади, ортиқча талаб шаронтида эса у тўхтатувчи табиатга эга бўлади.

Нодискреция бюджет-солиқ сиёсати солиқ тушумлари ва давлат трансферларидаги ўзгаришларнинг ишchan даврнинг боришини акс эттирувчи СММ ўзгариш суръатларига боғлиқлиги билан асосланади. Тўла бандлик бюджети ёрдамида дискреция ва нодискреция сиёсатининг давлат бюджети ҳолатига таъсирини табақалаштириш ва шу тариқа ҳукуматнинг бюджет-солиқ сиёсатини баҳолаш мумкин.

Амалда бюджет-солиқ сиёсатининг самарадорлиги унинг жорий иқтисодий ҳолат эҳтиёжларига нисбатан вақтинча орқада қолиши ҳамда ундан сиёсий мақсадларда фойдаланиш мумкинлиги натижасида, шунингдек, агар иқтисодиёт очиқ бўлса, халқаро доирада жами талаб борасида фавқулодда ўзгаришларнинг юз бериши ва соф экспорт самараси туфайли камайиши мумкин. Кейнснинг бюджет-солиқ сиёсати давлатнинг

иқтисодиётта таъсир этиш воситасидир деган баҳосининг мухолифлари ана шу ҳолатларга, шунингдек бюджет-солиқ сиёсатининг хусусий инвестицияларга бўлган салбий таъсири (сиқиб чиқариш самараси)га эътиборни қаратадилар. Кейнс моделини танқид қилувчи таклиф иқтисодиёти назарияси тарафдорларининг таъкидлашича, бюджет-солиқ сиёсати солиқларнинг жами таклиф ўзгаришига таъсирини ҳисобга олмайди. Улар солиқ ставкаларининг камайтирилиши жами таклифни рағбатлантириши мумкин ва пировардида солиқ тушумларини кўпайтириши, яъни бюджет тақчилигини қисқартириши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Бироқ, кўпчиллик иқтисодчилар солиқларнинг камайтирилиши амалда жами таклифга кучли рағбатлантирувчи таъсир кўрсатмаслиги ҳам мумкин, деб ҳисоблаб, юқоридаги нуқтаи-назарга эҳтиёткорлик билан ёндошмоқдалар. Бундан ташқари, жами таклифнинг ўзгариши узоқ вақт давомида кечади, ваҳоланки жами талаб миқдори қисқа вақт мобайнида ўзгариши мумкин.

ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ

1. Бюджет-солиқ сиёсатининг моҳияти ва мақсадини тушунтириш, унинг Кейнснинг мувозанатли ишлаб чиқарishнинг макроиктисодий моделидаги аҳамиятини очиб бериш.
2. Бюджет-солиқ сиёсатининг мувозанатли СММга таъсир этиш механизмини ва давлат харидлари, трансферлар, солиқлар ва балансланган бюджет мультипликатори аҳамиятини англаб етиш.
3. Барпо этилган стабилизаторлар моҳиятини ва уларнинг мувозанатли СММга таъсирини тушуниб олиш.
4. Қандай қилиб тўла бандлик бюджети ёрдамида дискреция бюджет-солиқ сиёсатининг мувозанатли СММга реал таъсирини аниқлаш мумкинлигини тушунтириб бериш.
5. Бюджет-солиқ сиёсатини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муаммоларни тавсифлаб бериш.
6. Бюджет-солиқ сиёсатининг жами таклифга кўрсатиши мумкин бўлган таъсирини очиб бериш.


АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР:

- а) бюджет-солиқ сиёсати;
- б) дискреция бюджет-солиқ сиёсати;
- в) давлат харидлари мультипликатори;
- г) давлат трансферлари мультипликатори;
- д) солиқлар мультипликатори;
- е) умумий солиқ;
- ж) бюджет – экспансия (кўзғатиш) сиёсати;
- з) рестрикция (босиқ) бюджет-солиқ сиёсати;
- и) нодискреция бюджет-солиқ сиёсати;
- к) тўла бандлик бюджети;
- л) бюджет тақчиллиги;
- м) даврий балансланган бюджет;
- н) даврий тақчиллик;
- о) таркибий тақчиллик;
- п) соғф экспорт ҳажми самараси;
- р) сиқиб чиқариш самараси;
- с) таклифга мўлжалланган бюджет-солиқ сиёсати.

1. Фоиз ставкаларининг оширилиши ва федерал ҳукумат қарзларининг күпайтирилиши натижасида иқтисодиётда режалаштирилаётган инвестициялар соф ҳажмининг камайб бориши.
2. Агар иқтисодиёт йил мобайнида тұла бандлык шароитида ривожланганда, давлат харажатлари ва даромадлари ўргасида шаклланиши мүмкін бўлган нисбат.
3. Қонун чиқарувчи (ёки ижроия) ҳокимиятнинг миддий ишлаб чиқариш ва бандлыкнинг реал ҳажмини ўзгартириш, инфляцияни назорат қилиш ва иқтисодий ўсишини жадаллаштириш мақсадида, солиқлар ва ҳукумат харажатларини онгли равишда бошқариши.
4. Жами талабни оширишга қаратилган ва харажатларни күпайтириш ёки давлат даромадларини камайтириш орқали амалга ошириладиган ҳукумат сиёсати.
5. Иқтисодиёт тұла бандлык даражасига етган тақдирда ҳам солиқ тушумлари давлат харажатларидан кам бўлишини кўрсатувчи омил.
6. Тұла бандлыкни ва миддий ишлаб чиқаришнинг ноинфляциявий ўсишини таъминлашга қаратилган давлат харажатлари ва солиқ солиш тартибига ҳукуматнинг кириладиган ўзгартиришлари.
7. Ҳар берилган йилда федерал ҳукумат харажатларининг унинг даромадларидан ортиқ миқдори.
8. Даромад миқдоридан қатын назар ундириладиган солиқ.
9. Мувозанатли СММдаги ўзгаришларнинг давлат харидлари ўзгаришига нисбати.
10. Давлат бюджети харажатлари ва солиқларининг нисбий даражаларида иқтисодий вазиятдаги ўзгаришлар натижасида рўй берадиган беихтиёрий ўзгаришлар.
11. Мувозанатли СММдаги ўзгаришларнинг солиқ тушумларидаги ўзгаришларга нисбати.
12. Харажатларни камайтириш, солиқларни күпайтириш ёки айни вақтнинг ўзида иккаласини қўллаш орқали жами талабни қисқартиришга қаратилган ҳукумат сиёсати.
13. Ишчан давр чегарасида ҳукуматнинг товарлар ва хизматларга харажатлари ҳамда солиқ тушумлари тенглиги билан ифодаланади.
14. Бюджет-солиқ сиёсатидаги ўзгаришларнинг иқтисодиётга таъсири соф экспортда бўладиган ўзгаришлар натижасида кучаяди (сусаяди) деган фикр.
15. Узоқ муддатли даврда давлат субсидияларини ошириш ва солиқларни қисқартириш орқали ЯММни ўстиришга йўналтирилган бюджет-солиқ сиёсати.
16. Мувозанатли СММ ўзгаришининг давлат трансферт тўловлари ўзгаришига нисбати.
17. Ишчан фаолликнинг пасайинши ва у билан боғлиқ равишида тушумларнинг камайиб кетиши сабабли юзага келган федерал бюджет тақчилити.

МАШҚЛАР

1. Мамлакат иқтисодиёти қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:
Ҳақиқий даромад (Y) = 4000 доллар.
Истеъмолга бўлган мөъёрий мойилик (МРС) = 0,8.
Мувозанатли даромад (Y^*) = 4200 доллар.
 - а) Иқтисодиётнинг мувозанатга эришиши ($Y = 4200$ доллар) учун, ҳукумат харажатлари (бошқа тенг шаронтларда) қандай ўзгариши лозим?
 - б) Иқтисодиётнинг мувозанатга эришиши учун, солиқ тушумлари миқдори (бошқа тенг шаронтларда) қандай ўзгариши лозим?
2. 6.1-расмда жами талаб ва жами тақлиф эгри чизиқларн акс эттирмилган.
 а) Иқтисодиёт инфляция узилишини бошидан кечираяпти деган хуоса қилиш мумкини?



6.1.- расм. Жами талаб ва жами таклиф эгри чизиғулари

б) Иқтисодиёт рецессия узилишини бөшдан кечираяпты деган холоса қишиш мүмкінми?

в) Агар ҳукумат солиқларни камайтирса, жами талаб эгри чизигининг ҳолати ўзгарадими? (ўзгарса қай тариқа?)

3. Қийидаги тенгламалар тизими А мамлакат иқтисодиётининг нарх-наво даражаси доимий бўлгандаги оддий Кейнс моделини акс эттиради (барча миқдорлар миллион долл. ҳисобида):

$$(1) Cd = 200 + 0,8 Yd$$

$$(2) GNP = Yd$$

$$(3) Id = 160$$

(Cd – кутилаётган истемол харажатлари, Id – кутилаётган инвестициялар, Yd – ихтиёрдаги даромад, GNP – ЯММ). Энди бу модельга давлат бўғини қўшилади. Давлат хаridлари ва солиқлари 500 млн.долларга тенг. Соф экспорт 0 га тенг. Бу ҳолда жами харажатлар: $200+0,5 \times (GNP - 500)+160+500$ га тенг.

а) 6.2-расмда А мамлакат иқтисодиёти учун жами харажатлар эгри чизигини чизинг.

б) Мувозанатли ЯММ (GNP) ҳажмини аниқланг ва графикада иқтисодиётнинг мувозанат нуқтасини кўрсатинг.


в) Мультиплікатор қийматини аниқланг.

г) Агар давлат харажатлари 700 млн.долларга кўтарилса, қолган барча харажатнинг таркибий қисмлари доимийлигича қолса, у ҳолда ЯММ (GNP) нинг мувозанатли ҳажми қай тариқа ўзгаради?

4. 6.1-жадвалда СММнинг реал ҳажмини ва соф солиқ тушумлари миқдорини (доллар ҳисобида) акс эттирувчи маълумотлар келтирилган.

а) СММ ўзгариш суръатлари билан солиқ тушумлари ўзгариши ўртасидаги (тўғри, тескари) боғлиқлик табиатини аниқланг.

б) Фараз қиласайлик, инвестициялар мультиплікатори 10 га тенг. Инвестиция харажатлари ҳажми 10 долларга камаяди. Солиқ тушумлари миқдори ўзгармаса, мувозанатли СММ ҳажми қанчага қисқаради? Агар СММ ҳажмининг қисқариши солиқ тушумлари камайиши билан бирга юз берса, жавоб худди юқоридагидек бўладими?



6.2 - расм.

в) Фараз қылайлык, давлат томонидан товар ва хизматлар харид қишлиш мультипликатори ҳам 10 га теңг. Ҳукумат реал СММнинг мувозанатли ҳажмини 50 долларга күпайтиришни режалаштирумекда. Агар солиқ түшумлари миқдори ўзгармаса, давлат харидлари ҳажмини қанча миқдорға ошириш лозим?

Агар мувозанатли СММ даражасининг оциши солиқ түшумлари ўсиши билан юз берса, мазкур миқдор мувозанатли СММни режалаштирилган даражада күпайтириш учун етарли бўладими?

г) Фараз қылайлык, тўла бандлик шароитида СММ миқдори 1150 долларга тенг, давлат харидлари ҳажми эса реал СММнинг барча даражаларида 200 долларни ташкил этади.

Реал СММнинг ҳар бир даражасидаги давлат бюджети тақчилити / ортиқчалиги миқдорини ҳисоблаб чиқиб, 6.1-жадвални тўлдиринг (тақчилитикни айирув белгиси билан кўрсатинг).

6.1-жадвал

Реал СММ	Соф солиқ түшумлари	Давлат харидлари	Бюджет тақчилити (ортиқчилити)
850	170	.	.
900	180	.	.
950	190	.	.
1000	200	.	.
1050	210	.	.
1100	220	.	.
1150	230	.	.

д) Мамлакат иқтисодиёти рецессия ҳолатидадир (реал СММ 900 долларга тенг). Агар ҳукумат соғ солиқ тушумлари миқдорини ўзгартирмаса, у ҳолда у давлат харидлари суммасини 70 долларга ошириб, мувозанатли СММ ҳажмини 900 доллардан 1150 долларгача кўпайтириши мумкин.

Тўла баңдликка мос келувчи реал СММ ҳажми 1150 доллар бўлганида, долларга давлат бюджети тақчилиги/ортиқчалиги миқдори қандай бўлади?

е) Агар ҳукумат давлат харидлари миқдорини ўзгартирмаса, у ҳолда у СММнинг барча қийматларида соғ солиқ тушумларини 80 долларга пасайтириб, мувозанатли СММ ҳажмини 900 доллардан 1150 долларгача кўпайтириши мумкин.

СММ ҳажми 1150 доллар бўлганда, давлат бюджети тақчилиги/ортиқчалиги миқдори қандай бўлади?

ТЕСТЛАР

1. Ёрқин ифодаланган инфляцияга қарши бюджет-солиқ сиёсати нимани кўзда тутади?

а) солиқقا тортиш даражасининг кўтарилиши ва давлат харажатларининг қисқарishi;

б) солиқ тушумларининг ҳам, давлат харажатларининг ҳам қисқаришини;

в) солиқларнинг ўсиши ва давлат харажатларининг юқорироқ даражасини;

г) солиқларнинг камайиши ва давлат харажатларининг юқорироқ даражасини;

д) солиқ тушумларининг ҳам, давлат харажатларининг ҳам даражаси доимийлигини.

2. Таклиф иқтисодиёти назариясига биноан, ёрқин ифодаланган бюджет қўзгатиш (экспансия) сиесати нималарни кўзда тутади?

а) солиқларнинг сезиларли ўсишини;

б) солиқларнинг унча катта бўлмаган кўпайиши ва бюджет ортиқчалигини;

в) солиқларнинг сезиларли пасайишини;

г) барча жавоблар тўғри;

д) барча жавоблар нотўғри.

3. Дж.Кейнснинг “Умумий назарияси”да нима кўзда тутилган?

а) иш ҳақи ва нархлар барқарор;

б) жами таклиф эгри чизиги ётиқ (горизонтал) чизиқ билан тасвирланган;

в) давлат харажатлари даражасининг ўзгариши ЯММнинг ҳажмига таъсир қилиши мумкин;

г) солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар ЯММнинг ҳажмига таъсир қилиши мумкин;

д) барча жавоблар тўғри.

4. Иқтисодиёт мувозанат ҳолатидадир. Агарда давлат ўз солиқ тушумларини ўзгартирасдан, харидларини 2 млрд.долларга кўпайтиrsa, мувозанатли ЯММ қандай ўзгариди? Истемолга бўлган меъёрий мойиллик 0,75 га, импорутга бўлган меъёрий мойиллик эса 0 га тенг:

а) 4 млрд.долларга камаяди;

б) 2 млрд.долларга кўпаяди;

в) 6 млрд.долларга кўпаяди;

г) 8 млрд.долларга кўпаяди;

д) 4 млрд.долларга кўпаяди.

5. Агар давлат харидлари миқдори ўзгармай турса, даромад солиғининг миқдори эса 2 млрд.долларга камайган бўлса, 4-тест жавобларидан қайси бири тўғри?

6. Агар импортта бўлган меъёрий мойиллик 0,25 га тенг бўлса, 4-тест жавобларидан қайси бири тўғри?
7. Агар иқтисодиёт мувозанат ҳолатида бўлса, унда:
- истеъмол харажатлари инвестицияларга тенг бўлиши керак;
 - тадбиркорларнинг даромадлари ялпи инвестицияларга тенг бўлиши керак;
 - истеъмол харажатларининг ҳар қандай кўпайиши инфляция узилишига олиб келиши лозим;
 - барча даражадаги бюджетлар баланслаштирилган бўлиши керак;
 - барча жавоблар тўғри.
8. Иқтисодиёт тўла бандлик шароитида мувозанатли ҳолатдадир. Ҳукумат давлат ҳаридларини 10 млрд. долларга кўпайтиришни кўзда тутмоқда ва шу билан бир вақтда солиқларни ҳам кўпайтирумөқчи. Бу ишларни у инфляцияни олдини олган, яъни мувозанатли ЯММнинг аввалги даражасини сақлаб қолган ҳолда амалга оширмоқчи. Солиқларнинг кўзда тутилган кўпайиши нимага тенг?
- 10 млрд. доллардан кўп;
 - 10 млрд. доллар;
 - 10 млрд. доллардан кам (фақат 0 га эмас);
 - 0;
 - 0 дан кам, яъни солиқ тушумларини қисқартириш керак.
9. Харажатлар ва солиқка тортиш соҳасидаги ҳукумат сиёсати:
- пулнинг миқдорий назариясига асосланган сиёсат деб аталади;
 - монетар сиёсат деб аталади;
 - ишчан давр деб аталади;
 - бюджет-солиқ сиёсати деб аталади;
 - даромадларни тақсимлаш сиёсати деб аталади.
10. Миллӣ ишлаб чиқариш ва миллӣ даромаднинг умид қилинган мувозанатли даражасига эришиц учун, солиқлар ва давлат харажатларининг бошқарилиши қўйндагига таалуқли:
- кредит сиёсатига;
 - Кейнснинг истеъмол функциясига асосланган сиёсатга;
 - дефляцияли узилишига йўналтирилган сиёсатга;
 - Кейнснинг бюджет-солиқ (фискал) сиёсатига;
 - барча жавоблар тўғри.
11. Кейнс назариясига биноан:
- бозор механизми иқтисодиётнинг мувозанатли ҳолатини кафолатлади;
 - ўзгармас нархлар ҳолатида бозор механизми тўла бандлик шароитида даромад ва ишлаб чиқаришининг мувозанатини таъминлашига ишонч йўқ;
 - иқтисодиёт ишлаб чиқариш ва даромаднинг исталган мувозатига эришиши учун, жами талаб тартибга солиниши дозим;
 - барчá жавоблар тўғри;
 - фақат "б" ва "в" жавоблар тўғри.
12. Батанлашган бюджет мультипликатори ғоясига биноан, давлат харажатлари ва солиқтарнинг тенг қисқариши:
- мислий даромад ва ишлаб чиқаришининг даражасини кўпайтиради;

- б) хусусий инвестицияларни сиқиб чиқаришга ёрдам беради;
- в) миллий даромад ва ишлаб чиқаришнинг мувозанатли даражасини кўпайтиради;
- г) олдин баланслаштирилган бюджетнинг тақчилик ҳолати сари ҳаракатини юзага келтириради;
- д) миллий даромад ва ишлаб чиқаришнинг мувозанатли даражасини пасайтиради.

13. Агар ҳукумат СММнинг реал даражасини кўпайтириши кўзда тутса, унда у:

- а) солиқларни камайтириши мумкин;
- б) товар ва хизматларни камайтириши мумкин;
- в) трансферт тўловларини камайтириши мумкин;
- г) бюджет тақчилиги даражасини пасайтириши мумкин;
- д) "а" ва "г" жавоблар тўғри.

14. Соф солиқ тушумлари ва реал СММ ўртасидаги бевосита боғлиқлик:

- а) рецессия даврида ўз-ўзидан бюджет ортиқчалиги пайдо бўлишига олиб келади;
- б) рецессия (таназзул)дан чиқиш ва тўла бандликка эришишга қаратилган дискре-
ция бюджет-солиқ сиёсатининг самарадорлигини оширади;
- в) тўла бандлик даражасини ушлаб туриш учун имкониятларни кенгайтиради;
- г) миллий даромад ва бандлик даражасига режали инвестициялар ҳажми ўзариши-
нинг таъсирини камайтиради.

15. Давлат харажатлари, масалан, 10 млрд.долларга кўпайганда ва якка тартибдаги солиқлар худди шу миқдорга пасайганда, мультиплікатор самараси ўртасида катта бўлмаган, бироқ муҳим фарқ мавжуд бўлади. Бунинг сабаби шундаки:

- а) давлат харажатлари ишлаб чиқариш фаолиятидан олинадиган даромадларни ошириб, шу орқали истеъмол харажатларини кўпайтиради;
- б) солиқларнинг 10 млрд.долларга камайиши, давлат харажатларини худди шу миқдорга кўпайишига қараганда, давлат бюджети аҳволига анча кўпроқ таъсир кўрса-
тади;
- в) солиқларнинг камайиши истеъмол даромадлари ва харажатлари миқдорига бе-
восита таъсир этади, давлат харажатларининг кўпайиши эса уларга билвосита таъсир кўрса-
тади;
- г) якка тартибдаги солиқларнинг 10 млрд.долларга қисқариши истеъмол харажат-
ларининг худди шу миқдорга ўсишига олиб келмайди: ўсган даромадлар (солиқлар-
нинг пасайиши натижаси ўдароқ) қисман жамғарилади;
- д) барча жавоблар нотўғри.

16. Фискал сиёсат ёрдамида давлатнинг иқтисодиётга аралашуви зарурлигини исбот-
лаш учун, макроиқтисодий мувозанатнинг Кейнс назариясида қандай даллилардан фойдаланилади?

- а) Кейнс мактаби ҳисоблашиба, давлатнинг аралашуви иқтисодиётнинг самарали-
роқ ривожланишини таъминлайди;
- б) агар нархлар барқарор бўлса, унда тўла бандлик шароитида бозорнинг макроиқ-
тисодий мувозанатни таъминлашига ишонч йўқ;
- в) хусусий секторнинг нобарқарор ривожланиши кўплаб макроиқтисодий муаммо-
ларни тугдирали;
- г) фақат давлат ижтимоий манфаатларни эътиборга олиши мумкин;
- д) барча жавоблар тўғри.

ТҮФРИ/НОТҮФРИ

1. Бюджет-солиқ сиёсатини амалға ошириш натижасыда давлат харажатлари камаяды.
2. Бошқа тент шароитларда, солиқлар ва давлат харажатларининг бир хил миқдорга ошиши ЯММнинг ўсишига олиб келиши мүмкін.
3. Шахсий даромадга ўсіб борувчи солиқнинг киритилиши мультипликатор миқдорида акс этмайды.
4. Давлат харажатлари инвестиция харажатларидан алоҳида ҳисобга олинади, чунки улар иқтисодиётта түрлича таъсир этады.
5. Давлат бюджети тақчиллігі соф экспорт ҳажміга боғлиқ змас.
6. Давлат харажатлари солиқ тушумларидан ортиб кеттеган ҳар бир ҳолда бюджет тақчиллігі рўй беради.
7. Давлат трансферт тўловларининг ўсиши ЯММнинг мувозанатли даражасига таъсир кўрсатмайди.
8. Барча беихтиер ёки барпо этилган стабилизаторлар ишсизлик ва инфляция даражасини камайтириши мүмкін, бироқ иқтисодиётни иккаласидан ҳам холос этолмайди.
9. Давлат харажатлари ва солиқ солиш соҳасидаги сиёсат фақат ишсизлик ҳамда инфляция даражасини пасайтириш мақсадила юритилади.
10. Ҳатто мутаносиблаштирилган бюджет ҳам ишсизликни қисқартириш ва турғулика барҳам бериш учун қўлланилиши мүмкін.
11. Даврий тақчиллік бу давлатнинг иқтисодий ўсишни рағбатлантиришига йўналтирилган даврийликка қарши сиёсати натижасидир.
12. Беихтиёр (автоматик) ёки барпо этилган стабилизатор давлат харажатлари миқдорини ва инвестициялар мультипликаторини ортиради.
13. Агар иқтисодиёт тўла бандлик шароитида ишлаб чиқариш даражасига эришса, солиқ тушумлари эса давлат харажатларидан кам бўлса, у ҳолда юзага келган тақчиллик таркибий табиятга эга бўлади.
14. Соф экспорт самараси рағбатлантирувчи бюджет-солиқ сиёсатининг таъсирини қисман бартараф этиб туриши мүмкін.
15. Рецессия даврида солиқ тушумлари миқдорининг камайтирилиши иқтисодиётда давлат секторининг қисқаршиштаги олиб келади.
16. Дискреция бюджет-солиқ сиёсатининг мақсадлари инфляция даражасини пасайтириш, ишсизликни қисқартириш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришдан иборат.
17. Таклиф иқтисодиёти назарияси тарафдорларининг таъкидлашичча, солиқ солиш даражасининг пасайтирилиши жами таклифи камайтиради, шу сабабли инфляция даражасини пасайтиради.
18. Давлат харажатларининг ўсиши талаб эгри чизигини чапга суради.

МУАММОЛАР

1. 6.2-жадвалда соф миллий маҳсулотнинг аниқ даражаларига мос келадиган истеъмол харажатлари ва жамғармалар ҳақидаги маълумотлар келтирилган (млн.доллар).

(С – истеъмол харажатлари, S – жамғармалар, Sa ва Sa – мос равища солиқ тўлаигандан кейинги истеъмол харажатлари ва жамғармалар, M – импорт, T – солиқлар, G – давлат харажатлари, X ва Xn – мос равища экспорт ва соф экспорт).

а) Ҳукумат солиқлари 100 млн. доллар, импорт 5 млн. долларга тенг. СММнинг ҳар бир даражасида солиқлар тўлангандан кейинги истеъмол харажатлари ва жамғармалар миқдори қанча бўлишини ҳисобланг. 6.2-жадвалдаги тегишшли устунларни тўлдинг.

6.2-жадвал

Реал СММ	C	S	Ca	Sa	Sa+M+T	I+X+G	Ca+I+Xn+G
1500	1250	250					
1600	1340	260					
1700	1430	270					
1800	1520	280					
1900	1610	290					
2000	1700	300					
2100	1790	310					

б) Чиқым миқдорини ҳисоблаб чиқинг: $(Sa + M + T)$ ва 6.2-жадвалдаги тегишли устунни түлдириңг.

в) Режадаги инвестициялар 150 млн.долл.га, экспорт 5 млн.долл.га тенг. Киримлар миқдорини ҳисоблаб чиқинг: $(I + X + G)$ ва жадвалдаги тегишли устунни түлдириңг. Жами харажатларни ҳисоблаб чиқинг: $(Ca + I + X + G)$ ва 6.2-жадвалдаги тегишли устунни түлдириңг.

г) Мувозанатли реал СММ ҳажмини ҳисобланг.

д) Солиқ түловлари ҳажми илгаридагидең қолса, ҳукумат харидлари эса 10 млн. долларга күпайса, мувозанатли СММ ҳажми қай тариқа ўзгаради?

е) Агар давлат харидлари илгаридагидең 200 млн. долларга тенг, солиқ түловлари эса 100 млн. доллардан 200 млн. долларгача күпайған бўлса, мувозанатли СММ ҳажми қай тариқа ўзгаради?

ж) Бир вақтнинг ўзида давлат харидлари ҳам, солиқлар ҳам 10 млн. долларга ошса, мувозанатли СММ ҳажми қай тариқа ўзгаради?

2. А мамлакатдаги истеъмол функцияси қўйидагича кўринишга эга:

Ихтиёрдаги даромад (DI) (млрд.долл.) 900 1000 1100 1200 1300 1400

Истеъмол харажатлари (C) (млрд.долл.) 750 800 850 900 950 1000

а) Айтайлик, режадаги инвестициялар (I) 200 млрд.долларни ташкил этади, давлат харажатлари ва соф экспорт эса биргаликда ($G + Xn$) 100 млрд. долларга тенг. 6.3-расмда жами харажатлар эгри чизигини $(C + I + G + Xn)$ чизинг ва координата бошидан 45° бурчакли тўғри чизиқ ўтказинг.


б) ЯММнинг мувозанатли ҳажмини аниқланг (нарх даражаси ўзгармайди).

в) Айтайлик, ЯММ даражаси тўла бандлик шароитида 1400 млрд.долларни ташкил этади. Бундай ҳолда жами харажат билан ЯММ ўргасида тўла бандлик шароитида қандай узилиш рўй беради, инфляциялими ёки рецессиялими?

г) Ҳукумат тўла бандликка эришиш учун қандай чора-тадбирларни қўллаши мумкин?

д) Давлат харажатларининг 1 млрд.долларга ортиши ЯММнинг мувозанатли ҳажмига қандай таъсир кўрсатади?

е) Давлат харажатларининг 1 млрд.долларга қисқариши ЯММнинг мувозанатли ҳажмига қандай таъсир кўрсатади?



6.3- расм. Жами харажаттар эгри чизиги


ж) 6.4-расмда солиқлар миқдори ЯММ ұажмининг 10% ини таşкыл этган шароитдаги истемол харажатлари чизигини чизинг. Айтайлик, режадаги инвестициялар 200 млрд.долларга, ұкумат харажатлары ва соф экспорт биргаликта 100 млрд.долларга тең. Расмда $C + J + G + X$ эгри чизигини чизинг ва координата бошидан 45° бурчакли түғри чизиқ үтказинг. ЯММнинг мувозанати ұажмини анықланы.

з) Башқа төң шартларда, агар солиқлар даражаси (1) ошса ёки (2) камайса, ЯММнинг мувозанатли ұажми қандай үзгәради?

3. Иқтисодиёт модели қуйидаги күрсаткышлар билан ифодаланади:

- (1) $Cd = 1000 + 0,9 Yd$
- (2) $G = 600$
- (3) $Id = 390$
- (4) $T = 400$
- (5) $Yd = GNP - T$.
- (6) $B = T - G$
- (7) $X - M = 0$

бұнда Cd – режалаштирилаётган истемол харажатлари, G – давлат харажатлари. Id – режалаштирилаётган инвестициялар, T – солиқлар, Yd – ихтиёрдеги даромад, B – давлат бюджети тақчилігі ёки ортиқчалығы, X – экспорт, M – импорт, GNP – ялпы молтас мәденият.



6.4 - расм. Истеъмол ва жами харажатлар эгри чизиқлари

- а) Мувозанатли GNP ни ҳисобланг.
 б) Давлат харажатлари мультиликаторини ҳисобланг.
 в) Солиқлар 1 долларга ўсишининг GNP миқдорига таъсирини ҳисобланг.
 г) Мувозанатли GNP да жамғармалар ҳажмини ҳисобланг.
 д) Агар тўла бандлик шароитида GNP 15000 млрд.долларга teng бўлса, инфляция узилишини ҳисобланг.
 е) Тўла бандлик шароитидаги жамғармалар ҳажмини ҳисобланг.
 ж) Агар тўла бандлик даражасига эришиш вазифаси кўйилса, солиқлар доимий бўлганда, давлат харажатлари қай тариқа ўзгариши лозим?

ЖАВОБЛАР ВА ШАРҲЛАР

Асосий атамалар ва тушунчалар

1. р; 2. к; 3. б; 4. ж; 5. о; 6. а; 7. л; 8. е; 9. в; 10. и; 11. д; 12. з; 13. м; 14. п; 15. с; 16. г; 17. н.

Машқлар

1. а) $\Delta Y = \Delta G \times \text{харажатлар мультиликатори (M)}$ (ΔY – даромаднинг ўсиши, ΔG –

давлат харажатларининг ўсиши).

$$Y = Y^* - Y = 4200 \text{ долл.} - 4000 \text{ долл.} = 200 \text{ долл.}$$

$$M = 1:(1 - MPC) = 1:(1 - 0,8) = 1:0,2 = 5$$

(MPC – истемолга бўлган мөъёрий мойиллик).

$$200 = \Delta G \times 5$$

$G = 40$, яъни давлат харажатлари 40 долларга кўпайиши лозим.


б) $\Delta Y = \Delta T \times \text{солиқ солиши мультиликатори}$ (бунда T – солиқлар).

$$M \text{ солиқ солиши} = -MPC : MPS = -0,8 : 0,2 = -4$$

(бунда MPC ва MPS, мос равинча истемолга ва жамғаришга бўлган мөъёрий мойилларидан).
 $200 = \Delta T \times (-4)$

$\Delta T = -50$, яъни солиқлар 50 долларга камайтирилиши лозим.

2. а) Йўқ.
б) Ҳа.
в) Ҳа, жами талаб эгри чизиги ўнгта суралади.
3. а) 6.5-расмга қаралсин;



6.5. – расм. Макроиктисодий мувозанат

- б) 2300 млн.долл. "а" бандга қаралсин.
- в) 5. Инвестицияларнинг 1 долларга оширилиши ЯММнинг 5 долларга ўсишига олиб келади.
- г) ЯММ 1000 млн.долларга кўпаяди.
4. а) Тўғри чизик.
б) 100 долларга; йўқ, ЯММ ҳажмининг қисқариши бу ҳолда камроқ бўлади.
в) 5 долларга; йўқ, у камроқ бўлади.
г) -30; -20; -10, 0; +10; +20; +30.

- д) Бюджет тақчилити 40 доллар бўлади.
 е) Бюджет тақчилити 50 долларга тенг бўлади.

Тестлар

1. а; 2. в; 3. д; 4. г; 5. в; 6. д; 7. д; 8. а; 9. г; 10. г; 11. д; 12. г; 13. а; 14. г; 15. г; 16. д.


Тўғри/Нотўғри

1. Н; 2. Т; 3. Н; 4. Н; 5. Н; 6. Т; 7. Н; 8. Т; 9. Н; 10. Т; 11. Н; 12. Т; 13. Т; 14. Т; 15. Н; 16. Т; 17. Н; 18. Н; 19. Н; 20. Т.

Муаммолар


1. а) $MPC = 0,9$, шу сабабли 100 млн. долларли солиқлар Са ни С га қараганда 90 млн. долларга қисқартиради. Ҳар бир реал СММ даражасига мувофиқ келувчи Sa (млн. доллар ҳисобида): 1160, 1250, 1340, 1430, 1520, 1610, 1700 га тенг.

$MPS = 0,1$. Ҳар бир реал СММ даражасига мувофиқ келувчи Sa (млн. доллар ҳисобида): 240, 250, 260, 270, 280, 290, 300 га тенг.



6.6 - расм. Жами харажатлар эгри чизиги.

- б) Ҳар бир реал СММ даражасига мувофиқ келувчи $S_a + M + T$ (млн. доллар ұисебіда): 345, 355, 365, 375, 405 га тенг.
 в) $I+X+G$ реал СММ ҳамма даражалари учун 355 млн. долларга тенг.
 Ҳар бир реал СММ даражасига мувофиқ келувчи $S_a + I + X_n + G$ (млн. доллар ұисебіда) құйыдагиларга тенг: 1510, 1600, 1690, 1780, 1870, 1960, 2050.
 г) СММ 1600 млн. долларга тенг.
 д) 100 млн. доллара күпаяди.
 е) 90 млн. долларга пасаяди.
 ж) 10 млн. долларга күпаяди.
2. а) 6.6-расмға қаралсın.
 б) 1200 млрд. доллар.
 в) 100 млрд. долларға тенг рецессиялы узилиш.
 г) Ҳукумат давлат харажатларини күпайтириши ва хусусий капитал фаолиятини рағбатлантирувчи чора-тадбирлар күриши мүмкін.
 д) Давлат харажатларининг ўсиши мувозанатли ЯММни 2 млрд. долларға күпайтиради.
 е) Давлат харажатларининг қисқариши мувозанатли ЯММни 2 млрд. долларға қамайиб кетишига олиб келади;



6.7 - расм. Истеъмол ва жами харажатлар эгри чизиқлари

ж) 6,7-расмга қаралсин. Мувозанатли ЯММ 1091 млрд. долларга тенг.

з) (1) ЯММнинг мувозанатли ҳажми пасайди; (2) ЯММнинг мувозанатли ҳажми кўтарилади.

3. а) 16300 млн. доллар.

б) 10;

в) -9 доллар.

г) 590 млн. доллар.

д) 130 млн. доллар.

е) 460 млн. доллар.

ж) 470 млн. доллар.

7 мавзу

ИҚТЫСОДИЁТНИНГ ДАВРИЙ ТЕБРАНИШЛАРИ

Бозор иқтисодиётига нобарқарорлик хосдир. Унга юксалиш ва пасайишлар хосбўлиб, улар иқтисодий даврни шакллантиради. Бундай даврий тебарнишлар иқтисодий нобарқарорликнинг бошқа шакллари билан боғлиқ.

Аксарият иқтисодчиларнинг, биринчи навбатда, Кейнс мактабига мансуб иқтисодчиларнинг фикрига кўра, иқтисодий ўзгаришлар нобарқарорлигидага инвестиция харажатлари ҳажмининг тебраниб туриши катта роль ўйнайдики, бу тебарнишлар турли омиллар, хусусан сотув ҳажмидаги ўзгаришлар натижасида рўй беради. Уларнинг кўлами ва муддати йирик инновация жараёнларига, бу жараёнларнинг бошланиш ва туташ муддатига боғлиқ бўлиши мумкин. Кейнс мактаби иқтисодий ўсишлидаги даврий тебарнишларни акселератор тамойили ва мультиплексор-акселерация механизмининг таъсири билан тушунтиради.

Кейнс мактаби доирасида акселератор ғояси кейинчалик Фришнинг “нотекис сильжишлар” ва Хикснинг иқтисодий давр назариялари билан тўлдирилди.

Кўпчилик иқтисодчилар иқтисодий ўсишни издан чиқариши мумкин бўлган ташки омилларга қўйидагиларни киритадилар: давлатнинг иқтисодиётга аралашуви (агар у бозор механизми фаолиятига путур етказса); жаҳон бозоридаги вазиятнинг ёмонлашуви; иқтисодий манфаатларнинг сиёсий манфаатларга бўйсундирилиши. Даврий тебарнишлар, уларнинг моҳияти, иқтисодий пасайиш ва юксалиш босқичларининг давомийлигига доир илмий фаразлар ҳар доим ҳам тўғри бўлавермаса-да, лекин фойдалидир, чунки улар иқтисодий вазиятнинг кескинлашиб кетишига монелик қилган ёки даврий пасайишларнинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатларини юмшатишга қаратилган чора-тадбирларни олдиндан кўра билиш имконини беради.

Иқтисодиёт ривожланишининг истиқболларини баҳолаш “етакчи индикаторлар” деб аталувчи кўрсаткичларга асосланади ва оддий йигма моделлар, таҳдидий иқтисодий шарҳлар ва мураккаб эконометрик моделлар ёрдамида ҳисоблаб чиқилади.

Ўқув мақсадлари

1. Иқтисодий даврнинг асосий босқичларини тавсифлаш.
2. Иқтисодий давр ривожланишининг сабаблари ва механизмига турлича қарашларни очиб бериш.
3. Иқтисодий давр ривожланиши сабаблари ва механизмига Кейнс мактабининг муносабатини аниқлаб олиш.
4. Акселератор тамойилини очиб бериш ва мультиплексор-акселератор механизмининг иқтисодий давр ривожланишидаги аҳамиятини тушуниб этиш.
5. Иқтисодий давр ривожланишини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш.

АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

- а) акселератор тамойили;
- б) ривожланиш чўққиси;
- в) пасайиш;
- г) тургунилик;
- д) жонланиш;
- е) мультиликатор-акселератор механизми;
- ж) етакчи кўрсаткичлар;
- з) бирга келадиган кўрсаткичлар;
- и) иқтисодий давр.

1. Мультиликатор ва акселераторнинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда уларнинг ЯММ ўзгаришига таъсири. Нисбий инвестицияларнинг ўсиши ЯММ ўзгаришига мультиликацион таъсир кўрсатади. Акселерация тамойилининг таъсири натижасида ЯММнинг ўсиши умумлаштирилган инвестициялар тебранишини келтириб чиқаради..
2. Қатор йиллар мобайнида такрорланадиган иқтисодиётдаги юксалиш ва пасайишлар.
3. Ишлаб чиқариш ва бандлик даражасининг тўла бандликкача кўтарилиш даври.
4. Даромаднинг ўсиши (қисқариши) инвестицияларнинг даромад ўзгаришига мутаносиб равиша ўсишига (қисқаришига) олиб келади.
5. Тўла бандлик ва ишлаб чиқариш ресурсларидан тўла фойдаланиш шароитидаги иқтисодий даврнинг ривожланиши.
6. Миқдори юксалиш босқичи тутагунга қадар пасайдиган ва пасайиш босқичи барта-раф этилгунга қадар ортадиган иқтисодий кўрсаткичлар.
7. Ишлаб чиқариш ва бандлик қисқариб бораётган, лекин нархнинг пасайиши кузатилмаётган шароитда иқтисодий даврнинг ривожланиши.
8. Миқдорлари юксалиш вақтида ўсадиган ва пасайиш вақтида қисқарадиган кўрсаткичлар тизими.
9. Ишлаб чиқариш, бандлик ва нархлар даражаси узоқ вақт қисқариб борадиган давр.

МАШҚЛАР

1. Қуйидаги жараёнлар иқтисодий даврнинг иккита босқичидан (Т-таназзул, Ч-чўққи) қайси бирига таалуқли эканини аниқланг:
 - а) Хусусий секторда инвестицияларнинг ўсиши.
 - б) Фойданинг қисқариши.
 - в) Солиқ тушумларининг ўсиши.
 - г) Меҳнатта талабнинг ортиши.
 - д) Акциялар курсларининг пасайиши.
 - е) Инфляциянинг ўсиши.
 - ж) Ишсизлик бўйича тўловларнинг (нафақаларнинг) кўпайтирилиши.
 - з) Фоиз ставкалари даражасининг пасайиши.
2. Фирма маҳсулот сотиши ҳажмларининг ўсишини кутмоқда. Бу ҳолда фирмада ишлатётган иқтисодчилар савдо ҳажми билан инвестицияларга эҳтиёжларнинг қуйидаги нисбатларидан келиб чиқадилар:

Сотиш ҳажми (млн.долл.)	1,0	1,5	2,0	2,5	3,0
Зарур инвестициялар (млн.долл.)	2	3	4	5	6

а) Сотиш ҳажми 1995 йилде 1 млн. доллардан 1996 йилда 1,5 млн. долларга күпайды. Дейлік, бошланғич даврда ортиқча қувватлар бўлмаган. Унда қўшимча инвестициялар ҳажмини аниқланг.

б) Фирма ҳар йилде 500 минг долларлик эскирган жиҳозларнинг ўрнини қоплаши лозим. Ялпи инвестициялар ҳажмини аниқланг.



в) Фирмада сотиш ҳажми 1996 йилде 1,5 млн. доллардан 1997 йилда 2,0 млн. долларга кўпайды. 1997 йилда соф ва ялпи инвестициялар миқдори ортдими?

г) 1998 йилда фирманинг савдо ҳажми 1997 йилдагиси билан тенгдир. Соф ва ялпи инвестициялар миқдори қандай бўлади?

д) Фирма савдо ҳажмидаги ўзгаришларни 7.1-расмда тасвирлаб кўрсатинг.

е) Фирма инвестициялари ҳажмидаги ўзгаришларни 7.2-расмда тасвирлаб кўрсатинг.

ж) Иккала расмни таққослаб, улар акселератор тамойили таъсирини акс эттиргани ми ёки йўқ эканини аниқланг.



3. Ҳукумат мутахассислардан кейинги йилда ЯММнинг ўсиш истиқболини ҳисоблаб беришни сўрайди. Етакчи иқтисодчилар иштеймол харажатлари ЯММнинг 70%ни ташкил этади, инвестициялар ва давлат харажатлари 2 млрд. долларга етади, соф экспорт ҳажми эса Ога тенг бўлади, деб ҳисоблайдилар.


а) Иқтисодчилар ЯММнинг эҳтимолий ҳажми хусусида қандай маълумот берадилар?

б) Агар иштеймол харажатлари даражаси хусусидаги олдиндан берилган тахминий баҳолар пасайтириб кўрсатилган ва аслида улар 0,75 ЯММни ташкил этган бўлса, унда ҳақиқий ва тахминий ЯММ ҳажмлари ўртасидаги фарқ қандай бўлади?

в) Иштеймол харажатлари даражаси, инвестиция ва давлат харажатлари миқдори хусусидаги тахминлар нотўғри бўлган. Ҳақиқатда иштеймол харажатлари 0,75 ЯММ-

га, инвестиция ва давлат харажатлари биргаликда 2,5 млрд.долларга тенг. Ҳақиқий ва таҳминий ЯММ ҳажмлари ўртасидаги фарқни аниқланг.

4. 7.3-расмда (А ва Б графиклари) жами талаб ва жами таклиф эгри чизиқлари берилган.
а) А графикиде AD жами талаб эгри чизиги чапга — AD^I ҳолатига суройлди. Бунда:
(1) иқтисодий даврнинг босқичи, (2) ЯММ ўзгариши суръатларининг хусусиятлари, (3) инфляция ўзгариши суръатларининг хусусиятларини аниқланг.



7.3 - расм. Жами талаб ва жами таклиф эгри чизиқлари

- б) Б графикда AD жами талаб эгри чизиги ўнгга- AD_I , ҳолатига суройлди. Бунда: (1) иқтисодий даврнинг босқичи, (2) ЯММ ўзгариши суръатларининг хусусиятлари, (3) инфляция ўзгариши суръатларининг хусусиятларини аниқланг.

Тестлар

1. Қуйидаги күрсаткычлардан қайси бирининг миқдори юксалиш босқичи бошлангунга қадар қисқармайды ва пасайиш босқичи бошлангунга қадар күпаймайды?
 - уюқ муддат фойдаланыладиган буюмларга янги буюртмалар ҳажми;
 - чакана сотувлар ҳажми;
 - қимматбаҳо қоғозларнинг қиймати;
 - иш ҳафтасининг ўртача давомийлiği;
 - барча жавоблар тұғри.
2. Қуйидаги күрсаткычлардан қайси бирининг миқдори юксалиш босқичи бошланғандан кейин пасаяди ва пасайиш босқичи бошланғандан кейин ўсади?
 - ишлоғ бериш саноатида товар (маңсулот) заһираларининг ҳажми;
 - ЯММнинг ҳажми;
 - иш ҳафтасининг ўртача давомийлiği;
 - қимматбаҳо қоғозлар қиймати;
 - саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми.
3. Таназзул даврида қуйидагилардан қайси бири күпроқ қисқаради?
 - истеъмолчиларнинг дори-дармон сотиб олишга харажатлари;
 - иш ҳақи даражаси;
 - тадбиркорлық фойдасининг миқдори;

- г) товар ва хизматларнинг давлат харидлари;
д) барча жавоблар түғри.
4. Таназзул босқичи тугагач, 1-2 йилдан кейин қандай ҳолат қуатылади?
а) бандлик даражасининг камайиши;
б) узоқ муддат фойдаланиладиган буюмларни сотиб олиш учун истеъмолчилар харажатларининг қисқариши;
в) фойда даражасининг барқарорлиги ёки пасайиши;
г) барча жавоблар нотүғри.
5. Қуйидаги усулларнинг қайси биридан иқтисодий аҳволнинг истиқболларини баҳо-лашда фойдаланилади?
а) асосий (етакчи) күрсаткычлар;
б) макроиқтисодий моделлар ва конъюнктура шарҳлари;
в) эконометрик моделлар;
г) барча усуллар;
д) санаб ўтилган усулларнинг ҳеч биридан фойдаланымайди.
6. Иқтисодий давр ҳақидаги қуйидаги фикрларнинг қайси бири түғри ҳамма вақт ҳам ўринлими?
а) фаолликнинг юқори нуқтаси – бу жонланиш даври;
б) таназзул – бу тургунлик даври;
в) истеъмол харажатлари – ялпи харажатларнинг энг нобарқарор таркибий қисми;
г) барча жавоблар түғри;
д) барча жавоблар нотүғри.
7. Ялпи инвестиция ҳажмининг пасайишига интилиш қуйидаги даврда пайдо бўлади:
а) сотишнинг ўсиш суръатлари кўтарилаётганда;
б) сотишнинг ўсиш даражаси доимий бўлганда;
в) сотишнинг ўсиш суръатлари пасайганда;
г) барча жавоблар түғри;
д) барча жавоблар нотүғри.
8. Иқтисодий давр нимага боғлиқ?
а) фақат ташқи омиллар таъсирига;
б) фақат ички омиллар таъсирига;
в) устун равишда жами талабнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларга;
г) устун равишда жами таклифнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларга;
д) фақат тасодифий сиёсий омилларга.
9. Қуйидаги ҳодисалардан қайси бири иқтисодий таназзул босқичига мос келмайди?
а) хизмат муддати узоқ бўлган асбоб-ускуналарга инвестицияларнинг камайиши;
б) акциялар қийматининг пасайиши, меҳнатга бўлган талабнинг пастлиги;
в) солиқ тушумларининг қисқариши;
г) корпорация фойдаларининг пасайиши;
д) ишлизлик бўйича нафақалар миқдорининг камайиши.
10. Иқтисодий давр ривожи сиёсий омиллар таъсири туғайли юзага келади, деган назария қуйидаги фикрга асосланган:
а) инфляцияга қарши тадбирлар ҳукумат даражасида қабул қилинади;
б) давлат ҳокимиятининг олий ташкилотларига сайловдан кейинги йил кўпинча қатъ-

ий иқтисодий тадбирларни ўтказиш йили бўлади;

- в) сайловларни ўтказиш йилида кўпинча юқори иқтисодий ўсиш кузатилади;
- г) сайловларнинг даврийлиги иқтисодий даврларнинг даврийлигига ҳам таъсир этиши мумкин;
- д) барча жавоблар тўғри.

11. Иқтисодий давр боришига қўйидагиларнинг ўзгариш суръатлари энг қаттиқ таъсир кўрсатади:

- а) товар-моддий заҳираларининг ўсишига йўналтирилган соф инвестициялар;
- б) узоқ муддат фойдаланиладиган буюмларнинг ишлаб чиқарилишига йўналтирилган соф инвестициялар;
- в) истеъмол ҳаражатлари;
- г) давлат ҳаражатлари;
- д) барча жавоблар нотўғри.

12. Мультиликатор самараси ва акселератор тамойили қандай боғлиқликка эга?

а) уларнинг иккаласи ҳам инвестициялар даражаси ўзгариши қандай юз беришини тушунтиради;

б) мультиликатор самараси иқтисодиетни тўла бандлик даражасида қандай ушлаб туриш мумкинлигини тушунтиrsa, акселератор тамойили эса, агар ялпи ҳаражатлар ўсишини рагбатлантирувчи тадбирлар қабул қилинса, иқтисодиётнинг турғунлик вазияти нима учун юзага келиши ва сақланиб туришини тушуништа имкон беради;

в) мультиликатор самараси ЯММ даражасининг ўзгариши, айниқса, агар у ўssa, қандай қилиб соф инвестициялар ўсишига олиб келиши мумкинлигини кўрсатади, акселератор тамойили эса ҳаражатлар (масалан, инвестициялар) ўзгариши ЯММ даражасининг сезиларлироқ ўзгаришига олиб келиши мумкинлигини тушунтирали;

г) мультиликатор самараси ҳаражатлар (масалан, инвестициялар) ўзгариши қандай қилиб ЯММ даражасини янада кўпроқ ўзгаришига олиб келиши мумкинлигини кўрсатади, акселератор тамойили эса ЯММ даражаси ўзгариши, айниқса унинг ошиши соф инвестициялар ўсишига олиб келиши мумкинлигини тушунтиради;

д) барча жавоблар нотўғри.

13. Акселератор тамойилига мувофиқ индукцияли инвестиция ҳаражатлар қўйидаги ҳолда ўринлидир:

- а) агар ЯММ ёки истеъмол юқори даражада бўлса;
- б) агар ЯММ ёки истеъмол паст даражада бўлса;
- в) агар ЯММ ёки истеъмол ўssa;
- г) агар ЯММ ёки истеъмол пасайса;
- д) ушбу вазиятларнинг исталганида, чунки инвестициялар, ЯММ ва истеъмол ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ.

ТЎҒРИ/НОТЎҒРИ

1. Машина ва асбоб ускуналарга инвестициялар ҳажми бошланаётган таназзул олдиндан ва у тугагандан сўнг кўпаймайди.

2. Инвестициялар иқтисодий давр доирасида жами ҳаражатларнинг энг нобарқарор қисмидир.

3. Агар сотиш ҳажмининг ўсиш суръатлари пасайиб борса, ялпи инвестициялар ўсади.

4. Фақат уруш вақтида давлат ҳаражатлари иқтисодиётта нобарқарорлаштирувчи таъсир кўрсатади.

5. Бирор мамлакат савдо шеригининг соф милиций маҳсулоти даражаси пасайса, ушбу мамлакат соф экспорти қисқаради.
6. Иқтисодий таҳминлар одатда жуда ҳам түгри эмас, шунинг учун унчалик фойдали ҳам эмас.
7. Таназзул — иқтисодий даврнинг шундай босқички, бунда иқтисодиёт тұла бандлик шароитидаги ЯММ даражасыга нисбатан энг паст даражага яқынлашади.
8. Иқтисодий даврнинг юксалиш босқичи доимо жоңланиш даврига мөс келади.
9. Башқа мамлакаттарнинг ЯММси күпайса, мазкур давлатнинг экспорти ўсади.
10. Сотиш ҳажмидаги ўзгариш инвестициялар миқдорининг сезиларлы ўзгаришида на-моён бўлиши мумкин.
11. Сиесий омиллар сабабли келиб чиқсан иқтисодий давр ҳокимиятнинг олий органла-рига сайловлар билан боғлиқ.
12. Макроиқтисодий моделлар иқтисодий таҳминлар учун қўлланилиши мумкин эмас.
13. Истемол харажатлари жами харажаттарнинг энг нобарқарор қисми ҳисобланади.
14. Умумлаштирилган инвестициялар ЯММнинг юқори даражаси билан боғлиқ.

МУАММОЛАР

1. А фирмаси ўз ихтиёрида ҳар йилнинг охирда сотиш ҳажмининг ҳар бир долларига 2,5 долларга тенг ишлаб чиқариш заҳираларига эга бўлишни мақсадга мувофиқ деб ҳисблайди. 7.1-жадвалдаги маълумотлар асосида қуйидаги топшириқларни бажаринг (барча кўрсаткичлар млн.доллар ҳисобида).

7.1-жадвал

Йил	Ниетлик сотиш ҳажми	Ниет босидаги заҳиралар	Ниет охирга та куғидаётган заҳиралар	Ниетлик шартаб чиқарни ҳажми
1994	40	100	-	-
1995	50	-	-	-
1996	60	-	-	-
1997	65	-	-	-
1998	64	-	-	-

а) Бунда:

(1) ҳар бир йил босидаги ва охирдаги заҳираларнинг ҳажмини ва (2) ҳар йилдаги ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисобланг.

Олинган маълумотларни жадвалга киритинг.

б) Қайси йилларда (1) заҳира учун инвестициялар, (2) ишлаб чиқариш ҳажми энг юқори даражада бўлганигини аниқланг.

2. Б фирма йил мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳар бир долларига ускуналар учун 2 доллар сарфлашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисблайди. Эскирган (демак, ишдан чиқсан) ускуналарнинг йиллик қиймати 1 млн.долларга тенг. Барча ускуналарнинг 1994 йилдаги ҳақиқий қиймати 100 млн.долларни ташкил этади.

7.2-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги топшириқларни бажаринг.

7.2-жадвал

Йил	Ниетлик шартаб чиқарни ҳажми	Ускуналарнан қуғидаётган қиймати	Соф инвестициялар	Ялан инвестициялар
1994	50	-	-	-
1995	60	-	-	-
1996	70	-	-	-
1997	80	-	-	-
1998	100	-	-	-

а) Ускуналарнинг йиллик қиймати ва инвестицияларнинг (соф ва ялпи) ҳажмларини ҳисобланг. Олинган маълумотларни жадвалга киритинг.

б) Инвестициялар даражаси ва ускуналарнинг кутиласеттан қиймати энг юқори бўлган йилни аниқланг. Ана шу йилда ишлаб чиқариш ҳажми ҳам энг юқори даражада бўлди, деб айтиш мумкинми?

3. Етакчи иқтисодчилар бир йилдан сўнг мамлакатдаги иқтисодий вазият қўйидаги маълумотлар билан ифодаланали, деб тахмин қиладилар:

$$C = 10 + 0,7Y$$

I = 50 млрд доллар.

G = 100 млрд. доллар.

(бунда C - истеъмол харажатлари, I - хусусий ялпи инвестициялар, G - товарлар ва хизматларни давлат томонидан харид қилиниши, Y - ялпи миллий маҳсулот).

ЯММинг кейинги йилга тахмин қилинаётган даражасини ҳисобланг.

4. А мамлакатнинг мутахассислари: истеъмол харажатлари (C) ва инвестицияларни (I) ЯММ (Y) миқдорига боғлиқлиги қўйидаги тенгламаларда ифодаланади, деб ҳисоблайдилар (млрд. доллар).

$$C = 8 + 0,6Y$$

$$I = 0,1Y$$

Уларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳукуматнинг кейинги йилда товарлар ва хизматларни сотиб олиш учун харажатлари 50 млрд. доллар, соф экспорт эса – 5 млрд. долларни ташкил этиши лозим. ЯММинг келгуси йилга мўлжалланаётган даражасини ҳисобланг.

ЖАВОБЛАР ВА ШАРҲЛАР

Асосий атамалар ва тушунчалар

1. е; 2. и; 3. д; 4. а; 5. б; 6. ж; 7. в; 8. з; 9. г.

Машқлар

1. а) Ч; б) Т; в) Ч; г) Ч; д) Т; е) Ч; ж) Т; з) Т.

2. а) 1 млн.доллар.

б) 1,5 млн.доллар.

в) Йўқ, йўқ.

г) Соф инвестициялар 0 гача қисқаради, ялпи инвестициялар эса 500 минг долларга ча пасаяди.

д) 7.4-расмга қаралсин.

е) 7.5-расмга қаралсин.

ж) Ҳа, ифодалайди: сотишнинг ўсиш суръати пасаяётганда инвестициялар қисқаради.

3. а) $Y = C + I$ (бунда Y - ЯММ; C - истеъмол харажатлари; I - инвестициялар).

$$Y = C + 2; C = 0,7 Y, шунинг учун Y = 0,7Y + 2 \text{ ёки } 0,3Y = 2$$

$$Y = 2 : 0,3 = 6 \frac{2}{3} \text{ млрд. доллар.}$$

б) $Y = C + 2$

$$C = 0,75Y, шунинг учун Y = 0,75Y + 2 \text{ ёки } 0,25Y = 2$$

$$Y = 2 : 0,25 = 8 \text{ млрд. доллар.}$$

ЯММинг ҳақиқий даражаси билан тахминий даражаси ўртасидаги фарқ:


8-6 $\frac{Y}{3} = 14$, млрд. долларга тең.

б) $Y = C + 2,5$


$$C = 0,75Y, \text{ шунинг учун } Y = 0,75Y + 2,5 \text{ ёки } 0,25Y = 2,5$$

$$Y = 2,5 : 0,25 = 10 \text{ млрд. доллар.}$$

ЯММнинг ҳақиқий даражаси билан тахминий даражаси ўргасидаги фарқ:
 $10 - 6 \frac{Y}{3} = 3 \frac{Y}{3}$, млрд. доллар.



7.4. - расм. Сотиш ҳажмининг ўзгариши



7.5. - расм. Инвестиция харажатларининг ўзгариши

4. а) (1) Таназзул; (2) пасайиш; (3) секинлашиш.
 б) (1) Жонланиш; (2) ўсиш; (3) жадаллашув.

Тестлар

1. б; 2. а; 3. в; 4. д; 5. г; 6. г; 7. в; 8. в; 9. д; 10.д; 11. б; 12. г; 13. в.

Түғри/Нотүғри

1. Т; 2. Т; 3. Н; 4. Н; 5. Т; 6. Н; 7. Т; 8. Н; 9. Т; 10. Т; 11. Т; 12. Н; 13. Н; 14.Н.

Муаммолар

1. а) 7.4-жадвалга қаралсın.

7.4-жадвал

Показар	Низ бөлүндөгі захиралар	Низ анырганы захиралар	Низдай чыгармын ұзақты
1994	100	100	40
1995	100	125	75
1996	125	150	85
1997	150	162 $\frac{Y}{2}$	77 $\frac{Y}{2}$
1998	162 $\frac{Y}{2}$	160	61 $\frac{Y}{2}$

б) (1) Заҳираларга инвестициялар ҳажми 1995 ва 1996 йилларда энг юқори даражада бўлган.

(2) Ишлаб чиқариш ҳажми 1996 йилда энг юқори даражада бўлган.

2. а) 7.5-жадвалга қаралсин.

7.5-жадвал			
Йиллар	Маскунлар қиймати	Соф инвестициялар	Ялан инвестициялар
1994	100	0	1
1995	100	20	21
1996	140	20	21
1997	160	20	21
1998	200	40	41

б) 1998й., ҳа.

$$3. Y = 10 + 0,7Y + 50 + 100$$

$$0,3Y = 160$$

$$Y = 533 \text{ '}, \text{млрд. доллар.}$$

$$4. Y = 8 + 0,6Y + 0,1Y + 50 + 5$$

$$0,3Y = 63$$

$$Y = 210 \text{ млрд. доллар.}$$

8 мавзу

ПУЛЛАР ВА БАНК ТИЗИМИ

Пулларнинг моҳияти тўғрисида турлича қарашлар мавжуддир. Ҳозирги вақтда кўплаб иқтисодчилар пулларга уларга хос бўлган функцияларга қараб таъриф берадилар: ҳисоб бирлиги, муомала воситаси, жамғариш воситаси.

Пул бозорининг таҳлили пул таклифи, уларга бўлган талаб ва уларнинг нархи билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади.

Пул таклифининг таркибий қисмларига оид ягона фикрлар йўқ. Уларга, одатда давлат, тижорат банклари ва жамғарма муассасаларининг мутлақ ёки деярли мутлақ ликвидликка эга бўлган қарз мажбуриятлари киритилади. Бу қарз мажбуриятлари учта пул агрегатини ўз ичига олади: M_1 (нақд пуллар ва чекдаги омонатлар), M_2 (M_1 , чедан ташқари жамғарма омонатлари ва унча катта бўлмаган муддатли омонатлар) ва M_3 (M_2 ва йирик муддатли омонатлар). Бироқ кўпчилик иқтисодчиларнинг ҳисоблашларича, пуллар бу M_1 агрегатdir, M_2 ва M_3 эса "деярли пуллар"dir. Учала пул агрегати ҳам, ички қийматга эга бўлмаса-да, пуллар сифатида қатнашади, чунки жамият уларни шу вазифада қабул қиласи. Улар қонуний пул маблағи сифатида қатнашади ва, қолаверса, нисбатан поёбликка эгадир.

Пулларнинг қиммати уларнинг таклиф ва талаб нисбати билан белгиланади. Талабнинг берилган даражасида пулларнинг реал қиммати уларнинг харид қобилияти билан белгиланади.

Пулларга бўлган умумий талаб битимлар учун пулларга талабни ва активлар томонидан пулларга талабни ўз ичига олади. Битимлар учун пуллар миқдори сотилаётган товарлар ва хизматларнинг умумий пул қимматига боғлиқлиги туфайли, ЯММ-нинг номинал ҳажми билан битимлар учун пулларга бўлган талаб ҳажми ўртасида бе-восита боғлиқлик мавжуд. Активлар томонидан пулларга бўлган талаб ҳажми фоиз ставкаси даражасига боғлиқ ва унинг ўзгариш суръатларига тескари боғлиқликда бўлади. Пул бозоридаги талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат фоиз ставкасини белгилайди. Пул бозори мувозанатининг бузилиши облигациялар нархини ўзгартириш натижасида бартараф этилади. Облигациялар нархи ва фоиз ставкалари қарама-қарши йўналишда ўзгаради. Мувозанатли фоиз ставкасида облигациялар нархи ўзгармас, пулларга бўлган талаб ва таклиф эса тенг бўлади.

Банк тизимлари, одатда, иккى ёки уч погонали тузилишга эга. АҚШ банк тизими Федерал резерв тизими бошқарувчилари Кенгаши, 12 федерал резерв банклари ва тижорат банклари шаҳобчаларидан иборат. Россия банк тизими Россия Банки (мамлакатнинг марказий банки), турли кўринишдаги тижорат банклари, шунингдек банк операцияларини амалга олириш ҳукуқига эга бўлган кредит муассасаларини ўз ичига олади. Тижорат банклари актив (қарзлар бериш) ва пассив (омонатларни жалб этиш) операцияларини ба-харадилар. Бундан ташқари улар турли банк хизматларини кўрсатадилар.

Ўқув мақсадлари

1. Пулларнинг моҳиятини ва улар бажарадиган функцияларни аниқлаб олиш.
2. Пул массасини ўлчашнинг турли йўлларини аниқлаш.
3. Пул бозорида талабга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш.
4. Қандай қилиб пул бозори мувозанат ҳолатига келтирилишини тушуниш.
5. Банк тизими тузилишини кўриб чиқиш.

АСОСИЙ АТАМЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

- а) тижорат банклари;
- б) марказий банк;
- в) муддатли омонатлар;
- г) ҳисоб бирлиги;
- д) M_1 ;
- е) битимлар учун пулларга талаб;
- ж) активлар томонидан пулларга талаб;
- з) M_2 ;
- и) банкларнинг актив операциялари;
- к) M_3 ;
- л) муомала воситаси;
- м) чекдаги омонатлар;
- н) пул бозори;
- о) чекда бўлмаган жамғариладиган омонатлар;
- п) қийматни сақлаш воситаси;
- р) пул агрегати;
- с) пулга умумий талаб;
- т) банкларнинг пассив операциялари;
- у) қоғоз пуллар;
- ф) "деярли пуллар";
- х) пуллар қиймати.

1. Банк хизматларининг кенг доирасини, аввало талаб қилиб олинадиган ҳисобварақларни очиш ва қарзлар бериш хизматларини таклиф этувчи банклар.
2. Муомала воситаси сифатида фойдаланиш учун зарур пуллар миқдори: ЯММ номинал ҳажми ўзгаришига тўғри боғлиқликда ўзгаради.
3. Тижорат банклари ёки жамғарма муассасаларидаги чек ёзиб бериш мумкин бўлган омонатлар.
4. Битимлар учун пулларга талаб ва активлар томонидан пулларга талаб йигиндиси.
5. Вазифаси пул муомаласини тартибга солиш, миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, ягона пул-кредит сиёсатини ўtkазиш, ҳисоб-китобларни ва хазина хизматини ташкил этиш, тижорат банклари ва бошқа кредит муассасалари фаолиятини назорат қилиш, ташқи савдо фаолияти бўйича операцияларни амалга ошириш бўлган банк.
6. Банклар ўз ихтиёридаги мавжуд ресурсларни жойлаштиришга қаратилган операциялар.
7. Товар ва хизматлар сотилгандан сўнг сақланадиган ва келажакда харид қобилиятини таъминловчи актив.
8. Ўзичига M_1 , чекда бўлмаган жамғарма омонатлари ва унча катта бўлмаган муддатли омонатларни ўз ичига олувчи пул агрегати.

9. Пул массасининг муқобил ўлчовлари бўлиб хизмат қилувчи ликвид активларнинг ўзига хос бир нечта гурухларидан бири.
10. Кредит муассасаларидаги фақат шартномада белгиланган давр тугагандан кейингина маблағлар жаримасиз олинниши мумкин бўлган фоиз келтирувчи омонатлар.
11. Инсонлар жамғармалар сифатида сақлашни хоҳлаган пуллар миқдори (пул кўринишидаги молиявий активлар ҳажми); фоиз ставкаси миқдорига тескари боғлиқликда ўзгаради.
12. Чек ёзib берилниши мумкин бўлмаган жамғарма ҳисобварақ.
13. Пулга бўлган талаб ва тақлифнинг фоиз ставкаси даражасини белгиловчи бозор.
14. Товарлар ва хизматлар қимматини ўлчаш ҳамда таққослаш учун қўлланиладиган пул бирлиги.
15. М₁ ва йирик муддатли омонатларни ўз ичига оловчи пул агрегати.
16. Товар ва хизматларни сотиб олиш, шунингдек қарзларни тўлаш учун ишлатиладиган пуллар.
17. Нақд металл ва қоғоз пулларни ҳамда чекдаги омонатларни ўз ичига оловчи пул агрегати.
18. Муомала воситаси ҳисобланмаса-да, пулга тез айлантириш мумкин бўлган юқори ликвидлик хусусиятига эга молиявий активлар (қисқа муддатли жамғарма омонатлари, муддатли омонатлар, қисқа муддатли давлат қимматли қоғозлари ва жамғарма облигациялари).
19. Банклар актив операцияларни амалга ошириш учун ўз ресурсларини шакллантиришда фойдаланадиган операциялар.
20. Муомала воситаси сифатида қўлланадиган қоғоз пуллар.
21. Пул бирлигига алмаштириш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори; пул бирлигининг харид қобилияти; нарх даражасига тескари миқдор.

МАШҚЛАР

1. 8.1-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида қўйидагиларни аниқланг:
 - а) М₁ миқдорини; б) М₂ миқдорини; в) М₃ миқдорини.

8.1-жадвал

	млрд. доллар
Катта бўлмаган муддатли омонатлар	1630
Муддатли йирик омонатлар	645
Чекдаги омонатлар	448
Чекда бўлмаган жамғарма омонатлар	300
Нақд пуллар	170

2. а) Фараз қиласлик, битимлар учун мўлжалланган ҳар бир доллар бир йилда ўртача 4 марта муомалада бўлади ва пировард товар ва хизматлар сотиб олишга йўналтирилди. ЯММнинг номинал ҳажми 2000 млрд. долларни ташкил этади. Битимлар учун пулга талаб миқдорини аниқланг.

- б) 8.2-жадвалда фоиз ставкасининг турли даражаларидаги активлар томонидан пулга талаб миқдори келтирилган. "а" саволга жавоб беришда олинган маълумотларни қўллаб, жадвалла пулга талабнинг умумий ҳажмини кўрсатинг.

8.2-жадвал

Фоиз ставкаси (%)	Активлар қомиғасы	Пулла талаб ҳажми (млрд. доллар)	Умумий
16	20		
14	40		
12	60		
10	80		
8	100		
6	120		
4	140		


в) Пул таклифи 580 млрд. долларни ташкил этади. Мувозанатли фоиз ставкасини аниқланг.

г) Агар пул таклифи 600 млрд. долларгача ўсса ёки 540 млрд. долларгача қисқарса, мувозанатли фоиз ставкаси миқдорини аниқланг.

д) Агар номинал ЯММ ҳажми 80 млрд. долларга кўпайса, ёки 120 млрд. долларга қисқарса, фоиз ставкасининг ҳар бир даражасида пулга умумий талаб қандай ўзгаришини ва мувозанатли фоиз ставкаси қанча бўлишини аниқланг.

3. 8.1-расмда пулга талаб M миқдордан M_1 миқдоргача ўзгарувчи тўртта ҳолат келтирилган. Келтирилган ҳолатлардан қайсиниси қўйидаги жараёнларни акс эттиришини кўрсатинг:

- а) Ўзгармас фоиз ставкаларида ЯММ номинал ҳажмининг кўпайиши.
- б) Фоиз ставкасининг кўпайиши.
- в) Фоиз ставкалари миқдорида ўз ифодасини топмайдиган нархлар қисқариши.
- г) Жами талаб ўзгаришида акс этмайдиган фоиз ставкаси даражасининг қисқариши.



8.1 - расм. Пулга талаб

ТЕСТЛАР

1. Натурал хұжалиқдан бозор хұжалигига ўтишда бевосита маңсулот айирбошлаш (бартер) пуллар воситасида амалға ошириладын айирбошлаш билан алмашиңди ва бунда пуллар сифатыда маълум товарлар қатнашды. Бу нима сабабдан содир бўлди?
 - а) сотувчига керакли товарларни унда мавжуд товарларга айирбошлашга рози субъектларни топиш билан боғлиқ харажатлар юқори бўлганлиги учун;
 - б) ноқулай бўлганлиги сабабли;
 - в) ижтимоий меҳнат тақсимоти ривожланишига тўсқинлик қилгани учун;
 - г) айирбошланадан товарларга эҳтиёжларнинг бир бирига мос қелиб қолгани учун;
 - д) юқорида саналган барча сабаблар мавжуд бўлгани учун.

2. M_1 ўз ичига қўйидагилардан бирини олади:
 - а) металл ва қофоз нақд пуллар ҳамда чекдаги омонатлар;
 - б) металл ва қофоз нақд пуллар ҳамда муддатли омонатлар;
 - в) металл ва қофоз нақд пуллар ҳамда барча банк депозитлари;
 - г) барча пуллар ва "деярли пуллар";
 - д) барча жавоблар нотўғри.

3. Пуллар ва "деярли пуллар" ўртасидаги фарқ қўйидагидан иборат:
 - а) пулларни, "деярли пуллар"дан фарқли ўлароқ, бевосита сарфлаш мумкин;
 - б) "деярли пуллар" банк ҳисобларидаги депозитларни ўз ичига олади, пуллар эса уларни ўз ичига олмайди;
 - в) пуллар "деярли пуллар"га қараганда тезроқ айланади;
 - г) "деярли пуллар", пуллардан фарқли равишда, майдананмайдиган қофоз пуллардир;
 - д) "деярли пуллар" пулга сотилиши мумкин бўлган барча товарларни ўз ичига олади.

4. Банк ҳисобига ёзилган чек:
 - а) агар у ҳақиқий бўлса, яъни банкда уни тўлаш учун маблағлар мавжуд бўлса, M_1 нинг бир қисми ҳисобланади;
 - б) у ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслигидан қатъи назар, эгаси уни тўлашга розилик билдириган тақдирда, M_1 нинг қисми ҳисобланади;
 - в) агар фақат товар ва хизматлар сотиб олишга ишлатилса, M_1 нинг қисми ҳисобланади;
 - г) M_1 қисми ҳисобланмайди, чунки банк ҳисобварағи пул массасининг таркибий қисми эмас;
 - д) M_1 қисми ҳисобланмайди, чунки чекнинг у ёзилган омонатлар билан бир қаторда M_1 таркибига киритилиши тақрорий ҳисобга олиб келади.

5. Пуллар:
 - а) муомала воситаси;
 - б) қимматни сақлаш воситаси;
 - в) ҳисоб бирлиги;
 - г) барча жавоблар тўғри;
 - д) барча жавоблар нотўғри.

6. Еттимлар учун пулга талаб қўйидагича ўзгаради:

- а) фоиз ставкаси ошганда ўсади;
 б) фоиз ставкаси пасайганда ўсади;
 в) ЯММ номинал ҳажмининг ўсишига қараб камаяди;
 г) ЯММнинг номинал ҳажми камайганда пасаяди;
 д) барча жавоблар нотўғри.
7. Агар активлар томонидан пулга талаб ўзгарса, аввалги жавоблардан қайси бирин тўғри бўлади?
8. "Пулга талаб" тушунчаси қўйидагини билдиради:
 а) зарур бўлганда, қатъий белгиланган нархлар бўйича пулга осон айлантирилиши мумкин бўлган қимматли қофозларга эга бўлиш истаги;
 б) ушбу фоиз ставкасида тадбиркорлар кредит бериш учун ишлатишни хоҳлаган пуллар миқдори;
 в) "қора кун" учун даромаднинг бир қисмини асраристаги;
 г) активлар томонидан пулга талаб нима бўлса, худди шу;
 д) битимлар учун пулга талаб ва активлар томонидан пулга талаб йифиндиси нима бўлса, худди шу.
9. Қўйидагилардан қайси бирини "деярли пуллар"га киритиб бўлмайди?
 а) чекда бўлмаган жамгариладиган омонатлар;
 б) муддатли йирик омонатлар;
 в) кредит карточкалари;
 г) қисқа муддатли давлат қимматли қофозлари;
 д) катта бўлмаган муддатли омонатлар.
10. Активлар томонидан пулга талаб билдирилишининг сабаби шундаки, пуллар:
 а) муомала воситаси;
 б) ҳисоб бирлиги;
 в) қимматларни сақлаш воситаси;
 г) барча жавоблар тўғри;
 д) бошқа сабабларга кўра.
11. Агар битимлар учун пуллар йилда ўртача 5 марта айланса, унда талаб билдирилган, айирбошлишга хизмат кўрсатиш учун зарур пуллар миқдори:
 а) ЯММ номинал ҳажмидан 5 марта кўп;
 б) номинал ЯММнинг 20 фоизини ташкил этади;
 в) 5 ҳамда ЯММ номинал ҳажмининг нисбатига тенг;
 г) 20% ва ЯММ номинал ҳажмининг нисбатига тенг;
 д) 20% ва 5нинг нисбатига тенг.
12. Фараз қиласлик, битимлар учун пулга талаб ЯММ номинал ҳажмининг 10%ни ташкил этади. Пул таклифи 450 млрд. долларни ташкил этади, активлар томонидан пулга талаб эса 8.3-жадвалда кўрсатилган.

8.3-жадвал

Фоиз ставкаси (%)	Активлар томонидан талаб (млрд. доллар)	Фоиз ставкаси (%)	Активлар томонидан талаб (млрд. доллар)
14	100	12	200
13	150	11	250

Агар ЯММнинг номинал ҳажми 3000 млрд. долларга теңг бўлса, унда мувозанатли фоиз ставкаси қўйидагини ташкил этади:

- а) 14%; б) 13%; в) 12%; г) 11%; д) 10%.

13. Агар аввалиги тестдаги мавжуд шартлар сақланганда, ЯММнинг номинал ҳажми ўзгармаса, пул таклифи эса 450 млрд. доллардан 500 млрд. долларгача ўсса, мувозанатли фоиз ставкаси қандай ўзгаради?

- а) 14 %гача кўпаяди;
- б) 11 %гача қисқаради;
- в) 12 %гача қисқаради;
- г) ўзгаришсиз қолади;
- д) 15 %гача кўпаяди.

14. Агар фоиз ставкасининг энг юқори даражаси қонун бўйича мувозанатли даражадан паст ўрнатилса, унда:

- а) пулга талаб ҳажми пул таклифи ҳажмига қараганда кўп бўлади;
- б) пулга талаб ҳажми пул таклифи ҳажмига қараганда кам бўлади;
- в) пул таклифи ҳажми ўсиб боради, пулга талаб ҳажми эса қисқаради;
- г) пулга талаб ҳажми ўсиб боради, пул таклифи ҳажми эса қисқаради;
- д) пулга талаб ҳажми ва пул таклифи ҳажми кўпайиб боради.

15. Қўйида келтирилган фикрларнинг қайсиниси пулнинг реал қиммати ёки харид қобилияти ва нарх даражаси ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди? Пулнинг харид қобилияти:

- а) нархлар даржасига тескари боғлиқликда бўлади;
- б) нархлар даржасига иқтисодий таназзул даврида тўғри боғлиқликда ва инфляция юксалиши даврида тескари боғлиқликда бўлади;
- в) нархлар даржасига тўғри, бироқ мутаносиб бўлмаган боғлиқликда бўлади;
- г) нархлар даржасига тўғри ва мутаносиб боғлиқликда бўлади;
- д) нархлар даржасига боғлиқ эмас.

16. Агар биз индексда ифодаланган нарх даражасини P билан, пуллар қийматини эса D билан белгиласак, унда:

- а) $P = D - 1$; б) $D = 1 : P$; в) $1 = D : P$; г) $D = P - 1$; д) $D = 1 - P$.

17. Йирик муддатли омонатлар қўйидагилардан бирининг таркибиغا киради:

- а) M_1 ;
- б) M_2 ;
- в) M_3 ;
- г) M_2 ва M_3 ; д) M таркибиغا умуман кирмайди.

18. Агар ЯММнинг номинал ҳажми қисқарса, унда:

- а) битимлар учун пулга талаб ва пулга умумий талаб ўсади;
- б) битимлар учун пулга талаб ва пулга умумий талаб қисқаради;
- в) битимлар учун пулга талаб ўсади, бироқ пулга умумий талаб қисқаради;
- г) битимлар учун пулга талаб қисқаради, бироқ пулга умумий талаб ўсади;
- д) битимлар учун пулга талаб ва пулга умумий талаб ўзгаришсиз қолади.

19. Агар ЯММнинг номинал ҳажми 4000 млрд. долларни ташкил этса, битимлар учун пулга талаб ҳажми эса 800 млрд. долларни ташкил этса, унда:

- а) активлар томонидан пулга талаб 3200 млрд. долларни ташкил этади;

- б) пулга умумий талаб 4800 млрд. долларни ташкил этади;
- в) ҳар бир доллар йилига ўртача 5 марта айланади;
- г) пул таклифи ҳажмини кўлайтириш зарур;
- д) активлар томонидан пулга талаб 4800 млрд. долларни ташкил этади.
20. Агар пулга талаб ва пул таклифи ўсиб борса, унда:
- а) мувозанатли пул миқдори ва мувозанатли фоиз ставкаси ўсади;
- б) мувозанатли пул миқдори ва мувозанатли фоиз ставкаси қисқаради;
- в) мувозанатли пул миқдори ўсади, мувозанатли фоиз ставкасининг ўзгаришини эса олдиндан айтиб бўлмайди;
- г) мувозанатли фоиз ставкаси ўсади, пул миқдоридаги ўзгаришларни эса олдиндан айтиш мумкин эмас;
- д) пул миқдори ва мувозанатли фоиз ставкаси ўзгаришини олдиндан айтиш мумкин эмас.

ТЎФРИ/НОТЎФРИ

- Бартер усули айрбошлишни амалга ошираётган томонлар эҳтиёжларини бир вақтга мос келиши зарурлиги туфайли ноқулайдир.
- М₁ ўз ичига нақд пулларни, чекдаги омонатларни ва муддатли депозитларни олади.
- Пуллар қиймати нарх даражасига тескари боғлиқликда бўлади.
- Битимлар учун пулга талаб ЯММнинг номинал ҳажми қисқараётган вақтда камайди.
- Активлар томонидан пулга талаб фоиз ставкаси миқдорига тўғри боғлиқликда бўлади.
- Агар ЯММнинг номинал ҳажми 2000 млрд. долларга тенг бўлса, битимлар учун пулга талаб эса 5000 млрд. долларни ташкил этса, унда ҳар бир доллар ўртача 4 марта айланади.
- Қоғоз пуллар "деярли пуллар"га таалуқли.
- Фоиз ставкаси миқдори қанчалик юқори бўлса, битимлар учун пулга талаб ҳажми шунчалик кўпдир.
- Активлар томонидан пулга талаб ЯММнинг номинал ҳажмига тескари боғлиқликда бўлади.
- М₁ таркибига кирувчи нақд пуллар танга ва қоғоз пуллардан иборат.
- М₂, М₃ дан чекда бўлмаган жамғарма омонатлар ва кичик муддатли омонатлар миқдорига ортиқдир.
- М₂, М₃ дан кичик муддатли омонатлар миқдорига камдир.
- Истеъмолчиларга тегишли "деярли пуллар" ҳажми қанчалик кўп бўлса, уларни жамғаришга бўлган ўртача мойиллик шунчалик юқоридир.
- Нақд пуллар ва чекдаги омонатлар пул ҳисобланади, чунки улар сотувчилар томонидан товарлар ва хизматларни айрбошлишга қабул қилинади.
- Бошқа тенг шароитларда нархлар даражасининг ўсиши битимлар учун пулга талабнинг ўсишига олиб келади.
- Бошқа тенг шароитларда ЯММ номинал ҳажмининг кўпайиши пулга умумий талабнинг ҳам, мувозанатли фоиз ставкасининг ҳам ўсишига олиб келади.
- Марказий банк банкларнинг банки ҳисобланади, чунки у тижорат банкларига қарзлар беради ва уларнинг омонатларини сақлайди.
- Пул таклифининг ошиши жами таклиф эгри чизигини ўнгта силжишига олиб келади.
- Агар товар ва хизматларнинг нархлар даражаси 50 фоизга қисқарса, унда пуллар қиммати 2 марта ошади.

МУАММОЛАР

1. 8.2-расмда жами талаб ва жами таклиф әгри чизиқлари көлтирилған.



8.2. - расм. Жами талаб ва жами таклиф әгри чизиқлари

Агар пул таклифи кўпайса, әгри чизиқлар ҳолати қандай ўзгаради? Пул таклифи камайсачи?

2. Иқтисодиётда нархлар даражаси қўйидаги маълумотлар билан ифодаланади.

Йил	1950	1960	1970	1980
Нархлар даражаси (1950=100)	100	120	140	200

- а) Йиллар бўйича нархлар даражаси ўзгаришини график усулида акс эттиринг.
б) 1980 йилдан 1990 йилгача бўлган даврда пуллар қиймати неча фоизга пасайган?
1950 йилдан 1980 йилгача бўлган даврда-чи?

3. Фараз қиласлик, фоиз ставкаси ва пулга талаб миқдори ўртасидаги боғлиқлик қўйидагича ифодаланади:

$$i = 20 - 2M$$

бу ерда i - фоиз ставкаси (фоизларда), M - пул миқдори (трлн. долларда):

- а) График усулда берилган бу функция нимани акс эттиради?
б) Агар пулга талаб миқдори 5 трлн. долларга teng бўлса, фоиз ставкаси миқдори қандай?
в) Фараз қиласлик, ЯММ ҳажми ўсли. i ва M ўртасидаги боғлиқлик аввалгидаидек қоладими? Агар қолмаса, унда у қандай йўналишда ўзгаради?

4. ЯММнинг реал ҳажми 1989 йилдан 1992 йилгача бўлган даврда йилига 3 %га ўси, пулларнинг айланиш тезлиги эса йилига 2%га кўпайди. 8.4-жадвални керакли маълумотлар билан тўлдиринг.

8.4-жадвал

Йил	Нархлар даражаси (1989=100)	Пул таклифи (1989=100)
1989	100	100
1990	-	101
1991	100	-
1992	100	-

5. 8.5-жадвалда АҚШдаги ЯММнинг номинал ҳажми ва пул миқдори ҳақидаги маълумотлар берилган (млрд. долларда).

8.5-жадвал

Инг.	M1	M2	ЯММнинг номинал ҳажми
1967	187,4	350,0	816,4
1969	209,0	332,5	963,9
1971	234,0	471,9	1102,7
1973	270,5	571,4	1359,3
1975	295,2	664,7	1598,4
1977	338,4	809,5	1990,5

Жадвалда кўрсатилган даврлар учун АҚШда M1 ва M2 асосида ҳисобланган пулнинг айланиш тезлигини солиштиринг. Ушбу вазиятларнинг қай бирида пулларнинг айланиш тезлиги барқарорроқ бўлган эди?

6. Облигация бўйича йилига 100 млрд. доллар миқдорида фонз тўланади. 8.6-жадвалда фонз ставкасининг турли даражаларида облигациялар нархи ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Жадвални керакли маълумотлар билан тўлдиринг.

8.6-жадвал

Фонз ставкаси (%)	Облигациялар нархи (доллар)	Фонз ставкаси (%)	Облигациялар нархи (доллар)
1	-	-	2000
2	-	10	-
-	2500	12,5	-

ЖАВОБЛАР ВА ШАРХЛАР

Асосий атамалар ва тушунчалар

1. а; 2. е; 3. м; 4. с; 5. б; 6. и; 7. п.; 8. з; 9. р; 10. в; 11. ж; 12. о; 13. н; 14. г; 15. к; 16. л; 17. д; 18. ф; 19. т; 20. у; 21. х.

Машқлар

1. а) $170 + 448 = 618$ млрд. долл.
 - б) $618 + 300 + 1630 = 2548$ млрд. долл.
 - в) $2548 + 645 = 3193$ млрд. долл.
2. а) $2000 : 4 = 500$ млрд. долл.
 - б) 8.7-жадвалга қаранг.
 - в) 10 %.
 - г) 8 %; 14 %.
 - д) 20 млрд. долларга кўпаяди; 30 млрд. долларга камаяди; 3 %.
3. а) а.
 - б) в.
 - в) г (нарх пасайганда ЯММнинг номинал ҳажми камаяди).
 - г) б.

8.7-жадвал.

Фонд ставкасы (%)	Пулға талаб үрежмени (мәнде, тол.)	
	Активтар томонинан	Үмумий
16	20	520
14	40	540
12	60	560
10	80	580
8	100	600
6	120	620
4	140	640

Тестлар


1. д; 2. а; 3. а; 4. д; 5. г; 6. г; 7. б; 8. д; 9. в; 10. в; 11. б; 12. б; 13. в; 14. а; 15. а; 16. б; 17. в; 18. б; 19. в; 20. в.

Тұғри/Нотұғри

1. Т; 2. Н; 3. Т; 4. Т; 5. Н; 6. Т; 7. Н; 8. Н; 9. Н; 10. Т; 11. Т; 12. Н; 13. Н; 14. Т; 15. Т; 16. Т; 17. Т; 18. Н; 19. Т.

Муаммолар

1. Жами талаб егри чизиги ўнгта сурилади; жами талаб егри чизиги чапга сурилади.
2. а) 8.3-расмға қаранг.



- 6) 33,3 %; 50 %.
3. а) Пулға талаб егри чизиги.
б) 10%.
в) Йүқ. Пулға талаб егри чизиги юқорига ва ўнгта сурилади.
4. 8.8-жадвалға қаранг.

8.8-жадвал

Йил	Нарх даражаси (1989=100)	Пул тақлифи (1989=100)
1989	100	100
1990	100	101
1991	100	102
1992	100	103

5. 8.9-жадвалга қаранг.

8.9-жадвал

Йил	Пул айланниң тезлиги M_1 ва M_2 асосида ҳисобланганда	
	M_1	M_2
1967	4,36	2,33
1969	4,61	2,43
1971	4,71	2,34
1973	5,02	2,38
1975	5,41	2,40
1977	5,88	2,46

Пулларнинг айланниш тезлиги, M_2 асосида ҳисобланганда барқарорроқ бўлади.

6. 8.10-жадвалга қаранг.

8.10-жадвал

Фонд ставкаси (%)	Облигация нархи (до.лар)	Фонд ставкаси (%)	Облигация нархи (до.лар)
1	10000	5	2000
2	5000	10	1000
4	2500	12,5	800

9 мавзу

ПУЛ ТАКЛИФИДА БАНКЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Тижорат банклари кредит тизимининг асосини ташкил этади. Улар пулларни жамга рувчилар ва пулларни инвестиция қылтувчилар ўртасида воситачи сифатида иштирок этадилар. Банклар томонидан жалб этиладиган омонатлар бу қарз мажбуриятлари бўлиб, банкларнинг хусусий низомий капитали билан бирга пассивларга киритилади. Банк ўзида тўпландган маблағларни турли активлар (қарзлар, қимматли қофозлар, нақд пуллар ва резервлар)га жойлаштиради. Банк активлари ва пассивларининг таркиби ва тузилиши маълум санага тузиладиган баланс ҳисоботларида акс эттирилади. Унда активлар мажбуриятлар ва хусусий капитал йигиндисига тенг бўлади.

Замонавий банк иши қисман резервлар тизимиға асосланган. Марказий банк тижорат банклари учун мажбурий резервлар меъенини, яъни нақд пуллар ва марказий банк ҳисобидаги маблағлар кўринишида тижорат банки резервларини ўзида акс эттирувчи активлар улушини белгилайди. Ҳақиқий резервлар мажбурий ва ортиқча резервлар йигиндисига тенг. Марказий банк резервлар тизимини қўллаб, банк депозитлар ҳажмини, муомаладаги пул миқдори ўзгаришини ва кредитлаш шартларини назорат қилиши мумкин. Тижорат банки қарзлар бериб, пулларни яратади, бироқ унинг пулларни яратиш имкониятлари чегараланган. Муомалага қўшимча пулларни чиқариш янгидан яратилган чек ҳисоблари суммалари бўйича мажбурий резервлар миқдори банкнинг ортиқча резервлари миқдорига тент келгунга қадар мумкиндир. Банк томонидан яратилган пуллар бошқа банкларнинг депозитларига айланади ва, ўз навбатида, улар ҳам пулларни яратади. Мажбурий резервлар меъёри қанчалик кам бўлса, барча тижорат банклари бераётган қарзларнинг жами ҳажми ва уларнинг инвестициялари шунчалик кўпдир. Шу асосда ортиқча резервлар кетма-кет ўтказиладиган операциялар занжирини вужудга келтиради, унинг натижасида мультиликатор самараси юзага келади, яъни кредитлаш ҳажмини кўп марта кенгайтириш юз беради.

Шунинг учун мамалакатда пул массасини кўпайтириш фақат ортиқча резервлар ҳажмигагина эмас, балки пул мультиликатори миқдорига ҳам боғлиқдир. Пул мультиликатори эса мажбурий резервлар меъёрига тескаридир.

Ўқув мақсадлари

1. Тижорат банки баланс ҳисоботининг асосий қисмларини ва турли банк операциялари натижасида уларнинг ўзгариш хусусиятларини ўрганиш.
2. Банк резервдари бажарадиган вазифаларни аниқлаш.
3. Пул мультиликатори тушунчасини очиб бериш.
4. Банк қарзларини беришда (қайтаришда) пул массасининг кўпайиш (камайиш) механизмини ўрганиш.

АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

- а) ғазнадаги нақд пуллар;
- б) мажбурий резервлар;
- в) банкнинг хусусий капитали;
- г) чиқим;
- д) тижорат банкининг баланс ҳисоботи;
- е) ҳақиқий резервлар;
- ж) пул мультипликатори;
- з) ортиқча резервлар.

1. Активлар пассивлар (мажбуриятлар) дан ортиқ бўлган миқдор.
2. Банк ўз пўлат сандиги ва ғазнасида сақлайдиган пуллар.
3. Ҳисоботнинг чап томонида банк активлари, ўнг томонида банк пассивлари (мажбуриятлари) ва банкнинг хусусий капитали ўртасидаги тенглик(баланс)ни кўрсатувчи банкнинг маълум санадаги ишларининг аҳволи ҳақидаги бухгалерия ахборотларининг маълум жойлашуви.
4. Депозит муассалалари марказий банкда сақлаши ёки нақд ҳолда эга бўлиши лозим омонатнинг энг кам миқдори.
5. Тижорат банклари тизимишинг кредит имкониятларини қисқартирувчи маблағларни чиқариш.
6. Банкнинг ҳақиқий резервлари унинг мажбурий резервларидан ортиқ бўлган пул миқдори.
7. Тижорат банклари тизими муюмладаги пул массасини ва муддатсиз омонатлар миқдорини янги қарзларни бериш ёки қимматли қоғозларни сотиб олиш йўли билан кўпайтириш учун фойдаланиши мумкин бўлган ортиқча резервларнинг қисми; бир тақсим мажбурий резерв меъёрига тенг.
8. Банкнинг марказий банкдаги депозитлари миқдори, шунингдек унинг ғазнадаги нақд пуллари.

МАШҚЛАР

1. 9.1-жадвалда тижорат банкининг соддалаштирилган баланс ҳисоботи келтирилган (долларда).

9.1-жадвал

	A	B	C	D	E
Активлар:					
Нақд пуллар	100				
Резервлар	200				
Қарзлар (ссудалар)	500				
Қимматли қоғозлар	200				
Мажбуриятлар ва хусусий капитал: талаб қилиб олинадиган омонатлар	900				
Акциялар	100				

Қуйида келтирилган операцияларнинг ҳар бири банк томонидан амалга оширилгандан кейин А, Б, В, Г баланс ҳисботларини тузинг. Бунда дастлабки баланс ҳисбботи ҳар бир операция учун асос бўлишини назарда тутиңг:

- а) Банк омонатчиларидан бири 50 долларга чек олды ва уни бошқа кишига берди. У эса бу пулни бошқа банкка қўйди.
- б) Омонатчи ўз ҳисобидан 50 доллар нақд пулни олди. Банк ўз нақд пулини марказий банкдан 50 доллар миқдорида олиш ҳисобига тиклади.
- в) Бошқа банк томонидан берилган 60 долларлик чек ушбу банкка жойлаштирилди.
- г) Банк 100 доллар миқдоридаги давлат облигацияларини марказий банкка сотади.

2. Тижорат банкининг баланс ҳисботи қўйидаги кўринишга эга (млн. долларда):

Активлар	Мажбуриятлар ва хусусий капитал	
Резервлар	30	Талаб қилинадиган омонатлар
Қарзлар ва қимматли қоғозлар	70	Акциялар

а) Фараз қиласайлик, мажбурий резервлар меъери 15%ни ташкил этади. Агар банк қарзларни максимал миқдорда берса (ва агар қарзлар бўйича олинган барча пуллар бошқа банклардаги ҳисобларга ўтказилса), банк баланс ҳисботи қандай кўринишда бўлишини кўрсатинг.

б) Фараз қиласайлик, мажбурий резервлар меъери 20%ни ташкил этади. Юқоридаги “а”- бандда кўрсатилган шартлар сақланганда, банкинг баланс ҳисботи қандай кўринишда бўлишини кўрсатинг.

3. 9.2-жадвални тўлдиринг.

9.2-жадвал

Резервлар меъери (%)	Нули мультиплексатори	Органича резервларниң ҳар долларига қарзларни кўйинининнини кўн ҳажми (доллар)	
		Алоҳида банк тозонидан	Банк тизими тозонидан
12 $\frac{1}{2}$			
12 $\frac{2}{3}$			
20			
25			
30			
33 $\frac{1}{3}$			

ТЕСТЛАР

1. Мажбурий резервлар меъри:

- а) аввало пул массасини чегаралаш воситаси сифатида киритилади;
- б) омонатларни чиқаришдан сақлаш воситаси сифатида киритилади;
- в) аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун зарур пул массасининг ўртача миқдорини ташкил этади;
- г) ҳозир қўлланмайди;
- д) ҳеч бир жавоб тўғри эмас.

2. Тижорат банк тизими (барча тижорат банкларининг мажмуи) жорий ҳисбларни яратиб, пулларни қарзга беради. Натижада пул массаси:

- а) нақд пуллар ва банк депозитларининг умумий миқдорига камайди;
- б) кўпаймайди ҳам, камаймайди ҳам;
- в) депозитларнинг умумий суммасига нисбатан камроқ миқдорга ошади;

- т) депозитларнинг умумий суммасига тенг миқдорга ошади;
д) депозитлар суммасига нисбатан кўпроқ миқдорга ошади.
3. Умумий пул массаси ҳар сафар ўсади, қачонки тижорат банклари:
а) ўзининг марказий банкдаги омонатларини кўпайтиrsa;
б) аҳолига берадиган қарзлари ҳажмини кўпайтиrsa;
в) омонатлар бўйича аҳолидан нақд ва нақд бўлмаган пулларни олиш йўли билан жорий ҳисоблар бўйича ўз мажбуриятларини кўпайтиrsa;
г) марказий банкдаги ўз омонатларининг бир қисмини чиқарса;
д) омонатлар бўйича нақд еки нақд бўлмаган пулларни тўлаб, жорий ҳисоблар бўйича ўз мажбуриятларини камайтиrsa.
4. Кўплаб банкларнинг бири бўлган X банкда 10000 доллар миқдоридаги депозит мавжуд. Мажбурий резервлар меъёри 25% белгиланган. Бу депозит бериладиган қарзлар суммасини камида қўйидаги миқдорда кўпайтишига қодир:
а) аниқ бўлмаган миқдорда;
б) 7500 доллар;
в) 10000 доллар;
г) 30000 доллар;
д) 30000 доллардан кўпроқ.
5. Бериладиган қарзлар ҳажмининг кўпайиши, нақд пуллар миқдорининг ўсишига олиб келмаслик шарти билан, аввалги тестда кўрсатилган депозит кредит миқдорининг камида қўйидагига кўпайишига олиб келишга қодир:
а) 0;
б) 7500 доллар;
в) 10000 доллар;
г) 30000 доллар;
д) 30000 доллардан кўпроқ.
6. Нақд пуллар миқдорининг унча кўп ошмаслик шарти билан (4 ва 5 тестларнинг барча бошқа шартлари ўзгаришсиз қолади), банк тизими қарзлар ҳажмини кўпайтиши мумкин бўлган энг кўп миқдор қўйидагини ташкил этиши ҳақиқатта яқинроқ:
а) 0;
б) 5000 доллардан камроқ;
в) 20000 ва 30000 доллар ўртасида;
г) 30000 ва 40000 доллар ўртасида;
д) 40000 доллардан кўпроқ.
7. Агар X банк якка ҳоким ҳисобланса, унда 4-тестдаги бошқа шартлар сақланган ҳолда (пул ўсиши йўқлигини ҳам киритиб), кўрсатилган депозит бериладиган қарзлар ҳажмининг қўйидаги миқдордаги максимал кўпайишига олиб келади:
а) 0;
б) 7500 долларга;
в) 10000 долларга;
г) 30000 долларга;
д) 30000 доллардан кўпроқقا.
8. Агар мажбурий резервлар меъёри 25%ни эмас, 20%ни ташкил этса ва 4- тестдаги барча бошқа шартлар сақланса, унда кўрсатилган депозит X банк томонидан бериладиган қарзлар ҳажмини қўйидагича кўпайтишига имкон беради:

а) 0; б) 2000 доллар; в) 8000 доллар; г) 10000 доллар; д) 40000 доллар.

9. Агар 4-тестда күрсатылған депозитта **Y** банкка 10000 долларга чек өзилған бўлса, унда бу депозит у (барча бошқа депозитлардан ажратылған ҳолда олиб қаралади) **X** банкка берилсаётган қарзлар ҳажмини қуйидаги миқдорга кўпайтиришга имкон беради:

- а) 0;
- б) 7500 доллар;
- в) 10000 доллар;
- г) 30000 доллар;
- д) 30000 доллардан кўпроқ.

10. 9-тестда күрсатылған депозит барча банк тизимиға бериладиган қарзлар ҳажмини қуйидаги миқдорга кўпайтиришга имкон беради:

- а) 0;
- б) 7500 доллар;
- в) 10000 доллар;
- г) 30000 доллар;
- д) 30000 доллардан кўпроқ.

11. Агар мажбурий резервлар меъёри муддатсиз омонатлар миқдорининг камидা 30%ни ташкил этса ва агар банк тизими 15 млн. доллар миқдорида ортиқча резервларга эга бўлса, унда банк тизими (пулнинг банкдан ташқари айланышининг кўпайишига эътибор бермай туриб) муддатсиз омонатлар миқдорини кўпи билан қуйидаги даражада кўпайтириши мумкин:

- а) 0;
- б) 10,5 млн. долларга;
- в) 15 млн. долларга;
- д) 50 млн. долларга.
- г) 35 млн. долларга;

12. Тижорат банкининг ортиқча резервлари таркиби қуйидагича:

- а) пул бўлмаган, аммо зарур бўлганда пулларга тез айланishi мумкин бўлган активлар;
- б) банкда сақланаётган ва банк депозитлари ҳажмининг 100%дан ортиқ бўлган пул ва "деярли пул" активлари;
- в) жорий эҳтиёжлар туфайли эмас, балки қонун талабларига асосланниб банкда сақланиши лозим бўлган пуллар;
- г) ҳақиқий резервлар ва мажбурий резервлар миқдорлари ўртасидаги фарқдан иборат;
- д) активлар ҳажми ва жорий ҳисоблардаги омонатлар миқдори ўртасидаги фарқдан иборат.

13 Мажбурий резервлар меъёри 20%дан 30% гача кўпайганда, шу нарса аён бўлдики, тижорат банклари тизими 60 млн. доллар миқдоридаги резервлар етишмаслигини сезди. Агар резервлар миқдорини кўпайтириш имкони бўлмаса, унда пул массасини қуйидагича қисқартириш зарур:

- а) 60 млн. доллар; г) 300 млн. доллар;
- б) 180 млн. доллар; д) 350 млн. доллар.
- в) 200 млн. доллар;

14. Банк қарз олувчига қарз беради. Қарз олувчи қарзниң бир қисмини нақд пул кўришида, бошқа қисмини эса чекдаги депозитлар кўринишида олади. Бунинг натижасида банк тизими пул таклифини кўпайтириши мумкин бўлган энг кўп миқдор:

- а) қисқаради, чунки бошқа банкларга берилаётган резервлар миқдори қарзниң бир қисми нақд пул кўринишида олинганилиги сабабли ўсади;
- б) қисқаради, чунки бошқа банкларга берилаётган резервлар миқдори қарзниң бир қисми нақд пул кўринишида олинганилиги сабабли камаяди;
- в) ўсади, чунки бошқа банкларга берилаётган резервлар миқдори кўпаяди ва қарзларниң умумий миқдори ўсади;
- г) қарз қандай кўринишида берилишидан қатъи назар, ўзгармай қолади;
- д) ўсади, чунки бошқа банкларга берилаётган резервлар миқдори камаяди ва қарзларниң умумий миқдори қисқаради.

15. Муддатсиз омонатлар йигиндисининг имкондаги даражада максимал кўпайиши қўйидагига тенг:

- а) ҳақиқий резервлар билан ортиқча резервларниң айирмасига;
- б) активлар билан мажбуриятлар ва хусусий капитал айирмасига;
- в) пул мультипликатори миқдорига кўпайтирилган ортиқча резервларга;
- г) пул мультипликатори миқдорига бўлинган ортиқча резервларга;
- д) мажбурий резервларга.

16. Қуйидаги фикрлардан қайсиини хотүгри ҳисобланади?

- а) тижорат банкининг ҳақиқий резервлари ортиқча резервлар билан мажбурий резервларниң йигиндисига тенг;
- б) банк активлари билан хусусий капитал йигиндиси мажбуриятларга тенг;
- в) алоҳида тижорат банки ўзининг ортиқча резервлари миқдорига тенг ҳажомдаги қарзларни бериши мумкин;
- г) қарздорлар банкка қарзларни қайтараётган вақтда, пул таклифи қисқаради;
- д) хусусий капитал активлар ва мажбуриятлар миқдорларининг айирмасига тенг.

17. Қуйидаги тенгликлардан қайсибири баланс ҳисоботларининг пойдеворини ташкил этади?

- а) хусусий капитал ва активлар йигиндиси мажбуриятларга тенг;
- б) активлар ва мажбуриятлар йигиндиси хусусий капиталга тенг;
- в) мажбуриятлар ва хусусий капитал йигиндиси активларга тенг;
- г) активлар ва резервлар йигиндиси хусусий капиталга тенг;
- д) қарзлар ва муддатсиз омонатлар йигиндиси активларга тенг.

18. Қуйидаги жавоблардан қайсил бири банк активини ўзида акс эттиради?

- а) талаб қилиб олинадиган омонатлар, акциялар ва резервлар;
- б) нақд пуллар, мулк ва резервлар;
- в) нақд пуллар, мулк ва акциялар;
- г) нақд пуллар, акциялар ва талаб қилиб олинадиган омонатлар;
- д) резервлар, қарзлар ва акциялар.

19. Банк тизими томонидан яратиладиган ва талаб қилиб олинадиган янги омонатларниң энг кўп ҳажмини "Д" билан, ортиқча резервлар миқдорини "Е" билан, пул мультипликаторини "m" билан белгиласак, ушбу ифодалардан қайсиини тўғри?

- A) $m = E : D$; r) $D = m : E$;
 б) $D = E \times m$; а) $D = E - m$.
 В) $D = E - 1$;

20. Агар мажбурий резервлар мөшері 100%ни ташкил этса, унда пул мультиликатори миқдори қуидагига тенг:

- а) 0; б) 1; в) 10; г) 100; д) -1.

ТҮГРИНГОТҮГРИ

- Резервлар мөшері 25%, банк депозитлари 1000 доллар бўлганда, банк фақат 250 долларлик янги пулларни яратиши мумкин.
- Аҳолининг нақд пулларга бўлган эҳтиёжи банк депозитларига бўлган эҳтиёжига нисбатан қанчалик кам бўлса, банклар томонидан пулларни яратиш имконияти шунчалик камдир.
- Мажбурий резервлар мөшерининг асосий вазифаси банк ликвидлигини таъминлашдан иборат.
- Пул мультиликаторининг таъсири икки шартга асосланган: барча пуллар банк ҳисоб ва рақсларида қолади ва банклар ортиқча резервларга эга бўлмайди.
- Мажбурий резервлар мөшеридан ортиқ бўлган ҳамда резервларнинг қисқаришини сугурталаш воситаси сифатида кўлланадиган банк депозитлари миқдори пул мультиликатори миқдорига таъсир этмайди.
- Тижорат банклари қарзларни қоплашда пулларни яратади.
- Талаб қилиб олинадиган омонатлар кўпайишининг мумкин бўлган максимал ҳажми ҳақиқий резервлар миқдори кўпайишининг пул мультиликаторига кўпайтмасига тенг.
- Тижорат банкининг баланс ҳисботида банк маълум давр давомида ўтказган операциялар акс эттирилган.
- Тижорат банкининг ҳақиқий резервлари мажбурий ва ортиқча резервлар йигиндисига тенг.
- Тижорат банкининг марказий банкдаги резервлари бу марказий банкнинг активларидир.
- Қарз олувчи 500 доллар миқдоридаги қарзни чек ёки нақд пуллар кўринишида қоплаётганда, пул таклифи 500 долларга қисқаради.
- Агар банк тизимишининг ортиқча резервлари 10 млн. долларни ташкил этса, резервлар мөшері эса 25%га тенг бўлса, қарзлар миқдори 40 млн. долларга кўпайтирилиши мумкин.
- Алоҳида тижорат банки қарзларни фақат ортиқча резервларга тенг миқдоргача кўпайтириши мумкин, дейлик. У ҳолда банк тизими қарзларни ортиқча резервларни мажбурий резервлар мөшерининг тескари қийматига кўпайтмасига тенг миқдоргача кўлайтириши мумкин.
- Тижорат банки томонидан давлат облигацияларининг сотилиши пул таклифини кўпайтиради.
- Агар мажбурий резервлар мөшері 100%ни ташкил этса, унда пул мультиликатори 0 га тенг.
- Агар мажбурий резервлар мөшері 100 фоизни ташкил этса, унда пул мультиликатори 1 га тенг. Бу банк тизими пулларни яратади олмаслигини англаатади.
- Пўлат сандиқларда сақланаётган банкнинг нақд пуллари банк резервларининг бир қисмини ташкил этади.
- Ҳар қандай вақт оралығыда банкнинг пул тушуми пул чиқимидан ортиқ бўлиши керак.

19. Пул мультиликатори янги депозитлар миқдорининг резервлар кўпайиши миқдорига нисбатини билдиради.
20. Агар мижоз 1000 долларли банк қарзини қайтараётган бўлса, унда қарз чек билан ёки нақд пулда қопланишидан қатъи назар, пул тақлифи 1000 долларга қисқаради.

МУАММОЛАР

1. Тижорат банклари мажбурий резервларининг меъёри талаб қилиб олинадиган омонатлар миқдорига нисбатан 20%ни ташкил қилади. Фараз қилайлик, омонатчилар 1-сон тижорат банкидаги ўзларининг талаб қилиб олинадиган омонатларини 100000 долларга оширидилар:

- а) Бу банк резервлари миқдорига қандай таъсир этади? Банк берилаётган қарзлар ҳажмини қандай миқдорга кўпайтириши мумкин?
- б) Фараз қилайлик, 1-сонли банк мумкин бўлган максимал миқдорда қарз берди. Қарз X шахсга берилди. У олинган пулларни A фирмадан ўзи учун зарур товарларни сотиб олишга ишлатади. Бу фирма ушбу суммани 2-сонли банкдаги ҳисобга ўтказди. 1-сонли банкни баланс ҳисбототи қандай ўзгарганинги кўрсатинг.
- в) 2-сонли банк баланс ҳисбототи қандай ўзгарганинги кўрсатинг.
- г) 2-сонли банк бериладиган қарзлар ҳажмини кўпайтириши мумкинми? Қандай миқдорга?
- д) Фараз қилайлик, 2-сонли банк мумкин бўлган максимал миқдордаги қарзни ("г" бандга мувофиқ) Y субъектта берди. Y эса Z шахсдан ер майдони сотиб олди. Z шахс олинган пул миқдорини 3-сонли банк ҳисобига қўйди. Бу банк операцияси (A фирма депозитини ҳисобга олганда) 2-сонли банк баланс ҳисботига қандай таъсир эттанини кўрсатинг.
- е) 3-сонли банк баланс ҳисбототи қандай ўзаришини кўрсатинг.
- ж) 3-сонли банк бериладиган қарзлар ҳажмини кўпайтириши мумкинми? Қандай миқдорга?
- з) Банк тизими қанча пул миқдорини яратди?

2. 9.3-жадвалда тижорат банки учун баланс ҳисботининг 5 варианти келтирилган (долларда). Мажбурий резервлар меъёри 20%ни ташкил этади:

	9.3-жадвал				
	1	2	3	4	5
Активлар:					
Нақд пуллар	10	20	20	20	15
Резервлар	40	40	25	40	45
Қарзлар	100	100	100	100	150
Қимматли қоғозлар	50	60	30	70	60
Мажбуриятлар ва хусусий капитал:					
Талаб қилиб олинадиган омонатлар	175	200	150	180	220
Акциялар	25	20	25	50	50
Мажбурий резервлар					
Ортиқча резервлар					
Банк томонидан берилиши мумкин бўлган янги қарзлар ҳажми					

- а) Мажбурий резервлар миқдорини, ортиқча резервлар миқдорини (нақд пуллар миқдорини эътиборга олмасдан), шунингдек банк томонидан берилиши мумкин бўлган янги

қарзлар ҳажмини аниқланг. Агар банк резервалар етишмөчилигини болжидан кечира-
еттеган бўлса ва ўз кредитлаш ҳажмини қисқартириши ёки резервлари миқдорини ошири-
ши лозим бўлса, унда мос миқдор олдига "манфий" белгисини қўйинг. Олинган натижаларни жадвалга киритинг.

б) Банк янги қарзлар бергандан кейинги баланс ҳисоботининг 5 вариантини тузинг.
Маълумотларни 9.4-жадвалга киритиб ёзинг.

9.4-жадвал

	1	2	3	4	5
--	---	---	---	---	---

Активлар:

Нақд пуллар

Резервалар

Қарзлар

Қимматли қоғозлар

Мажбуриятлар ва хусусий капитал:

Талаб қилиб олинадиган омонатлар

Акциялар

3. 9.5-жадвалда мамлакатдаги барча тижорат банкларининг соддалаштирилган йиғма баланс ҳисоботи келтирилган (долларда). Мажбурий резервлар меъёри 20 %ни ташкил этади.

9.5-жадвал

	1	2	3	4	5
--	---	---	---	---	---

Активлар:

Нақд пуллар 50

Резервалар 100

Қарзлар 200

Қимматли қоғозлар 200

Мажбуриятлар ва хусусий

капитал:

Талаб қилиб олинадиган омонатлар 5500

Акциялар 50

Марказий банкдан қарзлар 0

Мажбурий резервлар

Пул таклифининг мумкин бўлган

максимал оширилиши

Куйида келтирилган операцияларниң ҳар бири банклар томонидан ўтказилган-
дан кейинги баланс ҳисоботларини тузинг. Бунда 9.5-жадвалда келтирилган баланс ҳисоботи ҳар бир операция учун асос қилиб олинишини эътиборга олинг.

а) Мижоз 5 доллар миқдоридаги нақд пулни омонатга қўяди, банклар уни резервга ўтказади. 1-устунни тўлдиринг. Агар банк тизими бериладиган қарзлар ҳажмини мумкин бўлган максимал миқдоргача кўпайтирса, янги баланс ҳисоботини 2-устунда кўрсатинг.

б) Банк тизими марказий банкка қиймати 8 долларли қимматли қоғозларни сотади. 3-устунни тўлдиринг. Фараз қиласайлик, банклар бериладиган қарзлар ҳажмини мумкин бўлган максимал миқдоргача кентайтиради. 4-устунни тўлдиринг.

в) Марказий банк тижорат банкларига 10 доллар миқдорида қарз беради. 5-устунни тўлдиринг. Банклар янги қарзларни мумкин бўлган максимал миқдорда бераетган шароитда 6-устунни тўлдиринг.

ЖАВОБЛАР ВА ШАРХЛАР

Асосий атамалар ва тушунчалар

1. в; 2. а; 3. д; 4. б; 5. г; 6. з; 7. ж; 8.е.

Машқлар

1. "а", "б", "в", "г" – 9.6-жадвалга қаранг.

	9.6-жадвал			
	А	Б	В	Г
Активлар:				
Нақд пуллар	100	100	100	100
Резервлар	150	150	250	300
Қарзлар	500	500	500	500
Қимматли қоғозлар	200	200	200	100
Мажбуриятлар ва хусусий капитал:				
Талаб қилиб олинадиган омонатлар	850	850	960	900
Акциялар	100	100	100	100

a)	Активлар (млн. долл.)	Мажбуриятлар ва хусусий капитал (млн. долл.)	
	Резервлар	12	Талаб қилиб олинадиган омонатлар
	Қарзлар ва қимматли қоғозлар	88	Акциялар

b)	Активлар (млн. долл.)	Мажбуриятлар ва хусусий капитал (млн. долл.)	
	Резервлар	16	Талаб қилиб олинадиган омонатлар
	Қарзлар ва қимматли қоғозлар	84	Акциялар

3. 9.7-жадвалга қаранг.

Резерв нормаси (%)	Пул муътебаликатори	Ортижура резервтаринин ҳарбир доштирия қарзлар кўн滋味ининин максимал ҳажми (т.л.)	9.7-жадвал	
			Алоҳидаги банк томуонидан	Банк гизмати томуонидан
12 $\frac{1}{3}$	8	1	8	
16 $\frac{2}{3}$	6	1	6	
20	5	1	5	
25	4	1	4	
30	3 $\frac{1}{3}$	1	3 $\frac{1}{3}$	
33 $\frac{1}{3}$	3	1	3	

Тестлар

1. а; 2. д; 3. б; 4. б; 5. г; 6. в; 7. г; 8. в; 9. б; 10. а; 11. д; 12. г; 13. в; 14. б; 15. в; 16. б; 17. в; 18. б; 19. б; 20. б.

Тұғыр/Нотұғыр

1. Н; 2. Н; 3. Т; 4. Т; 5. Н; 6. Н; 7. Н; 8. Н; 9. Т; 10. Н; 11. Т; 12. Т; 13. Т; 14. Н; 15. Н; 16. Т; 17. Т; 18. Н; 19. Т; 20. Т.

Муаммолар

1. а) Банк резервлари міндеттери 100 000 долларға күпаяди. Банк таклиф қилаёттеган қарзлар ұажмины 80 000 долларға күпайтириши мүмкін.

б) Резервлар 20 000 долларға ошади. Қарзлар ва қимматли қоғозлар ұажми 80 000 долларға үсади. Талаб қилиб олинадиган омонатлар міндеттери 100000 долларға үсади.

в) Резервлар 80 000 долларға күпаяди. Талаб қилиб олинадиган омонатлар 80000 долларға үсади.

г) Ҳа, 64000 долларға.

д) Резервлар 16 000 долларға күпаяди. Талаб қилиб олинадиган омонатлар ұажми 80 000 долларға үсади. Қарз ва қимматли қоғозлар ұажми 64000 долларға үсади.

е) Резервлар 64 000 долларға күпаяди. Талаб қилиб олинадиган омонатлар 64 000 долларға үсади.

ж) Ҳа, 51200 долларға.

з) 500 000 долларға.

2. а) 9.8-жадвалға қаранг.

	1	2	3	4	5
Мажбурий резервлар	35	40	30	36	44
Ортиқча резервлар	5	0	-5	4	1
Банк томонидан тақдим этилиши мүмкін бўлган янги қарзлар ұажми	5	0	*)	4	1

*) Агар банкка 5 доллар міндеттерида резервлар етишмаса, у ё қимматли қоғозларни марказий банкка сотиш йўли билан ушбу міндеттаги қўшимчча резервларни сотиб олиши лозим ёки 25 доллар міндеттерида заём олиши керак.

б) 9.9-жадвалға қаранг.

	1	2	3	4	5
Активлар:					
Нақд пуллар	10	20	20	20	15
Резервлар	40	40	25	40	45
Қарзлар	105	100	*)	104	151
Қимматли қоғозлар	50	60	30	70	60
Мажбуриятлар ва хусусий капитал:					
Талаб қилиб олинадиган омонатлар	180	200	*)	184	221
Акциялар	25	20	25	50	50

*) а) банд жавобидаги изоҳга қаранг.
в) 9.10-жадвалга қаранг.

9.10-жадвал

	1	2	3	4	5	6
Активлар:						
Нақд пуллар	50	50	50	50	50	50
Резервлар	105	105	108	108	105	110
Қарзлар	200	220	200	240	200	250
Қимматли қоғозлар	200	200	192	192	200	200
Мажбуриятлар ва хусусий капитал:						
Талаб қилиб олинадиган омонатлар	505	525	500	540	500	550
Акциялар	50	50	50	50	50	50
Марказий банк заёмлари	0	0	0	0	10	10
Мажбурий резервлар	4	0	8	0	10	0
Пул таклифининг мумкин бўлган максимал кўпайиши	20	20	40	0	50	0

10 мавзу

ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ

Кредит-пул сиёсатидан фойдаланиб, давлат тұла бандлык шароитида амал қылувчи инфляциясиз иқтисодиётни яратышга интилади. Бу масалани ҳал қилиш учун, у пул таклифи устидан назорат үрнатыши керак. Пул таклифини тартибға солиш учун марказий банк турли воситаларни құллайды. Буларға, биринчі навбатда, очиқ бозорда операциялар үтказиш, шунингдек резерв мөндері ва ұсаб ставкасини үзгартыриш кабилалар киради.

Очиқ бозордаги (хазина мажбуриятларининг иккиламчи бозорида) операциялар пул таклифини назорат қылышнинг ўта нозик ва таъсирчан воситасидир. Давлат облигацияларининг олди-сотдиси ұажмини белгилаш ва кредит учун фоиз ставкаларини ҳамда қарзларға талаб ұажмини үзгартыриш ійүли билан, марказий банк тијорат банкларининг кредит резервлари миқдорига таъсир күрсатади. Ахолига қимматбақо қоғозларнинг оммавий сотилиши тијорат банкларининг кредит резервларини қысқартыриб, кредитнинг келгусида кенгайтириш имкониятларини пасайтиради ва уннан нархини (фоиз ставкасини) оширади. Ахолидан хазина мажбуриятларини сотиб олиш, аксинча, тијорат банкларининг кредит резервлари даражасини күтәради, уларнинг кредитли пул "қилиш" имкониятини оширади ва фоиз ставкаси даражасини пасайтиради.

Хисоб ставкаси сиёсати илгари пул таклифини марказдан тартибға солишининг асосий усули ұсабланған, ҳозирда эса күпчилік ривожланған мамлакатларда пул таклифини иқтисодиёт зәтиёжларига "түғрилаб қўйиш"нинг ёрдамчи воситаси сифатида құлланилади. Хисоб ставкасини үзгартыриш орқали марказий банк тијорат банкларининг хазина мажбуриятларининг иккиламчи бозордаги фаоллигини тартибға солади. Ставканың қимматбақо қоғозлар даромадлилiği ва федерал жамғармалар бозоридағи фоиз даражасига нисбатан ўсиши уларни тијорат банклари томонидан сотиб олиниш имкониятларини чеклайды, пасайиши эса, аксинча, пул таклифи учун хос бўлган барча оқибатлар билан биргаликда тескари натижага олиб келади.

Мөндерий резервнинг үзгариши ортиқча резервлар миқдори ва пул мультиликаторининг ұажмуга таъсир этгани учун, пул таклифини оширади.

Пул таклифи миқдорини тартибға солиши орқали марказий банк иқтисодиётнинг ривожланишига фаол таъсир күрсатиши мумкин. Макроиқтисодий мувозанатнинг кейисча моделида ЯММ үзгаришига пул таклифининг таъсири пиравард натижада реал миқдори пул-кредит сиёсати туфайли шаклланадиган фоиз ставкаси орқали амалга оширилади. Биринчі навбатда инвестиция харажатларига таъсир қилиб, фоиз ставкаси жами талаб миқдорини ва демак ЯММнинг мувозанатли ұажмини ҳам үзгартыради. Кейин талқинидаги кредит сиёсати таназзул даврида "арzon" пулларга, иқтисодий вазиатнинг жонланиши даврида эса "қиммат" пулларга йўналтирилиши лозим.

"Жами талаб - жами таклиф" модели ёрдамыда пул-кредит сиёсати натижасида ЯММ қандай үзгаришини аниқлаш мумкин. AS эгри чизигининг Кейин ётиқ (горизон-

тал) кесимида арzon пул сиёсати ЯММнинг реал ўсишига, оралиқ кесимида реал ва номинал ўсишига, классик (тик) кесимида эса фақат номинал ўсишига олиб келади.

Кредит-пул сиёсатининг самарадорлиги масалалси мунозаралидир. Кейинс мактаби унинг бюджет-солиқ сиёсатига нисбатан маълум афзаликларини инкор этмаса-да (чунки пул-кредит сиёсати мослашувчанроқ ҳамда сиёсий тазъиидан ҳолидир), бир пайтнинг ўзида унинг пировард натижаси мавҳум эканини ва бу натижа пул-кредит сиёсатининг жами талаб билан мураккаб боғлиқликда бўлгани туфайли кучсизланишини таъкидлайди. Шунинг учун кейинчилар макроиқтисодий мақсадларга эришиш учун, биринчи навбатда пул-кредит сиёсатини эмас, бюджет-солиқ сиёсатини қўллашни афзал кўрадилар.

Монетаристлар пул таклифининг жами талабга таъсири узоқ ва мавҳум вақт мобайнида намоён бўлишига эътиборни қаратадилар. Бундан ташқари фоиз ставкасини барқарорлаштириш пировард натижада иқтисодиётнинг барқарорлигига путур етказади. Шунинг учун улар пул-кредит сиёсатига (бюджет-солиқ сиёсати каби) ғоят эҳтиёткорлик билан ёндашишни таклиф этадилар.

Ўқув мақсадлари

1. Кредит-пул сиёсатининг мақсади ва мазмунини тушунтириш.
2. Кредит-пул сиёсатининг асосий воситалари ва улардан фойдаланиш механизмини ўрганиш.
3. "Арzon" пуллар ва "қиммат" пуллар сиёсати нимадан иборат эканлигини аниқлаш.
4. Кредит-пул сиёсати иқтисодий даврнинг турли босқичларida ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми ва нарх ўзгаришига қандай таъсири этишини кўрсатиш.

АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

- а) ҳисоб ставкаси;
- б) кредит-пул сиёсати;
- в) пулларнинг айланиш тезлиги;
- г) пул бозори;
- д) "қиммат" пуллар сиёсати;
- е) очиқ бозордаги операциялар;
- ж) "арzon" пуллар сиёсати;
- з) мақсадлар дилеммаси (мақсадларни танлаш мажбурияти).

1. Тўла бандлик ва нархларнинг нисбатан барқарорлиги шароитида ишлаб чиқаришга этишини мақсадида муомаладаги пул миқдорини ўзgartириш.
2. Марказий банк томонидан давлат қимматли қоғозларини сотиб олиш ва сотиш.
3. Депозит муассасаларига берилган қарзлар бўйича марказий банк оладиган фоиз ставкаси.
4. Муомаладаги пул массасини ошириш сиёсати.
5. Мамлакатда пул массасининг ўсишини қисқартириш ёки чегаралаш сиёсати.
6. Пулга талаб ва пул таклифи фоиз ставкасини (ёки фоиз ставкаси даражасини) белгиловчи бозор.
7. Муомалада бўлган пул бирлиги бир йилда неча марта товар ва хизматлар сотиб олиш учун ишлатилиши.
8. Давлат молия идоралари бир вақтнинг ўзида ҳам муомаладаги пул массасини, ҳам фоиз ставкаси даражасини барқарорлаштира олмаслиги натижасида келиб чиқалигига муаммо.

МАШҚЛАР

1. Құйидаги маылумотлардан фойдаланиб, мамлакат марказий банкнинг баланс ҳисобини түзинг (млрд. доллар).

Олтин сертификатлар	10
Бошқа мажбуриятлар ва хусусий капитал	50
Қимматли қоғозлар	100
Муомалага чиқарылған банкнотлар	90
Тижорат банклари резервлари	30
Бошқа активлар	10
Хазинахона депозитлари	5
Тижорат банкларига қарзлар	10

2. 1-машқда түзилған ҳисобот асосида, құйида көлтирилған ва бир-бирига бөглиқ бўлмаган ҳолда амалта ошириладиган операциялар марказий банкнинг баланс ҳисоботида қандай акс этганинг аниқланг.

- а) Марказий банк 100 млн. доллар миқдоридаги давлат қимматли қоғозларини аҳолига сотади, аҳоли уларга ҳақни чеклар билан тўлайди.
- б) Марказий банк ҳисоб ставкасини пасайтиради, натижада тижорат банклари марказий банқдан 50 млн. доллар миқдорида қарз олади.
- в) Ҳукумат аэрокоинот ускунасини 1 млрд. долларга сотиб олади ва унга марказий банк хазинахонасидағи депозитларга берилған чеклар билан ҳисоб-китоб қиласди.

3. Мажбурий резервлар мөъёри 20%ни ташкил этган шароитда 2-машқда көлтирилған ҳар бир операциянинг потенциал пул миқдори ҳажмита кўрсатадиган таъсирини аниқланг.

ТЕСТЛАР

1. "Очиқ бозордаги операциялар" атамаси нимани билдиради?
 - а) тижорат банкларининг фирмалар ва аҳолини кредит билан таъминлашга оид фаолияти;
 - б) марказий банкнинг тижорат банкларига қарзлар беришига оид фаолияти;
 - в) тижорат банклари тақдим этадиган қарзлар умумий миқдорининг ўсиши ёки пасайиши орқали фоиз ставкаси даражасига кўрсатиладиган таъсир;
 - г) тижорат банклари жорий ҳисоб рақамлари умумий миқдорининг кўпайиши ёки камайишига олиб келувчи марказий банк операциялари;
 - д) марказий банкнинг давлат қимматли қоғозларини сотиб олиш ёки сотиш бўйича фаолияти.
2. Марказий банк баланси активининг ассосий моддалари бу:
 - а) олтин сертификатлар, нақд пуллар; банк ва хазинахона депозитлари;
 - б) банкнотлар, давлат қимматли қоғозлари ва қарзлар;
 - в) олтин сертификатлар, нақд пуллар, банк депозитлари ва қарзлар;
 - г) олтин сертификатлар, нақд пуллар, қарзлар ва давлатнинг қимматли қоғозлари;
 - д) банкнотлар, олтин сертификатлар, нақд пуллар ва тижорат банклари депозитлари.

3. Агар марказий банк ЯММ ҳажмини оширишга интилаётган бўлса, қуйидаги тадбирлардан қайси бирини бажармаслиги керак?

- а) умумий харажатлар даражасини ошириш мақсадида инвестиция харажатларини кўпайтириш;
- б) нақд пул эгалари диққатини кредитларга кўпроқ жалб қилиш мақсадида фоиз ставкаларини ошириш;
- в) банклар томонидан ўзларининг пул кўринишида бўлмаган активларини оширишни рағбатлантириш учун банк резервларини кўпайтириши;
- г) жорий ҳисоб раҳамлардаги маблағларни кўпайтириш;
- д) кредитнинг қулатилигини ошириш.

4. Қўйида келтирилган 5 вариантдан қайси бири марказий банк томонидан оддий ҳолларда қўлланиладиган (яъни фақат фавқулодда ҳолларда ишлатилиши мумкин бўлган воситаларсиз) пул сиёсатининг воситаларини ўзида акс эттиради:

- а) ҳисоб ставкалари сиёсати, акцияларни сотиб олишда қонун билан белгиланган маржа устидан назорат ва "кўндириш";
- б) "кўндириш" ва қонун билан белгиланган мажбурий резервлар меъериининг ўзгариши;
- в) очиқ бозордаги операциялар ва ҳисоб ставкасининг ўзгариши;
- г) ҳисоб ставкаси сиёсати ва қонуний томонидан белгиланган мажбурий резервлар меъёрининг ўзгариши;
- д) очиқ бозордаги операциялар, мажбурий резервлар меъериининг ўзгариши, истемол ва гаров кредитлари устидан ташлама назорат.

5. Аҳоли ва хусусий фирмалар ихтиёрида бўлган нақд қоғоз пулларининг умумий миқдори марказий банк балансида қўйидаги кўрсатилади:

- а) мажбуриятлар сифатида, чунки бу банкнотлар ўзида марказий банк активларига талабни акс эттиради;
- б) активлар сифатида, чунки бу банкнотлар пул массасининг бир қисмини ташкил этади, яъни улар нақд пуллардир;
- в) мажбуриятлар сифатида, чунки бу банкнотлар резервларнинг бир қисмини ташкил қиласди, яъни улар тижорат банклари киритган депозитлардир;
- г) капиталлар ҳаракати ҳисоб раҳамлари бўлимида, чунки улар марказий банк молиялаштириладиган пул маблағларидир;
- д) умуман кўрсатилмайди.

6. Агар марказий банк ҳисоб ставкасини оширса, унда пул сиёсатининг бир қисми бўлган бу тадбир, бошқа тадбирлар билан бирга, биринчи навбатда қўйидагига қаратилади:

- а) тижорат банклари резервларининг умумий миқдорини пасайтиришга;
- б) аҳоли жамғармалари миқдорининг ўсишини рағбатлантиришга;
- в) марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган қарзлар ҳажмининг ўсишига кўмаклашишга;
- г) тижорат банклари резервларининг умумий ҳажмини кўпайтиришга;
- д) бошқа мақсадларга эришишга.

7. Марказий банк давлат қимматли қоғозларини аҳолидан очиқ бозорда кенг миқёсда сотиб олишни боштайди. Бу тадбирнинг асосий мақсади б 6 тестдаги қайси жавобда тўгри кўрсатилган?

8. Пул сиёсатининг воситаси сифатида қўлланиладиган ҳисоб ставкасини пасайтириш чекланган самара беришининг сабаби:

- а) марказий банк пул массасини күпайтира олса ҳам, бироқ кишиларни пул сарфлашга мажбур қила олмаслигига, бу эса ЯММ ұажмини ошириш учун зарурдир;
- б) марказий банк ҳисоб ставкасини меъеридан ортиқ даражада ўзгартыриш ҳуқуқига эта эмаслигига;
- в) марказий банк тижорат банклари томонидан берилеттан қарзлар ұажмини түғридан-түгри назорат эта олмаслигига;
- г) бундай пасайиш одатда тижорат банкларининг резервлари ўсиши билан қопланади, бунинг натижасида ҳисоб ставкасининг пасайиш самараси йўқолади;
- д) бу акция ва облигация курсларининг пасайишига олиб келади.

9. Агар марказий банк катта миқдорда аҳолига давлат қимматли қоғозларини сотса, унда бу тадбир қуйидагига олиб келади:

- а) шахсий жамғармаларнинг умумий миқдори ошади;
- б) тижорат банклари берадиган қарзлар ұажми камаяди;
- в) тижорат банкларининг умумий депозитлари миқдори ошади;
- г) фоиз ставкаларининг даражаси пасаяди;
- д) муомаладаги банкнотлар миқдори күпаяди.

10. Агар марказий банк аҳолидан катта миқдорда давлат қимматли қоғозларини сотиб олса, унда:

- а) тижорат банкларининг резервлари кўринишидаги марказий банк мажбуриятлари ошади;
- б) тижорат банкларининг жорий ҳисоб рақамлари камаяди;
- в) аҳоли қўлидаги умумий пул массаси камаяди;
- г) марказий банкнинг қарзлари ва ҳисоб ставкаси ўсади;
- д) марказий банкнинг қарзлари ұажми ва ҳисоб ставкаси камаяди.

11. Пул массасининг ошишини чегаралаш бўйича тадбирларни амалга ошириши марказий банк учун қийин бўлади, агар:

- а) марказий банк тижорат банкларининг мажбурий резервлари меъерини пасайтириш ҳуқуқига эта бўлмаса;
- б) тижорат банклари маълум миқдорда ортиқча резервларга эта бўлса;
- в) шахсий жамғарма ұажми жуда катта бўлса;
- г) олтин катта миқдорда экспорт қилинса;
- д) хусусий фирмалар ва аҳоли давлат облигацияларини катта миқдорда қўшимча сотиб олишга ҳаракат қилсалар.

12. "Ҳисоб ставкаси" атамаси нимани билдиради:

- а) марказий банк давлат қимматли қоғозларини сотиб олаётганда, унинг учун нарх даражасининг пасайишини;
- б) тижорат банклари томонидан қарз бериш ұажмини қисқартириш мақсадида, марказий банкнинг уларга кўрсатадиган тазиикі даражасини;
- в) тижорат банкларига берилеттан қарзлар бўйича фоиз ставкаларини;
- г) марказий банкнинг пул массаси ва ЯММ ұажмининг ўсишига таъсири даражасини;
- д) барча жавоблар нотўғри.

13. Марказий банкнинг кредит олишни енгиллаштириш мақсадида очиқ бозорда кенг миқёсда ўтказадиган операциялари:

- а) давлат қимматли қоғозлари курсини оширади;

- б) тижорат банклари резервлари умумий ҳажмини туширади;
- в) нархлар умумий даражасини туширади;
- г) давлат қимматли қоғозлари курсини туширади;
- д) тижорат банклари учун белгиланган мажбурий резервлар меъёрини оширади.

14. Агар марказий банк давлат қимматли қоғозларини очиқ бозорда катта миқдорда сотса, унда у қуйидаги мақсадни кўзлайди:

- а) кредитларни қулироқ қилишни;
- б) давлат қимматли қоғозларини аҳоли томонидан сотиб олинишини қийинлаштиришни;
- в) инвестициялар ҳажмини оширишни;
- г) ҳисоб ставкасини пасайтиришни;
- д) муомаладаги умумий пул массасини камайтиришни.

15. Ҳисоб ставкасини ошириш одатда қуйидагига олиб келади:

- а) акция ва облигациялар нархини оширишга;
- б) акциялар нархининг ошиши, облигациялар нархининг пасайишига;
- в) акциялар нархининг пасайиши, облигациялар нархининг ошишига;
- г) акция ва облигация нархларининг пасайишига;
- д) ҳеч қайси келтирилган натижаларга олиб келмайди.

16. Фоиз ставкаси даражасидаги ўзгаришлар ЯММнинг қуйидаги қисмларидан қайси бирининг миқдорига кўпроқ таъсир кўртасади:

- а) истемол харажатлари;
- б) инвестициялар;
- в) давлат харажатлари;
- г) экспорт;
- д) импорт.

17. Қуйидаги тадбирлардан қайслари бир-бири билан мос келади:

- а) давлат харажатлари ва пул массаси ҳажмининг ошиши;
- б) даромад солиги ва пул массаси ҳажмининг қисқариши;
- в) трансферт тўловларининг ошиши ва пул массаси ҳажмининг қисқариши;
- г) корпорацияларга солинадиган солиқлар ва пул массаси ҳажмининг ошиши;
- д) трансферт тўловлари ва пул массаси ҳажмининг ошиши.

18. Пул массасининг ошиши нархлар даражасига деярли ҳеч қандай таъсир этмайди ёки жуда суст таъсир кўрсатади:

- а) жами таклиф эгри чизигининг Кейнс кесимида;
- б) жами таклиф эгри чизигининг оралиқ кесимида;
- в) жами таклиф эгри чизигининг классик кесимида;
- г) жами таклиф эгри чизигининг оралиқ ва Кейнс кесимларида;
- д) жами таклиф эгри чизигининг барча кесимларида.

19. Пул массасининг ошиши миллий даромад реал ҳажмига ва бандлик даражасига деярли ёки ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди:

- а) жами таклиф эгри чизигининг Кейнс кесимида;
- б) жами таклиф эгри чизигининг оралиқ кесимида;
- в) жами таклиф эгри чизигининг классик кесимида;
- г) жами таклиф эгри чизигининг оралиқ ва Кейнс кесимларида;
- д) жами таклиф эгри чизигининг барча кесимларида.

20. Агар иқтисодиёт барқарор нархлар даражасыда ишсизликнинг юқори даражаси билан ифодаланса, у ҳолда қуйида көлтирилған давлат тәдбиrlаридан қайси бири ишсизликни қисқартириш имконини беради:

- а) давлат қимматли қоғозларининг очиқ бозорда сотиб олиниши ва солиқларнинг ошиши;
- б) давлат қимматли қоғозларининг очиқ бозорда сотилиши ва солиқларнинг қисқариши;
- в) давлат қимматли қоғозларининг очиқ бозорда сотилиниши ва давлат харажатларнинг қисқариши;
- г) давлат қимматли қоғозларининг очиқ бозорда сотиб олиниши ва давлат харажатларининг күпайиши;
- д) давлат қимматли қоғозларининг очиқ бозорда сотилиши ва солиқларнинг ошиши.


ТҮГРИНОТҮФРИ

1. Марказий банкнинг асосий вазифаси пул массаси ҳажмига таъсир этувчи банк резервлари даражасини назорат қилишдан иборат.
2. Марказий банк томонидан давлат облигацияларини сотиб олишда банк резервлари яратилади.
3. Ҳисоб ставкасининг юқори даражаси инвестицияларни рағбатлантиради, чунки инвесторлар ўз даромадларини күпайтириш имкониятига эга бўладилар.
4. Одатда ҳисоб ставкасининг даражаси бозор фоиз ставкасининг даражасига боғлиқ.
5. Марказий банк мажбурий резервлар меъёрини ошириш орқали ортиқча резервлар миқдорини камайтириши мумкин.
6. Агар марказий банк облигациялар сотиб олса-ю, сотувчилар олинган тушумни нақд пул кўринишida ушлаб туришни афзал кўрсалар, у ҳолда пул массасининг потенциал ошиши тушум банк ҳисобларида сақлангандағига нисбатан камроқ миқдорни ташкил қиласди.
7. Марказий банк банк резервалари миқдорини тартибга солиш йўли билан пул массаси ҳажмини ва бериладиган қарзлар ҳажмини назорат қиласди.
8. Пул массасини оширишга йўналтирилған очиқ бозордаги операцияларнинг моҳияти давлат облигацияларини сотиб олишдан иборат.
9. Марказий банк томонидан очиқ бозорда қимматли қоғозларни сотиб олиниши активлар миқдорини камайтиради ва банк мажбуриятлари миқдорини оширади.
10. Тижорат банкларининг резервлари тижорат банкларининг активларини ва марказий банк мажбуриятларини билдиради.
11. Ҳисоб ставкаси тижорат банкларининг йирик қарз олувчиларга берадиган қарзлари бўйича фоиз ставкасини билдиради.
12. Мажбурий резервлар меъёрини ўзгартириш марказий банк томонидан пул массаси миқдорини назорат қилишининг энг кўп қўлланадиган воситаси бўлиб, ҳисобланади.
13. Арzon пуллар сиёсати қиммат пуллар сиёсатига нисбатан самаралироқ бўлиши мумкин, чунки бунда тижорат банклари ортиқча резервларнинг катта ҳажмига эга бўлишлари мумкин.
14. Марказий банк давлат қимматли қоғозларини очиқ бозорда сотган вақтда, жами талаб ошишига интилиш кузатилади.
15. Марказий банк томонидан қўлланадиган очиқ бозордаги операциялар пул массаси устидан назорат қилишининг энг муҳим воситаси ҳисобланади.
16. Марказий банк давлат қимматли қоғозларини сотиб олган вақтда, банк резервлари қисқаради.

17. Иқтисодиёт тұла бандлык шароитида фаолият күрсатса, пул массасининг ошиши инфляцияни көлтириб чиқаради.
18. Истемол харжатлари фоиз ставкасининг ўзгаришига инвестицияларға қараганда анча таъсирчандыр.
19. Марказий банк давлат қимматли қоғозларини очық бозорда соттан вактда жами талаб ошади.
20. Арзон пуллар сиёсати экспорт ҳажмининг қисқаришига олиб келади.

МУАММОЛАР

1. а) 10.1-расмда пулга талаб әгри чизиги берилған. Пул таклифи ҳажми 300 долларни ташкил этади. Ушбу расмда пулга талаб әгри чизигини тасвирланғ. Фоиз ставкасининг мувозанатли даражасини анықланғ.



10.1 - расм. Пулга талаб әгри чизиги

- б) 10.2-расмда инвестицияга талаб әгри чизиги берилған. "а" бандда ўрнатылған фоиз ставкасининг мувозанатли даражасыда инвестициялар миқдорини анықланғ.

в) 10.3-расмда давлат сектори иштирок этмаган ёпік иқтисодиётдеги жамғармалар әгри чизиги берилған. Ушбу расмда "б" банддаги жавобдан фойдаланиб, инвестиациялар әгри чизигини тасвирланғ. Соф миллий маҳсулотнинг мувозанатли ҳажмини анықланғ.


г) Пул таклифи ҳажми 400 долларга ўсди. 10.1-расмда пул таклифининг янги әгри чизигини тасвирланғ. Фоиз ставкасининг мувозанатли даражасини, режалаштирилған инвестиациялар ҳажмини ва соф миллий маҳсулотнинг мувозанатли ҳажмини анықланғ.

д) Соф миллий маҳсулот ҳажми тұла бандлык ҳукм сурган ва инфляция йүқ бўлған шароитда 875 долларни ташкил этди. Қуйидагиларни анықланғ: жамғармалар миқдорини; инвестиациялар ҳажмини (СММнинг берилған даражаси мувозанатли ҳисобланған шароитда); инвестиацияларининг ушбу миқдоридаги фоиз ставкаси даражасини; фоиз ставкасининг ушбу даражасыда пул таклифи ҳажмини.


е) Жамғармаларга мөйөрий майилик ва мультиплікатор миқдорини анықланғ.

ж) Фоиз ставкаси бир бандга қисқарғанда, режалаштирилған инвестиациялар ҳажмини ва мувозанатли СММ ҳажми қандай ўзгаришини анықланғ.

3) Фоиз ставкаси бир бандга қисқариши учун, пул таклифи қандай ўзгариши керак-лигини анықлат.




10.2 - расм. Инвестицияга талаб этгі чызығы



10.3 - расм. Жамғармалар этгі чызығы

2. Банк тизими ортиқча резервларга эга эмес. Мажбурий резервларнинг умумий миқдори 50 млрд. долларни ташкил этади, талаб қилиб олинадиган омонатларнинг умумий ұжымы 200 млрд. долларга тең. 10.4-расмда тијорат банклари марказий банкдан фоиз ставкаларининг мос даражасыда оладиган қарзлар миқдори ҳақидаги маълумотлар көлтирилген. Анықлат:



10.4 - расм. Марказий банкдан келиб тушувчи қарзлар миқдори


а) Ҳисоб ставкаси 7%; 5% га тенг бўлганда, марказий банкдан олинадиган қарзлар миқдори қандай? Мажбурий резервлар меъёри қандай?

б) Агар марказий банк пул таклифи ҳажмини 40 млрд. долларгача ошироқчи бўлса, ҳисоб ставкаси меъёри қандай бўлади (банк тизимида ортиқча резервлар бўлмаган шароитда)?


в) Марказий банк резервлари миқдорига, худди давлат хазинахонаси мажбуриятлари 20 млн. долларга сотилганидагидек таъсир кўрсатиши учун, белгилаши кепрак бўлган ҳисоб ставкаси меъёри қандай?

3. 10.5, 10.6 ва 10.7 - расмлар пул ва товарлар бозорининг ўзаро боғлиқдигини ифодайди.

Аниқланг:



10.7 - расм. Жамғармалар эрги чизиги



10.5 - расм. Пуллар мөндері

10.6 - расм. Инвестицияларга талаб

а) СММнинг инфляция бўлмаган мувозанатли ҳажми тўла бандликда 800 млрд. доллар, ёки 900 млрд. долларга тенг бўлган шароитда давлат пул-кредит сиёсати соҳасидаги тадбирлар нимадан иборат?

б) Агар СММнинг инфляцияли бўлмаган мувозанатли ҳажми тўла бандлик шароитда 700 млрд. долларни ташкил этса, пул таклифи ҳажми қандай?

в) Агар пул таклифи 320 млрд. долларни ташкил этса, фонз ставкасининг даражаси, инвестициялар ҳажми ва тўла бандлик шароитидаги СММнинг инфляцияли бўлмаган мувозанатли ҳажми миқдори қандай бўлади?

г) Тўла бандлик шароитидаги СММнинг инфляцияли бўлмаган мувозанатли ҳажми 800 млрд. долларни, жорий инвестициялар даражаси эса 170 млрд. долларни ташкил этган шароитда пул таклифи қандай ўзгаради?

ЖАВОБЛАР ВА ШАРҲЛАР

Асосий атамалар ва тушунчалар

1. в; 2. е; 3. а; 4. ж; 5. д; 6. г; 7. б; 8. з.

Машқулар

1.

Активлар (млрд. долл.)		Мажбуриятлар ва хусусий капитал (млрд. долл.)	
Олтин сертификатлар	10	Муомалага чиқарилган банкнотлар	90
Қимматли қоғозлар	100	Тижорат банкларининг резервлари	30
Тижорат банкларига қарзлар	10	Хазинахона депозитлари	5
Бошқа активлар	10	Бошқа мажбуриятлар ва хусусий капитал	5
Жами	130	Жами	130

2. а) Давлат қимматли қоғозлари – 100 млн. доллар.
 Тижорат банклари резервлари – 100 млн. доллар.
 б) Тижорат банкларига қарзлар + 50 млн. доллар.
 Тижорат банклари резервлари + 50 млн. доллар
 в) Хазинахона депозитлари – 1 млрд. доллар.
 Тижорат банклари резервлари + 1 млрд. доллар.
3. а) 500 млн. долларга қисқаради.
 б) 250 млн. долларга ошади.
 в) 5 млрд. долларга ошади.

Тестлар

1. д; 2. г; 3. б; 4. в; 5. а; 6. а; 7. г; 8. в; 9. б; 10. а; 11. б; 12. в; 13. а; 14. д; 15. г; 16. б; 17. а; 18. а; 19. в; 20. г.

Тўғри/Нотўғри

1. Т; 2. Т; 3. Н; 4. Т; 5. Т; 6. Т; 7. Т; 8. Т; 9. Т; 10. Т; 11. Н; 12. Н; 13. Н; 14. Н; 15. Т; 16. Н; 17. Т; 18. Н; 19. Н; 20. Н.

Муаммолар

1. a) 8%.
б) 20 доллар.
в) 850 доллар.
г) 6%; 30 доллар; 900 доллар.
д) 25 доллар; 25 доллар; 7%; 350 доллар.
е) 0,2; 5.
ж) Режалаштирилган инвестициялар ұажми 5 долларга ошади. СММ ұажми 25 долларга ошади.
з) 50 долларга ошиши керак.
2. a) 20 млрд. доллар; 40 млрд. доллар; 25%.
б) 8%.
в) 7%.
3. a) Фоиз ставкаларини белгилаш даражаси 6%; 3%.
б) 220 млрд. доллар
в) 6%; 120 млрд. доллар; 800 млрд. доллар.
г) Пул тақлифининг ұажми 320 млрд. долларғача пасаяди.

11 маңзу

АЛЬТЕРНАТИВ ҚАРАШЛАР: МОНЕТАРИЗМ ВА ОҚИЛЮНА (РАЦИОНАЛ) УМИДЛАР

Охирги икки ўн йилликда иқтисод фанида Кейнс назариясига қарама-қарши фикр ларни илгари сураёттан муаллифларнинг ғоялари тобора кўпроқ тан олинмоқда. Улар қаторига монетаризм ва янги классик назария киради. Кейнс назарияси ва монетаризмнинг бош ғоялари ўртасидаги фарқларни қўйидагича талқин қилиш мумкин:

1. Кейнс назарияси иқтисодиётни барқарорлаштиришда давлатнинг фаол иштирокини кўзда тутади. Монетаристлар бозор механизми иқтисодиётнинг мувозанатлаштирилган ва самарали ривожини мустақил равишда таъминлашга қодир, деб таъкидлайдилар.

2. Кейнсчилар иқтисодиёт ривожланишида (жами талаб ва жами таклиф ўзгаришида) пулнинг роли иккинчи даражали деб ҳисоблайдилар. Ўз қараашларини асослар эканлар, улар: биринчидан, жами талабнинг пул таклифи билан алоқаларининг мураккаблигини ва мавҳум эканлигини таъкидлайдилар; иккинчидан, пул тезлиги ўзгарувчандир ва фоиз ставкасининг тебраниши билан белгиланади, деб ҳисоблайдилар; учинчидан, улар истеъмол ҳаражатлари ва жорий даромадлар ўзгариши ўртасидаги боғлиқликни қайд этувчи истеъмол функциясига асосланадилар; тўртинчидан, нархларнинг ва иш ҳақи ставкаларининг қатъийлигидан келиб чиқадилар.

Реал такрор ишлаб чиқариш оқимлари ва алоқаларини бош ўринга қўйган кейнсчилар, макроиқтисодий моделнинг бошлангич тенгламаси сифатида товарлар бозоридаги мувозанатни ифодаловчи тенгламани қўллайдилар: $GNP=C+I+Xn+G$ (бу ерда GNP - ЯММ, Xn - соғ экспорт, G - давлат ҳаражатлари).

3. Монетаристлар фикрича иқтисодиётнинг умумий ҳолати пул таклифига боғлиқ, шунинг учун уларнинг мувозанатли макроиқтисодий моделининг бошлангич тенглиги айирбошлаш тенгламасида ифодаланади: $M \times V = Q \times P$ (M - муомаладаги пул миқдори, V - уларнинг айланиш тезлиги, Q - йил давомида яратилган товар ва хизматларнинг реал миқдори, P - нархларнинг ўргача даражаси). Монетаристлар ўз қараашларининг тўғрилигини исботлаб, биринчидан, истеъмол функцияси аввало истеъмол ҳаражатлари ўзгариши ва доимий даромадлар орасидаги алоқани ифодалайди, деб таъкидлайдилар, иккинчидан, активлар портфелига кейнсчиларга қараганда кўпроқ таркибий қисмларни киритадилар. Пул — портфелининг асосий активи, деб ҳисоблаган монетаристлар, ҳар бир иқтисодий вакил ўз портфелининг энг мақбул таркибга эга бўлиши учун ҳаракат қилишига алоқида урғу берадилар. Бу таркиб даромадлиликнинг меъёрий даражаларини турли активлар бўйича тенглаштиришни кўзда тутади. Мана шундай мудоҳазалар монетаристларни пулга талаб функцияси юқори барқарорликка эга ва, демак, пулга талабнинг яратилган СММга нисбати ($M:NNP$) ҳам, пулнинг айланиш тезлиги (V) ҳам барқарордир, деган холосага олиб келади. Шунинг учун пул таклифининг ўсиши жами талаб ва жами таклифга сезиларли таъсир кўрсатади.

4. Бундай назарий ихтилофлар бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатининг самаралорлигини кейнсча ва монетаристларча баҳолашдаги фарқларни ҳам белгилаб берди.

Кейнсчилар ҳар иккала назария ҳам бозор иқтисодиёти ҳолатига таъсир этиш учун давлат томонидан қўлланилиши мумкин, деб ҳисоблайдилар, бироқ бунда бюджет-солиқ сиёсатини афзал қўрадилар.

Кўпчилик монетаристлар бюджет-солиқ сиёсатига ҳам, пул-кредит сиёсатига ҳам истеҳзо билан қарайдилар. Бир томондан, улар бозор механизми иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаб бера олади, деб ҳисоблайдилар. Бошқа томондан эса, бюджет-солиқ сиёсати самарали эмас, чунки у хусусий инвестицияларни ишлаб чиқаришдан сиқиб чиқаради, пул-кредит сиёсатидан фойдаланиш эса, унинг иқтисодиётга истиқболдаги реал таъсирини айтиб бериб бўлмаслиги сабабли, ишлаб чиқариш нобарқарорлитини кўчайтириши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Монетаристларнинг фикрича, давлат узоқ муддатли даврда ЯММнинг ва нархлар даражасининг реал ўсишига мувофиқ равишда пул массаси ўсиши суръатини тартибга солиши зарур (монетаристлар қоидаси) холос.

Янги классик иқтисодий назария билан боғлиқ оқилона умидлар назарияси (ОУН) иккита қатъий қоидага асосланган.

1. Тадбиркорлар, истемолчилар, ёлланма ишчилар, одатда, ўзларининг моддий манфаатлари қаратилган обьектлар билан боғлиқ жами ахборотнинг мағзини чақадилар. Бу оқил (рационал) инсонлар давлат томонидан ўтказилаётган иқтисодий сиёсатнинг барча эҳтимолий оқибатларини тушунишга ва шунинг учун ўзларининг фаровонлигини оширувчи қарорлар қабул қилишга қодир.

2. Барча бозорлар рақобатли, нархлар ва иш ҳақи ставкалари эса эгилувчандир. Улар нафақат иқтисодий ҳолатнинг ўзгаришига, балки давлат сиёсатида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлар ҳақидаги ахборотта ҳам эътибор берадилар.

Шунинг учун ОУН тарафдорларининг фикрича, ҳар қандай дискрецияли барқарорлаштириш сиёсати асосан самарасиз бўлиб, монетаристлар қонун-қоидаларига мувофиқ ўтказиладиган сиёсат бундан мустаснодир. ОУН кўплаб иқтисодчилар томонидан таҳқид қилинишига қарамай (унинг фикрлари кўпинча реал амалиётга қарама-қарши), ҳозирда у иқтисод фанида ўзининг кўплаб тарафдорларига эга, зеро у аввало иқтисодиётни тадқиқ қилишнинг услубий тамойиллари сифатида оқилона умидларни кенг қўллашга туртки бўлди.

Ўқув мақсадлари

1. Кейнс ва монетаристлар назарияси орасидаги асосий фарқни очиш.
2. Монетаризм ва кейнс назариясининг таҳдилий асосларидаги фарқларни аниқлаш ва монетаристларнинг айирбошлиш тенгламаси ($MV=PQ$) ҳамда иқтисодий мувозанатнинг кейнс модели асосий тенгламаси ($C+I+G+Xn =GNP$) ўртасидаги боғлиқликни очиш.
3. Нима учун кейнсчилар пул тезлигини ўзгарувчан миқдор деб таъкидлашларини, монетаристлар эса қарама-қарши фикрда эканликларини аниқлаш.
4. Иқтисодиётни барқарорлаштиришга қаратилган бюджет-солиқ сиёсатининг аҳамиятини баҳолашда кейнсчилар ва монетаристлар ўртасидаги тафовутлар сабабини тушуниш.
5. Иқтисодий ривожланишда пул ва пул-кредит сиёсатининг аҳамияти ҳақидаги монетаристлар ва кейнсчиларнинг фикрини очиш.
6. Монетар қоиданинг иқтисодий ва амалий мазмунини тушуниш.

7. ОУН дастлабки асосларини очиб берип шартта монетаристларнинг бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатига берган баҳоларига ОУН тарафдорлари муносабатини күрсатиш.

АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР:

- а) кейинс иқтисодий назарияси;
- б) монетаризм;
- в) оқилюна(рационал) умидлар назарияси;
- г) айирбошлаш тенгламаси;
- д) пулнинг айланиш тезлиги.

1. Монетаристик макроиқтисодий мувозанат моделининг асосий тенгламаси: $MV=PQ$. Бу ерда M - мусомаладаги пул миқдори, V - даромадларнинг доиравий айланишида пул айланиш тезлиги, Q - товар ва хизматларнинг ҳажми, P - нархлар даражаси.

2. Фирмалар ва уй хўжаликларининг бюджет ва пул-кредит сиёсати иқтисодиётта маълум таъсир кўрсатишини кутишлари ва ўз фойдаларини кўзлаб, бу сиёсат самарасизлигининг олдини олишга қаратилган чораларни аввалдан кўришлари ҳақидаги назарий фараз.

3. Бозор иқтисодиёти мустақил равишда (давлат аралашувисиз) барча ресурслардан самарали фойдаланишини таъминлай олмаслиги ҳақидаги макроиқтисодий таълимотлар. Унга кўра тўла бандликка эришиш учун, бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатини қўллаб, иқтисодий ривожланишга таъсир этиш мумкин.

4. Товар ва хизматлар доиравий айланишида қўлланадиган миллий пул бирлигининг ўртача бир йилда неча марта айланиш миқдори

5. Иқтисодчилар гуруҳининг кейинсчиларга қарши бўлган фалсафий, гоявий ва таҳлилий қарашлари; ресурслар бандлиги назарияси ва иқтисодий ривожланишида пулнинг алоҳида ўринини илгари сурган иқтисодиётни барқарорлаштириш сиёсати.

МАШҚЛАР

1. Фараз қиласиз, пулга талаб миқдори (M_d) ялпи миллий маҳсулот (GNP) ҳажмига ва фоиз ставкаси даражасига (i) қуйидагича боғлиқ бўлади:

$$M_d = 0,4 GNP - 2i \quad (M_d \text{ ва } GNP \text{ — млрд. долл.; } i \text{ — %да}).$$

а) Агар $GNP=100$ млрд. доллар, $i=8\%$ бўлса, пулга талаб нимага тенг?

б) Агар пулга талаб (M_d) пул таклифи (MS) тенг бўлса, ЯММ (GNP) эса 100 млрд. доллар бўлса, пул айланиш тезлиги нимага тенг?

в) Фараз қиласиз, пул таклифи 24 дан 30 млрд. долларга ошиди, бунинг натижасида ЯММ 110 млрд. долларгача ошиди, фоиз ставкаси эса 7% гача тушди. Бунда пулга талаб миқдори қандай ва $M_d=MS$ тенглиги сақланиб қолдими?

г) Рағбатлантирувчи бюджет-солиқ сиёсати натижасида ЯММ 115 млрд. долларги чоғи ошиди, фоиз ставкаси эса 8% гача ўди. Пул таклифи 30 млрд. долларлигача қолди. Пулга талаб миқдорини ҳисобланг ва пул бозоридаги мувозанат сақланиб қолдими, аниқланг.


д) Пулнинг айланиш тезлиги "г" бандда изоҳланган шароитларда қандай ўзгаради? Олинган жавоб V - ўзгарувчан қиймат деган кейинча фикрга мос келадими?

2. 11.1-расмда ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми ва нарх даражаси ўртасидаги боғлиқлик берилган. Пул айланиши тезлиги 5 га тенг.

а) Аниқланг: (1) номинал ЯММнинг мувозанатли ҳажмини, (2) нарх даражасини за-

(3) агар пул таклифи ҳажми 270 млрд. долларга тенг бўлса, ишлаб чиқаришнинг реал даражасини.

б) Аниқланг: (1) номинал ЯММнинг мувозанатли ҳажмини, (2) нарх даражасини ва (3) агар пул таклифи ҳажми 400 млрд. долларгача ўсса, ишлаб чиқаришнинг реал дарајасини.



11.1-расм. Ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва нархлар даражаси ўртасидаги боғлиқлик

3. Монетаристик назарияга мувофиқ пул айланиши тезлиги барқарор ва 4 га тенг. 11.1-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида берилган вазифаларни бажаринг. Барча ҳисоблар монетаристик фикрларга асосланиши лозим.

а) Нархларнинг ҳар бир даражасидаги ишлаб чиқаришнинг номинал ҳажмини (PQ) ҳисобланг (кўрсаткичларни жадвалга киритинг).

б) Нархларнинг ҳар бир даражасидаги MV миқдорни ҳисобланг (маълумотларни жадвалга киритинг). Агар M 90 долларга тенг бўлса, ишлаб чиқаришнинг номинал ҳажмини (PQ ва MV), нарх ва маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажмини аниқланг.

в) M 175 долларга тенг бўлганда, нархларнинг ҳар бир даражасидаги MV миқдорини ва ишлаб чиқаришнинг номинал ҳажмини, нархлар ва маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажмини, мувозанатли миқдорларини аниқланг.

(P – ўргача нарх, Q – маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажми, M – пул таклифи, V – пул айланиши тезлиги.)

11.1-жадвал

P (млн.т.)	Q (биринчи)	PQ (млн.т.)	MV (дем.т.)
1,00	100	-	-
2,00	110	-	-
3,00	120	-	-
4,00	130	-	-
5,00	140	-	-
6,00	150	-	-
7,00	160	-	-

ТЕСТЛАР-

1. 1938 йилдан 60- йилларгача бўлған даврда иқтисодий назарияда Кейнс қарашларининг ҳукмронлиги қўйидаги билан боғлиқ:

а) улар 30-йиллардаги банк тизимининг инқирозини тушунтирилар;

- б) улар Буюк Турғунлик сабабларини ҳам, иқтисодиётни "даволаш" йўлларини ҳам аниқроқ тушунтирилар;
- в) Кейнс фикрлари статистик маълумотлар билан тасдиқланган эди;
- г) АҚШда Кейнс назарияси Буюк Турғунликни енгиш учун қўлланилган эди;
- д) барча жавоблар тўғри.

2. Мильтон Фридмен ва унинг тарафдорлари бўлган иқтисодчилар қўйидагига ўз улушларини қўшдилар:

- а) Кейнс иқтисодий назариясига;
- б) пулнинг миқдорий назарияси тараққиётига;
- в) "харажатлар - ишлаб чиқариш" модели таҳлилига;
- г) эконометриканинг ривожига;
- д) таклиф иқтисодиёти назариясига.

3. 60-йилларда бошланган иқтисодий жараёнларни тадқиқ қилиш асосида кўпчилик иқтисодчилар қўйидаги фикрга қўшилдилар:

- а) пул таклифи нархлар даражасига ва ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этмайди;
- б) пул таклифи нархлар даражасига ва ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этади;
- в) таназзул даврида юқори фоиз ставкасини ушлаб туриш керак;
- г) таназзул даврида ижобий қолдиқли давлат бюджетига эга бўлиш керак;
- д) бюджет-солиқ сиёсатини иқтисодиётта давлат таъсирининг ягона воситаси сифатида олиб қарааш керак.

4. Кейнс назариясининг ҳам, монетар назариянинг ҳам заиф томони қўйидагида намоён бўлади:

- а) уларнинг ҳеч бири Буюк Турғунлик нимадан келиб чиққанлигини тушунтира олмайди;
- б) униси ҳам, буниси ҳам пул заҳирасининг ўсишини башорат қила олмайди;
- в) униси ҳам, буниси ҳам фоиз ставкаси даражаси ва пул таклифи ўртасидаги боғлиқликни тушунтира олмайди;
- г) униси ҳам, буниси ҳам бозор субъектлари умидларини ҳисобга олмайди;
- д) униси ҳам, буниси ҳам пул тезлиги ўзгаришининг сабабларини аниқлай олмайди.

5. Кейнс мактаби иқтисодчилари таъкидлашича, пул-кредит сиёсатидан биринчи ўринда қўйидаги мақсадда фойдаланиш керак:

- а) ташқи савдога кўмаклашиш учун;
- б) давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун;
- в) банк тизимини барқарорлаштиришга кўмақлашиш учун;
- г) фоиз ставкаси ўзгаришини назорат қилиш учун;
- д) пул таклифи ўзгаришини назорат қилиш учун.

6. Кейнсчилар:

- а) бозорга ички барқарорлик хослигига ишонадилар;
- б) бозорга фақат эркин рақобат хослигига ишонадилар;
- в) дискреция монетар сиёсатини қўллашта қарши чиқадилар;
- г) иқтисиодиёт ривожланишида давлат аралашувини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар;
- д) барча жавоблар тўғри.

7. Монетаристлар:

- а) дискреция монетар сиёсатининг фойдасини исботлайдилар;

- б) давлат аралашуви бозор иқтисодиётининг барқарорлигини пасайтиради, деб ҳисоблайдилар;
 в) бозор иқтисодиёти ичидан нобарқарор деб ўйлайдилар;
 г) замонавий бозор иқтисодиётида эркин рақобат йўқ, деб ҳисоблайдилар;
 д) фақат "а" ва "б" жавоблар тўғри.

8. Монетаристлар фикрига кўра, пул айланици тезлиги барқарордир ҳамда жамият товар ва хизматлар сотиб олиш учун қўйидагига мос келадиган пул миқдорига эга бўлиши ҳоҳлади:

- а) номинал СММ ҳажмига;
 б) инвестициялар ҳажмига;
 в) истеъмол ҳаражатлари ҳажмига;
 г) нархлар даражасига;
 д) барча жавоблар нотўғри.

9. Оқилона умидлар назарияси таъкидлайдики:

- а) жамият аъзолари иқтисод қандай фаолият кўрсатишини тушунадилар ва иқтисодий сиёсат оқибатларини ҳамда уларнинг ўз фаровонлик даражаларига таъсирини тўғри баҳолай оладилар;
 б) бозор иқтисодиёти яккахонликни истисно қиласди;
 в) жамият аъзолари шахсий таҳминлари асосида давлат сиёсатининг ўз фаровонлик даражаларига кўрсатадиган салбий таъсирининг олдини олишлари мумкин;
 г) барча жавоблар тўғри;
 д) барча жавоблар нотўғри.

10. Оқилона умидлар назарияси тарафдорлари жами талаб ўсиши қўйидагига сабаб бўлади, деб ҳисоблайдилар:

- а) нархлар даражаси ўсади, лекин реал ЯММ ҳажмига таъсир этмайди;
 б) ишлаб чиқарилган ЯММ реал ҳажми ўсади, бироқ нархлар даражасига таъсир этмайди;
 в) ЯММ реал ҳажми ва нархлар даражаси ўсади;
 г) барча жавоблар нотўғри;
 д) фақат "а" ва "б" жавоблар тўғри.

11. Пул таклифи миқдоридаги ўзгариш жами талаб ва демак номинал СММ ўзгаришининг бевосита сабабчиси деган фикр қўйидагига яқин:

- а) Кейнс назариясига;
 б) монетаризмга;
 в) янги классик назарияга;
 г) оқилона умидлар назариясига;
 д) фақат "б", "в" ва "г" жавоблар тўғри.

12. Оқилона умидлар назарияси тарафдорларининг фикрича, бозор иқтисодиётини барқарорлаштириш қўйидагилардан бирини талаб қиласди:

- а) нархлар устидан назорат ўрнатилишини;
 б) дискреция бюджет-солиқ сиёсатининг ўтказилишини;
 в) дискреция монетар сиёсатининг ўтказилишини;
 г) монетар қоидани амалга оширишини;
 д) фақат "в" ва "г" жавоблар тўғри.

13. "Монетаристлар қоидаси" пул таклифи қуйидагига тенг суръатда күпайиши лозимлигини күзда тутади:

- а) нархлар даражасининг ўсиш суръатига;
- б) фоиз ставкаси даражасининг ўсиш суръатига;
- в) пул айланиши тезлигининг ўсиш суръатига;
- г) реал ЯММнинг потенциал ўсиш суръатига;
- д) фақат "а" ва "б" жавоблар түгри.

14. Қуйидаги фикрлардан қайсиниси нотүғри:

- а) MV - жами харажатлар;
- б) PQ - реал кўринишдаги СММ;
- в) PQ - номинал кўринишдаги СММ;
- а) $MV=Ca+In+G$;
- д) барча жавоблар нотүғри.

ТЎҒРИ/НОТҮҒРИ

1. Кейнс ва монетаристик моделларида макроиқтисодий мувозанатнинг асосий тенгламаси битта муносабатни турлича ифодалайди.

2. Кўпчилик монетаристлар пул таклифининг кўпайиши қисқа муддатли даврда ҳам, узоқ муддатли даврда ҳам реал ЯММ ва бандлик даражасига таъсир кўрсатмайди, деб ҳисоблайдилар.

3. Кейнсчилар фоиз ставкасининг нисбатан кам ўзгариши ҳам инвестиция харажатларига сезиларли таъсир кўрсатади, деб таъкидлайдилар.

4. Монетаристлар айрбошлиш тенгламасидаги пул айланиш тезлиги барқарорлигини ва пул таклифининг ўзгариши нархлар ўсишига олиб келишини инкор қиласидилар.

5. Монетаристлар пулга талабнинг ўзгариши ва номинал даромад ўзгариш суръатлари (динамикаси) ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд, деб таъкидлайдилар.

6. Монетаристлар назариясига кўра, пулга талаб унинг таклифига тенг бўлганда, иқтисодиёт мувозанат ҳолатида бўлади.

7. Кейнсчилар пул айланиш тезлиги нобарқарор эканини исботлайдилар.

8. Марказий банкнинг кредит сиёсатига нисбатан қабул қилаётган қарорлари билан бу сиёсатнинг иқтисодиётга таъсири ўртасида катта вақтли узилиш мавжуд.

9. Фоиз ставкаси даражасининг ўзгариши одамларнинг умидларига таъсир кўрсатиши мумкин.

10. Кейнсчиларнинг фикрича, рафбатлантирувчи (тақчил) бюджет-солиқ сиёсати пулнинг айланиш тезлигини пасайтиради.

11. Кейнсчилар фоиз ставкасининг тушиши пул айланиш тезлигининг пасайишига олиб келади, деб ҳисоблайдилар.

12. Оқилюна умидлар назарияси тарафдорлари маҳсулот ва меҳнат бозорлари юқори даражада якка ҳукмронликка эга, нархлар ва иш ҳақи ставкалари эса қатъий ифодага зга, деб таъкидлайдилар.


13. Кейнсчилар ҳам, монетаристлар ҳам жами таклиф эгри чизигининг классик кесимида пул миқдорини кенгайтирувчи барқарорлаштириш сиёсати талаб инфляциясининг ривожланишига олиб келади, деб ҳисоблайдилар.

14. Кейнс назариясига мувофиқ, монетаристлар қоидаси нархлар даражасини барқарорлаштиришга ёрдам беради.

15. Кўпчилик иқтисодчилар оқилюна умидлар назариясининг асосий қоидаларига қўшилайдилар.


МУАММОЛАР

1. 11.2-расмда тенис ракеткалари бозори тасвирланган. У ишлаб чиқарып ұажми Q_1 ва нарх P_1 бўлганда, мувозанатга эга. Марказий банк пул таклифини 10% га дарҳол оширишини эълон қилди.




11.2 - расм. Тенис ракеткалари бозори

а) Айтайлик, ишлаб чиқарувишлар пул таклифининг ўсиши ўз фаолиятларининг натижаларига қандай таъсир этишини етарли даражада аниқ тасаввур эта олмайдилар ва шу сабабли ўзларининг нархлар билан боғлиқ умидларини жуда секин ўзгартирадилар. Бу ҳолда пулларнинг миқдорий назариясига мувофиқ, тенис ракеткалари бозорида вазият қандай ўзгаришини 11.3-расмда күрсатинг.



11.3 - расм. Тенис ракеткалари бозори

б) Ишлаб чыгарувчилар ва бошқа барча тадбиркорлар пулнинг миқдорий тенгламасини тушунадилар ва қабул қиласидилар ҳамда пул таклифи ўсишига жавобан ўзларининг нарх билан боғлиқ ниятларини тезда ўзгаририга оладилар. Бу ҳолда пулнинг миқдо-




11.4 - расм. Теннис ракеткалари бозори

рий назариясига мувофиқ теннис ракеткалари бозорида вазият қандай ўзгаришини 11.4-расмда күрсатинг.

в) "а" ва "б" бандларда ифодаланган вазиятлардан қандай холосалар қилиш мумкин?

2. 11.5-расмда жами тақлиф (S_1, S_2, S_3) ва жами талаб (D_1, D_2) эгри чизиқлари берилган.



11.5 - расм. Жами талаб ва жами тақлиф эгри чизиқлари.

- а) Расмда күрсатылған жами тақлиф згри чизигінің ұар бири қайсы назарияга (кейінс, монетаристик, оқылона умидлар) мослигини аниқланғ.
- б) Агар жами талаб D_1 згри чизиги билан берилған бўлса, жами тақлифнинг барча згри чизиқлари учун умумий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажмини ва мувозанатли нархлардаражасини аниқланг.
- в) Жами талаб згри чизиги D_1 дан D_2 вазиятига ўтади. Бунда ишлаб чиқаришнинг мувозанатли реал ҳажми ва нархлар даражаси (1) монетаристлар нұқтаи назаридан; (2) кейінс нұқтаи назаридан; (3) оқылона умидлар назариясига мувофиқ қандай ўзгаради?

ЖАВОБЛАР ВА ШАРХЛАР

Асосий атамалар ва тушунчалар

1. г; 2. в; 3. а; 4. д; 5. 6.

Машқлар

1. а) 24 млрд. доллар.
б) 4,17.
в) 30 млрд. доллар; сақланиб қолди.
г) 30 млрд. доллар; сақланиб қолди.
д) 3,86; ҳа.
2. а) (1) мувозанатли номинал ЯММ 1350 млн.долларга тең; (2) нархлар даражаси – 3,00; (3) ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми – 400 млн. бирлик.
б) (1) мувозанатли номинал ЯММ 2000 млн. долларга тең; (2) нархлар даражаси – 4,00; (3) ишлаб чиқаришнинг реал даражаси – 500 млн.бирлик.
3. а) 100; 220; 360; 520; 700; 900; 1120.
б) 360; 360; 360; 360; 360; 360; 360; 3,00; 120.
в) 700; 700; 5,00; 140.

Тестлар

1. б; 2. 6; 3. б; 4. г; 5. д; 6. г; 7. б; 8. а; 9. г; 10. а; 11. б; 12. г; 13. г; 14. б.

Түғри/Нотүғри

1. Т; 2. Н; 3. Н; 4. Н; 5. Т; 6. Т; 7. Т; 8. Т; 9. Т; 10. Н; 11. Т; 12. Н; 13. Т; 14. Н; 15. Н.


Муаммолар

1. а) 11.6-расмга қаранг.

Пул тақлифининг үсиши иқтисодиётдаги харажатларни оширади ва $D_1 D_2$ талаб згри чизигини ўнгта $D_2 D_1$ ҳолатига суради. Нархга боғлиқ умидлар секин ўзгарғани сабабли, тақлифнинг $S_1 \bar{S}_2$, згри чизиги ўз ўрнини бирдан ўзгартирумайды. Теннис ракеткалари бозоридаги янги мувозанат даражаси нархлар үсиши (P_2) ва ишлаб чиқаришнинг анча юқори даражаси (Q_2) ҳамда бандлик даражасининг ошиши натижасидир.

Кейинчалик, тадбиркорларнинг нархга боғлиқ умидлари ўзгарғандан сүнг, жами тақлиф згри чизиги $S_1 \bar{S}_2$ чапта $S_2 \bar{S}_1$ ҳолатига ўтади, чунки ишлаб чиқариш харажатлари


ва мос равишида нархлар ошади. Тенис ракеткалари бозоридаги янги мувозанат янги нархлар даражаси P_3 да ўрнатилади ва ишлаб чиқарыш ҳажми дастлабки Q_1 даражасигача пасаяди.



11.6 - расм. Тенис ракеткалари бозори

б) 11.7-расмга қаранг.

Пул таклифининг кенгайиши харажатлар ўсишига олиб келади. Тенис ракеткаларига талаб ошади ва D_1D_2 эгри чизиги ўнгга D_2D_2 ҳолатига суриласди. Тардбиркорлар дарҳол нархларни оширадилар ва S_1S_1 эгри чизиги S_2S_2 ҳолатига суриласди. Тенис ра-



11.7 - расм. Тенис ракеткалари бозори

кеткалари бозоридаги янги мувозанат P_1 , нархлар даражасыда ўрнатиласы, ишлаб чиқарышнинг мувозанатли ҳажми Q_1 эса ўзгаришсиз қолади.

в) Агар тадбиркорлар нархга боғлиқ умидларини секинлик билан ўзгартирсалар, пул таклифининг ўсиши ишлаб чиқариш (бандлик)нинг вақтингчалик ошишинга олиб келади.

2. а) S_1 – оқилюна умидлар назарияси, S_2 – классиклар ва монетаристлар, S_3 – кейнс назарияси.

б) $Q_1 P_1$.

в) (1) монетаристлар: ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми Q_2 гача ошади, нархлар даражаси P_3 гача күтарилади;

(2) кейнсчилар: ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми Q_3 гача ошади, нархлар даражаси P_2 гача күтарилади;

(3) оқилюна умидлар назарияси: ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми Q_1 лигича қолади, нархлар даражаси P_4 гача күтарилади.

12 мавзу

ИНФЛЯЦИЯ ВА ИШСИЗЛИК ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИК: КЕЙНСЧИЛАР, НЕОКЛАССИКЛАР ВА ТАКЛИФ ИҚТИСОДИ НАЗАРИЯСИ ТАРАФДОРЛАРИНИНГ НУҚТАИ НАЗАРЛАРИ

1. Оддий кейнсча моделда инфляция ва ишсизлик бир вақтнинг ўзида мавжуд бўла олмаслиги исботланади. 50 – 60йилларда иқтисодчиларнинг кузатишлари асосида олинган маълумотлар ишсизлик даражаси ва инфляция ўртасида тескари боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди. У Филиппс эгри чизигида қайд этилган.

Гарб иқтисодиётининг 70 ва 80йиллардаги ривожи бундай боғлиқлик мустаҳкам эмаслигини кўрсатди. Кейнсчилар, Филиппс эгри чизигининг мавжудлигини ҳимоя қилиб, 70-йиллардаги стагфляцияни таклифнинг ёппасига ўсиши билан, кейинги ўн йилликда бир вақтнинг ўзида рўй берган ишсизликнинг ҳам, нархларнинг ҳам пасайишини эса жами таклифнинг ошишига туртки бўлган омиллар (иш ҳақининг пасайиши, ОПЕК якка ҳокимлигининг инқирозга учраши, баъзи етакчи тармоқларда нархлар ўсишининг тўхтатиб турилиши) билан изоҳладилар.

2. Кейнсча йўналишга муҳолиф йўналиш тарафдорлари бўлган иқтисодчилар янги ҳаётий ҳодисалар асосида Филиппс эгри чизигининг мавжудлигини шубҳа остига олдилар. 60-йиллар сўнгидан яратилган табиий даражада илмий фарази уларга бандлик ва инфляция ўзгариши ўртасидаги боғланишини бошқача баҳолаш имконини берди.

Монетаристлар бу илмий фаразни соддалаштирилган умидлар назарияси доирасида изоҳлаб, Филиппс эгри чизиги фақат қисқа муддатли даврга таалуқли, деб ҳисоблайдилар. Мослашувчан умидларнинг (ўтган ва ҳозирги билим) ва уларнинг аста-секин ўзгариши (қисқа муддатли даврда) номинал иш ҳақи ўсишининг тўла бандлик сиёсати натижасида рағбатлантирилувчи инфляцияни ўзгариш суръатларидан муттасил ортда қолишига олиб келади. Бундай вазиятда, албатта, хусусий тадбиркорлик фаолияти жадаллашади (чунки ишлаб чиқариш харажатлари нархларга қараганда секинроқ ўсади) ва инфляцияни ўсиши ишсизликнинг пасайиши билан биргаликда содир бўлади. Шу сабаблар туфайли тўла бандликка эришиш сиёсатининг давом этирилиши Филиппс эгри чизигини сақлаб қолади ва уни юқорига-ўнгга силжитади. Бироқ, монетаристларнинг таъкидлашибча, иқтисодиёт тўла бандлик даражасига эришганда, кутилаётган ва реал инфляция даражаси ўртасидаги фарқ йўқолади. Агар ҳукумат ишсизликнинг табиий даражасини “хатлаб ўтишга” ҳаракат қиласа, унда иқтисодиётда охир оқибатда инфляция даражаси кўтарилади ва ишлаб чиқариш қисқаради.

Табиий даражада илмий фаразининг ОУН (неоклассиклар) қарашлари доирасидаги изоҳи Филиппс эгри чизигини фақат узоқ муддатли эмас, балки қисқа муддатли давр учун ҳам инкор қиласи. Бу оқилона умидларга асосланган башоратларнинг аниқлиги билан асосланади. Иш ҳақи ва нархлар даражасининг бир вақтда ўсиши (бунда иш ҳақининг ўсиши етакчилик қиласи) ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши ва, де -

мак, ишчан фаоликнинг пасайиши билан биргаликда содир бўлади. Натижада бандлик сиёсатининг самарадорлиги пасаяди ва унинг ўзи инфляция даражасининг кўтарилишига олиб келади.

Ҳозирда Филлипс эгри чизиги устидаги мунозаралар давом этмоқда. Кўпгина иқтисадчилар унинг қисқа даврда мавжуд бўлиши мумкинлигини тан олган ҳолда, узоқ муддатда мавжуд бўлиши мумкинлигини шубҳа остига оладилар.

3. Талаб ортиқчалиги инфляциясининг ишлаб чиқариш ва нархлар ўзгаришига таъсири қисқа муддатли даврда нархлар ва реал ЯММ ўсишида, узоқ муддатли даврда эса фақат нархлар ўсишида ифодаланади.

Ишлаб чиқариш харажатларининг инфляцияси қисқа муддатли даврда нархлар даражасининг ўсишига ва ишлаб чиқариш реал ҳажмининг қисқаришига сабаб бўлади. Агар мана шундай вазиятда ҳукумат жами талаб ўсишини рағбатлантирмаса, унда номинал иш ҳақи пасаяди. Нархлар ва ЯММ ҳажми эса аввалги даражага эришади, лекин маълум вақт давомида иқтисодиёт юқори инфляция билан қўшилиб кетувчи таъзулни бошидан кечиради. Агар ишлаб чиқариш харажатларининг кўпайиши сабабли юз берган нархлар ўсиши шароитида тўла бандлик сиёсати олиб борилса, инфляция спиралиниң юзага келиши эҳтимолдан ҳоли эмасdir.

4. Таклиф иқтисоди назариясининг тарафдорлари стагфляциянинг бошқа гоясини илгари сурдилар. Улар стагфляция ривожини давлатнинг жами таклифга нобарқарорлаштирувчи таъсири билан боғлайдилар, ҳамда бу ўринда солиқларнинг юқори даражаси, трансферт тўловларининг ўсиши, хусусий фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши унинг ўзгаришига кўрсатадиган таъсирини алоҳида таъкидлайдилар.

5. 70 – 80-йилларда ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда стагфляцияга қарши кураш воситаси сифатида уч хил сиёсат таклиф қилинди: бозорга таъсир кўрсатувчи сиёсат, даромадлар сиёсати, таклифга қаратилган сиёсат. Бу ўринда тажрибалар шуни кўрсатдики, биринчи навбатда, таклиф иқтисодиёти назарияси тарафдорлари амалий тавсияларининг самарадорлиги паст бўлиб чиқди.

Ўқув мақсадлари

1. Филлипс эгри чизигининг иқтисодий моҳиятини аниқлаш.
2. 70-йиллардаги гарб мамлакатларида рўй берган стагфляциянинг сабабларини аниқлаш.
3. Мослашувган умидлар илмий фарази тарафдорлари нима учун Филлипс эгри чизигини фақат қисқа даврга таалуқли, бироқ узоқ муддатли даврда “ишламайди” деб ҳисоблашларини аниқлаш.
4. Оқилона умидлар назарияси тарафдорлари нима учун Филлипс эгри чизигини қисқа муддатли даврда ҳам, узоқ муддатли даврда ҳам амал қилмайди, деб ҳисоблашларини тушуниш.
5. Стагфляцияни силлиқлаш ёки олдини олишга қаратилган бозор сиёсатининг моҳиятини очиб бериш.
6. Таклиф иқтисодиёти назарияси тарафдорларининг қарашларига ҳамда уларнинг иқтисодиётни стагфляциядан даволаш “кўрсатмалари”га тавсиф бериш.

АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР:

- а) Филлипс эгри чизиги;
- б) стагфляция;
- в) таклиф ўзгаришлари;
- г) инфляцияли кутишлар;


- д) табиий даражада илмий фарази;
- е) соддалаштирилган умидлар назарияси;
- ж) қисқа муддатли жами таклиф эгри чизиги;
- з) узоқ муддатли жами таклиф эгри чизиги;
- и) янги классик назария;
- к) ортиқча талаб инфляцияси;
- л) ишлаб чиқарип ҳаражатлари инфляцияси;
- м) бозор сиёсати;
- н) даромадлар сиёсати;
- о) таклифиқтисодиёті назарияси;
- п) Лаффер эгри чизиги;
- р) солиқ "пона"си;
- с) иш ҳақи ва нархлар учун мұлжаллар.

1. Одамлар иқтисодий тараққиётда келажакда юз берадиган ўзгаришларни кутар эканлар, ўзларининг ўтмиш ва ҳозирги тажрибаларига таянадилар ҳамда ушбу ўзгаришлар күчта кира бошлаган сари ўз умидларини ҳам ўзгартириб борадилар, деб таъкиловчи иқтисодий назарияси.
2. Мақсади бозорда касаба уюшмалари ва йирик фирмалар қокимлигини заифлатиши, меңнат бозорида номутаносибликни ўзгартириш ёки йүқотищдан иборат бўлган ҳукумат сиёсати.
3. Ишсизлик даражаси (абсисса ўқида) ва нархларнинг йиллик ўсиш суръати (ордината ўқида) ўртасидаги боғлиқликни қўрсатувчи эгри чизиқ.
4. Жами талабнинг ошиши натижасида вужудга келадиган инфляция.
5. Солиқ ставкалари ва солиқ тушумларининг ҳажми ўртасидаги боғлиқликни қўрсатувчи эгри чизиқ. Ушбу эгри чизиқ ёрдамида солиқ тушумлари миқдорини энг юқори даражага олиб чиқиши имконини берувчи солиқ ставкаси (0 дан 100%гача) аниqlанади.
6. Инфляция ва ишсизликни тушунтириш учун "ҳаражатлар" ва "жами таклиф" тушунчалиридан фойдаланувчи ҳозирги замон макроиқтисодий назариянинг таркибий қисми.
7. Ишлаб чиқариш стагнацияси ва ишсизликнинг юқори даражаси билан биргаликда кузатиладиган инфляция.
8. Ресурслар нархи (айниқса номинал иш ҳақи) нархлар умумий даражасининг ўзгаришига бевосита боғлиқ бўлган даврдаги жами таклиф эгри чизиги.
9. Реал ишлаб чиқариш ҳажмининг ва бандликнинг пасайиши билан биргаликда юз берадиган ҳамда иш ҳақи ва хом ашё нархларининг ошиши натижасида ялти таклифнинг қисқариши сабабли юзага келадиган инфляция.
10. Маълум тоифадаги товарларга нархлар даражасининг кескин ўзгариши жами таклиф эгри чизигининг чапга силжиши ҳамда инфляция ва ишсизлик даражасининг бир вақтда кўтарилишига олиб келади.
11. Ишсизликнинг "табиий" даражасида иқтисодиётнинг узоқ муддатли барқарорлиги ҳақидаги илмий фараз. Унинг тарафдорлари (монетаристлар) ишсизликнинг бундай даражасида Филилips узоқ муддатли эгри чизигининг тик ҳолатга келишини эътироф этадилар.
12. Нархлар даражасининг кутилмаган ўзгаришлари қисқа муддатли даврда макроиқтисодий нобарқарорликни вужудга келтира олади деган назария. Унга кўра, узоқ муддатли даврда нархларнинг ва иш ҳақининг этилувчанлиги туфайли, тўла бандликни таъминловчи ишлаб чиқариш даражасида иқтисодиёт барқарорликни сақлаб қолади.
13. Ёлланма ишчилар, фирмалар ва истеъмолчиларнинг келажакда юқори даражадаги инфляция юзага келиши ҳақидаги таҳминлари.

14. Мақсади якка тартибдаги пул даромадлари ўзгаришига ва товарлар ҳамда хизматтар нархларига таъсир күрсатыш бўлган ҳукумат сиёсати.
15. Бизнесга солинадиган билтосита солиқлар ва иш ҳақи фондига солинадиган солиқларни; уларни фирмалар томонидан ишлаб чиқариш харажатларига киригадилар ва ишлаб чиқарилган маҳсулот нархига қўшидилар.
16. Ресурслар(хусусан, номинал иш ҳақи)нинг нархлари доимий сақланиб қолувчи, нархларнинг умумий даражаси эса ўзгармайдиган даврдаги жами тақлиф эгри чизиги.
17. Касаба уюшмалари ва фирмаларнинг ихтиёрий қўллаб-қувватлашларига боғлиқ бўлган иш ҳақи ва нархлар соҳасидаги сиёсат.

МАШҚЛАР

1. 12.1-расмда инфляция ва ишсизлик даражалари кўрсатилган.




12.1 -расм. Ишсизлик ва инфляция даражалари

- a) Ишсизликнинг табиий даражаси ОР кесимда кўрсатилган. Узоқ муддатли даврда Филиппс эгри чизиги қайси нуқталардан ўтишини аниқланг.
- б) Иқтисодиёт ҳолати графикда Q нуқта билан белгиланган. Агар жами талаб тўсатдан кенгайса, бу ҳолат қандай ўзгаради?
- в) Тасвирдаги қайси нуқталар М.Фридмен назариясига асосан инфляция ва ишсизлик даражасининг доимий уйгунилгини ифодалайди.
- г) Иқтисодиёт ҳолати тасвирда М нуқта билан белгиланган. Агар кутилаётган инфляция даражаси ҳақиқий инфляция даражасига тенг бўлса, бу нуқта қандай вазиятни эгалладайди.
- д) Иқтисодиёт ҳолати тасвирда Р нуқта билан белгиланган. Ҳукумат инфляция билан бирга кузатилувчи жами талабни кенгайтириш сиёсатини олиб боради. Агар инфляция кутишлари унинг ҳақиқий ўсишидан орқада қолса, иқтисодиёт вазияти қандай ўзгаради?


2. а) 12.2.-12.3-расмларда инфляциянинг қайси тури кўрсатилганилгинини аниқланг.
б) Инфляциянинг қайси тури 12.1-жадвалдаги ҳолатни келтириб чиқаради? (талаб инфляцияси – Тл, тақлиф инфляцияси – Тк)

ТЕСТЛАР

1. Қайси назария инфляция ва ишсизликнинг бир вақтда ўса олмаслигини исботлайди?
а) ҳозирги замон миқдорий пул назарияси;



12.2 - расм



12.3 - расм

12.1-жадвал.

Ходиса	Инфляция түри
1. Нефть баҳосининг кескин кўтарилиши	-
2. Ҳарбий эҳтиёжларга йўналтириладиган давлат харажатларининг сезиларли ўсиши	-
3. Яшаш учун энг кам миқдор ҳақидаги қонун билан боғлиқ иш ҳақининг ўз-ўзидан ўсиши.	-
4. Аҳолининг кўпчилигига жамғармаларнинг тўсатдан қисқариши	-
5. Аҳоли шахсий даромадларига солиқларни тўсатдан ва сезиларли қисқариши	-

- б) кейнсча назария;
- в) оқилюна умидлар назарияси;
- г) таклиф иқтисоди назарияси;
- д) барча жавоблар нотүгри.

2. Филиппс әгри чизиги инфляция билан қуйида көлтирилгандарнинг қайси бири ўртасидаги боғланишни күрсатади?

- а) пул таклифи;
- б) ишсизлик даражаси;
- в) фоиз даражаси;
- г) сиесий иқтисодий давр;
- д) реал фоиз ставкаси.

3. Филиппс әгри чизигининг узоқ муддатли даврда қисқа муддатли даврдагига нисбатан күпроқ тиккалиги нимадан далолат беради?

- а) узоқ муддатли даврда ишсизлик ва фоиз ставкаси даражаси ўртасида боғлиқлик бўлмайди;
- б) қисқа муддатли даврда инфляция ва ишсизлик ўртасидаги боғлиқлик узоқ муддатли даврга нисбатан мустаҳкамроқ бўлади;
- в) қисқа муддатли даврда ишсизлик ва инфляция ўртасида боғлиқлик бўлмайди;
- г) ишсизлик ва инфляция ўртасидаги боғлиқлик фақат узоқ муддатли даврда мавжуд бўлади;
- д) фақат "в" ва "г" жавоблар тўғри.

4. М. Фридмен фикрига кўра:

- а) қисқа муддатли даврда фоиз ставкаси даражаси ва инвестиция харажатлари ўртасида боғлиқлик бўлмайди;
- б) бюджет-солиқ сиёсати иқтисодиётта пул-кредит сиёсатига нисбатан кучлироқ таъсир қилади;
- в) узоқ муддатли даврда ишсизлик ва фоиз ставкаси ўртасида боғлиқлик бўлмайди;
- г) пул таклифининг ўсиши инфляцияга сабаб бўлмайди;
- д) фақат "б" ва "г" жавоблар тўғри.

5. М.Фридмен таъкидлашиб, агар иқтисодий юксалишининг ilk босқичларида ёлланма ишчилар нархлар ўзгариш суръатларига нисбатан ўз таҳминларида хато қилсалар, унда:

- а) ишсизлик даражаси ўсади;
- б) ишсизлик даражаси барқарор қолади;
- в) ишсизлик даражаси пасаяди;
- г) инфляция даражаси пасаяди;
- д) ишсизликнинг табиий даражаси пасаяди.

6. М.Фридмен қарашларига мувофиқ, ишсизликнинг табиий даражасида меҳнат бозоридаги мувозанат нимани билдиради?

- а) ҳам фрикцион, ҳам таркибий ишсизликнинг мавжуд эмаслигини;
- б) жами талаб ва ишлаб чиқаришининг жорий даврдаги ҳажми ўртасидаги мувозанатни;
- в) кутилаётган ва ҳақиқий инфляция даражаларининг мос келишини;
- г) инфляция реал даражасининг кутилаётган инфляция даражасидан ортиқлигини;
- д) таркибий ва фрикцион ишсизлик даражаларининг тенглигини.

7. Ҳозирги заңтда иқтисодчиларнинг кўпчилиги Филлипс эгри чизигининг қисқа муддатли даврдаги ҳолати қўйидагига бөглиқ деб ҳисоблайдилар:

- а) мамлакатдаги солиқса тортиш даражасига;
- б) кутилаётган инфляция даражасига;
- в) федерал бюджет тақчиллиги миқдорига;
- г) фоиз ставкаси даражасига;
- д) ишсизликнинг табиий даражасига.

8. Суст кечайтган инфляция:

- а) таклиф инфляциясининг турли кўринишларига таалуқли бўлиши мумкин;
- б) одатда жами таклиф таъсири остида ривожланади;
- в) бозорнинг асосий иштирокчилари мослашиб оладиган кутилаётган инфляция даражасини акс эттиради;
- г) сезиларли тебранувчи ва олдиндан башпорат қилиб бўлмайдиган даража билан ифодаланади;
- д) барча жавоблар нотўғри.

9. Агар инфляция ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши билан бөглиқ бўлса, бу ҳолда 8-тест жавобларининг қайси бири тўғри бўлади?

10. Талаб инфляцияси учун 8-тест жавобларининг қайси бири тўғри бўлади?

11. Ортиқча талаб натижасида келиб чиқсан инфляция қўйидагилардан қайси бирининг оқибатида ривожланади:

- а) жами талаб эгри чизигининг чапга сурилиши;
- б) жами талаб эгри чизигининг ўнгга сурилиши;
- в) жами таклиф эгри чизигининг чапга сурилиши;
- г) жами таклиф эгри чизигининг ўнгга сурилиши;
- д) барча жавоблар нотўғри.

12. Таклиф инфляцияси қўйидагиларнинг қайси бири оқибатида ривожланади?

- а) жами талаб эгри чизигининг чапга сурилиши;
- б) жами талаб эгри чизигининг ўнгга сурилиши;
- в) жами таклиф эгри чизигининг чапга сурилиши;
- г) жами таклиф эгри чизигининг ўнгга сурилиши;
- д) барча жавоблар нотўғри.

13. Мослашувчан умидлар назарияси номинал иш ҳақининг ўсиши инфляция даражаси кўтарилишидан орқада қолишини кўзда тутади ва, агар ҳукумат ишсизликни бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсати орқали пасайтироқчи бўлса, унда бандлик:

- а) ва нархлар узоқ давр мобайнода ўсади;
- б) ўзгармайди, нархлар эса қисқа муддатли даврда ўсади;
- в) ўсади, нархлар эса қисқа муддатли даврда ўзгаришсиз қолади;
- г) ўзгаришсиз қолади, нархлар даражаси эса узоқ муддатли даврда ўсади;
- д) "г" ва "б" жавоблар тўғри.

14. Таклиф иқтисоди назарияси тарафдорларининг фикрича, стагфляция қўйидагилардан қай бирининг натижасидир?

- а) солиқса тортишнинг ўта юқори даражаси;
- б) давлат томонидан тартибга солишнинг йўқлиги;


- в) Филипс эгри чизигининг сурилиши;
 г) күтілмаган инфляция;
 д) фақат "а" ва "г" жавоблар тұғри.
15. Табиий даражада илмий фарази жами тақлиф өгри чизигининг :
 а) агар нархлар үсиши билан иш ҳақи ошмаса, қисқа муддатта даврда барқарорлигini күзде тутади;
 б) иш ҳақининг мұттасил ўзгариб туриши туфайли, узоқ муддатта даврда нобарқарорлигини күзде тутади;
 в) ишлаб чиқариш воситаларининг нархи ошганда, ўнгта сурилиши мүмкінligини күзде тутади;
 г) номинал иш ҳақи ошганда, ўнгта сурилиши мүмкінligини күзде тутади;
 д) фақат "а", "в" ва "г" жавобларғана тұғри.

ТҮФРИ/НОТҮФРИ

1. Соддалаштирилған ва оқилона умидлар ўртасыда фарқ йўқ.
2. Агар умидлар түғри бўлса, Филипс эгри чизиги ётиқ ҳолатда бўлади.
3. Янги классик назария тарафдорларининг фикрича, инфляцияның ҳақиқий даражаси унинг кутилаётган даражаси билан мос келмаганидагина у бандлик ва ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатади.
4. Филипс эгри чизиги турли мамлакатларда турличадир.
5. Кўтчилик иқтисодчилар чиқимлар инфляцияси ривожланаётган шароитда иш ҳақи ва нархларнинг давлат томонидан назорат қилиниши зарур деб ҳисоблайдилар.
6. Касаба уюшмалари ва фирмалар даромадлар сиёсатини ҳамда нархлар ва иш ҳақи устидан назоратни кўнгилди равишда қўллаб-куватлайдилар.
7. Иш ҳақининг үсиши камдан кам ҳолларда нархларнинг инфляцияли үсишига сабаб бўлувчи омил сифатида қаралади.
8. Одатда инфляцияның үсиши суръати билан иш ҳақи ставкасининг үсиши суръати бир хил бўлади.
9. Ишсизлик ва инфляция ўртасыда танлаш зарурати мавжуд бўлганда, инфляция суръатининг пасайиши қисқа муддатта даврда Филипс эгри чизигининг пастга сурилишига олиб келиши мумкин.
10. Чиқимларнинг оциши туфайли юз берган инфляция ишлаб чиқариш даражаси потенциал ЯММГа етган шароитда юзага келиши мумкин.
11. Тажрибалар инфляцияга қарши кураш жамият учун ижтимоий ва иқтисодий талофотларсиз ҳам кечиши мүмкінligини кўрсатади.
12. Инфляция даражасига ишлаб чиқариш харажатларининг үсиши таъсир қилмайди.
13. Монетаристлар ҳам, оқилона умидлар назарияси тарафдорлари ҳам Филипс эгри чизигининг мавжудлигини инкор қиласидилар.
14. Ҳеч бир иқтисодий модел тўла бандлик ва барқарор нархлар шароитидаги иқтисод учун пул тақлифи, давлат харажатлари ва солиққа тортиш ҳажмларини аниқлашга қодир эмас.
15. Монетаристлар ва тақлиф иқтисоди назарияси тарафдорларининг қарашлари ўртасыда кескин фарқлар йўқ.

МУАММОЛАР

1. 12.4-расмда Филипс эгри чизиги тасвирланган



12.4 - расм. Филлипс эгри чизиги

- а) 5% лик ишсизлик даражасига инфляциянинг қандай даражаси мос қелади? Нарххарнинг ўсиш даражаси 6% бўлганда, ишсизлик даражаси неча % га тенг бўлади?
- б) 12.2-жадвалда Филлипс эгри чизигининг миқдорлари берилган.
- 12.5-расмдан фойдаланиб, жадвал маълумотлари бўйича Филлипс эгри чизигини чизинг.

12.2-жадвал


Ишсизлик даражаси (%)	Нарххарнинг ўсиш сурʼати (%)
2	6
4	5
6	4
8	3

2. А мамлакат иқтисодиёти учун хос бўлган Филлипс эгри чизиги юқорига-ўнгга сурилди. Бу силжишни акс эттирувчи вазиятга нисбатан айтилган қўйидаги фикрларнинг қанчалик тўғрилигини баҳоланг:

- а) Парламентнинг либерал аъзоси бу силжиш ишсизликнинг кўпайишини билдиради, деб таъкидлайди.
- б) Парламентнинг консерватор аъзоси бу силжиш инфляциянинг ўсишини билдиради, деб таъкидлайди.
- в) Мамлакат Премьер-министрнинг фикрича, бу силжишга қарамай, унинг ҳукумати ҳам ишсизлик даражасини, ҳам инфляцияни пасайтиради.

ЖАВОБЛАР ВА ШАРҲЛАР**Асосий атамалар ва тушунчалар**

1. е; 2. м; 3. а; 4. к; 5. п; 6. о; 7. б; 8. з; 9. л; 10. в; 11. д; 12. и; 13. г; 14. к; 15. р; 16. ж; 17. с.



12.5 - расм. Филиппс эгри чизиги

Машқұлар

1. а) P, Q, R, S.
б) M.
в) P, Q, R, S.
г) R нұқтага.
д) PLMN чизиги бүйлаб.
2. а) 12.2-расм – ишлаб чықарып қарожатлари инфляцияси; 12.3-расм талаб инфляцияси.
б) 1-Тк, 2-Тл, 3-Тк, 4-Тл, 5-Тл.

Тестлар


1. б; 2. б; 3. б; 4. в; 5. в; 6. в; 7. б; 8. в; 9. а; 10. б; 11. б; 12. в; 13. г; 14. а; 15. а.

Түғри/Нотүғри

1. Н; 2. Н; 3. Т; 4. Т; 5. Т; 6. Н; 7. Н; 8. Н; 9. Т; 10. Н; 11. Н; 12. Н; 13. Н; 14. Т; 15. Н.

Муаммолар

1. а) 7%; 6%.
б) 12.6-расмга қаранг.
2. а) Шарт әмас. Агар мамлакат инфляция үсішига тоқат билан қараса, у ишсизликкінгү үсішини четлаб үтиши мүмкін.
б) Шарт әмас. Агар мамлакат ишсизликкінгү ортишига тоқат билан қараса, у инфляцияның үсішидан қутилиши мүмкін.
в) Филиппс эгри чизиги пастта-чапта силжимагунга қадар, йўқ.



12.6 - рasm. Филлипс зерги чизиги

13 мавзу

БЮДЖЕТ ТАҚЧИЛЛИГИ ВА ДАВЛАТ ҚАРЗЛАРИ

Бюджет тақчиллиги давлат харажатларининг унинг даромадларидан ортиб кетиши оқибатида юзага келади. У ўтган йилларда жамғарилган бюджет тақчилликларининг умумий миқдори, яъни давлат қарзининг ўсишига олиб келади.

Бюджетни тартибга солиш муаммоларига турли назарий ёндашувлар мавжуд. Баззи иқтисодчи (ва сиёсатчи) давлат бюджети ҳар йили баланслашган бўлиши керак, деб ҳисоблайдилар. Бошқалари эса даврий баланслашган бюджет тарафдорларидирлар. ҳамда бюджет даврийликка қарши сиёсатнинг воситасидир, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун, уларнинг фикрига, бюджет иқтисодий давр давомида баланслашса кифоя: яъни иқтисодий таназузл даврида вужудга келган тақчиллик ўсиш даврида қатъий бюджет-солиқ сиёсати натижасида бартараф этилиши мумкин. Бу фикрнинг заиф томони шундаки, кўтариувчи ва пасаювчи иқтисодий давр босқичларининг давомийлиги ва чуқурлигига фарқлар мавжуд.

Бюджетни тартибга солиш масаласи билан боғлиқ учинчи ёндошув функционал молиялар назарияси билан боғлиқ. Унга мувофиқ бюджетни баланслаштириш муаммоси иккинчи даражали вазифа сифатида қаралади ва биринчи ўринга иқтисодиётни барқарорлаштириш вазифаси қўйилади. Давлат қарзларининг ошиши қатор сабабларга кўра давлатнинг инқизозга учрашига олиб келмайди. Қарзни қоплаш зарурати бўлмайди, уни фақат молиялаштириш кифоя қиласди. Бундан ташқари, қўшимча солиқка тортиш қарз ва фоизларни тўлаш учун даромад манбаи бўлиши мумкин. Ниҳоят, ҳукumat мумаладаги пул миқдорини кўпайтириш ҳукуқига эгадир.

Бироқ давлат қарзларининг ўсиши салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкинки, булар: даромадлардаги тенгсизликларининг кучайиши; солиқларнинг ошиши оқибатида иқтисодий рағбатларнинг бузилиши; чет эликларга қарзлар ва фоизларни тўлаш зарурати билан боғлиқ ҳолда миллий маҳсулотнинг бир қисмини хорижга ўтказиш; хусусий инвестицияларни сиқиб чиқариш самараси.

Бюджет тақчиллиги туфайли ички бозорда фоиз ставкаларининг ошиши ҳам хусусий инвестицияларни сиқиб чиқаришга олиб келади, ҳам давлат қимматли қоғозларига талабнинг ошишини белгилайди. Бу, ўз навбатида, давлат ташқи қарзларининг ўсишига сабаб бўлади, бироқ миллий валютага талабни ҳам ошириши мумкинки, натижада миллий валютанинг ҳалқаро қиммати кўтарилади, импорт арzonлашади ва экспорт қимматлашади. Экспортнинг қимматлашуви оқибати камайиши иқтисодиётнинг ривожига тўсқинлик қиласди. Бундай жараён сўнгги йилларда АҚШ да кузатилган бўлиб, у ерда ҳукumat бу даврда функционал молиялар назариясига таянди.

Ўқув мақсадлари

1. Бюджет тақчиллиги ва давлат қарзи тушунчаларини шархлаш.

2. Бюджет тақчиллиги билан боғлиқ бўлган турли фикрларнинг моҳиятини аниқлаш.
3. Давлат қарзи оқибатларини аниқлаш.
4. Бюджет тақчиллиги, фоиз ставкалари даражаси, инвестициялар ҳажми, миллий валютага бўлган хорижий талаб, унинг курсининг ўзгариши ва савдо баланси қолдиги ўртасидаги сабаб-оқибат боғланишларини тушуниш.

АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

- а) бюджет тақчиллиги;
- б) функционал молиялаштириш;
- в) даврий баланслашган бюджет;
- г) давлат қарзи;
- д) ташқи қарз;
- е) ҳар йили баланслаштириладиган бюджет;
- ж) миллий валютанинг ҳалқаро қиммати.

1. Давлатнинг товар ва хизматларга бўлган ҳаражатлари миқдори билан жами солиқ тушумлари соф миқдорининг ҳар бир йил мобайнидаги тенглиги.
2. Давлатнинг товар ва хизматларга бўлган ҳаражатлари миқдори билан солиқ тушумлари миқдорининг иқтисодий давр мобайнидаги тенглиги.
3. Ҳар бир берилган йилда давлат ҳаражатларининг унинг даромадларидан ортиқ миқдори.
4. Давлат қимматли қоғозлари эгаларига давлатнинг аввалти йиллардаги бюджет тақчилликлари миқдоридан бюджет ортиқчалигининг айримасига тенг бўлган қарзларининг умумий миқдори.
5. Тўла бандлик шароитида инфляциясиз соф миллий маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида, бюджет-солиқ сиёсатидан, ушбу сиёсатнинг давлат қарзига таъсиридан қатъи назар, фойдаланиш.
6. Давлатнинг чет эл фуқаролари, фирмалари ва ташкилотларига бўлган қарзлари.
7. Миллий валютанинг чет эл валютасида ифодаланган баҳоси.

МАШҚЛАР

1. Ялпи миллий маҳсулот тўла бандлик шароитида 20 млрд. долларни ташкил этади. ЯММнинг ҳақиқий ҳажми 16 млрд. долларга тенг. Солиқлар ЯММнинг 10%ини ташкил қиласди. Товар ва хизматларга давлат ҳаражатлари 1,8 млрд. доллаарга тенг.
 - а) Давлат бюджети тақчил бўладими ёки ортиқчами? Унинг миқдорини аниқланг.
 - б) Тўла бандликка эришилган шароитда давлат бюджетининг қолдиги қандай ўзгаришини аниқланг.
2. Ҳукумат чет эл банкларидан 1 млрд. доллар миқдорида йиллик 8% ставкада қарз олди. Бу маблағлар мамлакат ялпи миллий маҳсулотини кейинги йиллар мобайнида йилига 300 млн. долларга оширишга имкон берувчи лойиҳаларни амалга оширишга инвестицияланади.
 - а) Бу қарз мамлакат давлат қарзининг ошишига олиб келадими ва у қандай миқдорда ошади?
 - б) Ушбу мамлакат фуқароларига юкланаётган соф молиявий оғирлик (ташвиш) ўсадими?
3. Ҳукумат I йил муддатга 4% ставка бўйича 10 000 доллар миқдорида қарз олди.
 - а) Йил охирига келиб ҳукумат қарзининг қандай миқдорини тўлаши лозим?

- б) Агар йиллик инфляция суръати 3%ни ташкил қылса, қарзнинг бу миқдори номинал миқдорга тенг бўладими?
- в) Инфляция бўлмаган шароитда қарз ва фоиз миқдори қандай бўлади?
- г) Агар йиллик инфляция суръати 3%ни ташкил қылса, инфляцияни ҳисобга олиб ўзгартирилган қарз ва фоизнинг миқдори қандай бўлади?
- д) Агар инфляция йилига 3%ни ташкил қылса, инфляцияни ҳисобга олмай ҳисобланган қарз ва фоиз миқдори қандай бўлади?

ТЕСТЛАР

1. Давлат қарзи бу аввалги:

- а) давлат харажатларининг йигиндиси;
- б) бюджет тақчилликларининг йигиндиси;
- в) бюджет тақчиллигидан бюджет ортиқчалигининг айрмаси;
- г) бюджет ортиқчалигидан бюджет тақчиллигининг айрмаси;
- д) мудофаа харажатларининг йигиндиси.

2. Инфляция бу:

- а) давлат қарзи эгаларига солинадиган солиқ, чунки у давлат бюджети тақчиллиги миқдорини қисқартиради;
- б) давлат қарзи эгаларига солинадиган солиқ, чунки у давлат бюджети тақчиллиги миқдорини оширади;
- в) ҳукуматга солинадиган солиқ, чунки у бюджет тақчиллиги миқдорини қисқартиради;
- г) ҳукуматга солинадиган солиқ, чунки у бюджет тақчиллиги миқдорини оширади;
- д) давлат қарзи эгаларига солинадиган солиқ, чунки у бюджет тақчиллиги миқдорига таъсир қилмайди.

3. Давлат қарзи давлатнинг инқирозга учрашига олиб келмайди, чунки у:

- а) қарзни узиши шарт эмас;
- б) қарзни қайтадан молиялаштириши мумкин;
- в) муомаладаги пул массасини кўпайтириши мумкин;
- г) барча жавоблар тўғри;
- д) барча жавоблар нотўғри.

4. Давлат қарзи қандай иқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкин?

- а) миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариш имкониятларининг қисқаришига;
- б) турмуш даражасининг пасайишига;
- в) миллий бойликнинг жамият аъзолари ўртасида қайта тақсимланишига;
- г) жами миллий харажатларнинг кўпайишига;
- д) барча жавоблар тўғри.

5. Давлат харажатларининг ошиши натижасида вужудга келган давлат қарзи билан боғлиқ сиқиб чиқариш самараси:

- а) хусусий инвестиция харажатларини қисқартиради;
- б) фоиз ставкаларининг ошишига олиб келади;
- в) келаражакда ишлаб чиқариш имкониятларининг қисқаришига олиб келади;
- г) барча жавоблар тўғри;
- д) барча жавоблар нотўғри.

6. АҚШда фоиз ставкаларининг юқорироқлиги туфайли, Америка давлат облигацияларига ўсаётган ташқи талаб:

- а) АҚШнинг ташқи қарзини ва долларнинг халқаро қадрини оширади;
- б) АҚШнинг ташқи қарзини оширади ва долларнинг халқаро қадрини пасайтиради;
- в) АҚШнинг ташқи қарзини қисқартиради ва долларнинг халқаро қадрини оширади;
- г) АҚШнинг ташқи қарзини қисқартиради ва долларнинг халқаро қадрини пасайтиради;
- д) барча жавоблар нотўғри.

7. Миллий валютанинг халқаро қадри ошганда:

- а) экспортнинг кўпайиши кузатилади;
- б) импортнинг қисқариши кузатилади;
- в) соғ экспортнинг қисқариши кузатилади;
- г) юқоридаги барча жавоблар тўғри;
- д) экспорт ва импорт ҳажмида ўзгаришлар юз бермайди.

8. Агар ҳукумат ҳар йили баланслаштирилган бюджетта интилса, унда бундай бюджет:

- а) иқтисодий давр доирасида тебранишларни сусайтиради;
- б) иқтисодий давр доирасида тебранишларни кучайтиради;
- в) ишлаб чиқариш ҳажми ва бандлик даражасига ҳеч қандай таъсир қилмайди;
- г) инфляцияни сустлаштиришга кўмаклашади;
- д) жами талабни рагбатлантиради.

9. Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича нисбий харажатлар:

- а) давлат қарзи миқдори билан ўлчанади;
- б) қарз бўйича фоиз тўловлари миқдори билан ўлчанади;
- в) қарз миқдорининг ЯММ ҳажмига нисбати билан ўлчанади;
- г) қарз бўйича фоиз тўловлари миқдорининг ЯММ ҳажмига нисбати билан ўлчанади;
- д) барча жавоблар нотўғри.

10. Давлат қарзи давлатнинг солиқ тўловчилар олдидағи мажбуриятидир. Бунинг сабаби:

- а) фақат фоизларни тўлаш иқтисодий оғирликни ташкил этишида;
- б) расмий маълумотлар давлат қарзи миқдорини камайтириб кўрсатишида;
- в) давлат облигацияларининг асосий қисми мамлакат фуқароларига ва миллий фирмаларга тегишли бўлганида;
- г) давлат қарзи давлат активлари суммасига тенг эканида;
- д) фуқаролар трансферт тўловларининг олувчилари эканида.

11. Сиқиб чиқариш самараси нимани кўзда тутади?

- а) давлат харажатларининг ўсиши хусусий инвестицияларнинг камайишига олиб келишини;
- б) маҳаллий ишлаб чиқариш импортнинг ўрнини олишини;
- в) хусусий инвестицияларнинг ўсиши давлат харажатларининг камайишига олиб келишини;
- г) товар ва хизматларнинг истеъмоли ўсишини, инвестициялар ҳажми эса қисқаршини;
- д) барча жавоблар нотўғри.

12. Қўйидаги қайси таъриф тўғри? Сезиларли бюджет тақчиллиги нималарга имкон беради?

- а) фоиз ставкаларини камайтириш, миллий валютанинг халқаро қадрини қисқартириш ва соф экспортнинг ұажмини оширишга;
- б) фоиз ставкаларини ошириш, миллий валютанинг халқаро қадрини ошириш ва соф экспорт ұажмини камайтиришга;
- в) фоиз ставкаларини ошириш, миллий валютанинг халқаро қадрини камайтириш ва соф экспорт ұажмини оширишга;
- г) фоиз ставкаларини ошириш, миллий валютанинг халқаро қадрини ошириш ва соф экспортнинг ұажмини оширишга;
- д) фоиз ставкаларини камайтириш, миллий валютанинг халқаро қадрини ошириш ва соф экспортнинг ұажмини оширишга.

13. Башқа төңг шартларда, тұла бандлык даврида йирик бюджет тақчилігі қуйидаги олиб қелади:

- а) экспортнинг импортдан ортиқ бўлишига;
- б) миллий валюта халқаро қадрининг қисқаришига;
- в) харажатларнинг ўсиши келтириб чиқарган инфляцияга;
- г) реал фоиз ставкаларининг ўсишига;
- д) реал фоиз ставкаларининг пасайишига.

14. Давлат бюджети тақчилігі қуйидаги ҳолларда пайдо бўлади:

- а) давлат активларининг миқдори унинг мажбуриятлари миқдоридан ортиқ бўлса;
- б) давлат харажатларининг миқдори солиқ тушумлари миқдоридан ортиқ бўлса;
- в) давлат харажатлари камайса;
- г) солиқ тушумларининг миқдори қисқарса;
- д) давлат мажбуриятлари унинг активларидан ортиқ бўлса.

15. Давлат қарзининг реал муаммоларидан бири шундаки:

- а) даромадлардаги тенгизлик қисқаради;
- б) ишлаб чиқариши самарадорлигини күтариш рағбатлари ўсади;
- в) миллий маҳсулотнинг бир қисми мамлакат ташқарисига чиқиб кетади;
- г) ихтиёрдаги даромаднинг барча даражаларида жамғармалар ҳиссаси ортади;
- д) барча жавоблар тўғри.

16. Фараз қиласылар, катта бюджет тақчиллигини молиялаштириш мақсадида АҚШда фоиз ставкаси кўпаймоқда. Бу вазиятда:

- а) Америка қимматли қоғозларини сотиб олиш учун, мамлакат ташқарисида долларга талаб кўпаяди ва долларнинг халқаро қадри пасаяди;
- б) Америка қимматли қоғозларини сотиб олиш учун, мамлакат ташқарисида долларга талаб кўпаяди ва долларнинг халқаро қадри ўсади;
- в) Америка қимматли қоғозларини сотиб олиш учун, мамлакат ташқарисида долларга талаб камаяди ва долларнинг халқаро қадри пасаяди;
- г) ташқи валюта бозорларида долларнинг таклифи камаяди ва долларнинг халқаро қадри пасаяди;
- д) барча жавоб нотўғри.

17. Ўсаётган давлат қарзлари билан боғлиқ муаммолар ишлаб чиқариш ұажмининг қисқариши ва ишсизликнинг ўсиши муаммоларига қараганда, иқтисодиёт учун кам азамиятта эга. Бу фикр қайси нұқтаи назар тарафдорларига таалукли?

- а) ҳар йили баланслаштириладиган бюджет тарафдорларига;
- б) даврийлик асосида баланслаштириладиган бюджет тарафдорларига;

- в) функционал молиялар тарафдорларига;
г) сиқиб чиқариш самараси тарафдорларига ;
д) Лаффер зетри чизиги тарафдорларига.
18. Даврийлик асосида баланслаштирилган давлат бюджети қўйидагининг оқибати бўлиши мумкин:
- а) иқтисодий таназзул даврида давлат ҳаражатларининг ўсиши ва солиқларнинг камайиши;
 - б) иқтисодий таназзул даврида давлат ҳаражатларининг қисқариши ва солиқларнинг ошили;
 - в) инфляцияли ўсиш даврида давлат ҳаражатларининг ўсиши ва солиқларнинг камайиши;
 - г) инфляцияли ўсиш даврида ўзгармас солиқ ставкаларида давлат ҳаражатларининг ўсиши;
 - д) иқтисодий таназзул даврида давлат ҳаражатларининг қисқариши ва солиқларнинг камайиши.

ТЎҒРИ/НОТЎҒРИ

1. Давлат қарзи миқдорини аҳоли кўлида бўлган барча давлат облигациялари қимматини қўшиш йўли билан аниқлаш мумкин.
2. Ички қарз даромадларининг қайта тақсимланишига олиб келади.
3. Йиллик бюджет тақчиллиги давлат бюджети даромадларидан унинг ҳаражатларининг айнорасига тенг.
4. Давлат бир вақтнинг ўзида ҳам тўла бандликка эришишга қаратилиган бюджет-солиқ сиёсатини қўллашкча ҳам ўз бюджетини даврийлик асосида баланслаштириши мумкинлиги шубҳа туғдиради.
5. Функционал молиялар назарияси тарафдорларининг фикрига кўра, бюджетни ҳар йили баласланштириш ҳам, даврийлик асосида баланслаштириш ҳам тўла бандликка ва нарх барқарорлигига эришишга нисбатан иккинчи даражалидир.
6. Инфляция номинал давлат қарзининг реал қийматини оширади.
7. Ўсаётган ҳаражатларни молиялаштириш учун, давлат облигацияларини чет элилкардага сотиб, ҳукумат маълум оғирликни келажак авлодга юклайди.
8. Якка тартибдаги солиқларни қўпайтириш ҳисобига ўсаётган ҳаражатларни молиялаштириб, давлат маълум оғирликни келажак авлод зиммасига юклайди.
9. Сиқиб чиқариш самараси инвестицияга бўлган талаб эгри чизигини чапга силжитади.
10. Миллий валюта халқаро қадрининг ошиши ушбу мамлакатда ишлаб чиқаришни ва бандликни кентгайтиришга олиб келади.
11. Давлат қарзининг аниқроқ тавсифини унинг абсолют миқдори эмас, балки унинг ЯММ ҳажмига нисбати беради.
12. Функционал молиялар назарияси тарафдорлари давлат бюджети ҳар йилда эмас, балки даврийлик асосида баланслаштирилиши лозим, деб ҳисоблайдилар.
13. Давлат қарзи миқдори барча бюджет тақчилликларининг жами йигиндисидан иборат (бюджет ортиқчалиги бунга кирмайди).
14. Миллий валюта халқаро қийматининг ортиши экспортнинг ўсиши ва импортнинг қисқаришига олиб келади.
15. Даврийлик асосида баланслаштириладиган бюджет таназзул даврида давлат ҳаражатларининг қисқаришига ва солиқ тушумларининг кўпайшишига сабаб бўлиши мумкин.
16. Урушлар ва иқтисодий таназзуллар одатда давлат қарзларининг тарихий сабаблари бўлиб ҳисобланади.

17. Йирик давлат қарзи давлатни инқирозга олиб келиши мүмкін деган фикр нотүгри, чунки қарзни узиш шарт әмас, уни фақат қайта молиялаштириш мүмкін холос.
18. Ташқи қарзлар миллий иқтисодиёт күтариши шарт бўлган оғир юқ бўлиши мүмкін әмас.
19. Фоиз тўловларининг ЯММ миқдорига нисбати давлат қарзи бўйича фоизларни тўлаш учун керак бўладиган солиқ даражасини ифодалайди.
20. Агар давлат даромадлари ошиб борса, давлат бюджетининг тақчилитиги ҳосил бўлади.

МУАММОЛАР

1. 13.1-жадвалда турли фоиз ставкаларида инвестицияларга бўлган талабнинг миқдори ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Истеъмолга меъёрий мойиллик 0,8 га тенг.

13.1-жадвал.

Фоиз ставкалари (%)	Режалаштирилган соф инвестициялар (ю.т.т.)
8	115
7	140
6	165
5	190
4	215

- a) Агар товар ва хизматларининг давлат хариди ҳажми 20 долларга оши, реал соф миллий маҳсулотнинг мувозанатли ҳажми қандай ўзгаради?
- b) Агар ҳукумат бу маблаг'ни солиқлар миқдорини 20 долларга ошириш ҳисобига олган бўлса, реал соф миллий маҳсулотнинг мувозанатли ҳажми қандай ўзгаради?
- c) Агар ҳукумат пул бозорида 20 доллар олиши натижасида фоиз ставкаси 5%дан 6%гача кўтарилса, режалаштирилган соф инвестициялар ҳажми қандай ўзгиришида ифодаланган давлат харжатлари кўпайишининг соф самарасини аниқланг.

2. 13.2-жадвалга қарант.

13.2-жадвал.

ЯММ	Солиқ тунумлари миқдори	Давлат харжатлари
800	200	260
900	230	260
1000	260	260
1100	300	260

- a) Тўла бандлик шароитида эришиладиган ЯММ миқдори 900 млрд. долларга тенг бўлганда бюджет қолдигининг миқдори ва хусусияти қандай бўлади? 1100 млрд. долларга тенг бўлгандачи?
- b) Тўла бандлик шароитида таҳминий инвестициялар ва жамғармалар ўртасидаги нисбат қандай? (бунда соф экспорт нолга тенг).

ЖАВОБЛАР ВА ШАРҲЛАР

Асосий атамалар ва тушунчалар

1. е; 2. в; 3. а; 4. г; 5. б; 6. д; 7. ж.

Машқлар

1. а) Давлат бюджети тақчиллiği 0,2 млрд. долларни ташкил этади.
б) Давлат бюджети ортиқчалиги 0,2 млрд. долларни ташкил этади.
2. а) Давлат қарзи 1 млрд. долларга оргади.
б) Йүқ. Миллий маҳсулот ўсишининг фоиз миқдоридан ҳар йиллик ортиқлиги 220 млн. долларни ташкил этади. 5 йил давомида тўпланган маблағ қарзни тўлашга етарли бўлади.
3. а) 10000 доллар
б) Йўқ.
в) Қарз миқдори — 10000 доллар, фоиз ҳажми — 400 доллар.
г) Қарз миқдори — 10300 доллар, фоиз ҳажми — 412 доллар.
д) Қарз миқдори — 10000 доллар, фоиз ҳажми — 712 доллар.

Тестлар

1. в; 2. а; 3. г; 4. в; 5. г; 6. а; 7. в; 8. б; 9. г; 10. в; 11. а; 12. б; 13. г; 14. б; 15. в; 16. б; 17. в; 18. а.

Тўғри/Нотўғри

1. Т; 2. Т; 3. Н; 4. Т; 5. Т; 6. Н; 7. Т; 8. Н; 9. Н; 10. Н; 11. Т; 12. Н; 13. Т; 14. Н; 15. Н; 16. Т; 17. Т; 18. Н; 19. Т; 20. Н.

Муаммолар

1. а) 100 долларга ошади.
б) 20 долларга ошади.
в) 25 долларга камаяди; 125 долларга камаяди; 25 долларга камаяди.
2. а) Тақчиллик 30 млрд. доллар; ортиқчалик 40 млрд. долларга тенг.
б) Инвестициялар жамгармалардан 40 млрд. долларга ортиқ бўлиши керак.

14 мавзу

ИҚТЫСОДИЙ ЎСИШ

Иқтисодий ўсиш назарияси жавоб берілгің интилаёттан бош масала узоқ муддатлы даврда, яғни тұла бандлык шароитида номинал маҳсулотнинг реал ҳажмини қандай қилиб күпайтириш мүмкінligидір. Бу масаланың жавоби амалий аҳамияттаға эга, чунки унинг ҳал этилиши ресурслар чекланғанligини енгіштегі ва, демак, иқтисодиётнинг жамият әхтиёжларини қондириш имкониятларини көнгайтиришга имкон беради.

Иқтисодий ўсиш иккі усул билан үлчанади: маълум вақт давомида реал ЯММ-нинг күпайиши ва маълум муддат мобайнида ақоли жон бошига ЯММ ҳажмининг ўсиши билан.

Иқтисодий ўсиш омилларини үч гурухта ажратиш мүмкін: таклиф омиллари (табиий ресурслар, меңнат ресурслари, асосий капитал ҳажми, технология); талаб омиллари (жами хараждаттар даражасы); тақсимот омиллари (ресурслардан самарали фойдаланиш). Бирок иқтисодий ўсиш муаммоларини мұхқама қылғанда, таклиф омилларининг аҳамияти, одатда, биринчи ўринга чиқади. Шунинг учун иқтисодий ўсиш күпинча таклиф әгри чизигінинг ўнта силжиши ёрдамида аниқланади. Иқтисодий ўсишни унинг таклиф омиллари билан бөлілікке да үрганиб, ЯММнинг күпайиши ҳам ресурсларнинг ўсиши, ҳам улардан фойдаланыш самарадорлігінинг ошиши билан белгиланади, деб хулоса қилиш мүмкін. Биринчisi таклиф ўсишининг экстенсив омилларини көнгайтиришни талаб этса, иккінчisi таклифні көнгайтиришнинг интенсив омилларини биринчи ўринга құяди. Ҳозирги вақтда ривожланған мамлакатларда иқтисодий ўсишни тушунтиришіда интенсив омиллар биринчи даражали аҳамияттаға эга бўлиб, булар: техника тараққиети, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, умумий ва малакавий таълим. Иқтисодий ўсишга бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Улардан бальзилари иқтисодий ўсишни тұхтатиб туради (масалан, атроф-мухитни ҳимоялашга катта капитал қўйилмалар, меңнат фаолиятидаги ижодий ибтидонинг сиқиб чиқарилиши, ўткир ижтимоий қарама-қаршиликлар ва ҳ.к.). Бошқалари, аксинча, уни жадаллаштыриши мүмкін (масалан, жамиятдаги қулай ижтимоий, маданий, сиесий вазият).

Иқтисодчилар иқтисодий ўсишга нисбатан ягона фикрга эга эмаслар, чунки у фақат ижобий эмас, балки салбий оқибатларга ҳам олиб келади.

Иқтисодий ўсиш тарафдорлари орасыда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш за тартибга солишида давлатнинг ўрни масаласига нисбатан келишмовчиликлар мавжуд.

Кейнес мактаби иқтисодий ўсишни, биринчи навбатда, талаб омиллари билан боғлайды ва бюджет-солиқ ҳамда пул-кредит сиёсати ёрдамида давлат уни, айниқса, қисқа муддатли даврда тартибга солиши мүмкін, деб таъкидлайди. Таклиф иқтисоди назарияси тарафдорларининг фикрича, иқтисодий ўсиш, биринчи навбатда, таклиф омиллари билан боғлиқ бўлиб, бу таклиф солиққа тортишнинг пухта ўйланған тизими билан рағбатлантирилиши лозим.

Кўпчилик иқтисодчиларнинг фикрича, иқтисодий ўсиш маълум индустрнал сиёсатни шактлантиришда давлатнинг иштирокини ҳам кўзда тутади ҳамда ушбу сиёсат

иқтисодий ўсиш суръатларининг ошиши учун қулай шароитлар ҳамда рағбатлар яратади.

Иқтисодий ўсишни тартибга солища давлатнинг ўрни ҳақида турли-туман нуқтаси назарлар бўлса-да, иқтисодчилар асосан тўла бандлик шароитида капитал сифими даражасига ва жамғармага бўлган мойилликка унинг таъсир этиш имкониятлари жуда чегараланганигина тан оладилар.

Ўқув мақсадлари

1. Иқтисодий ўсиш тушунчаси ва уни ўлчаш усусларини очиб бериш.
2. Экстенсив ва интенсив иқтисодий ўсиш ўргасидаги фарқни тушуниш.
3. Иқтисодий ўсишта таъсир кўрсатувчи асосий омилларни аниқлаш.
4. Замонавий шароитдаги техника тараққиётига тавсиф бериш.
5. Инсон капиталига кўйилган инвестицияларнинг иқтисодий ўсишнинг омили сифатидаги хусусиятини ва ўсиб бораётган аҳамиятигини кўрсатиш.
6. Техника тараққиётининг салбий оқибатларини аниқлаш.
7. Иқтисодий ўсишни тартибга солища давлатнинг ўрнини очиб бериш.

АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

- а) инсон капиталига инвестициялар;
- б) инновация (янгилик);
- в) иқтисодий ўсиш;
- г) экстенсив иқтисодий ўсиш;
- д) интенсив иқтисодий ўсиш.

1. Ишловчиларнинг малакасини ошириш ва қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар.
2. Абсолютифодадаги ёки аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯММ реал ҳажмининг кўпайиши.
3. Интенсив омилларни қўллашга асосланган иқтисодий ўсиш (ресурслардан самаралироқ фойдаланиш).
4. Янги технологиянинг биринчи марта тижорий қўлланиши.
5. Экстенсив омилларни қўллашга асосланган иқтисодий ўсиш (фойдаланилаётган ресурслар ҳажмини кўпайтириш).

МАШҚЛАР

1. 14.1-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида қўйидаги кўрсаткичларни аниқланг:

14.1-жадвал

Ном	Аҳоли (млн. кинди)	ЯММининг реал ҳажми (марз. доллар)	Аҳоли жон бойига ЯММининг реал ҳажми (долл.)
1	30	9	
2	60	24	
3	90	45	
4	120	66	
5	150	90	
6	180	99	
7	210	105	

- а) Ақоли жон бошига ҳисобланған ЯММнинг реал ұажмини (олинган маңлумоттарни жадвалға ёзинг).
- б) Ушбу мамлакатдаги ақолининг маңбул сонини.
- в) 2-чи йилда 1-чи йилдегі нисбатан ЯММнинг абсолюттік үсіши миқдорини.
- г) 4-чи йилда 3-чи йилга нисбатан ЯММ үсішини (фоизларда).
- д) 7-чи йилда 6-чи йилга нисбатан ақоли жон бошига ҳисобланған ЯММнинг үсішини (фоизларда).

2. 14.2-жадвалда көлтирилған маңлумоттар асосида құйдагиларнинг аниқланғ:

- а) Ҳар йилдегі ЯММнинг реал ұажмини (олинган маңлумоттарни жадвалға ёзинг).
- б) 2-чи йилда 1-чи йилга нисбатан мәннаттунумдорлиги неча фоизга ўсди? Бунинг оқибатыда (мәннаттунумдорлиги ўзгаришсиз қолды) ЯММнинг реал ұажми неча фоизга күпайды?
- в) 3-чи йилда 2-чи йилга нисбатан мәннат миқдори неча фоизга ўсди? Бунинг оқибатыда (мәннаттунумдорлиги ўзгармади) ЯММнинг реал ұажми неча фоизга күпайды?
- г) 3-чи йилда 1-чи йилга нисбатан ЯММнинг реал ұажми неча фоизга күпайды?

14.2-жадвал.

Ном	Мәннат миқдори (соаттар)	Мәннаттунумдорлиги (процентар)	ЯММнинг реал ұажми (до.кілар)
1	1000	100	
2	1000	105	
3	1100	105	

3. 14.3-жадвалда индустрималь ривожланған мамлакатлардаги пўлат эритиш саноатида сарфланған иш вақти соатлари миқдори ва пўлатни эритиш ұажми ўртасидаги нисбатни ифодаловчи маңлумоттар көлтирилған.

14.3-жадвал.


Иш вақти (мин. соат)	Пўлат ишлаб чиқариш ұажми (мин. соат)	Иш вақти (мин. соат)	Пўлат ишлаб чиқариш ұажми (мин. т)
1	2	4	9
2	4	5	10
3	7	6	9

а) Иш вақти сарфининг қандай даражасида мәннатнинг меъерий маңсулоти камайды? Қандай даражада мәннатнинг ўртаса маңсулоти қисқаради?

б) Фараз қылайлық, янги технологияни қўллаш пўлат эритиш саноатида мәннаттунумдорлигини 2 марта кўпайтиришга имкон берди. Иш вақти ұажми 4 млн. соатдан 5 млн. соаттагача кўпайғанда мәннатнинг меъерий маңсулоти миқдорини аниқланғ. 6 млн. соатли иш вақти қўлланилганда мәннатнинг ўртаса маңсулоти миқдорини аниқланг.

в) Агар янги технология қўлланилгунча 4 млн. т пўлат ишлаб чиқарилган бўлса-ю, бу технология киритилгандан сўнг 8 млн. т ишлаб чиқарила бошланса, унда мәннаттунумдорлиги неча марта ўсган?

г) 14.1-расмда янги технология қўлланилгунга қадар мәннатнинг ўртаса маңсулоти жаря чизигини тасвирланг.



14.1 - расм. Мәдненің ўртача маңсулоти зерттеуде

ТЕСТЛАР

- Ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсишнинг энг муҳим сабаби бу:
 - иш вақти ҳажмининг күпайиши;
 - ишлиб чиқаришдаги технологик ўзгаришлар;
 - қўлланилаётган капитал ҳажмининг күпайиши;
 - иқтисодий ўсишга ёрдам берувчи пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсатини амалга оширилиши;
 - ишчи кучи малакасининг ўсиши.
- Қўйида келтирилган кўрсаткичлардан қайси бирни давлат ҳарбий салоҳиятини ўлчаш учун кўпроқ мос келади?
 - ЯММнинг номинал ҳажми;
 - ЯММнинг реал ҳажми;
 - аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯММнинг номинал ҳажми;
 - аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯММнинг реал ҳажми;
 - оиланинг ўртача жон бошига даромади.
- Охирги тўрт ўн йилликда қўйида келтирилган мамлакатлардан қайси бирни иқтисодий ўсишнинг юқорироқ суръатларига эришди?
 - Буюк Британия; б) Италия; в) Япония; г) Германия; д) АҚШ.
- ЯММнинг реал ҳажми ва унинг аҳоли жон бошига ҳисобланган реал ҳажмининг ўсиши ҳақидаги маълумотлар:
 - аҳоли жон бошига ЯММнинг реал ҳажми ЯММнинг реал ҳажми миқдорига қарандан тезроқ ўсишини кўрсатади;
 - иқтисодий ўсишни камайтириб кўрсатади, чунки улар атроф-муҳитни ифлослаштириш омилини эътиборга олмайдилар;
 - иқтисодий ўсишни камайтириб кўрсатади, чунки улар мавжуд иш вақти қисқаришини эътиборга олмайдилар;
 - я) ЯММнинг реал ҳажми ЯММнинг номинал ҳажмiga нисбатан доимо тезроқ ўсишини кўрсатади.

5. Мәннат унумдорлуги қуйидаги нисбат билан үлчанади:
- капитал сарфининг мәннат сарфига нисбати;
 - маңсулот реал ҳажмининг иш вақти соатлари миқдорига нисбати;
 - маңсулот реал ҳажмининг ахоли сонига нисбати;
 - иш вақти соатлари миқдорининг ЯММнинг реал ҳажмита нисбати;
 - капитал сарфининг маңсулот реал ҳажмита нисбати.
6. Қуйида келтирілгандардан қайсибири мәннат унумдорлугининг үсишига таъсир күрсатмайды?
- технологик үзгаришлар;
 - ишлоғчилар сонининг күпайиши;
 - ишлоғчиларнинг таълим ва малака даражаси;
 - ишлиаб чиқариш күлами самараси;
 - ишлиаб чиқаришни ташкил этиши даражаси.
7. Қуйида келтирілганден тәнгликтардан қайсибирин тұғри деб топиш мүмкін?
- маңсулот ҳажми = мәннат унумдорлуги : иш вақти соатлари миқдори;
 - мәннат унумдорлуги = иш вақти соатлари миқдори : маңсулот ҳажми;
 - маңсулот ҳажми = иш вақти соатлари миқдори × мәннат унумдорлуги;
 - иш вақти соатлари миқдори = мәннат унумдорлуги × маңсулот ҳажми;
 - мәннат унумдорлуги = иш вақти соатлари миқдори × маңсулот ҳажми;
8. Иқтисодий үсіш қуйидагича тасвирланиши мүмкін:
- ишлиаб чиқариш имкониятлари әгри чизигининг өзінде орналасқан болып табылады;
 - ишлиаб чиқариш имкониятлари әгри чизигининг үнгінде орналасқан болып табылады;
 - нұқтанинг ишлиаб чиқариш имкониятлари әгри чизиги бүйлаб қарастырылады;
 - ишлиаб чиқариш имкониятлари әгри чизиги ичіда бир нұқтадан иккінчесінде орналасқан болып табылады;
 - ишлиаб чиқариш имкониятлари әгри чизигидан ташқарыда бир нұқтадан бошқасында орналасқан болып табылады.
9. "AD – AS" моделида иқтисодий үсіш қуйидагича акс эттирилиши мүмкін:
- AS әгри чизигининг өзінде орналасқан болып табылады;
 - AD әгри чизигининг үнгінде орналасқан болып табылады;
 - AD әгри чизигининг өзінде орналасқан болып табылады;
 - AS әгри чизигининг үнгінде орналасқан болып табылады;
 - барча жағоблар нотұғри.
10. Ишчи кучининг қишлоқ хұжалигидан саноатта тарихий күчиши:
- инфляция қаржысынан туғдирауды;
 - үртача мәннат унумдорлугига таъсир этмайды;
 - үртача мәннат унумдорлугининг үсишига олиб келади;
 - үртача мәннат унумдорлугининг қисқарышында олиб келади;
 - ахоли жон бошыға қисобланған ЯММ ҳажмининг камайишинда олиб келади.
11. Бошқа тәнгшартларда, агар тұла бандлық билан ифодаланған иқтисодиетта ишлиаб чиқариш воситаларини ишлиаб чиқаришда ресурсларнинг сезиларлы күчиши юз берса, унда қуйидегини күтиш лозим:
- жорий истеъмол ҳажмининг күпайишини;
 - келажакда истеъмол ҳажмининг пасайишини;

- в) ЯММ ўсиш суръатининг пасайишини;
 г) меҳнат унумдорлигининг кўпайишини;
 д) инвестициялар ҳажмининг камайишини.
12. Тўла бандлик билан ифодаланувчи иқтисодиётда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари нимани талаб этади?
 а) жамғармаларнинг паст мөъерини ва инвестицияларнинг паст мөъерини;
 б) жамғармаларнинг юқори мөъерини ва инвестицияларнинг паст мөъерини;
 в) жамғармаларнинг юқори мөъерини ва инвестицияларнинг юқори мөъерини;
 г) жамғармалар ва инвестициялар мөъерининг пасайишини;
 д) жамғармаларнинг паст мөъерини ва инвестицияларнинг юқори мөъерини.
13. Иқтисодий ўсиш назарияси тарафдорлари ўз қарашларини ҳимоя қилишда қуидада келтирилган далиллардан биттасини келтирамайдилархолос. Уша битта далил қайси?
 а) иқтисодий ўсиш турмуш даражасининг кўтарилишига олиб келади;
 б) иқтисодиёт муваффақиятли ривожланаётганда камбағаллик билан курашиб осон;
 в) ЯММ реал ҳажмининг кўпайиши ва атроф-муҳитни яхшилаш ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд;
 г) иқтисодий ўсиш таълим ва малака даражасини кўтаришга шарт-шароитлар яратади;
 д) иқтисодий ўсиш мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамланишига олиб келади.
14. Фараз қилайлик, иқтисодиётда 50 ишчи банд бўлиб, уларнинг ҳар бирини йилига 3000 соат ишлайди. Меҳнат унумдорлиги соатига 8 долларни ташкил этади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий ҳажми қуидагини ташкил этади:
 а) 150000 доллар; в) 1000000 доллар; д) 1400000 доллар;
 б) 750000 доллар; г) 1200000 доллар;
15. АҚШда ЯММнинг реал ҳажми 1929 йилда 710 млрд. долларни, 1940 йилда 773 млрд. долларни ташкил этган. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯММнинг реал ҳажми 1929 йилда 5820 долларни, 1940 йилда эса 5553 долларни ташкил этган. Нима учун биринчи кўрсаткич кўпайган, иккинчиси эса камайган?
 а) ЯММнинг реал ҳажми кўрсатилган даврда ўсган мамлакат иқтисодий ривожланиш даражасини акс эттиради, аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯММнинг реал ҳажми эса, аксинча, турмуш даражасининг пасайишини акс эттиради;
 б) кўрсатилган давр мобайнида мамлакат улкан таназзулни бошидан кечирган, шунинг учун кўрсатилган кўрсаткичларнинг ўзгариши ҳеч нарсадан далолат бермайди;
 в) кўрсатилган давр мобайнида АҚШ аҳолиси сони ЯММнинг реал ҳажмига нисбатан тезроқ ўсан;
 г) аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯММнинг реал ҳажми меҳнат унумдорлигини акс эттиради, кўрсатилган кўрсаткичлардан биринчиси уни акс эттирмайди;
 д) ЯММнинг реал ҳажми нархлар ўсишини акс эттиради, кўрсатилган кўрсаткичларнинг иккинчиси эса уни акс эттирмайди.
16. Кўлчилик иқтисоди ривожланган мамлакатлар статистикаси кўрсатадики:
 а) ЯММдаги инвестициялар улуши ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари тескари боғлиқликда бўлади;
 б) инвестицияга йўналтириладиган ЯММ улуши ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари ўртасида бевосита чамбарчас боғлиқлик мавжуд;

в) корпорациялар даромадига юқори мөйөрүй солиқ ставкалари ва шахсий даромадлар инвестицияларни рағбатлантиради;

г) юқори ишсизлик даврларида янги ишчи жойларини яратиш көз бермайды;

д) банд бўлган ишловчилар сонини қисқартириш ўргача меҳнат унумдорлигини пасайишига олиб келади,

17. X мамлакатда капиталнинг маҳсулотга нисбати Зга тенг, Y мамлакатда эса у 2 га тенг. Агар жамғариладиган (ва инвестицияланадиган) ЯММ улуши иккала мамлакатда бир хил бўлса, унда X мамлакатда ЯММнинг ўсиш суръати:

а) Y мамлакатдагига қараганда 50 %га юқори;

б) Y мамлакатдагига қараганда 2 марта паст;

в) Y мамлакатдаги ўсиш суръатининг $\frac{1}{3}$ ни ташкил этади;

г) Y мамлакатдагига қараганда 33 $\frac{1}{3}$ %га кўп;

д) барча жавоблар нотўғри.

18. A мамлакатда жамғариладиган (ва инвестицияланадиган) ЯММ улуши 15%ни, B мамлакатда эса 10%ни ташкил этади. Капиталнинг маҳсулот нисбати иккала мамлакатда ҳам бир хил булган шароитда, A мамлакатда ЯММнинг ўсиш суръати:

а) B мамлакатдагига қараганда 50%га кўп;

б) B мамлакатдагига қараганда 5% бандга кўп;

в) B мамлакатдагига қараганда 33 $\frac{1}{3}$ % кўп;

г) B мамлакатдаги ўсиш суръатига тенглашади;

д) барча жавоблар нотўғри.

ТЎҒРИНОТЎҒРИ

1. Агар ЯММ ҳажми аҳоли сонига қараганда тезроқ ўсаётган бўлса, унда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯММ ҳажми пасяди.

2. Ривожланган мамлакатларда техника тараққиёти меҳнат унумдорлиги ўсишнинг асосий омили ҳисобланади.

3. Иқтисодий ўсиш бу маълум вақт мобайнида ЯММ номинал ҳажмининг кўпайи-шидир.

4. Мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий ҳажми иш вақти соатлари миқдорининг меҳнат унумдорлигига бўлинмасига тенг.

5. Статистика инвестицияларга йўналтирилаётган ЯММ улуши ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши ўртасида бевосита чамбарчас боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади.

6. Иқтисодий ўсишнинг иккита таърифидан бу тушунчани аниқроқ акс эттирадигани: "иқтисодий ўсиш бу аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯММ реал ҳажмининг ўсишидир", деган таърифdir.

7. Фараз қилайлик, иккى мамлакатда ЯММ ҳажми бир хил ва 500 млрд. долларга тенг. Агар биринчи мамлакатда ЯММнинг йиллик ўсиш суръати 3%ни, иккинчисида эса 5%ни ташкил этган бўлса, унда бу мамлакатлар ўртасидаги ЯММ йиллик ўсиши миқдоридаги фарқ 10 млрд. долларни ташкил этади.

8. ЯММнинг реал ҳажми меҳнат сарфларининг меҳнат унумдорлигига бўлинмасига тенг.

9. Табиий ресурслар Россияда иқтисодий ўсишнинг муҳим омилидир.

10. Тўла бандлик шароитида ЯММнинг қанчалик катта улуши инвестицияларга йўналтирилса, ЯММнинг ўсиш суръати шунчалик юқори бўлади.


11. Иқтисодий ўсиш инсон капиталига қўйиладиган инвестицияларга боғлиқ эмас.

12. Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги чапга силжиёттандади ўсади.

13. Иш вақти миқдорининг кўпайиши иқтисодий ўсишнинг интенсив омилидир.
14. Ишловчилар сонининг кўпайиши иқтисодий ўсишнинг экстенсив омилидир.
15. Ишлаб чиқариш кўлами билан боғлиқ тежам меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсатмайди.
16. Иш ташлашлар вақтида ишларнинг тўхтатилиши иқтисодий ўсишга ижобий таъсир этади.
17. Агар қўлланилаётган капитал ҳажмининг кўпайиш суръатлари ишчи кучи ўсиш суръатларидан ортиқ бўлса, унда капитал билан қуролланганлик қисқаради.
18. Иқтисодий ўсиш бекиёс эҳтиёжлар ва чегараланган ресурслар ўртасидаги зиддиятни кучайтиради.
19. Иқтисодий ўсиш турмуш сифатини кўтаришининг муҳим шартидир.

МУАММОЛАР

1. а) Фараз қиласайлик, иқтисодий заиф ривожланган мамлакатда капиталнинг маҳсулотга нисбати 3 га тенг. Тўла бандлик шароитида ЯММ миқдорига 10 млн. доллар ҳажмидаги инвестициялар қандай таъсир этади?
 б) Фараз қиласайлик, ЯММдаги жамғармалар улуши 5%ни ташкил этади, капиталнинг маҳсулотга нисбати 3 га тенг. Тўла бандлик шароитидаги ЯММнинг ўсиш суръатини аниқланг.
 в) ЯММдаги жамғармалар улуши 10%гача кўпайганида ЯММ ўсиш суръати қандай бўлади?
 г) Агар "B" бандда кўрсатилган шартлар сақланган ҳолда мамлакатдаги аҳоли сони йилига 4%га ўсса, тўла бандлик шароитида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯММнинг ўсиш суръатини аниқланг. "B" банддаги сақланганда-чи?
2. Фараз қиласайлик, қайсиdir иқтисодий заиф ривожланган мамлакатда капиталнинг маҳсулотга нисбати 2 га тенг, тўла бандлик шароитидаги ЯММ ҳажми 20 млрд. долларни ташкил этади. Соддалаштириш учун, давлат харажатлари ва ташки савдо йўқ деб фараз қиласайлик. СС' истеъмол функцияси 14.2-расмда акс эттирилган.



а) Тұла бандликка эришилған шароитда ушбу йылдаги инвестициялар қажмини анықланғ.

б) Кейинги йылдаги тұла бандлик шароитида ЯММ мікдорини анықланғ.

в) Кейинги йылда тұла бандликка эришиш учун зарур бўлган инвестициялар қажми қандай бўлиши лозим (истеъмолга мөйерий мойиллик 0,5 га тенг)?

3. Фараз қиласын, мамлакатда жами талабнинг ягона таркибий қисми инвестициялар ва истеъмол ҳисобланади. Истеъмолга ўртача мойиллик 0,8 га тенг; капиталнинг маҳсулотга нисбати 2 ни ташкил этади. Барча кўрсатилган давр мобайнида иқтисодиёт тұла бандлик шароитида бўлади. 14.4-жадвални етарли бўлмаган маълумотлар билан тўлдиринг.

14.4-жадвал.

Йил	ЯММ	Жамғармалар	Инвестициялар	Тұла бандлик шароитида ЯММ мікдоринага узақривлар (млн. долларлар)
	(млн. доллар)	(млн. долларлар)	(млн. долларлар)	
1992	1000			
1993				
1994				
1995				

ЖАВОБЛАР ВА ШАРҲЛАР

Асосий атамалар ва тушунчалар

1. а; 2. в; 3. д; 4. б; 5. г.

Машқлар

1. а) 14.5-жадвалға қаранг.

14.5-жад-

Йил	Аҳоли (млн. адам)	ЯММнинг реал қажми (млрд. доллар)	Аҳоли жөн. бедига ЯММнинг реал қажми (доллар)
			(доллар)
1	30	9	300
2	60	24	400
3	90	45	500
4	120	66	550
5	150	90	600
6	180	99	550
7	210	105	500

б) 150 млн. киши.

в) 15 млрд. доллар.

г) 46,7%.

д) -9,1 %.

2. а) 14.6-жадвалға қаранг.

б) 5%; 5%.


в) 10%; 10%.

г) 15,5%.

14.6-жадвал.

Ном.	Мөхнат мөккөні (соаттар)	Мөхнат шумшорыні (соаттар)	ЯММ шарталдағы реал ұражмы (10.000)
1	1000	100	100000
2	1000	105	105000
3	1100	105	115500

3. а) Мөсьерій мөхнат маҳсулоти 3 млн. соат иш вақти сарфланғандан кейин камаяди;
үртача мөхнат маҳсулоти 3 млн. соат иш вақти сарфланғандан кейин ұсқаради.
 б) 2 т пүлат / соат; 3 т пүлат / соат.
 в) 2 марта.
 г) 14.3-расмга қаранг.



14.3 - расм. Мөхнатнинг үртача маҳсулоти этри чизиги

Тестлар

1. б; 2. б; 3. в; 4. в; 5. б; 6. б; 7. в; 8. б; 9. г; 10. в; 11. г; 12. в; 13. в; 14. г; 15. в; 16. б; 17. в; 18. а.

Түғри/Нотүғри

1. Н; 2. Т; 3. Н; 4. Н; 5. Т; 6. Н; 7. Т; 8. Н; 9. Т; 10. Т; 11. Н; 12. Н; 13. Н; 14. Т; 15. Н; 16. Н; 17. Н; 18. Н; 19. Т.

Муаммолар

1. а) Тұла бандлык шароитида ЯММ 3 үз, млн. долларга күпаяди.

- 6) $1\frac{2}{3}\%$.
 в) $3\frac{4}{3}\%$.
 г) $-2\frac{1}{3}\%; \frac{2}{3}\%$.
2. а) 5 млрд. доллар.
 б) 22,5 млрд. доллар.
 в) Агар ЯММ ұажми 22,5 млрд. долларга тенг бўлса, истеъмол харажатлари 16,25 млрд. долларни ташкил этади. Ушбу ҳолда инвестициялар 6,25 млрд. долларни ташкил этади.
3. 14.7-жадвалға қаранг.

14.7-жадвал.

Йил	ЯММ (млн.доллар)	Жамнамалар (млн.төллар)	Инвестициялар (млн.доллар)	Тұрағандағы ЯММ мәндерідегі үзарнистар (млн. доллар)
1992	1000	200	200	100
1993	1100	220	220	110
1994	1210	242	242	121
1995	1331	266,2	266,2	133,1

15 мавзу

ХАЛҚАРО САВДО ВА САВДО СИЁСАТИ

Xалқаро савдо назарияси XIX аср бошларида Давид Рикардо томонидан ифодалан ган нисбий афзалик концепциясига асосланган.

А мамлакат бирон-бир товарни ишлаб чиқаришда Б мамлакатта нисбатан кам ресурс сарфласа, у мутлақ афзаликка эга бўлади. Бироқ, ҳатто бир мамлакат барча товарларни ишлаб чиқаришда мутлақ афзаликка эга бўлганда ҳам, мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлиш ўзаро фойдали бўлиши мумкин. Мутлақ афзалик халқаро ихтинослашувни ва савдо тузилишини белгилашуда муҳим эмас. Ушбу ҳолда фақат товарларни ишлаб чиқаришдаги нисбий афзалик аҳамиятга эгадир.

Агар харажатлар нисбатидаги мамлакатлараро фарқни эътиборга олсак, унда мамлакат товарни ишлаб чиқаришда ўзининг савдодаги потенциал шеригига қараганда камроқ муқобил харажатлар қиласа, у нисбий афзаликка эга бўлади. Ҳар бир мамлакат, ҳатто ҳеч бир тармоқда мутлақ афзаликка эга бўлмай туриб ҳам, қандайдир ишлаб чиқаришда нисбий афзаликка доимо эгадир.

Таҳлил шуни кўрсатадики, халқаро ихтинослашув ҳамда нисбий афзалик тамойилларини қўллашга асосланган эркин савдо натижасида товарларнинг миқдорий ишлаб чиқарилиши кўпаяди, мамлакатлар эса шундай истеъмол даражасига эришадиларки, у уларнинг ички ишлаб чиқариш имкониятларидан ортиқ бўлади.

Маҳаллий ицлаб чиқарувчиларни чет эл рақобатидан ҳимоялаш мақсадида, ҳукумат эркин савдо йўлига турли тўсиқларни ўрнатиши мумкин. Бундай савдо ҳажмини чегараловчи сиёсат протекционизм деб аталади. Савдо чеклашлари импорт божлари (тарифлари) ва нотарииф тўсиқлар кўринишида намоён бўлади.

Бож бу ҳукумат томонидан импорт қилинаётган товарга ўрнатиладиган акциз солиғидир. Нотарииф тўсиқлар импорт квоталари, лицензиялар, ихтиёрий экспорт чеклашларини ўз ичига олади. Барча савдо чеклашлари импорт товарларга ўрнатиладиган ички наркларнинг кўтарилишига олиб келади ва импорт ҳажмини пасайтиради.

Протекционизм тарафдорлари савдо тўсиқларини оқлаш учун келтирадиган асосий даллilar қўйидагилар ҳисобланади:

- миллий мудофаани таъминлаш зарурияти;
- ишчи жойларини сақлаш;
- ёш тармоқларни чет эл рақобатидан ҳимоялаш.

Тарихий тажриба бу далилларни ишонарли рад этмоқда. Протекционистик савдо сиёсатини амалда қўллашга кетадиган харажатлар олинадиган фойдадан кўпдир.

Ўқув мақсадлари

1. Қандай қилиб нисбий афзалик тамойилини халқаро ихтинослашув ва савдо жараёнига нисбатан қўллаш мумкинлигини тушуниш.

2. Товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда мамлакатдаги мутлақ афзalлик ва нисбий афзalлик ўргасидаги фарқни аниқлаш.
3. Нима учун халқаро савдо ушбу жараёнда қатнашаёттан мамлакатларга фойда келтиришини тушунтириш.
4. Савдо түсікіларининг асосий шаклларини ва импорт божлари ҳамда нотариф чеклашларни киритишнинг иқтисодий оқибатларини күриб чиқиш.
5. Протекционизм сиёсатини ёқловчи асосий далилларга баҳо бериш ва буларга қарши далилларни келтириш.

АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

- а) экспорт;
- б) импорт;
- в) мутлақ афзalлик;
- г) нисбий афзalлик;
- д) савдо имкониятлари згри чизиги;
- е) савдо шартлари;
- ж) савдодан олинадиган ютуқ;
- з) протекционизм;
- и) импорт божы (тариф);
- к) импорт квотаси;
- л) нотариф түсікілар;
- м) демпинг;
- н) экспорт субсидияси;
- о) эркин савдо;
- п) СТББ (GATT) (savdo ва тарифлар ҳақидаги бош битим).

1. Импорт қилинаёттан товарга белгиланадиган солиқ.
2. Мамлакатнинг товар ёки хизматларни бошқа савдо шерилларига нисбатан камроқ ресурс сарфлаб ишлаб чиқарыш қобиلىяти.
3. Бир маҳсулотта ихтисослашиш ва уни бошқа маҳсулот олиш учук айирбошлашыда (экспортда) мамлакат эга бўлган танлаш вариантлари.
4. Халқаро савдони чекловчи ҳар қандай түсікілар (божхона божларидан ташқари): импорт квоталари, маҳсус лицензиялар ва ҳ.к.
5. Бир мамлакат бошқа мамлакат фуқаролари ва фирмаларига сотадиган товар ва хизматлар.
6. Маҳсулотнинг миллий ишлаб чиқарувчилари — экспорт қилувчиларини рағбатлантириш учун ҳукумат фойдаланиши мумкин бўлган савдо сиёсатининг воситаси.
7. Бошқа мамлакатлардан товарларни олиб киришга ўрнатиладиган миқдорий чегара.
8. Чет эл бозорида товарларни уларнинг таннархидан паст нархлар бўйича сотиш.
9. Нисбий афзalлик тамойилига асосланган ва давлатнинг ҳар қандай аралашувини рад этувчи халқаро айирбошлаш жараёни.
10. Биз бошқа мамлакат фуқаролари ва фирмаларидан сотиб олаётган товарлар ва хизматлар.
11. Мамлакатнинг товар ёки хизматни бошқа савдо шеригига қараганда нисбатан камроқ муқобил харажатлар билан ишлаб чиқарыш қобиلىяти.
12. Экспорт нархларининг импорт нархларига нисбати.
13. Эркин савдо йўлида түсікілар ўрнатиш.
14. Халқаро савдо жараёнида қатнашаёттан мамлакатлар ўз ички ишлаб чиқарыш имкониятларидан ортиқ истеъмол даражасига эришадилар.

15. Халқаро савдодаги түрли тарифсиз чеклашларни йүқотиши және божларни қысқартышига қаратылған давлатлар үргасидаги битим.

МАШКЛАР

Фараз қылайлык, АҚШда транзисторлы радиоприемниклар бозорида талаб ва таклиф құйидагича үзгариш суръатига эга:


Нарх (доллар)	Талаб ҳажми (млн.дона)	Таклиф ҳажми (млн. дона)
5	5	2
10	4	3
15	3	4
20	2	5

Японияда транзисторлы радиоприемниклар бозорида талаб ва таклиф құйидагича үзгариш суръатларига эга:

Нарх (доллар)	Талаб ҳажми (млн.дона)	Таклиф ҳажми (млн. дона)
5	2,5	1
10	2,0	3
15	1,5	5
20	1,0	7


- а) Фараз қылайлык, иккі мамлакат үргасида әркін үзаро савдо амалға оширилмоқ да. Радиоприемникка мувозанатлы нарх қандай бўлади?
- б) Қайси мамлакат бошқа мамлакатга радиоприемникларни экспорт қилади?
- в) Экспорт ҳажми қандай бўлади?
- г) Фараз қылайлык, АҚШ ҳар бир радиоприемникка 10 доллар миқдорида импорт божи киритди. Экспорт ва импорт ҳажмида нима юз беради?

2. 15.1-расмда X мамлакатда магнитофонлар бозорида ички талаб (DD) ва таклиф (SS) тасвирланган. Магнитофоннинг жаҳон нархи ОВ кесимига teng.



15.1 - расм. Тарифли божни киритиш

- а) Магнитофоннинг ички нархини ва эркин халқаро савдо шароитидаги импорт ҳажмини аниқланг. Яна фараз қылайлыккі, энді ҳукумат ҳар бир импорт қилинаётган магнитофонга ВС кесимга төңг бўлган божни киритади;
- б) Бож киритилгандан кейинги импорт ҳажмини ва магнитофоннинг ички нархини аниқланг.
- в) Магнитофонларнинг мамлакат ичида ишлаб чиқариш ҳажми қандай ўзгаради?
- г) Импорт божи киритилгандан кейин магнитофон сотиб олишга кетган истеъмолчи-ларнинг қўшимча харажатларини акс эттирувчи шакл майдонини графикда аниқланг.
- д) Бу қўшимча харажатларнинг қандай қисми божларни киритишдан олингани даромад сифатида давлат бюджетига тушади ва қандай қисми маҳаллий ишлаб чиқарувчи-ларнинг қўшимча даромадини ташкил этади?
- е) Импорт божларини киритишдан жамиятнинг соф йўқотишлари қандай?
3. 15.2-расмда X мамлакатдаги кийим-кечак бозорида ички талаб (DD) ва таклиф (SS) тасвириланган. ОА — кийим-кечакининг жаҳон нархлари.
- а) Савдо чеклашлари бўлмагандан, мамлакатга кийим-кечак импорти қандай бўлар эди?



15.2 - расм. Импорт квотасини ўрнатиш

- Ҳукумат мамлакатга кийим-кечак олиб келишни FJ даражагача чеклаб, импорт квотасини ўрнатади.
- б) Импорт квотаси киритилгандан сўнг, ички бозорда кийим-кечакка қандай нарх ўрнатилади?
- в) Кийим-кечакни мамлакат ичида ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш қандай ўзгаради?
- г) FGKJ тўргбурчаги майдони нимани қўрсатади?
- д) Жамиятнинг импорт квотасини ўрнатишдан соф йўқотишлари қандай?

ТЕСТЛАР

1. А мамлакат битта бирлик ресурс сарфлаб 1 т буғдой ёки 4 т кўмир ишлаб чиқариши мумкин. Б мамлакат ҳам битта бирлик ресурс сарфлаб 2 т буғдой ёки 5 т кўмир ишлаб чиқариппич мумкин:

- а) А мамлакат бүгдойни экспорт қилиб, кўмирни импорт қилади;
 б) Б мамлакат бүгдойни экспорт қилиб, кўмирни импорт қилади;
 в) А мамлакат бүгдойни экспорт ва импорт қилмайди;
 г) Б мамлакат кўмирни экспорт ва импорт қилмайди;
 д) барча жавоблар нотўғри.
2. Агар Франция Англияга винони, Англия эса Францияга тўқимачилик маҳсулотлари ни экспорт қиласа, унда вино нархининг тўқимачилик маҳсулоти нархига нисбатан кўтарилиши қўйидагини билдиради:
 а) Франция учун савдо шароитлари яхшиланади;
 б) Франция савдо имкониятлари чизигининг оғиш бурчаги ўзгаради;
 в) Англия савдо имкониятлари чизигининг оғиш бурчаги ўзгаради;
 г) барча жавоблар тўғри;
 д) фақат "а" ва "б" жавоблар тўғри.
3. Импорт божи ва квотаси ўртасидаги фарқ шундаки, фақат бож:
 а) халқаро савдонинг қисқаришига олиб келади;
 б) нархлар кўтарилишига олиб келади;
 в) давлат бюджетига даромадлар келтиради;
 г) мамлакатдаги турмуш даражасининг пасайишига олиб келади;
 д) барча жавоблар нотўғри.
4. Нисбий афзаллик тамойилини биринчи бўлиб ким ифодалаган?
 а) Томас Мальтус;
 б) Адам Смит;
 в) Пол Самуэльсон;
 г) Давид Рикардо;
 д) Альфред Маршалл.
5. Протекционизм тарафдорлари божлар, квоталар ва бошқа савдо тўсиқлари қўйидаги учун зарур, деб таъкидлайдилар:
 а) ёш тармоқларни чет эл рақобатидан ҳимоялаш;
 б) ички бандликни кўпайтириш;
 в) демпингининг олдини олиш;
 г) мамлакат мудофаасини таъминлаш;
 д) барча жавоблар тўғри.
5. А ва Б мамлакатлар X ва Y товарлари (бирликларда) қўйидаги миқдорда ишлаб чиқарадилар.

	X товар	Y товар
A мамлакат	12	16
B мамлакат	8	8

Агар ҳар бир мамлакат нисбий афзаллик тамойили асосида ихтисослашса, унда айриш бошлаш коэффициенти (savdo шарти) қўйидагини ташкил этади:

- а) Xнинг 1 бирлиги = Yнинг 1 $\frac{1}{3}$ бирлигига;
 б) Xнинг 1 бирлиги = Yнинг 2 бирлигига;
 в) Xнинг 1 бирлиги = Yнинг 1 бирлигига;
 г) Xнинг 1 дан $1 \frac{1}{3}$ бирлигигача = Yнинг 1 бирлигига;
 д) Xнинг $\frac{1}{2}$ дан $\frac{3}{4}$ бирлигигача = Yнинг 1 бирлигига.

7. Савдо түсіктерининг қойыдаги шақларидан қайбери әркін савдо учун мұхим түсік ұсабланмайды?

- а) импорт божи;
- б) ихтиёрий экспорт чеклашлари;
- в) импорт квотаси;
- г) экспорт ва импорт лицензиялари;
- д) барча жағоблар нотүғри.

8-13 тестларни изчил кетма-кетликда бажариш керак.

8. Қойида көлтирилгандар жадвалда А ва Б мамлакаттарда мовут ва вино ишлаб чиқариш ұжымлари ҳақидаги маълумотлар берилгандар (фақат мәжнат ресурсы ишлатилади):

1 соатда ишлаб чиқариш	A мамлакат	Б мамлакат
Мовут (метрларда)	5	15
Вино (литрларда)	10	20

Иккى мамлакатни солишириб ва улар ўртасидаги савдо имкониятларини таҳлил қилиб, А мамлакат қойидагига зәг деб таъкидлаш түғри бўлади:

- а) мовут ишлаб чиқаришда мутлақ афзалликка;
- б) вино ишлаб чиқаришда мутлақ афзалликка;
- в) мовут ишлаб чиқаришда нисбий афзалликка;
- г) вино ишлаб чиқаришда нисбий афзалликка;
- д) ҳеч бир товар бўйича нисбий афзалликка зәг эмас.

9. Дастрраб икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо бўлмаган. А мамлакат валютаси - а, Б мамлакат валютаси - б. А ва Б мамлакаттарда мовут нархи мос равишда 20a ва 60b ни ташкил этади. Агар ҳар бир мамлакат бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда иккала товарни ишлаб чиқарса, унда вино нархи мос равишда қойидагига тенг бўлиши лозим:

- а) 5a, 20b; б) 40a, 45b; в) 10a, 80b; г) 10a, 60b; д) 40a, 80b.

10. Агар икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо бошлансанса, унда Б мамлакат:

- а) вино импорт қиласди;
- б) вино экспорт қиласди;
- в) винони ҳам, мовутни ҳам импорт қиласди;
- г) винони ҳам, мовутни ҳам экспорт қиласди;
- д) ҳеч нарсанни экспорт ҳам, импорт ҳам қилмайды.

11. Савдо жараёни бошлангунга қадар ҳар бир мамлакат учун ички ишлаб чиқариш харажатларини акс эттирган ўз нарх нисбатлари хос эди. Агар А ва Б мамлакаттар ўртасида савдо ривожланаётган бўлса, унда вино нархини мовут нархига нисбати:

- а) А мамлакатда ўсади, Б мамлакатда пасаяди;
- б) А мамлакатда пасаяди, Б мамлакатда ўсади;
- в) иккала мамлакатда ўсади;
- г) иккала мамлакатда пасаяди;
- д) ҳеч бир мамлакатда ўзгармайди.

12. Агар иккى мамлакат ўртасида барқарор савдо алоқалари ўрнатилса, унда мовут нархини вино нархига нисбати қойидагини ташкил этиши мумкин (тахминан):

- а) иккала мамлакатда 1,2;
- б) А мамлакатда 1,8 ва Б мамлакатда 1,5;

- в) иккала мамлакатда 1,6;
- г) А мамлакатда 2,1 ва Б мамлакатда 1,3;
- д) иккала мамлакатда 2,3.

13. Агар мовутнинг ҳар кунлик экспорти 500 м.ни ташкил этиши аниқ бўлса, унда 12-тестда аниқланган нарх нисбатини ҳисобга олганда, вино экспортининг ҳар кунлик ҳажми қуидагига тенг:

- а) А мамлакатдан 600 л;
- б) Б мамлакатдан 600 л;
- в) А мамлакатдан 800 л;
- г) Б мамлакатдан 800 л;
- д) А мамлакатдан 1150 л.


ТҮГРИ/НОТҮГРИ

1. Агар Бразилияда ҳар бир товарни (барча товарлар доирасида) ишлаб чиқаришга кетган сарфлар даражаси Аргентинадаги сарфлар даражасидан 80%ни ташкил этса, унда Бразилия Аргентинага нисбатан барча товарларни ишлаб чиқаришда нисбий афзаликка эгадир.
2. Миллий хавфсизлик мақсадида қатор тармоқларни ҳимоялаш савдо тўсиқларини ўрнатиш фойдасини асословчи далиллардан биридир.
3. Эркин халқаро савдо шароитидаги мамлакат иқтисодий фаровошлиги импорт божлари киритилгандагига қараганда ҳар доим пастдир.
4. Нисбий афзалик турли товарларни ишлаб чиқариш муқобил харажатларидаги халқаро фарқларни акс эттиради.
5. Божхона божларини киритиш мамлакатдаги ички истеъмолни рағбатлантиради.
6. Еш тармоқларни чет эл рақобатидан ҳимоялаш зарурлиги савдо тўсиқларини ўрнатиш фойдасини асословчи адолатли далилларидир.
7. Россиядаги аҳолининг турмуш даражаси Даниядагига қараганда ташқи савдога кўпроқ боғлиқдир.
8. Товарлар ва хизматлар импорти ички нархларнинг ўсишига олиб келади ва инфляциянинг сабаби ҳисобланади.
9. Импорт мамлакатдаги жами талабни кўпайтиради.
10. Савдо шартлари бу экспорт нархларини импорт нархларига нисбатидир.
11. Импорт божларини киритишдан мақсад импортни қисқартириб, миллий тармоқларни ва ишчи жойларини чет эл рақобатидан ҳимоялашдир.
12. Ресурслар билан таъминлаш ва турли хилдаги инсон ҳамда моддий ресурсларнинг нисбий миқдорларидаги халқаро фарқлар ихтисослашув ва савдо учун муҳим асосдир.
13. Чет эл товарларининг импортини чеклашда импорт квоталари божларга нисбатан самаралироқдир.
14. GATT (СТББ) бу "Умумий бозор"га кирувчи Оврупо мамлакатларини бирлаштирувчи халқаро ташкилотдир.
15. Импортни чеклаш мамлакатда самарали бўлмаган тармоқларни саклашга олиб келади ва самарали ишлаб чиқаришнинг ўсишини тўхтатиб туради.


МУАММОЛАР

1. Фараз қилайлик, АҚШ битта бирлик ресурслардан фойдаланиб, 3 компьютер ёки 3000 бочка вино ишлаб чиқариши мумкин; Франция ҳам битта бирлик ресурслардан фойдаланиб, 1 компьютер ёки 5000 бочка вино ишлаб чиқариши мумкин.

- а) Ҳар бир мамлакатнинг ихтисослашуви умумий ишлаб чиқаришнинг күпайышыга олиб келадими?
- б) Ушбу мисол мутлақ ёки нисбий афзалликнинг қайси бирини тасвирлайди?
- в) Агар АҚШда ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган компьютерларнинг энг кўп миқдори 1000 донани ташкил этса, мамлакат ишлаб чиқариш имкониятлари чизиги қандай кўринишда бўлади? (15.3-расмдан фойдаланинг)
- г) 15.3-расмда АҚШ факат компьютерлар ишлаб чиқаради ва уларни Францияга винога айирбошлиш орқали сотади, деб фараз қилиб, АҚШнинг савдо имкониятлари чизигини чизинг (1 америка компьютерининг нархи 2000 бочка француз виноси нархига teng).



15.3 - расм.



15.4 - расм.

д) Агар Францияда ишлаб чиқарилиши мүмкін бўлган вино бочкаларининг энг кўп миқдори 2 млн. донани ташкил этса, бу мамлакатда ишлаб чиқариш имкониятлари чизиги қандай кўринишда бўлади? (15.4-расмдан фойдаланинг)

е) 15.4-расмда Франция савдо имкониятлари чизигини чизинг. Бунда Франция фақат вино ишлаб чиқаради ва уни АҚШга компьютерга айирбошлишда сотади, деб фараз қилинг (1 Америка компьютерининг нархи 2000 бочка француз виносига тенг).

2. Биринчи муаммога қайтинг. Фараз қилайлик, компьютернинг нархи ўсаялти. Энди унинг нархи 4000 бочка винога тенг. Бошқача қилиб айтганда, энди битта америка компьютери 4000 бочка француз виносига айирбошланади.

а) 15.3- ва 15.4-расмларда мос ҳолда АҚШ ва Франция савдо имкониятларининг янги чизиқларини чизинг.

б) Олинганд натижалар АҚШдаги истеъмол даражаси эндиликда аввалгига нисбатан паст бўлиши мумкинлигини кўрсатадими? Аввалгига қараганда юқори бўлишини-чи? Ўз жавобингизни тушунтиринг.

в) Олинганд натижалар Франциядаги истеъмол даражаси энди аввалгига нисбатан паст бўлиши мумкинлигини кўрсатадими? Аввалгига нисбатан юқори бўлишини-чи? Ўз жавобингизни тушунтиринг.

3. А ва Б мамлакатлар ўртасида сиёсий муаммолар туфайли ўзаро савдо бўлмаган. Ниҳоят, сиёсий зиддиятлар бартараф этилди ва мамлакатлар ўзаро савдони бошлади.

А мамлакатда сигареталар нисбатан арzon, ёғ эса нисбатан қиммат. Б мамлакатда ёғ нисбатан арzon, сигареталар эса нисбатан қиммат.

Демак, агар А ва Б мамлакатлар ўртасида эркин савдо тартиби ўрнатилса, унда:

а) А мамлакатда ишлаб чиқарилётган сигареталарга талаб кўпаядими ёки камаядими? А мамлакатда сигареталар нархи ўсадими ёки тушадими?

б) Б мамлакатда ишлаб чиқарилётган сигареталарга талаб кўпаядими ёки камаядими? Б мамлакатда сигареталар нархи ўсадими ёки тушадими?

в) А мамлакатда ишлаб чиқарилётган ёғта талаб кўпаядими ёки камаядими? А мамлакатда ёғ нархи ўсадими ёки тушадими?

г) Б мамлакатда ишлаб чиқарилётган ёғта талаб кўпаядими ёки камаядими? Б мамлакатда ёғ нархи ўсадими ёки тушадими?

д) А мамлакатда сигареталар ишлаб чиқариш учун фойдаланилган ресурсларга талаб кўпаядими ёки камаядими? Б мамлакатда ёғ ишлаб чиқариш учун фойдаланилган ресурсларга талаб кўпаядими ёки камаядими?

е) Б мамлакатда сигареталар ишлаб чиқариш учун фойдаланилган ресурсларга талаб кўпаядими ёки камаядими? А мамлакатда ёғ ишлаб чиқариш учун фойдаланилган ресурсларга талаб кўпаядими ёки камаядими?

Имконият	I мамлакат		II мамлакат		Кийим-кечак вишлаб чиқарини
	Оник-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарини	Кийим-кечак вишлаб чиқарини	Оник-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарини	Кийим-кечак вишлаб чиқарини	
A	0	32	A	0	24
Б	5	24	Б	4	18
В	10	16	В	8	12
Г	15	8	Г	12	6
Д	20	0	Д	10	0

4. G ва Н мамлакатларда фақат озиқ-овқат маңсулотлари ва кийим-кечак ишлаб чиқарылади. Қуйыда бу икки мамлакаттың ишлаб чиқариш имкониятлари көлтирилгән (ишлаб чиқариш бирликларда ўтчанади).

а) G мамлакатдаги озиқ-овқат маңсулотларыда ифодаланған кийим-кечакнинг муқобил қиймати қандай?

б) Н мамлакатдаги озиқ-овқат маңсулотларыда ифодаланған кийим-кечакнинг муқобил қиймати қандай?

в) Агар G ва Н мамлакатлари ўртасида эркин савдо бошланса, унда қайси мамлакат озиқ-овқат маңсулотларини экспорт қиласы? Қайси мамлакат кийим-кечакни экспорт қиласы?

г) Икки мамлакат ўртасида “савдо шартлари” қандай чегараларда бўлади?

5. Фараз қилайлик, икки мамлакат, А ва Б, иккита товарни – велосипедлар ва теннис ракеткаларини ишлаб чиқараади, иккала мамлакат ҳам умумий валютани қўллайди. 15.1-жадвалда А ва Б мамлакатларда иккита маңсулотни ишлаб чиқаришга меҳнат сарфлари кўрсатилган.

15.1-жадвал.

Меҳнат сарфи (бир биринк ишлаб чиқаришга соатларда)		
	A мамлакат	B мамлакат
Велосипедлар	60	120
Ракеткалар	30	40

а) Қайси мамлакат иккала товарни ишлаб чиқаришда мутлақ афзаликка эга?

б) Ҳар бир мамлакат учун ракеткаларда ифодаланған велосипедларни ишлаб чиқаришнинг муқобил харажатларини ва велосипедларда ифодаланған ракеткаларни ишлаб чиқаришнинг муқобил харажатларини ҳисобланг.

в) Қайси мамлакат велосипедлар ишлаб чиқаришда нисбий афзаликка эга.

Фараз қилайлик, халқаро савдо йўқ. Ҳар бир мамлакат ҳафтасига 40 соат банд бўлган 300 ишловчига эга. Дастреб ҳар бир мамлакатда ишловчиларниг ярми велосипедлар ишлаб чиқаришда, бошқа ярми эса теннис ракеткалари ишлаб чиқаришда банддир.

г) Ҳар бир мамлакатдаги велосипедлар ва ракеткалар ишлаб чиқариш ҳажмларини ҳисобланг ва 15.2-жадвални тўлдиринг.

15.2-жадвал.

Ишлаб чиқарни ҳажми (ҳафтасига биринк)			
	A мамлакат	B мамлакат	Умумий
Велосипедлар			
Ракеткалар			

Энди фараз қилайлик, халқаро савдо бошланди. Мамлакатлар ихтисослашуви қуйидагича амалга оширилади: теннис ракеткалари ишлаб чиқаришда нисбий афзаликка эга мамлакат фақат ракеткаларни чиқараади; бошқа мамлакат савдо йўқлигига мавжуд бўлган ишлаб чиқариш умумий ҳажми даражасида велосипедлар ишлаб чиқараади, қолгандан мөнгат ресурсларини ракеткалар чиқаришга йўналтиради.

д) Ҳар бир мамлакатдаги велосипедлар ва ракеткалар ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисобланг, 15.3-жадвални тўлдиринг ва иккала мамлакат халқаро савдодан қандай фойдага эга бўлиши мумкинлигини кўрсатинг.

е) Атоҳида графикда ҳар бир мамлакат учун ишлаб чиқариш имкониятлари чизиқларини чизинг.

15.3-жадвал.

	Ишлаб чиқарған әдәмнің сағағасында бірлік	А. мамлекеті	Б. мамлекеті	С. мүнисі
Велосипедлар	-	-	-	-
Ракеткалар	-	-	-	-

ж) Ишлаб чиқарған имкониятларининг ушбу график тасвири асосида халқаро айрбошлашдан олинадиган имкониятли фойда ҳақида хүлоса чиқариш мүмкінми? Ўз жағобингизни асосланг.

ЖАВОБЛАР ВА ШАРХЛАР

Асосий атамалар ва түшүнчалар

1. и; 2. в; 3. д; 4. л; 5. а; 6. н; 7. к; 8. м; 9. о; 10. б; 11. г; 12. е; 13. з; 14. ж; 15. п.

Машқлар

1. а) 10 доллар.
б), в) Япония АҚШга 1 млн. транзисторлы радиоприемникларни экспорт қилади.
г) Экспорт ва импорт камаяди.
2. а) ОВ нарх (жағон нархига тенг); FP импорт (ушбу нархда ички талабнинг ички таклифдан ортиқолы).
б) ОС ички нарх, импорт ҳажми JM.
в) EG миқдорға ўсади.
г) BCML.
д) Болжан даромад HJML, даромад (ижара ҳақи) BCJF.
е) FHJ + LMP.
3. а) М.
б) ОВ.
в) Ички ишлаб чиқарыш ОС дан ОЕ гача ўсади, истеммол эса OL дан OH гача тушади.
г) Агар график импорт квотаси киритилишини тасвирлаган бўлганда, унда FGJK тўғри тўртбурчаги давлат бюджетига тушадиган бождан олинадиган даромадни инфадалаган бўлар эди. Ушбу ҳолда эса бу тўртбурчак ҳам чет эл сотувларига, ҳам маҳалий импорт қилувчиларга тегадиган даромадни кўрсатади.
д) DFG+JKM+FGJK нинг чет эллик сотувчиларга тушадиган қисми.

Тестлар

1. б; 2. г; 3. в; 4. г; 5. д; 6. г; 7. д; 8. г; 9. в; 10. а; 11. а; 12. в; 13. в.

Тўғри/Нотўғри

1. Н; 2. Т; 3. Н; 4. Т; 5. Н; 6. Н; 7. Н; 8. Н; 9. Н; 10. Т; 11. Т; 12. Т; 13. Т; 14. Н; 15. Т.


Муаммолар

1. а) ҳа.

б) АҚШ компьютерлар ишлаб чиқаришда мутлақ афзаликка эга. Франция вино ишлаб чиқаришда мутлақ афзаликка эга.

- в) 15.5-расмға қаранг. 1 в чизик.
- г) 15.5-расмға қаранг. 1 г чизик.
- д) 15.6-расмға қаранг. 1 д чизик.
- е) 15.6-расмға қаранг. 1 е чизик.

2. а) 15.5- ва 15.6-расмларға қаранг. 2 а чизиқлари.




15.5 - расм. АҚШнинг ишлаб чиқарыш ва савдо имкониятлари.

б) Аввалига қараганда юқори. 15.5-расмда савдо имкониятлари чизиги (2а) аввалгисидан (1г) юқорида ётибди;

в) Аввалига қараганда паст. 15.6-расмда савдо имкониятлари чизиги (2а) аввалгисидан (1е) пастда ётибди.

3. а) Күпаяди, ўсади.
 б) Камаяди, тушади.
 в) Камаяди, тушади.
 г) Күпаяди, ўсади.
 д) Күпаяди, ўсади.
 е) Камаяди, тушади.

4. а) $\frac{5}{8}$.
 б) $\frac{7}{3}$.
 в) Н мамлакат. Г мамлакат;
 г) Кийим-кечак бирлигининг нархи озиқ-овқат маҳсулотлари бирлиги нархининг $\frac{5}{8}$ дан $\frac{7}{3}$ гача миқорига тенг бўлади.



15.6 - расм. Франциянинг ишлаб чиқариш ва савдо имкониятлари

5. а) А мамлакат.
 б) Велосипед ишлаб чиқаришининг муқобил харажатлари:
 — А мамлакатда 1 велосипед 2 ракеткага тенг.
 — Б мамлакатда 1 велосипед 3 ракеткага тенг.
 Ракеткалар ишлаб чиқаришининг муқобил харажатлари:
 — А мамлакатда 1 ракетка $\frac{1}{4}$, велосипедга тенг.
 — Б мамлакатда 1 ракетка $\frac{1}{3}$, велосипедга тенг.
 в) А мамлакат, чунки у нисбатан кам муқобил харажатларга эга.
 г) 15.4-жадвалга қаранг.

15.4-жадвал.

Ишлаб чиқарин ҳажми (ҳафтасин 1 биринк)			
	А мамлакат	Б мамлакат	Умумий
Велосипедлар	100	50	150
Ракеткалар	200	150	350


д) 15.5-жадвалга қаранг. Велосипедлар ишлаб чиқарилишининг миқдорий устунлиги ўзгарди (масала шартига кўра), бироқ теннис ракеткаларини ишлаб чиқариш 350 дан 400 донагача кўпайди. Бу ютуқ икки мамлакат ўртасида ҳандай тақсимланиши, масалан, валюта курсига боғлиқ бўлиши мумкин (агар икки мамлакат турли валютадаги пулларни қўлласа).

е) 15.7-расмга қаранг. ИИЧ_A ва ИИЧ_B – мос равища А мамлакат ва Б мамлакатнинг ишлаб чиқариш имкониятлари чизиги.

ж) Ҳа, икки мамлакатнинг ишлаб чиқариш имкониятлари чизиги турли оғиш бурчакларига эга, бу муқобил харажатлардаги мамлакатлараро фарқни акс эттиради.

15.5-жадвал.

Негізгі чиқарылған ұйымнаме (хафтасында бірлік)			
А мамлакат	Б мамлакат	Х мемлекет	
Велосипедлар	150	-	150
Ракеткалар	100	300	400



15.7 - расм. А ва Б мамлакатлар ишлаб чиқарып имкониятлари чизиктери

16 мавзу

ТҰЛОВ БАЛАНСИ ВА ВАЛЮТА КУРСЛАРИ

Xалқаро савдо ва молия операцияларыда турли миллий валюталар құлланади. Мамлакатнинг экспорт операциялари унинг валютасига хорижда талабни ва бир вақтда ҳорижий валюта таклифини туғдираади. Импорт ҳорижий валютага ички талабни ва миллий валюта таклифини яратади. Бир валютани бошқасига айрбошлаш валюта бозорларыда амалга оширилади.

Мамлакат резидентлари (фуқаролари, фирмалари ва шу кабилар) за хорижий давлат резидентлари ўртасида бүләдиган барча битимлар ушбу мамлакат тұлов балансида акс эттирилади.

Жорий операциялар ҳисоби товар ва хизматлар импорти ҳамда экспорти билан бөглиқ ҳорижий валютанинг барча түшумлари ва харожатларини, шунингдек мамлакатнинг бошқа давлатларга соф трансферт тұловларини қайд этади. Капитал ҳаракати ҳисоби йыл мобайнида моддий ва молиявий активларни сотиб олиш ва сотиш билан бөглиқ капитал оқимларини акс эттиради. Жорий операциялар ва капитал ҳаракати бүйіча тұлов балансининг номутаносибливигини тартибға солиш учун хорижий валюта ның расмий резервлари құлланади.

Тұлов балансининг экспорт операцияларини акс эттирувчи моддалари кредит сифатида намоён бүләди, чунки хорижий валютанинг түшумларини, яъни "ишлаб топилиши" билдиради. Импорт операцияларини акс эттирувчи моддалар эса дебет ҳисобланади, чунки хорижий валюта харожатларини билдиради.

Валюта (айрбошлаш) курсларининг 3 та асосий тизими мавжуд: 1) қайд этилған, 2) әркін сузіб юрувчы ва 3) бошқариладиган сузіб юрувчы валюта курслари. Қайд этилған валюта курси шароитида ҳар бир мамлакат ўз пул бирлигининг олтин (доллардагы) миқдорини ўрнатади, шу орқали ўз валютаси ва бошқа мамлакатлар валюталари ўртасидаги айрбошлаш курсини белгилайди. Миллий валютанинг қайд этилған курсини құллаб құватлаш учун, мамлакат ўзининг хорижий валюта резервларини ёки олтин олди-сотисини құллайды.

Әркін сузіб юрувчы валюта курслари талаб ва таклиф асосида белгиланади ҳамда ўз валютаси нархига ҳар қандай давлат аралашувини истисно қиласы. Валюта курсларининг әркін төбранициши тұлов баланслари тақчилігінін ва активлігінін бейхтиёр түгрилайди.

Бошқариладиган сузіб юрувчы валюта курслари тизимига күра, турли мамлакаттар марқаһынан банклари валюта курсларининг қисқа муддатлы ва сезиларлы төбраницелерини (күпинча чайқовчилік операциялари билан кучайған) юмшатып учун, хорижий валютани очиқ бозорлардан сотиб олишлари ва сотишлари лозим.

Үқув мақсадлари

1. Халқаро савдо қандай қилиб молиялаштирилишини түшунтириш.
2. Мамлакат тұлов баланси нима эканлигини анықлашып да унинг түзилишини таҳлил қилиш.
3. Валюта курси нима эканлигини да турлы миллий валюталар бир-бирига қандай айр-бошланишини түшунтириш.
4. Валюта курсининг турлы тизимларини күриб чиқып да бағолаш.
5. Айирбошлаш курси тартиби да тұлов баланси үргасидаги боғлиқликни күрсатыш.


АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТУШГУНЧАЛАР

- а) валюта (айирбошлаш) курси;
- б) олтін стандарты;
- в) тұлов баланси;
- г) жорий операциялар ҳисоби;
- д) миллий валютаның қадрсизләніши;
- е) миллий валютаның қымматлашысы;
- ж) капитал ҳаракати ҳисоби;
- з) эгилувчан валюта курси;
- и) қайд этилған валюта курси;
- к) расмий резервлар;
- л) тұлов баланси дебети;
- м) валюта девальвациясы;
- н) тұлов баланси кредити;
- о) бошқарыладыган сузіб юрувчи валюта курси тизими.

1. Хорижий пулларга талаб да уларнан тақлифи билан белгиланадыган валюта курси. У әркін күтарилиши ёки пасайиши мүмкін.
2. Хорижий валютани ишлатыш (сарфлаш).
3. Ыз валютасыда хорижий валюта бирлиги учун тұланадыған нарых.
4. Үрнатылған валюта қыйматининг давлат томонидан камайтириліши.
5. Эркін күтарилиши ёки пасайишига йүл қўйилмайдыған валюта курси.
6. Ҳар бир мамлакат үз пул бирлигининг олтындаги миқдорини белгилайдыға тизим.
7. Бирон-бир хорижий валюта бирлигини сотиб олиш учун аввалгига қараганда миллий валютаның күлпроқ бирлигини сарфлаш талаб этилишини билдиради.
8. Капиталнинг келиши да чиқыши қайд этиладыган мамлакат тұлов балансининг бўлими.
9. Мамлакат марказий банки ихтиёридаги хорижий валюта.
10. Бир мамлакат резидентлари да бошқа чет эл мамлакатлари резидентлари үргасыда йил давомида амалга оширилған барча операцияларни қайд этади.
11. Бирон бир хорижий валюта бирлигини сотиб олишга аввалгига қараганда кам миллий валюта бирлигини сарфлаш талаб этилишини билдиради.
12. Мамлакат тұлов балансининг товарлар да хизматлар экспорті ҳамда импорти, инвестициялардан соғ даромад ҳажмлари да трансферт тұловларининг соғ ҳажми қайд этилған бўлими.
13. Хорижий валютаны "ишлаб топиш".
14. Валюта курсларининг тез-тез содир бўладыған да сезиларли тебранишларини юмшатыш учун, турлы мамлакатлар марказий банклари хорижий валютаны сотиб олиши да сотиши лозимлигини кўзда тутади.


МАШКЛАР

1. 16.1-расмда америка бозорида япон телевизорларининг икки вақт даврини акс эттирувчи таклиф эгри чизиқлари кўрсатилган.



16.1 - расм. АҚШ бозорида япон телевизорларининг таклиф эгри чизиқлари

а) Таклиф эгри чизиқларидан бири АҚШ долларининг япон иенасига нисбатан қадрсизланиши кузатилган вақт даврига мос келади; бошқа эгри чизиқ доллар қадрсизлангандан кейинги вақт даврига мос келади. Қайси эгри чизиқ биринчи даврга, қайсинаси иккинчи даврга мос келишини аниқланг. Нима учунлигини тушунтириинг.



16.2 - расм. Япониядаги АҚШ компьютерларига талаб эгри чизиги

б) АҚШ долларининг қадрсизланиши япон телевизори нархига (долларда) қандай таъсир кўрсатади?

в) Бу вазият (“б” банд) америкаликларнинг япон телевизорларига харажатларида, агар уларга талаб АҚШда нарх бўйича эгилувчан бўлса, қандай таъсир этаги?

г) Бу вазият (“б” банд) америкаликларнинг япон телевизорларига харажатларида (долларда), агар уларга талаб Қўшма Штатларда нарх бўйича эгилувчан бўлмаса, қандай таъсир этади?

2. 16.2-расмда америка компьютерларига Япониядаги талаб эгри чизиги кўрсатилган.

а) Агар япон иенаси АҚШ долларига нисбатан қадрсизланса, унда Японияда 4000 доллар нархда сотилаётган америка компьютерларининг миқдори қандай ўзгаради: кўпаядими ёки камаядими?

б) Бу вазиятда америка компьютерларига талаб қандай ўзгаради: ўсадими ёки тушадими?

в) Бу вазиятда японларнинг америка компьютерларига (доллардаги) харажатлари қандай ўзгаради: ўсадими ёки тушадими?

3. Қўйида А мамлакат ва бошқа мамлакатлар ўргасидаги ташқи иқтисодий операциялар рўйхати келтирилган.

	(млн. долл.)
А мамлакат резидентлари томонидан ҳорижий фирмалари қимматли қоғозларининг сотиб олиниши	50
А мамлакатга товарлар ва хизматлар импорти	100
А мамлакатдан товар ва хизматлар экспорти	120
А мамлакатга бошқа мамлакатлардан пул ўтказмалари	30
А мамлакат фирмаларининг ўз қимматли қоғозларини ҳорижликларга сотиши	60
А мамлакатга олтин импорти	60

А мамлакат тўлов балансини тузинг.

4. Қўйида швейцария франкига талаб ва унинг таклифи келтирилган.

а) Долларнинг мувозанатли валюта курси қандай?

б) Швейцария франкининг мувозанатли валюта курси қандай?

в) Валюта бозорида қандай миқдордаги доллар сотиб олинади?

г) Валюта бозорида қандай миқдордаги швейцария франки сотиб олинади?

Франк нархи (долларда)	Франкка талаб ҳажми (млн. франк)	Франк таклифи ҳажми (млн. франк)
0,80	300	400
0,70	320	370
0,60	340	340
0,50	360	310
0,40	380	280

5. Қўйида фунт стерлингта талаб келтирилган.

Фунтнинг нархи (долларда) 2,00 2,10 2,20 2,30 2,40 2,50

Фунтга талаб ҳажми (млн.ф.ст.) 200 190 180 170 160 150

а) Фараз қилайлик, Буюк Британия ҳукумати валюта курсини 1ф.ст.=2,40 доллар қилиб белгилайди; ушбу курс бўйича таклиф қилинаётган фунт стерлинг миқдори 180 млн.га тенг. Ушбу вазиятда Британия ҳукумати фунтни сотиши ёки сотиб олиши лозими? Агар лозим бўлса, унда қандай миқдорда?

б) Агар Британия ҳукумати фунтни долларда сотиб олиши лозим бўлса, у зарур долларларни қаердан олиши мумкин?

ТЕСТЛАР

1. Агар немис маркасининг доллардаги нархи 1 маркага 50 дан 45 центгача тушса, унда Германияда 150 маркага сотилаётган магнитофоннинг (доллардаги) нархи:

- а) 10 долларга тушади;
- б) 7,50 долларга пасаяди;
- в) 5,00 долларга пасаяди;
- г) 7,50 долларга ўсади;
- д) барча жавоблар нотўғри.

2. Мамлакат тўлов балансининг таркибий қисми бўлган жорий тўловлар ҳисоби қўидагини ўз ичига олмайди:

- а) товар экспортини;
- б) инвестициялардан софдаромадни;
- в) хорижий давлатларга трас порт хизматларини;
- г) хориждаги мамлакат активлари ўзгаришини;
- д) бир томонлама трансферт тўловларини.

3. Француз франкига талаб эгри чизиги ўнгта сильжиди, агар Францияда:

а) реал фоиз ставкаси нисбатан юқори, инфляция даражаси эса нисбатан паст бўлса (бошқа мамлакатларга нисбатан);
 б) реал фоиз ставкаси нисбатан паст, инфляция даражаси эса нисбатан юқори бўлса;
 в) реал фоиз ставкаси ҳам, инфляция даражаси ҳам нисбатан паст бўлса;
 г) реал фоиз ставкаси ҳам, инфляция даражаси ҳам нисбатан юқори бўлса;
 д) барча жавоблар нотўғри.

4. Мамлакат ўз валютасини девальвация қилди дегани-бу:

- а) мамлакат олтин андозадан воз кечди;
- б) валюта бирлигининг ички харид қобилияти тушди;
- в) ҳукумат олтинни сотиб олиш нархини кўтарди;
- г) мамлакатда савдо баланси тақчилиги қайд этилди;
- д) ушбу мамлакат валютасида ифодаланган бир қатор валюталар нархи тушди.

5. Агар Швейцария франкининг АҚШ долларига нисбати айирбошлиш курси 1 долларга 4 франкдан 3 франккача ўзгарса, унда франкнинг нархи:

а) 25 центдан 33 центгача кўтарилади, доллар курси эса франкка нисбатан кўтарилади;
 б) 33 центдан 25 центгача тушади, доллар эса франкка нисбатан қадрсизланади;
 в) 25 центдан 33 центгача кўтарилади, доллар эса франкка нисбатан девальвация қилинади;
 г) 25 центдан 33 центгача кўтарилади, доллар эса франкка нисбатан қадрсизланади;
 д) 33 центдан 25 центгача тушади, доллар курси эса франкка нисбатан ўсади.

6. Олтин андоза тизими амал қылмоқда. А мамлакат Б мамлакатта товарлар экспорти ни сезиларли күпайтирди. Бу вазиятда:

- а) А мамлакатда нарх даражаси пасаяди; Б мамлакатда ё үзгаради, ёки йўқ;
- б) А мамлакатда нарх даражаси ё үзгаради, ёки йўқ; Б мамлакатда пасаяди;
- в) А мамлакатда нарх даражаси ўсади, Б мамлакатда пасаяди;
- г) А мамлакатда нарх даражаси пасаяди, Б мамлакатда ўсади;
- д) барча жавоблар нотўғри.

7. Хорижий валюталардаги (масалан, фунт стерлингдаги) доллар нархининг сезиларли пасайиши АҚШ экспорти ва импортининг ҳажмига қандай таъсир кўрсатиши мумкин?

- а) экспорт ва импорт ўсади;
- б) экспорт ўсади, импорт эса пасаяди;
- в) экспорт ва импорт пасаяди;
- г) экспорт пасаяди, импорт эса ўсади;
- д) экспортга ҳам, импортга ҳам сезиларли таъсир кўрсатмайди.

8. Агар АҚШ ва Канада ўргасида эркин сузуб юрувчи валюта курси тартиби ўрнатилса ва агар канада долларига талаб ўсса, бу қуйидагини билдиради:

- а) Канада долларининг таклифи пасайган ёки пасаяди;
- б) АҚШ валютасидаги канада долларининг нархи тушади;
- в) АҚШ доллари таклифи пасаяди;
- г) Канада валютасидаги АҚШ доллари нархи тушади;
- д) АҚШ доллари девальвацияга учраган.

9. Агар АҚШнинг ЯММ пасайса, унда эркин сузуб юрувчи валюта курси тизимида:

- а) импорт камаяди, АҚШ долларининг нархи эса ўсади;
- б) импорт ва АҚШ долларининг нархи пасаяди;
- в) импорт ва доллар нархи ўсади;
- г) импорт ўсади, АҚШ доллари нархи эса пасаяди;
- д) барча жавоблар нотўғри.

10. Агар америка корпорациялари ҳорижликларга юқори дивиденд-лар (долларда) тўлаётган бўлса, унда:

- а) бу долларниң қадрсизланишига олиб келиши мумкин;
- б) бу доллар курсининг кўтарилишига олиб келиши мумкин;
- в) АҚШда мамлакатдан кетган долларларнинг қопламаси сифатида олтин ҳаракат қиласи;
- г) АҚШга импорт кўпаяди ва натижада ҳорижга чиқиб кетган долларлар ўзини қоплади;
- д) барча жавоблар нотўғри.

11. Тўлов балансининг актив қолдиги кўпаяди, агар мамлакатда:

- а) реал фонз ставкалари пасайса;
- б) инфляция суръатлари ўсса;
- в) иқтисодий ўсиш суръатлари ўсса;
- г) юқорида саналган барча жараёнлар юз берса;
- д) юқорида саналганлардан ҳеч бири юз бермаса.

12. Испания тўлов баланси тақчилигини камайтириш мақсадида ташқи савдо устидан назорат ўрнатишга қарор қиласи. Бу қарорнинг натижаси қуйидагича бўлади:

- а) мамлакатда инфляция даражаси пасаяди;
- б) иқтисодий ўсиш суръатлари пасаяди;
- в) испан экспорти қисқарали;
- г) испан импорти қисқарали;
- д) савдо баланси қолдиги пасаяди.

13. Агар қайд этилган валюта курслари тартибида Японияда инфляция даражаси бошқа мамлакатлардагига қараганда юқори бўлса, унда:

- а) япон экспорти ва импорти камаяди;
 - б) япон экспорти ва импорти ўсади;
 - в) япон экспорти ўсади, импорти эса камаяди;
 - г) япон экспорти камаяди, импорти эса ўсади;
- д) Япония тўлов балансининг актив қолдиги кўпроқ бўлади ёки тақчиллиги камроқ бўлади.

ТЎФРИ/НОТЎФРИ

1. IBM корпорациясининг Англиядаги бўлими ўз фойдасини АҚШга ўтказганда, бу операция Буюк Британия тўлов балансида кредит сифатида қатнашади.
2. Олтин стандарт тизими экспорт ва импортни беихтиёр тенглашишига кўмаклашади, чунки, агар мамлакатда олтин заҳиралари камайётган бўлса, унда нарх даражаси ўсади, агар олтин заҳиралари кўпаяётган бўлса, унда нарх даражаси пасаяди.
3. Мамлакат тўлов баланси натижаси ҳар доим 0 ни ташкил этади.
4. Бреттон-Вуд тизими олтин ва долларни халқаро резервлар сифатида ишлатилишини кўзда тутган.
5. Агар биз бошқа мамлакатлар резидентларига қарзлар берәётган бўлсак, бу операция бизнинг тўлов балансимизда кредит сифатида қатнашади.
6. Мамлакат олтин нархини пасайтиrsa, бу унинг валютасининг қадрсизланиши, деб аталади.
7. Мамлакат тўлов баланси мувозанатини тиклаш учун, ички шархларнинг умумий даражасини ўзгартириши мумкин.
8. IBM Америка компанияси Санкт-Петербургда завод сотиб олаётганда, бу операция Россия тўлов балансида кредит сифатида қатнашади.
9. Агар италияликлар француз виноси, пишлоги ва бошқа француз товарлари ҳамда хизматларига талабни кўпайтиrsa, график кўринишда бу француз франкига талаб ва таклиф эгри чизиқларининг ўнгта силжишида акс этади.
10. АҚШ хорижий валютасидаги расмий резервларнинг камайиши тўлов балансида “ – “ белгиси билан акс эттирилади: ушбу операция дебет ёки импорт туридаги операция ҳисобланади.
11. Этилувчан валюта курслари тизими ички иқтисодиётига нобарқарорлаштирувчи таъсир кўрсатиши, ташки савдонинг ва хориждаги инвестициялар ҳажмининг қисқаришига олиб келиши мумкин.
12. Жорий операциялар бўйича тўлов баланси тақчиллиги асосан капиталнинг соғ кирими билан молиялаштирилади.
13. Фунт стерлингнинг доллардаги нархи пасаяётганда, бу доллар фунтга нисбатан қадрсизланадиганини билдиради.
14. 1971 йилдан жаҳон иқтисодиётида қайд этилган валюта курслари тизими амал қилмоқда.
15. Эркин сузуб юрувчи валюта курслари талаб ва таклифнинг тўсиқларсиз ўйини билан аниқланади.

МУАММОЛАР

1. а) Фараз қылайлык, Германия X маҳсулотни Күшма штатлардан импорт қылади. Агар бу маҳсулотнинг нархи АҚШда 5 долларни ташкил этса, валюта курси 1 доллар = 3 марка бўлганда, Германияда у қанча туради? 1 доллар = 4 марка валюта курсидачи? Валюта курси 1 доллар = 2 маркада-чи?


б) 16.1-жадвалда Германиядаги X маҳсулотга талаб ҳажми ва унинг нархлари (маркада) ўртасидаги боғлиқлик кўрсатилган. Шунингдек, жадвалда Германия аҳолисининг турли валюта курсларида бу маҳсулотта кетган таҳминий харажатлари ҳам кўрсатилган.

Жадвалга йўқ маълумотларни ёзинг.

16.1-жадвал.

Валюта курси	АҚШда Хиния нархи (доллар)	Германияда Хиния нархи (марка)	Талаб ҳажми (биринчи)	Жамий харажатлар (юнион)
4 марка=1 доллар	5		500	
3 марка=1 доллар	5		1000	
2 марка =1 доллар	5		1200	

в) 16.3-расмда доллар нархи (маркада) ва X маҳсулотнинг олмониялик импортчилар талаб билдирган доллар миқдори ўртасидаги боғлиқликни кўрсатинг.



16.3 - расм.

2. а) Фараз қылайлык, Кўшма Штатлар Y маҳсулотни Германиядан импорт қылади. Қўйида келтирилган 16.2-жадвалда бу маҳсулотта АҚШдаги талаб тасвирланган. Жадвал турли валюта курсларида америкаликларнинг бу маҳсулотта мўлжалдаги харажатларини ҳам кўрсатади.

Жадвалда йўқ маълумотларни ёзинг.

16.2-жадвал

Валюта курси	АҚШда Унция нархи (доллар)	Германияда Унция нархи (марка)	Галоб ҳажми (биринчи)	Жами харажатлар (доллар)
4 марка = 1 доллар		12	2000	
3 марка = 1 доллар		12	1250	
2 марка = 1 доллар		12	500	

б) 16.3-расмда (I “в” муаммо) доллар нархи (маркада) ва Y маҳсулотга америка импорт қилувчилари тақлиф қилаётган доллар миқдори ўргасидаги боғлиқликни кўрсатинг.

в) Агар АҚШ ва Германия ўртасидаги бутун халқаро савдо фақат X ва Y маҳсулотлар билан чекланган деб фараз қилинса, унда мувозанатли валюта курси қандай бўлади?

г) Агар қайд этилган валюта курслари ва немис маркасининг айирбошлаш курси 1 марка = 0,30 долларни ташкил этади, деб фараз қилинса, унда қандай ҳол кузатилади? Немис маркасининг тақчилигими ёки ортиқалигими?

3. Фараз қилайлик, А ва Б мамлакатларда олтин стандарт қабул қилинган. А мамлакат валютасининг бирлиги $\frac{1}{4}$ олтин унциясига (унция = 28,3 г), Б мамлакат валютасининг бирлиги эса $\frac{1}{4}$ олтин унциясига тенглаштирилган.

а) А валюта бирлиги Б валютада қанча туради?

б) Б валюта бирлиги А валютада қанча туради?

в) Агар Б мамлакат валютасининг бир бирлиги А мамлакат валютасининг уч бирлигига сотила бошласа, унда қандай қилиб яна мувозанатли айирбошлаш курси ўрнатилади?

4. Фараз қилайлик, олтин стандарт тизими мавжуд. АҚШ доллари қайд этилган олтин миқдорига эга, яъни 20,67 доллар = 1 унция, Британия фунти эса 4,25 ф.ст.=1 олтин унцияси.

а) Доллар / фунт стерлинг айирбошлаш курси қандай?

Фараз қилайлик, сиз 1 фунт стерлинг = 6 доллар айирбошлаш курсида 85 фунт стерлингга эга бўлиб, тижорат операцияларини амалга ошира бошлайсиз.

б) Сиз Буюк Британияда олгинни қандай миқдорда сотиб олишингиз мумкин эди?

в) Фараз қилайлик, сиз Британияда олгин сотиб олмайсиз, балки ўз фунтингизни долларга айирбошлайсиз. Сиз кейин АҚШда қандай миқдордаги олтинни сотиб олишингиз мумкин бўлади?

г) Агар сиз бундан кейин олгинни Буюк Британияга қайтариб жўнатсангиз, унда у фунтларда қанча туради?

д) Сизнинг фикрингизча, 6 доллар = 1 фунт стерлинг айирбошлаш курси қанча муддатга сақланади?

е) Агар айирбошлаш курси 3 доллар = 1 фунт стерлингни ташкил этган бўлса, эҳтимолий воқеаларни изоҳланг.

5. Уч мамлакат А, Б ва В нинг ҳар бири инфляциянинг юқори даражасига эга. Халқаро соҳада бу мамлакатлар ўртасида эркин сузуб юрувчи валюта курслари тартиби ўрнатилган. А мамлакат, инфляция даражасини пасайтиришга интилиб, рестректив пул сиёсатини (“қиммат” пуллар сиёсатини) ўtkaza бошлайди.

а) Бу А мамлакат валютасининг бошқа икки мамлакат валюталарига нисбатан айрбошлиш курсига қандай таъсир кўрсатади?

б) Бу А мамлакат маҳсулотининг рақобат қобилиятига қандай таъсир этади?

в) Б ва В мамлакатлардаги инфляция даражасида бу вақтда нима юз беради?

Энди Б мамлакат ҳам қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказа бошлади.

г) Бу Б мамлакат валютасининг бошқа икки мамлакат валюталарига нисбатан айрбошлиш курсига қандай таъсир этади?

д) Б мамлакат қатъий пул-кредит сиёсатининг А мамлакат вазиятига таъсирини қисқача ёритинг.

Биз, албатта, агар Б мамлакат қатъий пуллар сиёсатини ўтказса, нима юз беришини кўриб чиқишимиз мумкин эди. Аммо бунинг ўрнига:

е) Учта мамлакат ўртасидаги иқтисодий сиёсат мувофиқлашувининг потенциал ағзалликларини қисқача санаб чиқинг.

ЖАВОБЛАР ВА ШАРХЛАР

Асосий ятамалар ва тушунчалар

1. з; 2. л; 3. а; 4. м; 5. и; 6. б; 7. е; 8. ж; 9. к; 10. в; 11. е; 12. г; 13. н; 14. о

Машқлар

1. а), б) Юқорироқ таклиф эгри чизиги доллар қадрсизлангандан кейинги вақт даврига мос келади. Худди ўша таклиф ҳажмини сақлаш учун, япон ишлаб чиқарувчилари энди долларда юқорироқ нархларни белгилашлари лозим.

в) харажатлар камаяди.

г) харажатлар кўпаяди.

2. а) Камаяди.

б) Тушади.

в) Тушади.

3.

Моддатлар	Дебет	Кредит
	(млн. доллар)	
Импорт	100	
Экспорт		120
Қимматли қофозларни сотиб олиш	50	
Қимматли қофозларни сотиш		60
Пул ўтказмалари		30
Олтин импорти	60	
Жами	210	210

4. а) Доллар $1 \frac{2}{3}$ франкка сотилади.
б) 60 цент.

в) $340 \text{ млн. франк} \times 60 \text{ цент} = 204 \text{ млн. доллар}$.
г) 340 млн. франк.

5. а) Сотиб олиш; 20 млн. фунт.
б) Ўз расмий резервларидан.

Тестлар

1.б; 2. г; 3. в; 4. в; 5. г; 6. в; 7. б; 8. г; 9. в; 10. а; 11. д; 12. г; 13. г.

Түғри/Нотүғри

1. Н; 2. Т; 3. Т; 4. Т; 5. Н; 6. Н; 7. Т; 8. Т; 9. Н; 10. Н; 11. Т; 12. Т; 13. Н; 14. Н; 15. Т.

Муаммолар


1. а) 15 марка, 20 марка , 10 марка.
б)

Германия та Хиния пархи (марка)	Жами харажатлар (доллар)
20	2500
15	5000
10	6000

- в) 16.4-расмга қаранг.
2. а)

АКПЕда Унинг пархи (доллар)	Жами харажатлар (доллар)
3	6000
4	5000
6	3000

- б) 16.4-расмга қаранг.
в) 3 марка = 1 доллар.
г) Германия маркасига талаб унинг таклифидан ортиқ бўлади, марка тақчиллиги кузатилади.



16.4 - расм. Долларга талаб ва унинг таклифи

3. а) А мамлакат валютаси бирлиги Б мамлакат валютасининг $\frac{1}{5}$ бирлигига тенг.
 б) Б мамлакат валютаси бирлиги А мамлакат валютасининг $\frac{5}{3}$ бирлигига тенг.
 в) Б мамлакат ақолиси ўз валюталари бирлигини $\frac{1}{4}$ унция олтинга айрбошлаши ва уни А мамлакатта олиб келиши мүмкін. Бу ерда у маҳаллий валютаның $\frac{5}{3}$ бирлигига сотилиши мүмкін. Шундай экан, Б мамлакат ақолиси ўз валюталари бирлигини А мамлакат валютасининг $\frac{3}{5}$ бирлигига айрбошламайдилар.
4. а) $20,67 : 4,25 = 4,86$.
 б) 20 унция.
 в) 85 ф.ст. 510 долларга айрбошланади, унга 24,67 унция олтин сотиб олиш мүмкін.
 г) 24,67 унция олтин Буюк Британияда 104,85 ф.ст. туради. Кейин операцияни тақорлаш керак: олтинни Буюк Британияда сотиш, фунтни долларга конвертация қилиш ва яна АҚШда олтин сотиб олиш.
 д) Бундай курс фақат жуда қысқа вақт сақланиб туриши мүмкін.
 е) Агар валюталар ўртасидаги нисбат уларнинг олтиндаги миқдори билан белгиланса, унда операцияларнинг тескари занжири фойдалы бўлиб қолади: олтинни АҚШда сотиш ва уни Буюк Британияда сотиб олиш.
5. а) Рестректив пул сиёсати фоиз ставкалари кўтарилишига ва А мамлакат валютаси курсининг кўтарилишига олиб келади.
 б) Рақобат қобилияти пасаяди.
 в) Б ва В мамлакатларда маҳсулотнинг рақобат қобилияти кўтарилади, чунки уларнинг валюталари курси пасаймоқда. Нархлар ўсиши жараёнлари кучайди.
 г) Б мамлакат валютасининг айрбошлаш курси кўтарилади.
 д) А мамлакат валютаси курси Б ва В мамлакатлар валюталарига нисбатан пасайди. Ўсиға интилиш кучайди.
 е) Агар учала мамлакат ўз ҳаракатларини мувофиқлаштираса, унда валюта курслари тебранишларини юмшатишига, молия капиталини чайқовчилар кўлида ҳаракатланишини сусайтиришига ва катта иқтисодий барқарорликни таъминлашга эришилар эди. Ҳар бир алоҳида мамлакатда инфляцияга қарши сиёсат ҳаражатлари камроқ бўлар эди.

МАКРОИҚТИСОДИЁТ

амалай қўлланма

Нашр учун масъул: Р. Қаюмов
Таҳририй кенгаш: Г. Сайдова, С. Қосимова, Х.Хўжаев
Техник муҳаррир: Л. Алимова
Саҳифаловчи: И. Буранов

Босишига руҳсат этилди 18.06.2001. Бичими: 70x100 $\frac{1}{16}$. Таймс гарнитураси,
Кегли 10 шпонли. Шартли босма листи .
1300 нусхада босилди. Буюртма # 98.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши
академияси «Академ хизмат» шўъба корҳонасида босилди.
700003, Тошкент, Ўзбекистон, 45.

